



The Picture of
DORIAN GRAY

OSCAR WILDE

Озод Шарафиддинов таржимаси

Оскар Уайльд (1854-1900) шоир, адиб, драматург сифатида инглиз адабиётида ёрқин из қолдирган ижодкорлар жумласидан. У ажойиб лирик шеърлар, қатор дostonлар, таржимаси драматик асарлар муаллифидир. О.Уайльднинг ҳикоялари ва фалсафий эртаклари ҳам машҳур. Эътиборингизга ҳавола қилинаётган "Дориан Грейнинг портрети" романи ҳам адибнинг шоҳ асарлари жумласига киради.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ журнали

Дориан Грейнинг портрети

Роман
МУҚАДДИМА

Санъаткор — гўзаллик яратувчидир.

Санъат интиладиган мақсад — одамларга ўзини ошкор қилиб, уларнинг назаридан санъаткорни яшириб қолишдир.

Мунаққид — гўзалликдан олган таассуротини янги шаклга ёки янги воситалар билан ифодалаб беришга қодир одам.

Танқиднинг олий шакли ҳам, қуйи шакли ҳам — автобиографиянинг турларидан биридир.

Гўзал нарсадан иллат топадиган одамлар айнаган одамлардир. Бироқ айнаш уларни ёқимлироқ қилиб қўймайди, албатта. Бу — катта гуноҳдир.

Гўзалликда унинг юксак маъносини кўришга қобил одамлар маданиятли одамлардир. Уларга умид билан қараса бўлади.

Лекин энг асили ва энг маъқули — гўзалликда фақат бир нарсани — чиройлиликнигина кўра оладиган одамдир.

Ахлоқий ёки ахлоқсиз китоблар бўлмайди. Фақат яхши ёзилган

ёки ёмон ёзилган китобларгина бўлади, холос. Тамом-вассалом.

Ўн тўққизинчи асрнинг Реализмга нафрати — ўз турқини кўзгуда кўриб қолган Калибанинг ғазабидир.

Ўн тўққизинчи асрнинг Романтизмга нафрати кўзгудан ўз аксини тополмаган Калибанинг ғазабидир.

Инсоннинг маънавий ҳаёти — санъаткор учун ижодининг мавзуларидан бири, холос. Санъат ахлоқи эса — номукаммал воситаларни мукаммал қўллашдан иборатдир.

Санъаткор бирор нарсани исбот қилиб беришга интирмайди. Ҳатто шак-шубҳа туғдирмайдиган ҳақиқатларни ҳам исбот қилиб берса бўлади.

Санъаткор насиҳатгўй эмас. Агар санъаткор насиҳатгўйликка мойил бўлса, бу услубда кечириб ўлмайдиган жимжимадорликни туғдиради.

Санъаткорга носоғлом тамойилларни ёпиштириб юрманг. Унга истаган нарсасини тасвирлашга эрк берилган.

Фикр ва Сўз санъаткор учун санъат воситасидир. Иллат ва фазилат — унинг ижоди учун материалдир.

Агар шакл ҳақида гапириладиган бўлса, ҳамма санъатларнинг тимсоли мусикачининг санъатидир. Туйғулар ҳақида гап кетадиган бўлса — актёр санъатидир. Ҳар қандай санъатда ҳам юзада ётадиган нарса ва рамз бор.

Кимда-ким юқоридаги нарсдан қониқмай чуқурроқ кавлашга аҳд қилса, қалтис ишга қўл урган бўлади.

Рамзнинг маъносини чакмоқчи бўлган ҳам қалтис ишга қўл урган бўлади.

Моҳиятан, Санъат шундай бир кўзгудирки, унда сира ҳам ҳаёт акс этмайди, балки унга қараган одамнинг аксигина жилоланади.

Агар санъат асари баҳсларга сабаб бўлса, демак, унда алланечук янги, мураккаб ва муҳим нарса бор.

Майли, мунаққидлар хилма-хил фикр айтаверишсин, санъаткор

Ўзига содиқ қолади.

Одам бирор фойдали иш қилса-ю, бу ишидан ўзи завқланиб ҳаволанмаса, уни кечириш мумкин. Бефойда нарса барпо этадиган одамни эса оқлайдиган ягона нарса — ўзининг ана шу яратган нарсасига эҳтиросли муҳаббатидир.

Ҳар қандай санъат мутлақо бефойдадир.

Оскар УАЙЛЬД

БИРИНЧИ БОБ

Рассомнинг устахонаси атиргулнинг хушбўй ҳидига тўлиб кетганди. Боғда енгил шабада турса, очиқ эшикдан устахонага кириб келар, ўзи билан бирга баъзан кишини маст қилувчи настарин ҳидини, баъзан эса алвон-алвон гуллаб ётган дўлана бўйларини олиб келарди.

Лорд Генри Уоттон эроний гиламлар тўшалган диван устида ҳар доимдагидек папиросини кетма-кет тутатганича узала тушиб ётарди. У ётган жойдан фақат бутазор кўринар, ундаги оқ толларнинг асалдай хушбўй ва тилладай товланувчи гуллари куюш алангасида ял-ял ёнарди, силкиниб турган шохлар эса бу залворли ялтироқ гўзалликни зўрға кўтариб тургандай туюларди; аҳён-аҳёнда баҳайбат деразага тутиб қўйилган узун ипак пардалар қатларига ташқарида учиб кетаётган кушлар ғаройиб соялар ташлаб ўтишарди. Шунда пардалар сатҳида бир зум японча сувратлар жилолангандек бўларди. Бунини кўриб лорд Генри олис Токионинг сарғиш чеҳрали рассомларини ўйлаб кетарди. Гарчи улар табиатан имиллагандай кўринсалар-да, ўй-фикрларини санъат воситалари билан ифодалаб беришга интилишарди. Баланд ўсган майсалар оралаб учиб юрган ёки зарҳал зарраларга кўмилган жингала дук чўплар устида айланаётган ариларнинг ғувиллаши сукунатни янада маъюсроқ қилади. Лондоннинг бўғиқ олағовури бу ерга олис арғанун садосидай етиб келарди.

Устахонанинг ўртасида молъбертда ҳаддан ташқари хушрўй бир йигитнинг суврати. Молъберт олдида — унинг сал ёнроғида

рассом ўтирипти. Рассом ўша Бэзил Холлуорднинг ўзи. Бэзил бир неча йил аввал кўққисдан ғойиб бўлиб қолиб, Лондон аҳлини қаттиқ ташвишга қўйганди. Ушанда қанчадан-қанча бири-биридан баттар ҳавойи тахминлар туғилмади, дейсиз?

Рассом соҳибжамол йигитнинг сувратини жуда зўр маҳорат билан чизиб қўйганди. Ҳозир у йигитнинг сувратидан кўзини узолмай, мамнун жилмайиб ўтирипти. Тўсатдан у сапчиб турди-да, кўзларини юмиб, бармоқлари билан қовоғини босди. У гўё уйғониб кетишдан кўрқиб, аллақандай ғаройиб тушини хотирасида сақлаб қолишга тиришаётгандай кўринар эди.

— Бу сенинг энг яхши асаринг, Бэзил. Сен яратган жамики асарларинг ичида энг яхшиси — шу, — деб гап қотди лорд Генри эринибгина. — Янаги йили бу сувратни, албатта, Гровенорга кўргазмага жўнатиш керак. Академияга юборишнинг ҳожати йўқ. Академиянинг ҳаддан ташқари бағри кенг, қаланғи ҳам, қасанғи ҳам қатнашаверади. Қачон борма, ҳамиша одам гавжум. Одамнинг кўплигидан томошага қўйилган сувратларни кўролмайсан. Ёхуд суврат шунақа кўп бўладики, одамларни ажратолмай қоласан. Сувратларни кўролмасанг бир бало, одамларни кўролмасанг яна бир бало. Йўқ, бирдан-бир тўғри келадиган жой — Гровенор.

— Мен бу сувратни, умуман, кўргазмага қўймоқчи эмасман, — деб жавоб берди рассом бошини орқасига ташлаб. Унинг бу қилиғидан Оксфорд дорилфунунидаги ўртоқлари кўп кулишарди.

— Йўқ, мен уни ҳеч қаёққа жўнатмайман. Ҳайрон бўлганидан лорд Генрининг қошлари чимирилди, тамакисига наша аралаштирилган папиросидан ҳалқа-ҳалқа бўлиб шипга ўралаётган мовий тутун орқали Бэзилга разм солди.

— Ҳеч қаёққа жўнатмайман дейсанми? Нега энди? Нима сабабдан бунақа килмоқчисан, азизим? Ростини айтсам, рассом халқи хўп ғалати бўлади-да! Шухратга эришмоқ учун жонларини жабборга беришади, унга эришганларидан кейин эса гўё шухрат уларга малол келиб қолгандай бўлади. Бу ғоятда бемаъни эмасми? Агар оғизга тушганинг сенга ёқмаса, сенинг тўғрингда

бутунлай индамай қўйсалар, бу ундан ҳам ёмон. Бу портретинг, Бэзил, Англиянинг жамики ёш рассомлари орасида сени энг юксак мавқега кўтарар эди; агар кекса рассомлар ҳали ҳам бирор туйғуни кечириш қобилиятини сақлаб қолган бўлса, уларнинг ҳам роса ҳасадини кўзгаган бўларди.

— Биламан, сен менинг устимдан куласан,— деб эътироз билдирди рассом, — лекин ростини айтсам, мен бу портретни ҳаммага кўз-кўз қилиб кўёлмайман... Бу расмга менинг буткул жону-танним сингиб кетган.

Лорд Генри диванга қулайроқ жойлашиб ўтирар экан, хохолаб кулиб юборди. — Ана, кўрдингми? Бу нарса сенга кулгили кўринишини шундоқ ҳам билган эдим. Шундай бўлса-да, бу — чин ҳақиқат!

— Буткул жону танним сингиб кетган дейсанми? Худо ҳақи, Бэзил, сенинг бунчалик мақтанчоқлигингдан беҳабар эканман. Сен билан сен ишлаган суврат ўртасида зиғирдек ҳам ўхшашлик кўрмаяпман. Сен қорақош, қорасоч, қорамағиз йигитсан, чеҳрангдан қаҳр ёғилиб туради. Сувратдаги йигит эса баайни фил суяги-ю атиргул баргларида ясалган навқирон Адониснинг ўзи. Тушунсанг-чи, Бэзил, У — Нарцисс, сен эса... Рост, сенинг юзингда нур бор, илҳом бор. Аммо гўзаллик, ҳақиқий гўзаллик нур бор жойда ғойиб бўлади. Юксак даражада тараққий этган ақлнинг ўзи қай бир даражада ғайритабиийроқ нарса, у қиёфадаги уйғунликка путур етказди. Одам фикр қилабошлаши биланоқ номутаносиб тарзда унинг бурни чўзилади ё пешонаси кенгайиб кетади. Ехуд бошқа бирон нарса унинг хуснини бузади. Истаган илмий соҳанинг донгдор арбобларини олиб кўргин — ҳаммаси бадбашара эканини кўрасан. Диний раҳнамоларимиз, албатта, бундан мустасно, лекин улар мияларини ишлатиб, ўзларини қийнаб ўтиришмайди. Епископ саксон ёшга кирганида ҳам унга ўн саккиз яшар йигитлиги чоғида уқтиришган гапларни такрорлашда давом этади. Табиийки, унинг юзидаги чирой ҳам, ботавфиқлик ҳам сақланиб қолади. Сен навқирон ошнангнинг исмини айтишни истамаяпсан. Унинг сувратига қараб ҳукм қилганда, бу сирли йигит жуда жозибадор,

бинобарин, у ҳеч нарса тўғрисида ўйламайди. Бунга менинг имоним комил. Бу йиғит, афтидан. Худо яратган миясиз, лекин жуда дилбар махлуқ бўлса керак. Бундай махлуқ ҳамиша бизнинг кўз ўнгимизда турмоғи керак — қишда, гуллар йуқ фаслда кўзимизни қувонтирмоғи, ёзда эса жунбушга келган мияларимизни совутмоғи лозим. Йўқ, Бэзил, ўзингга ўзинг хушомад қилмай қўяқол: сен унга заррача ҳам ўхшамайсан.

— Сен мени тушунмадинг, Гарри, — деди рассом. — Албатта, мен билан бу йиғит ўртасида ҳеч қанақа ўхшашлик йўқ. Мен буни жуда яхши биламан. Сирасини айтганда, мен ўзим ундай бўлмоқни хоҳламайман ҳам. Сен елкангни қисяпсан-а? Ҳолбуки, мен чин юракдан самимий гапиряпман. Жисмонан ёхуд руҳан комил одамларнинг тақдирида аллақандай бир шум қисмат бўлади — бутун тарих давомида ана шундай шум қисмат қиролларнинг нотўғри қадамларига раҳнамолик килиб келгандай. Бошқаларлан Ҳеч нарса билан ажраб турмаслик бехатаррок. Бу дунёда ҳамиша тентаклар билан бадбашараларгина ютиб чиқади. Улар беъмалол ўтириб, бошқаларнинг курашини томоша қилаверишлари мумкин. Улар ғалабалар нашидасини суриш имконидан маҳрум, лекин бунинг эвазига мағлубият аламини ҳам тотмайдилар. Қани энди, биз ҳам ҳамиша уларга ўхшаб яшасак — ташвиш нималигини билмасак, осуда, хотиржам ҳаёт кечирсак, ҳамма нарсага лоқайд бўлсак. Улар ҳеч кимни ҳалокат чоҳига етакламайдилар ва ўзлари ҳам душман қўлидан ҳалок бўлишмайди... Сен, Гарри, аслзода ва бадавлатсан, менинг ҳар қанча арзимас бўлмасин, ақлим ва истеъдодим бор. Дориан Грей эса чиройга эга. Худоларнинг ана шу бари инъомлари учун биз вақти-соати келиб ҳақ тўлаймиз, оғир изтироблар эвазига қарзимизни ўтаймиз.

— Дориан Грей дейсанми? А-ҳа, демак, унинг исми Дориан Грей экан-да? — деб сўради лорд Генри Холлуорднинг ёнига борар экан.

— Ҳа. Унинг исмини атагим келмаган эди.

— Нима сабабдан?

— Нима десаикин?... Мен бирор одамни жуда яхши кўрадиган бўлсам, ҳеч қачон ҳеч кимга унинг номини айтмайман. Унинг номини айтиш ўзинг учун азиз одамнинг бирон заррасини бошқаларга бериб юбориш билан баравар. Шундай қилиб десаки, мен ўз қобиғимга ўралиб олдим, одамлардан яширадиган сирим борлиги менга ёқиб қолди.

Ҳозирги турмушимизни биз учун қизиқарли ва сирли қиладиган якка-ю ёлғиз нарсанинг ўзи ҳам, аслида, шу. Энг оддий, энг арзимас буюм ҳам уни одамлардан яшира бошлашинг биланоқ бирдан кишини лол қолдирадиган даражада қизиқарли бўлиб қолади. Лондондан жўнаб кетар эканман, эндиликда мен ҳеч қачон қариндош-уруғларимга қаёққа кетаётганимни айтмайман. Уларга айтиб қўйсам, сафаримнинг қизиғи қолмайди, вассалом. Тўғри, бу инжиқлигим кулгили, лекин, шу ваядан қандайдир йўл билан менинг ҳаётимга анча-мунча романтика кириб келадику? Сен, албатта, буларнинг барини уччига чиққан бемаънилик деб атайсан, шундайми?

— Сира ҳам-да, — дея эътироз билдирди лорд Генри. — Сира ҳам ундай эмас, азизим Бэзил; Мен уйланган одам эканимни унутиб қўяяпсан. Ҳолбуки, оила қуришнинг бирдан-бир гўзал томони шундаки, у иккала томонни ҳам муқаррар тарзда ёлғончиликда устаси фаранг қилиб юборади. Мен ҳеч қачон хотиним қаерда эканини билмайман, менинг хотиним эса менинг нима билан машғул эканимни билмайди. Биз аҳён-аҳёнда учрашиб ҳам турамыз. Шундай учрашувларда — меҳмонда бирга тушлик қилганимизда ёхуд бирон герцогникига ташриф буюрганимизда — биз ўта жиддий қиёфада бир-биримизга ҳар қанақа арзимас нарсани гапириб ўтирамыз. Хотиним бу ишни мендан кўра аълороқ бажаради. У ҳеч қачон гапидан адашиб кетмайди, мен бўлсам доимо ҳамма нарсани чалкаштириб юраман. Шуниси ҳам борки, агарда угапимдаги ёлғонни сезиб қолса, жаҳл қилмайди ва машмаша кўрсатмайди. Баъзан-баъзан машмаша қилмаганига ўкинаман ҳам. Хотиним бўлса мени мазах қилиб қўяқолади.

— Оилавий ҳаётинг тўғрисида шунақа оҳангда гапирсанг,

тоқатим тоқ бўлиб кетади, Гарри, — деди Бэазил Холлуорд боққа чиқадиган эшикка яқинлашиб. — Ишончим комилки, амалда сен бинойидек эрсан, фақат ўзингнинг фазилатларингни тан олишга хижолат чекасан. Ғалати одамсан-да; Ҳеч қачон бирон-бир виждонга дахлдор гап гапирмайсан ва ҳеч қачон бирон-бир виждонсиз иш ҳам қилмайсан. Сенинг беҳаёлигинг шунчаки номига, холос — Биламан, самимий бўлиш олифтагарчиликдан ўзга нарса эмас, олифтагарчилик бўлганда ҳам одамлар жуда ёмон кўрадиган олифтагарчилик, — деб хитоб қилди лорд Генри жилмайиб.

Йигитлар боққа чиқишди ва баланд дафна дарахтининг соясига қўйилган ғаров скамейкага ўтиришди. Дарахтнинг худди локлаб қўйилганга ўхшаш ялтираган япроқларида қуёш шуълалари ўйнади. Майсалар орасида оппоқ дастор гуллар асга чайқаларди.

Уйнинг эгаси ва меҳмон бир неча муддат сукут ичида ўтиришди. Кейин лорд

Генри соатига қаради.

— Афсус, кетадиган вақтим бўлиб қолипти, Бэзил, — деди у. — Аммо кети-

шимдан олдин сендан сўраган битта саволимга жавоб бермоғинг керак.

— Қанақа савол экан? — деб сўради рассом бошини кўтармай.

— Қанақа савол эканини ўзинг яхши биласан.

— Йўқ, Гарри, билмайман.

— Яхши, сенга эслатиб қўяй, бўлмаса. Марҳамат қилиб тушунтириб бер-чи — сен нега Дориан Грейнинг портретини кўргазмага юбормасликка аҳд қилдинг? Мен ҳақиқатни билмоқ истайман.

— Мен сенга ҳақиқатни айтдим.

— Йўқ. Сен бу портретга сенинг ўзлигинг анча сингиб кетганини айтдинг, холос. Бу гап, ахир, жиддий гап эмас-ку?

— Бир нарсани тушун, Гарри, — деб Холлуорд лорд Генрининг кузларига тик қаради. — Мехр билан чизилган ҳар қандай портрет, сирасини айтганда, рассом қаршисида сувратга тушмоқ учун ўтирган одамнинг эмас, рассомнинг ўз портретидир. Рассом ишлаган сувратида қаршисида ўтирган одамнинг эмас, ўз-ўзининг қиёфасини очиб беради. Бу портрет менинг юрак сирларимни ошкор этиб қўймаса деб қўрқаман. Шунинг учун уни кўргазмага қўйиш ниятида эмасман.

Лорд Генри қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Қанақа сир экан бу "юрак сирлари? — деб сўради.

— Майли, бўлмаса, сенга гапириб бера қолай, — деб гап бошлади Холлуорд хижолатомуз қиёфада.

— Қани-қани? Бажонидил эшитаман, Бэзил, — дея қисташда давом этди. Бэзил унга қараб туриб, деди:

— Гапирадиган гапнинг ўзи ҳам йўқ ҳисоб, Гарри ... Гапирганим билан, мени тушунишинг қийин бўлар дейман. Гапларимга ишонмасанг керак.

Лорд Генри бунга жавобан истехзо билан кулди-да, энгашиб майсалар ичидан

бир пушти дасторгулни узиб олди.

— Менинг мутлақо имоним комилки, гапингни тушунаман, — деб жавоб берди у гулнинг четларидаги оқиш зарҳал барглари ни диққат билан кўздан кечирар экан. — Мен истаган нарсага ишона биламан. Ҳар қанча ақл бовар қилмайдиган бўлса ҳам ишонавераман.

Кўқққисдан кўзғалган шабадада дарахтларнинг япроқлари тўкилди. Настариннинг ғужум-ғужум бошлари гўё майда юлдузчалардан таркиб топгандай жазирама қўйнида димиқиб ётган мудроқ сукунат ичида аста чайқалди. Девор тагида чигиртка чириллади. Ялтироқ жигарранг қоматли ниначи ҳавода мовий ипдай липиллаб ўтди... Лорд Генрига Бэзилнинг юраги бетоқат ураётгани эшитилгандай туюлди-ю, у бундан кейин нима бўлишини тусмоллаб билмоқчи бўлди.

— Гапнинг пўсткалласини айтсам... — давом этди бир оз сукутдан кейин рассом. — Икки ойча муқаддам мен леди Брэндоннинг уйида зиёфатда бўлган эдим. Биз шўрлик рассомлар аҳён-аҳёнда бўлса ҳамки одамлар орасида кўриниб турмоғимиз лозим. Лоақал шу йўл билан одамларга ўзимизнинг ёввойи эмаслигимизни кўрсатишимиз керак-да; Сенинг гапларинг эсимда — фрак кийиб, оқ бўйинбоғ тақиб олса, ҳар қандай одам, ҳатто биржанинг даллоли ҳам маданиятли одам деб саналиши мумкин.

Леди Брэндоннинг меҳмонхонасида чамаси ўн минутлар мобайнида мен ясантусанни дўндирган зодагон бевалару сипо академиклар билан гурунглашиб турдим. Кейин тўсатдан

аллаким менга қараб турганини ҳис қилдим. Мен орқамга ўғирилдим, шу заҳоти биринчи марта Дориан Грейни кўрдим. Бизнинг кўзларимиз тўқнашди ва мен рангим оқариб кетганини сездим. Менинг бутун вужудимни алланечук ғайришуурий бир кўрқув чулғаб олди. Мен бир нарсани англадим: қаршимда турган одам ҳаддан ташқари мафтункор, агар мен унинг сеҳрига асир бўлиб

қолсам, у мени бутун вужудим билан, қалбимни ҳам ва ҳатто санъатимни ҳам ямламай ютади. Ҳолбуки; мен ҳаётимга ҳеч қандай бегона нарсаларнинг таъсир қилишини истамас эдим. Менинг табиатим қанчалик мағрур эканини сен яхши биласан, Генри. Мен ҳамиша ўзимга ўзим хўжайин бўлиб келганман. Жилла бўлмаса, Дориан Грей билан учрашганимга қадар шундай эди. Ўша чоғда бўлса... Билмадим — сенга қандай тушунтирсам экан... Ичимдаги аллақандай-овоз ҳаётимдаги мудҳиш бир бурилиш арафасида турганимдан дарак берарди. Ғира-шира сезиб турибманки, тақдир мен учун ғаройиб шодмонликлар тайёрлаб қўйган ва мени шунга яраша тубсиз азоб-уқубатлар ҳам кутяпти. Мен даҳшатга тушиб кетдим. Кетишга жаҳд қилдим-у эшик томон қадам ташладим. Мен буни бутунлай ғайришуурий тарзда, аллақандай кўрқув, ваҳима важдан қилдим. Албатта, қочишга уринганим менинг шаънимга ярашмайдиган иш бўлган эди. Виждонан айтганда...

— Виждон билан кўрқоқлик моҳиятан битта нарса, Бэзил. "Виждон" деганлари кўрқоқликнинг расмий номи, холос. Тамом-вассалом.

— Мен бунга ишонмайман, Гарри. Менимча, сен ўзинг ҳам бунга ишонмай-сан... Хуллас, билмадим, қандай важлар менга раҳнамо бўлди, балки такаббурликдандир, негаки мен жуда ҳам мағрур одамман, — мен эшик томон йўналдим.

Лекин эшик олдида мен, албатта, леди Брэндонга рўпара келдим. "Нима бало, хозирдан қочиб қолиш пайига тушиб қолдингизми, мистер Холлуорд?" — деб хитоб қилди у. Унинг қанақа чинқироқ овози борлигини ўзинг яхши биласан:

— Нимасини айтасан? Бу аёл чинакам товуснинг ўзгинаси, фақат

товуснинг : таровати унга бегона, — деб гапни илиб кетди лорд Генри узун-узун бармоқлари билан дасторгулни асабий эзғилар экан.

— Ундан қутулмоғимнинг иложи бўлмади. У мени аллақандай олий зотлар билан таништирди, кейин кўкси юлдузу нишонларга тўла рутбалик одамларга рўпара қилди, шапалоқдек-шапалоқдек олмос тўғнағичлар қадаб олган эгрибурун кампирларга кўз-кўз қилди. У мени умрида бор-йўғи иккинчи марта кўриб турган бўлса-да, ҳаммага ўзининг энг яхши дўсти сифатида тақдим этди. Афтидан, у мени ҳам ўзига таниш машхур одамлари сирасига қўшиб олишга қаттиқ аҳд қилган кўринарди. Уша кезларда сувратларимдан бири кўпчиликка манзур бўлганди, шекилли, ҳар ҳолда енгил-елпи газеталарда унинг тўғрисида кўп ёзиб қолишган эди. Бу эса бизнинг замонамизда машхурликка берилган патта ҳисобланади.

Ўшанда мен тўсатдан биринчи кўришгандаёқ қалбимда ғалати ҳаяжон уйғотган йигит билан юзма-юз келиб қолдим. У менга шунчалик яқин жойда турган эдики, тўқнашиб кетишимизга сал қолди. Яна кўзларимиз кўзимизга тушди. Шунда мен ўйлаб ҳам ўтирмай, леди Брандондан бизни таништиришни илтимос қилдим. Сирасини айтганда "ўйлаб ҳам ўтирмай" деганим унча тўғри эмас. Бизни таништириб қўйишмаса, барибир, биз бир-биримиз билан тиллашиб кетардик. Бунга

ишончим комил. Кейинчалик Дориан менга худди шу гапни айтди. У ҳам биринчи учрашувимизданоқ бизни бир-биримизга тасодиф эмас, тақдир рўпара қилганини сезган экан. Ўшанда мен тўсатдан биринчи кўришгандаёқ қалбимда ғалати қаяжон уйғотган йигит билан юзма-юз келиб қолдим. У менга шунчалик яқин жойда турган эди-ки, тўқнашиб кетишимизга сал қолди. Яна кўзларимиз кўзимизга тушди. Шундамен ўйлаб ҳам ўтирмай, леди Брэндондан бизни таништиришни илтимос қилдим. Сирасини айгганда “ўйлаб ҳам ўтирмай” деганим унча туғри эмас. Бизни таниш-тириб қўйишмаса, барибир, биз бир-биримиз билан тиллашиб кетардик. Бунгаишончим комил. Кейинчалик Дориан менга худди шу гапни айтди. У ҳам бирин-

чи учрашувимизданоқ бизни бир-биримизга тасодиф эмас, тақдир рўпара қилга-нини сезган экан. —Бу барно йигит тўғрисида леди Брэндон сенга нима деган эди? — деб сўради лорд Генри.

— Мен биламан — унинг ҳар битта меҳмонини ўхшатиб таърифлаш одати бор. Эсимда, бир гал у мени аллақандай қизил юзли сервиқор бир чолга рўпара қилди. Унинг ёнига борар эканмиз, менинг қулоғимга шивирлаб, унинг таржи-маи қолига тегишли кўп қайратомуз тафсилотларни гапириб берди. Лекин шивир-лаганда шунақа шивирладики, назаримда, унинг гапини меқмонхонадагиларнингқаммаси эшитди, шекилли. Мен бир амаллаб леди Брэндондан қочиб қутулган-дим. Одамларнинг қанақа эканини ўзим бировнинг ёрдамисиз билиб олишни хуш кўраман. Леди Брэндон эса ўзининг меҳмонларини шунақа таъриф қиладики, худди кимошди савдосидаги даллол сотаётган буюмини таърифлаётганга ўхшайди: ё умехмонлари тўғрисида қеч ким билмайдиган ноёб гапларни гапириб беради, ёхуд сиз билмоқчи бўлган гапдан бошқа гапларни ҳаммага маълум қилади. —Шўрлик леди Брэндон! Уни ҳеч аямаяпсан-ку, Гарри, — деб паришонхотирлик билан луқма ташлади Холлуорд. — Азизим, у ўзининг уйида “салон” барпо этмоқчи эди. Бу бўлмади, ўрнига оддий бир емакхона чиқди, холос. Сен бўлсанг, унга қийин бўлмоғини истаяпсан,шундайми? Кел, қўй, буни гапирма. Яхшиси, менга Дориан Грей тўғрисида унинг нима деганини айтиб бер. —Бир нималар деётувди. “Жуда дилбар йигит... Унинг онаси билан орамиздан қил ўтмасди... Йигит нима билан шуғулланиши хаёлимдан кўтарилипти... Такасалтангмиди дейман-да... Ҳа-я, бинойидек рояль чалади... Ё скрипка чалармидингиз, азизим мистер Грей?” деганга ўхшаш гапларни айтганди. Ўшанда икковимиз ҳам ўзимизни кулгидан тўхтатиб қололмагандик. Нечукдир шу ҳол бизни дарҳол бир-биримизга яқин қилиб қўйди. Агар дўстлик кулги билан бошланса, бунга нима етсин? Агар у кулги билан тамом бўлса, бу яна ҳам яхши, — деб луқма ташлади лорд Генри яна битта дасторгулни узиб олар экан. Холлуорд бош чайқади. —Чинакам дўстлик нима эканини сен билмайсан, Гарри, —деди у оҳиста. —Чинакам душманлик

ҳам нима эканидан беҳабарсан. Сен ҳаммани яхши кўрасан. Ҳаммани яхши кўрмоқ эса ҳеч кимни ёқтирмаслик деганидир. Сен ҳаммага бирдай бефарқсан. — Менга бундай муносабатинг адолатдан эмас! — деб хитоб қилди лорд Генри. У шляпасини бошининг орқасига суриб қўйиб, ферузадек зангори ёз осмонида сузиб юрган паға-паға булутларга тикилди. — Ҳа, ҳа, сира адолатдан эмас! Мен сира ҳам ҳамма одамларга бир хил муносабатда бўлмайман-да! Энг баркамол одамлар билан дўст тутинаман, обрў-эътибори дуруст одамлар билан ошначилик қиламан, душманликка эса фақат ақлли одамларни танлайман. Душманликка танлайдиган одамларни синчиклаб кўриб чиқиш керак. Менинг душманларим ичида биронта ҳам эси паст, аҳмоғи йўқ. Уларнинг ҳаммаси фикрлайдиган, етарли даражада зиёли одамлар, шунинг учун ҳам мени қадрлай билишади. Сен менга таъна қилиб, одам танлашда шуҳратпарастлигингдан келиб чиқасан дейишинг мумкин. Нима ҳам дердим, бу гап тўғри. — Мен ҳам шундоқ деб ўйлайман, Гарри. Айтганча, сенинг гапларингга қараб ҳукм чиқарсак, мен сенга дўст эмас, шунчаки ошнанг эканман-да? — Азизим Бэзил, сен менга оддий ошна эмас, жуда ҳам қадрлисан. — Лекин ҳар ҳолда дўстдан мундоқроқман, а? Демак, бирон-бир оғайни десак ҳам бўлаверади, шундайми? — Йўқ, йўғ-е! Оға-иниларимни мен унчалик хуш кўрмайман. Менинг оғам ҳеч бу дунёдан оёқ узгиси келмайди, иниларим бўлса жон таслим қилишдан бўшамайди. — Гарри! — деб унинг гапини бўлди Холлуорд қошларини чимириб. — Дўстим, бу гапларни ҳазиллашиб айтяпман-да... Лекин гапнинг рости шуки, мен чиндан қам қариндош-уруғларимга тоқатим йўқ. Бунинг сабаби шу бўлса керакки, биз ўзимизда мавжуд бўлган нуқсонларга эга бўлган одамларни ёмон кўрсак керак. Мен инглиз демократларига дил-дилдан хайрихоҳман — улар “олий табақаларнинг иллатларидан” қаттиқ ғазабланишади. Қуйи табақа одамлари ғайришуурий тарзда тушунтирадики, ичкиликбозлик, тентаклик, ахлоқсизлик уларнинг маҳрига тушган сифатлардир. Мабодо, бизлардан бирортамиз шу иллатларга чалинган бўлсак, шунинг ўзи билан биз уларнинг ҳақ-ҳуқуқига дахл қилаётгандай бўламиз. Шўрлик Саусуорк хотинидан ажрамоқчи бўлганида одамларнинг

ғазабига учраган эди. Ҳолбуки, йўқсулларнинг лоақал ўн фоизи осуда ва покиза турмуш кечиршига мен кафолат беролмайман. —Бу қалаштириб ташлаган гапларингда бирорта сўз йўқки, унга қўшилиш мумкин бўлсин, Гарри! Бу гапларнинг биронтасига ўзинг ҳам ишонмайсан. Лорд Генри ўзига ярашган соқолини сипади, попуклик қора таёқчаси билан лок-ланган ботинкасининг тумшуғига уриб қўйди.— Сен асл англизсан-да, Бэзил! Шу мулоҳазани сендан иккинчи марта эшитяпман. Бирон-бир мулоҳазани рисоладаги англизга айтиб кўргин — бу билан жуда катта эҳтиётсизлик қилган бўласан — у одам мулоҳазанинг тўғри ё нотўғрилигини суриштириб кўришни хаёлига ҳам келтирмайди. Уни фақат битта нарса қизиқ-тиради, холос — шу гапираётган гапларингга ўзинг ишонасанми, йўқми? Ҳолбу-ки, гапираётган одам ўзининг гапларига астойдил ишонадими-йўқми — бундан қатъи назар, ғоянинг, фикрнинг ўзи муқим. Ҳатто шундай бўладики, мулоҳаза айтаётган одам ўзининг ғоясига қанча камроқ ишонса, ғоя шунча кўпроқ мустақил қимматга эга бўлади. Чунки бундай ҳолларда ғоя уни айтаётган одамнинг истакларини, хоҳишларини, хурофотини акс эттирмайди... Аммо мен сен билан сиёсий, ижтимоий ёхуд метафизик масалаларни муқокама қилиб баҳслашиб ўтирмоқчи эмасман. Одамларнинг принципларидан кўра ўзлари мени кўпроқ қизиқтиради. Агар принципсиз одамлар бўлса, яна ҳам соз бўлар эди. Дориан Грейдан гаплашайлик. У билан тез-тез кўришиб турасизларми? —Ҳар куни. Агар у билан ҳар куни кўришиб турмасам, мен ўзимни бахтсиз деб ҳис қилган бўлардим. Унингсиз мен яшаёлмайман. —Буниси ғалати бўлди-ку! Мен бўлсам сени бутун умринг давомида фақат ўз санъатингни яхши кўриб ўтасан деб ўйлардим. — Дориан эндиликда мен учун бутун санъатимдай гап, — деди рассом жиддий оҳангда. — Биласанми, Гарри, баъзан кўнглимга бир фикр келади: инсоният тарихида фақат иккита муҳим қодиса бор — буларнинг бири санъатда янги ифода воситаларининг пайдо булиши, иккинчиси эса санъатда янги образнинг пайдо бўлишиди. Бир вақти-соати келиб Дориан Грейнинг ҳам чехраси мен учун жуда катта қиммат касб этишига аминман. Венецияликлар учун тасвирий санъатда мойбўёқнинг кашф

этилиши ёки юнон ҳайкалтарошлиги учун Антиноянинг қиёфаси жуда муҳим бўлгани каби. Албатта, мен Дорианнинг сувратини бўёқларда ҳам, қалам-да ҳам ишляпман, эскизлар чизяпман... Бироқ гап фақат шунда эмас. У мен учун шунчаки опдий бир модел ёки натура, қолип эмас. Мен ўз ишимдан қаноат ҳосил қилмаётганимни айтаётганим йўқ, мен бу гўзалликни санъатда тасвирлаб бериш мумкин эмаслигини айтиб, сени ишонтирмакчи ҳам эмасман. Санъат ифода қилиб беролмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Кўриб турибман. Дориан Грей билан таниш-ганимдан бери чизган сувратларим жуда яхши чиққан. Бу сувратлар менинг энг яхши ишларим. Буни сенга қандай тушунтиришимни ҳам билмай қолдим. Айтсам, тушунармикансан — йўқми... Дориан билан учрашув менга рассомликда катт абир янгиликни очишим учун калит берди. Эндиликда мен буюмларни бошқача ёритилганини кўряпман, ҳамма нарсани бутунлай бошқача кўряпман. Эндиликда мен ўз санъатимда ҳаётни шундай воситалар билан тасвирлай оламанки, авваллари бу воситалар менга бутунлай номаълум эди. “Фикр ҳукмронлик қилган кунларда шакл ҳақида ўйлаш”... Ким айтган эди-я бу гапни? Эслолмадим. Дориан Грей мен учун ана шундай хаёл бўлиб қолди. Дориан Грей менинг назаримда ҳали бир йигитча, холос. Холбуки, у аллақачон йигирмага тўлган. Шу йигитчанинг мавжудлигининг ўзиёқ... Оҳ, билмадим-у унинг мавжудлиги мен учун қандай маънога эга эканини сен тасаввур қила олармикансан? Ўзи беҳабар ҳолда у мен учун аллақандай янги бир мактабнинг белгиларини очиб беряпти. Бу шундай мактабки, унда романтизмга хос жамики эҳтирослилик эллинизмга хос жамики баркамоллик билан бирикиб кетган бўлади. Руҳ ва жисмнинг уйғунлиги — нақадар гўзал бу! (Биз тентаклигимиз важдан уларни бир-биридан ажратиб ташлаганмиз, биз вульгарреализм билан ҳашаки идеализмни ўйлаб чиқарганмиз. Ах, Гарри, Дориан Грейнинг мен учун ким эканини кошки сен билсанг эди! Мен чизган анави манзара эсингдами? Ўша пейзаж учун Эгнью менга жуда катта пул таклиф қилган эди. Бу —менинг энг яхши сувратларимдан бири. Хўш, нега шундай? Шунинг учунки, уничицаётганимда Дориан Грей ёнимда ўтирган эди. У менга алланечук илғаб

бўлмайдиган таъсир кўрсатган эди. Шу таъсир ёрдамида мен биринчи марта оддий ўрмон манзарасида мўъжиза кўра олдим. Ҳолбуки, бу мўъжизани ҳамиша излаб келган, лекин топа билган эмасдим. —Бэзил, бу жуда ажойиб-ку? Ақл бовар қилмайди. Мен Дориан Грейни кўрмасам бўлмайди. Холлуорд ўрнидан тўриб, боғ бўйлаб юра бошлади. Бир неча минутдан кейин у қайтиб келиб, яна скамейкага ўтирди. —Шуни билгинки, Гарри, — деди у, — Дориан Грей мен учун санъатда шунчаки бир усул, холос. Эҳтимол, сенинг кўзингга у энг жўн бир одам бўлиб кўринар, лекин мен унинг сиймосида ҳамма нарсени кўраман. Дорианнинг сувратини чизмаган расмларимда ҳам унинг таъсири “мана ман” деб сезилиб туради. Мен сенга боя айтганимдек, у гўё менга янгича ижод услубини айтиб бераётгандай бўлади. Мен уни баъзи чизиқларнинг бурилишларида, баъзи рангларнинг инжа латофатидаги кашфиётда кўраман. Тамом — вассалом! —Ундай бўлса, нима сабабдан унинг сувратини кўргазмага қўйишни хоҳламаяпсан? — деб сўради лорд Генри.

—Сабаби шуки, мен сувратда беихтиёр равишда рассомнинг ақл бовар қилмайдиган муҳаббатини ифодалаб қўйганман. Албаттаки, мен бу муҳаббат тўғрисида Дорианга лом-мим деб оғиз очган эмасман. Дориан бундан бутунлай беҳабар. Бундан у ҳеч қачон воқиф қам бўлмайди. Аммо бошқа одамлар ҳақиқатдан воқиф бўлиб қолишлари мумкин. Ҳолбуки, мен бошқаларнинг олисни яхши кўрмайдиган, лекин ҳар нарсага қизиқувчан кўзлари қаршисида қалбимни ошкор қилмоқчи эмасман. Ҳеч қачон мен уларнинг қалбимни титкилаб кўришларига йўл қўймайман. Энди тушунгандирсан, Гарри? Бу сувратда менинг қалбим ҳаддан зиёд кўп ифодаланган, унга менинг ўзим ҳаддан ташқари кўп сингганман. —Лекин шоирларни олсак, улар сенчалик серандиша эмас. Улар муҳаббат ҳақида ёзиш фойдали эканини, бунга талаб катталигини жуда яхши билишади. Бизнинг замонамизда шикаста қалбнинг оҳи-зорини қайта-қайта бозорга солсанг бўлаверади.

—Бунақа шоирлардан нафрат қиламан, — деб хитоб қилди Холлуорд. — Санъаткор гўзал санъат асарини бунёд этмоғи лозим-у, лекин унга ўзининг шахсий ҳаётидан ҳеч нарса қўшмаслиги керак. Бизнинг давримизда одамлар санъат асари автобиографияга ўхшаган бир нарса бўлмоғи керак деб ўйлашади. Гўзалликни ўз-ўзича, мавҳум тарзда қабул қилиш қобилиятини йўқотиб қуйдик. Қачонлардир вақти-соати келиб қолар — ўшанда мен бутун дунёга мавҳум гўзаллик туйғуси нима эканини кўрсатишдан умидворман. Шунинг учун ҳам дунё Дориан Грей портретини кўришга ҳеч қачон мушарраф бўлмайди.

—Менимча, сен ҳақ эмассан, Бэзил, лекин мен сен билан тортишиб ўтирмайман. Буткул ўнганмас тентакларгина баҳслашиб тортишишади. Қани, айт-чи, Дориан Грей сени жуда яхши кўрадими? Рассом ўйланиб қолди. —Дориан менга ўрганиб қолган, — деб жавоб берди у бир дақиқалик сукутдан кейин. — Биламан, ўрганиб қолган. Бунинг сабаби аён — мен унга тўхтовсиз хушомад қиламан. Мен унга гапириш керак бўлмаган нарсаларни гапираман, шундан ўзим ғалати бир лаззат топаман, лекин биламанки, кейинчалик бунга қаттиқ таассуф қиламан.

Умуман олганда, унинг менга муносабати жуда ҳам яхши, биз икковимиз бирга эртадан-кечгача минглаб мавзуларда гурунглашиб вақт ўтказамиз. Бироқ баъзан у ҳаддан ташқари дилозор бўлиб қолади. Билмадим, мени қийнашдан хузурланадими? Бундай пайтларда, Гарри, ғалати бир туйғуни туяман — гўё мен бутун қалбимни шунақа бир одамга бахш этдимки, унингучун менинг қалбим ёқасига тақиб олган бир гулдай гап, қуруқ бир безак. Бу безакдан у фақат ёзнинг бир куни мобайнидагина ўз шуҳратпарастлигини қондиради, холос.

— Ёз кунлари узун бўлади, Бэзил, — деди овозини пастлатиб лорд Генри. — Балки бу гапларнинг бари Дориандан аввал сенинг жонингга тегар? Ҳар қанча қайғули бўлмасин, шубҳа йўқки Гўзалликка қараганда Даҳонинг умри узунроқ бўлади. Шунинг учун қам биз қар қандай меъёрдан ортиқроқ даражада ақлимизни пешлашга ҳаракат қиламиз. Яшаш учун олиб бориладиган қақшатқич курашда лоақал бирор нарсани барқарор ҳолатда, мустақкам қилиб асраб қолмоқчи бўламиз ва миямизни фактлар билан, ҳар хил бўлар-бўлмас нарсалар билан тўлдириб ташлайди. Шу йўл билан ҳаётдаги ўрнимизни сақлаб қолишга беҳуда уринамиз. Ҳозирги замондаги идеал одам — юксак маърифатли билағон одамлар. Бундай юксак маърифатли одамнинг мияси эса алланечук кўрқинчли нарса! У антиқ абуюмлар дўконига ўхшайди. Унга турли-туман чанг босган эски-туски нарсалар тиқиб ташланган. Бу буюмларнинг ҳар қайсисига эса асл қимматидан кўра юқорироқ нарх қўйилган... Ҳа, Бэзил, ҳар ҳолда мен ўйлайманки, биринчи бўлиб сенинг жонингга тегди булар. Гўзал кунларнинг бирида сен дўстингга қарасанг, унинг ҳусни таважжуҳи аввалгидай баркамол кўринмай қолади, тўсатдан терисининг ранги ёки бошқа яна бирор нарсаси номаъқулроқ туюлади. Бунинг учун сен дилдингдан ундан дамонгир бўласан ва жуда жиддий бир тарзда уни сенинг олдинда аллақандай гуноҳи бор деб ўйлай бошлайсан. Кейинги учрашганда эса сен бутунлай совиб қолган бўласан ва лоқайд қарайсан. Албатта, келгусида сенда юз берадиган бунақа ўзгаришларга таассуф билдирмоқдан ўзга илож йўқ. Сен менга ҳозир гапириб берган нарса — чинакам

муқаббат. Айтиш мумкинки, санъат заминида туғилган муҳаббат. Ҳаётида бундай муҳаббатни кечирган одам эса, афсуски, анча-мунча жўн бўлиб қолади!

—Бунақа дема, Гарри. Мен Дорианга бир умрга мафтун бўлганман. Сен мени тушунмайсан, чунки сенда жиндай тутуруқ йўқроқ...— Ҳа, азизим Бэзил, айти шунинг учун ҳам мен сенинг туйғуларингни тушунишга қодирман. Муҳаббатга содиқ одам муҳаббатнинг маълум ва машҳур суратинигина кўра олади. Муҳаббатнинг фожелигини эса фақат унга хиёнат қиладиганларгина англаб етадилар. Лорд Генри ёнидан гугурт соладиган бежиримгина кумуш қутчасини олиб, па-пирос тутатди. Унинг чехрасида бир жумлага жамики донишмандлигини жо қилиш-га муваффақ бўлган одамга хос мамнуният ва ғурур балқиб турарди. Чирмовиқнинг ялтираб турган зангори япроқлари орасида чумчуқлар чирқиллаб ўйин қилишар, майса устида эса булутларнинг мовий сояси тезучар қалдирғочлар галасидай жавлон урарди. Шу чоғда боғ ичи бениҳоя файзли эди! “Одамларнинг туйғулари нақадар мароқли-я! Уларнинг фикрларидан кўра туйғулар ажиброқ, — деди ичида лорд Генри. — Ҳаётдаги энг мароқли нарса — ўзингнинг қалбинг ва дўстларингнинг эҳтиросидир.

У яширин бир мамнуният билан эслади — Бэзил Холлуордникида ўтириб қолиб холасиникидаги диққинафас нонуштани ўтказиб юборипти. Бугун уникида, албатта, лорд Гудбоди нонушта қилади. Бутун нонушта давомида, албатта, гап камбағаллар учун очиб бериш зарур бўлган намунали тамаддихоналар ва мусофирхоналар ҳақида боради. Гурунг чоғида ҳар бир одам ўзи амал қилиши шарт бўлмаган фазилатларни мақтайди: бадавлат одамлар тежамкорлик тарғиб қилишади бекорчихўжалар эса сухандонлик билан меҳнатнинг улуғ аҳамияти ҳақида гап сотишади. Шу бугун буларнинг ҳаммасидан бебаҳра қолгани жуда яхши бўлди-да. Холасини эслагани кўққисдан лорд Генрининг миясида бир хотиротни уйғотди. У Холлуордга ўгирилди.— Биласанми қозир нимани эсладим?.. —Нимани эсладинг, Гарри?— Дориан Грей ҳақида биринчи дафъа қаерда гап бўлгани эсимга тушди. —Қаерда гап

бўлган экан? — деб сўради Холлуорд қошларини чимириб. — Менга бунақа қахр билан қарама, Бэзил. Бу менинг холамникида, леди Агатаникида бўлган эди. Холам жуда дилбар бир йигитни топганини, бу йигит унга Ист-Эндда ёрдам беришга ваъда қилганини, унинг номи Дориан Грей эканини гапириб берган эди. Эътибор бергин-а — холам унинг ҳусни таважжуҳи қақида лом-мим деб оғиз очгани йўқ. Аёллар ҳусни таважжуқҳи унча қадрлашмайди. Ҳаммалари бўлмаганда ҳам, лоақал бетавфиқлари шунақа қилади. Холамнинг айтгани фақат шу бўлдики, уни, жуда жиддий йигит, кўнгли тоза, деди. Бу гапни эшитиб, менинг кўз унгимда кўзойнак таққан, сочлари силлиқ, юзлари сепкил босган, оёқлари сўлоқмондай бир кимса гавдаланди. Афсус, ўшанда Дориан Грей деганлари сенинг дўстинг эканини билмаган эканман.

—Буни билмаганингдан жуда хурсандман, Гарри.

—Сабаб?

—Мен сизларнинг танишишларингизни истамайман.

—Бизнинг танишишимизни истамайсанми?

—Йўқ.

—Мистер Дориан Грей студияда кутмоқда, сэр, — деб хабар қилди боғда пайдо бўлган мулозим.

—Ана холос! Энди истасанг-истамасанг бизни бир-биримиз билан таништириб қўясан.

Рассом офтобдан кўзларини қисиб, буйруқ кутиб турган мулозимга юзланди. —Мистер Грейдан бир оз кутиб туришни илтимос қилинг, Паркер. Мен ҳозир бораман. Мулозим таъзим қилди-да, йўлка бўйлаб уй томон йўналди. Унинг қораси ўчган, Холлуорд лорд Генрига қаради.

—Дориан Грей — менинг энг яхши дўстим, — деди у. — Унинг бағри кенг, қалби тоза. Бу масалада холанг мутлақо ҳақ. Хушёр бўл, Гарри, уни бузиб қўйма! Унга таъсир кўрсатишга уринма. Сенинг таъсиринг унинг учун ҳалокатли бўлур. Олам беҳудуд, унда бири-биридан ажойиб одамлар кўп. Шундоқ экан, менинг

бирдан-бир одамимни тортиб олма. Менинг санъатимда гўзаллик мавжуд бўлса, уни санъатимга уфурган одам шу! Менинг рассом сифатидаги келажагим бутунлай шу одамга боғлиқ. Эсингда бўлсин, Гарри, мен сенинг виждонингга ишонаман. Рассом салмоқлаб, битта-битта гапирарди. Сўзлар унинг ихтиёридан ташқари чиқаётгандай туюларди.

—Бемаъни гапни қўйсанг-чи! — деб табассум билан унинг гапини бўлди лорд Генри ва Холлуордни қўлтиқлаб олиб, мажбурлагандай уни уй томон судради.

ИККИНЧИ БОБ

Устахонада улар Дориан Грейга рўпара келишди. Дориан уларга орқасини ўгирганича рояль ёнида Шуманнинг “Ўрмон манзаралари” деган альбомини варақлаб ўтирарди.

—Мунча яхши бўлмаса?! Мен уларни ўрганиб олмоқчиман, — деди у ўгирилмай. — Уларни менга вақтинча бериб тулинг, Бэзил. —Бераман, агар бугун суврат ишлаётганимда яхшилаб туриб берсангиз, Дориан.

—Оҳ, жуда безор бўлдим-да! Сирасини айтганда, мен бор бўйим билан ишланган портретимни кўришга унча иштиёқманд ҳам эмасман, — деб инжиқлик би-ан эътироз билдирди йигит. У ўтирган курсида ўгирилиб, лорд Генрини кўрди ва хижолатдан қизарди-да, сапчиб ўрнидан турди. — Узр, Бэзил, меҳмон борлигини билмай қолибман.

—Танишинг, Дориан, бу киши — лорд Генри Уоттон бўладилар, дорилфунунда бирга ўқиганмиз. Мен ҳозиргина унга сизни сувратга тушишда яхши туриб беради деб мақтаган эдим. Сиз бўлса, нолишингиз билан мақтовимни чиппакка чиқардингиз.

—Аммо бу ишингиз сиз билан танишганимдан мамнун бўлишимга заррача ҳалал бергани йўқ, мистер Грей, — деди лорд Генри Дорианнинг ёнига бориб, унга қўл узатар экан. — Сиз тўғрингизда холамдан кўп эшитган эдим. Холам сизни яхши кўради, кўрқаманки, у сизни сеҳрлаб олган бўлса ҳам ажаб эмас.

—Йўқ, ундоқ эмас. Айни ҳозирги пайтда леди Агатанинг мендан

хафсаласи пир бўлган кўринади, — деб жавоб берди Дориан гуноғкорона тазарру оғангида. — Ўтган сешанба куни мен унга Уайтчепелдаги клублардан бирига концертга бирга боришга ваъда бергандим. Кейин буткул эсимдан чиқиб кетибди. Биз у ерда роялни кўш қўллаб чалмоғимиз керак эди. Ҳатто уч жуфт бўлиб қатнашмоғимиз зарур эди, шекилли. Билмадим, энди у кишининг кўзига қандоқ кўринар эканман? Худо билсин, мени қандай қарши оларкин?

—Ҳечқиси йўқ, мен сизларни яраштириб қўяман. Агата холам сизни жуда яхши кўради. У киши билан бирга концертда иштирок этмаган бўлсанглар, бунинг унча ваҳима қиладиган жойи йўқ. Одамлар, барибир, куйни икки киши чалаяпти деб ўйлаган бўлишлари мумкин, чунки Агата хола рояль чалганида бир ўзи икки кишилик сурон кўтараверади.

—Леди Агата бунақа гапни эшитса қаттиқ хафа бўладилар. Бу гап мен учун ҳам унча мақтов бўлаолмас, — деди Дориан кулиб.

Лорд Генри Дорианнинг тиниқ мовий кўзларига, тилларанг жингалак сочларига, нафис лабларию даханига суқлангандек қаради. Бу йигит чиндан қам лол қоладиган даражада чиройли эди ва унинг юзида дарҳол ишонч туғдирадиган алланарса бор эди. Унинг қиёфасидан самимияти ва ёшларга хос покизалиги, бокира эҳтироси яққол сезилиб турарди. Бу йигитнинг навқирон қалбини ҳаёт ҳали ҳеч нарса билан булғаб улгурмаганига осонгина ишонса бўларди. Бэзил Холлуорднинг Дорианни кўкларга кўтариб мақтагани бежиз эмас эди.

—Ахир, ўзингиз айтинг, шундай дилрабо йигит хайрия ишлари билан шуғулланиб ўтирса бўладими? Йўқ, сизнинг ҳаддан зиёд гўзал хусни таважжуҳингиз бунга йўл қўймайди мистер Грей, — деди лорд Генри ва диванда ялпайиб ўтирган жойида ёнидан портсигарини олди. Рассом бу борада мўйкаламани тайёрлаб, тахтачаси устида мой бўёқларини қориштира бошлади. Унинг тунд чехрасидан нимадандир қаттиқ ташвишда экани сезилиб турарди. Лорд Генрининг сўнгги луқмасини эшитиб, тезгина унга ўги-илиб қаради-да, бир зум тараддудланиб тургач, деди: — Гарри, мен бугун сувратни тугатсам дегандим. Сендан “кетақол”

деб илтимос қилсам, хафа бўлмайсанми? Лорд Генри жилмайиб Дорианга қаради.

—Мен кетайми, мистер Грей?

—Йўғ-е, лорд Генри, нега кетар экансиз? Кетманг. Кўриб турибман, Бэзилнинг бугун ҳам кайфияти йўқроқ, мен эса унинг жаҳли чиққанини кўришга тоқатим йўқ. Айтганча, мен нима учун хайрия ишлари билан шуғулланмаслигим кераклигини сиз ҳали изоҳлаб берганингиз йўқ.

—Буни тушунтириб ўтиришнинг ҳожати бормикин, мистер Грей? Бунақа зерикарли мавзуда жиддий гапиришга тўғри келади. Модомики, сиз қолишимни сўрасангиз, мен, албатта, кетмайман. Қолсам, сен йўқ демассан-а, Бэзил? Сен ўзинг менга бир неча марта айтган эдинг — сувратини чизаётган одамни биров гапгас олиб ўтиргани сенга маъқул келарди. Холлуорд лабини тишлаб қолди.

—Албатта, Дориан хоҳласа, сен қолавер. Унинг хоҳиши — ҳаммамиз учун қонун. Унинг ўзидан бошқа, албатта.

Лорд Генри шляпаси билан қўлқопини олди.

—Сенинг қистовларингга қарамай, афсуски, сизларни тарк этмоғим керак, Бэзил. Мен Орлеан клубида бир-иккита одам билан учрашмоғим зарур. Ваъда бериб қўйганман. Хайр, мистер Грей. Бирор кун Керзон-стритга — менинг ҳузуримга ҳам боринг. Бешда деярлик ҳамма вақт уйда бўламан. Аммо бормоқчи бўлсангиз, олдиндан маълум қилиб қўйсангиз жуда яхши бўларди. Борсангиз-у, мен уйда бўлмасам, жуда алам қилади.

—Бэзил, — деб хитоб қилди Дориан Грей, — агар лорд Генри кетадиган бўлса, мен қам кетаман. Ишлаётган чоғингизда сиз ҳеч қачон лом-мим деб оғиз очмайсиз. Супача устида ишшайганча туравериш жон-жонимдан ўтиб кетади. Ундан илтимос қилинг, кетмасин.

—Қолмасанг бўлмайди, Гарри. Дориан хурсанд бўлади. Қолсанг, мени ҳам қарздор қилиб қўясан, — деди Холлуорд сувратдан

кўзини узмай. Мен чиндан ҳам ҳамиша ишлаётганда сукут сақлайман ва менга бирон нарса десалар, қулоғимга кирмайди. Суврат ишлаганимда туриб берадиган одамлар роса сиқилиб кетишса керак, шўрликлар. Марҳамат, биз билан бирга қолинг.

—Кпубдаги учрашувимни нима қиламан?

Рассом илжайди.

—Бу иш ҳаддан зиёд муғим бўлмаса керак, ҳойнағой? Ўтир, Гарри, Сиз эса, Дориан, супачага туринг-да, камроқ типирчиланг. Лорд Генрининг ҳамма гапига лаққа тушиб ишонаверманг — у мендан бошқа ҳамма танишларига жуда ёмон таъсир кўрсатади. Дориан Грей беҳуда азобланаётган ёш йигит қиёфасида супача устига чиқди-да, норозилик билан афтини бужмайтириб, лорд Генрига қараб қўйди. Бэзилнинг бу дўсти унга маъқул тушиб қолган эди. Лорд Генри билан Бэзил сира бир-бирларига ўхшамас, ҳатто бутунлай бир-бирларига зид табиатга эга эдилар. Лорд Генрининг овози ҳам бирам ёқимли эдики... Бир дақиқа ўтказиб, Дориан сўради: —Лорд Генри, сиз чиндан ҳам бошқаларга ёмон таъсир курсатасизми?

—Таъсирнинг яхшиси бўлмайди, мистер Грей. Ҳар қандай таъсир ўз-ўзича олганда ахлоқсизликдир. Илмий нуқтаи назардан у виждонсизликдан ўзга нарса эмас.

—Нега энди?

—Шунинг учунки, бошқа одамга таъсир қилмоқ — унга ўз қалбингни бермоқдир. У бировларнинг фикри билан ўйлаб, ўзгаларнинг эхтирослари билан ёна бошлайди. Унинг фазилатлари ҳам ўзиники бўлмайди. Агар, умуман, ғуноҳ деган нарса оламда мавжуд деб фараз қилсак, гуноҳлари ҳам ўзгалардан ўзлаштирилган бўлади. У бегона бир оҳангнинг садосига айланиб қолади. У ўзи учун ёзилмаган ролни ижро этаётган актёрга ўхшаб қолади. Яшашдан мақсад — ўзлигини намо-ён этишдир. Биз ўз моҳиятимизни тўла-тўқис намоён этиш мақсади билан яшаймиз. Бизнинг асримизда эса одамлар ўзларидан ўзлари кўрқадиган бўлишиб қолишган. Улар энг олий бурч — ўз олдиндаги бурч эканини унутиб юборишган.

Албатта, улар меҳрибон. Улар очнинг қорнини тўйдиришади, қашшоқни кийинтиришади. Бироқ уларнинг ўз қалблари яланғоч ва бир тишлам нонга зор, очликдан нобуд бўлмоқда. Биз мардлигимизни йўқотиб қўйдик. Балки мардлик деган нарса бизда ҳеч қачон бўлган ҳам эмасдир. Биз жамоатчилик фикридан қўрқамиз — ахлоқимиз шу қўрқув асосига қурилган. Биз худодан қўрқамиз — дин ҳам шу қўрқув заминига қурилган. Буларнинг иккови бизнинг устимиздан ҳукмронлик қилади. Ҳолбуки...

—Марқамат қилиб, Дориан, бошингизни пича ўнг томонга буринг, — деб илтимос қилди рассом. У бутунлай ўз ишига берилиб кетгани учун, бўлиб ўтган гапларни эшитмади ва фақат йигитнинг чехрасида пайдо бўлган янги бир ифодани сизди. Шу пайтга қадар у бунақа ифодани йигитда кўрмаган эди.

—Ҳолбуки, — деб ўзининг жарангдор овозида давом этди лорд Генри. Унинг қўл ҳаракатлари ҳам бир маромда текис ва майин бўлиб, ўзига ярашиб турганди. Лорд Генри Итонда истиқомат қилган кезларидаёқ одамлар унинг қўл ҳаракатларини эслаб қолишганди, — менинг назаримда шундай туюладики, агар ҳар бир одам тўлақонли ҳаёт кечира олганда, ҳар бир туйғусига ва ҳар қайси фикрини ифодалашга тўла эрк бера олганда, ҳар орзусини рўёбга чиқара олганда —олам шоду-хуррамлик сари шунақа бир янги қудратли талпинишни хис этардики, оқибатда ўрта асрларнинг ҳамма дардлари ва хасталиклари унут бўлиб кетарди ва яна эллинизм идеалларига ёки бошқа биронта янада қимматлироқ ҳамда янада гўзалроқ идеалга қайтган бўлардик! Лекин орамиздаги энг довурак одам ҳам ўз-уздан қурқади. Фидокорлик, яъни одамлар ўзларини ўзлари майиб қилиб юрган ваҳшиёна замонлардан қолган фоже қолдиқ ҳаётимизга оғу солиб туради. Биз ўзимизни ўзимиз чеклаганимиз эвазига жарима тўлаб турамыз. Биз янчиб, маҳв этишга уринадиган ҳар қандай хоҳишимиз қалбимизда санқиб юради ва бизни захарлайди. Гуноҳ қилиб эса инсон гуноҳга интилишдан халос бўлади, чунки рўёбга чиқармоқ покланишга олиб борувчи йўлдир. Бундан кейин лаззат ҳақидаги ёки тавба-тазаррудан олинган шаҳвоний туйғу ҳақидаги хотирагина қолади. Васвасдан қутулишнинг бирдан-бир йўли унга ён беришдир. Агар васвасга қарши кураш йўлига кирсанг, ман қилинган нарсага интилиш қалбингни ўртайди. Натижада ўзинг барпо этган мудҳиш қонунлар томонидан нотўғри деб топилган, жинояткорона деб топилган хоҳиш-истаклар сени ич-ичингдан кемиради. Кимдир айтган экан — дунёдаги энг улуғ ҳодисалар инсон миясида содир бўлувчи воқеалардир. Мен бунга илова қилиб дейман — дунёнинг энг буюк гуноҳи азимлари ҳам мияда, фақат мияда туғилади. Ҳатто сизда ҳам, мистер Грей, ёрқин ёшлик чоғингизда, порлоқ ўсмирлик йилларингизда кунглингизда шундай эҳтирослар кечганки, улардан кўрқувга тушгансиз, мияннгизга шундай фикрлар келганки, улар сизни даҳшатга солган. Сиз шундай тушлар кўргансиз, шундай хотираларга берилгансиз-ки, уларни эслашнинг узидаёқ хижолатдан қизариб кетасиз...

— Шошманг, шошманг, — деб унинг гапини бўлди дудуқланиб Дориан Грей. — Сиз мени хижолатга солиб қўйдингиз, нима дейишимни билмай қолдим. Сиз би-ан баҳслашсам бўларди, лекин ҳозир гап тополмай қолдим. Бошқа гапирмай тулинг. Бир кур ўйлаб олай. Лекин бу тўғрида уйламай қўя қолган ҳам маъқул. Ўн дақиқача Дориан оғзи ярим юмуқ ғхлда кўзлари ғалати чақнаб қимир этмай туриб қолди. У миясида аллақандай бутунлай янги фикрлар ва туйғулар унга ташқаридан келмагандай, балки бутун жисмининг энг теран жойларидан кўтарилиб келаётгандай туюлди. Ҳа, Бэзилнинг бу дусту Дорианга уч-тўрт оғиз гап айтди. Айтганда ҳам уларни шунчаки қилиб, гап орасида, атайин зиддиятли қилиб айтди. Дориан бу гаплар қалбининг аллақандай яширин торига тегиб келганини ҳис қилди. Шу пайтгача бу торга қеч ким тегинмаган эди, ҳозир у ҳаракатга келди, дириллаб акс садо бераётгандай бўляпти.

Ҳозирга қадар уни фақат мусиқагина шунақа ҳаяжонга соларди. Ҳа, мусиқа неча марталаб унинг қалбида ҳаяжон уйғотган, бироқ бу ҳаяжонлар ғира-шира, сўз билан ифодалаб бўлмайдиган даражада заиф эди. Ахир, нима ҳам дея оласиз— мусиқа қалбда янги дунё барпо этмайди, балки янги хаос яратади. Ҳозир эса сўзлар жаранглади. Бир қараганда жўнгина, оддий сўзлар, аммо нечоғлиқ даҳшатли улар. Улардан ҳеч қаёққа қочиб қутулолмайсан. Улар маъноси аниқ, равшан, таъсири ўткир ва аёвсиз сўзлар. Шу билан бирга уларнинг замирида алланечук маккор бир жозиба яширинган. Улар мужмал орзуларга кўз билан кўриб, қўл билан ушласа бўладиган шакл берадигандай туюлади. Уларнинг ҳам ўз мусиқаси бор — у мусиқа най садоларидан ҳам ёқимлироқ. Фақат сўзлар, холос. Бироқ сўзлардан ҳам вазминроқ бирор наврса борми?

Ҳа, болалик пайтларида унинг, яъни Дорианнинг баъзи бир нарсаларга ақли етавермас эди. Ҳозир у ҳаммасини тушунди. Ҳаёт бирданига унинг қаршисида ёрқин бўёқлари билан товлана бошлади. Унинг назарида, у қайнаб жўш ураётган аланга қўйнида одимлаб бораяпти. Нега энди у шу пайтга қадар буни ҳис этмади? Лорд Генри нозик бир истехзо билан уни кузатиб турарди. Қачон индамай туриш кераклигини у яхши биларди.

Дориан уни жуда қизиқтириб қолди. Унинг айтган гаплари бу йигитга жуда қаттиқ таъсир қилганини кўриб, ҳозир лорд Генрининг ўзи таажжубланиб ўтирипти. У ўн олти ёшида ўқиган бир китобини эслади. Ўшанда бу китобдан илгари билмаган кўп нарсаларни билиб олган эди. Балки Дориан Грей ҳам ҳозир худди ўшандай ҳолатни кечираётгандир? Наҳотки, шунчаки тусмоллаб бўшлиққа отилган камон ўқи мўлжалга тегди? Боласи тушмагур шунча дилбар бўлмаса?...

Холлуорд ҳар доимдагидек бутун вужуди билан берилиб ишламоқда эди. У жуда ажиб бўёқларни, ноёб рангларни кўллаяпти. Уларни чинакам нафосат ва назокат билан кўллаяпти. Бу эса, лоақал санъатда — ҳамиша қудратли истеъдоднинг нишонаси бўлади. Холлуорд орага чўккан сукунатни пайқади ҳам.

— Бэзил, туравериб чарчадим, — деб хитоб қилди тўсатдан Дориан. — Ҳаво-га, боққа чиқмасам бўлмайди. Бу ерда бўғилиб кетяпман.

— Ҳа-я, узр, узр, дўстим. Мен суврат чизаётганимда ҳамма нарсани унутиб юбораман. Сиз бўлсангиз бугун қимир этмай туриб бердингиз. Ҳали шу пайтгача бирон марта қам бунақа яхши турмаган эдингиз. Мен бир ҳолатингизни кўпдан бери излаб юрардим. Шуни шу бугун топдим. Ярим юмуқ лаблар, кўзда чақнаган нур... Бунда Гарри нима деб сафсата сотганини билмадим-у, аммо сизнинг чеҳрангиздаги бу ажиб ифоданинг туғилишига Гарри сабаб бўлгани аниқ. Сизнинг шаънингизга бир талай хушомад гапларни қалаштириб ташлагандир-да? Лекин сиз унинг биронта ҳам гапига ишонманг.

— Йўқ, у менга бирон оғиз ҳам хушомад гаплар айтгани йўқ. Шунинг учун ҳам мен унинг гапларига ишонмоқчи эмасман.

— Ие, ие, унақа деманг. Ичингизда жуда яхши билиб турибсизки, ҳамма айтганимга ишондингиз, — деди лорд Генри ғамзали кўзлари билан ўйчан тикила рэкан.

— Мен ҳам сиз билан бирга боққа чиқа қолай. Бу ер ўлгудай дим. Бэзил, айт, бизга биронта муздек ичимлик келтиришсин...

Қулупнай шарбати солинган бўлса, яна ҳам соз бўларди.

— Бажонидил, Гарри. Қўнғироқ чалиб, Паркерни чақир. Нима келтиришни унга айтаман. Боғда сизларнинг ёнингизда жиндай туриб чиқаман. Сувратнинг бир оз чала жойини ишлайман. Лекин, сен Дорианни кўп тутиб қолма. Бугун мен ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ишлагим келяпти. Бу суврат менинг дурдона асарим бўлади. Ҳатто ҳозирги туришида ҳам у бир мўъжиза янглиф яхши...

Боққа чиқиб лорд Генри Дорианни бир туп настарин олдида юзини муздеккина гуллар ғужумига буркаб турган ҳолда кўрди. У шаробни ютоқиб шимираётган одамдай гуллар ифорини ҳузур билан симирмоқда эди. Лорд Генри унинг ёнига яқин бориб, қўлини елкасига қўйди.

— Мана бу ишингиз маъқул, — деди у паст овозда. — Қалб дардини ҳамиша сезгилар билан даволамоқ керак, сезгиларга эса калб даво бўлади.

Йигит сесканиб, орқасига бир қадам ташлади. Унинг бошида шпяпаси йўқ эди —шоҳчалар жингалак сочларини тўзитиб, айқаш-уйқаш қилиб юборяпти. Қўққисдан уйғотиб юборилган одамдай унинг кўзларида ҳадик бор эди. Бурун катаклари асабий титрар, гулгун лаблари ҳам аллақандай яширин ҳаяжондан озурда бўлмоқда эди.— Ҳа, — деб давом этди лорд Генри, — ҳаётнинг бу улуғ сирини билиб қўйиш керак — қалбни сезгилар билан даволанг, сезгиларга эса қалбдан шифо изланг. —Сиз ажойиб одамсиз, мистер Грей. Сиз ўзингиз ўйлагандан кўра кўпроқ нарса биласиз, аммо бу билганларингиз билишни истаганларингизга қараганда анча кам.

Дориан Грей қовоғини уйиб, нигоҳини олиб қочди. Ёнида турган бу хушбичим, баланд бўйли, хушрўй одам унга жуда-жуда манзур бўлган эди. Лорд Генринингбуғдойранг нуроний чехраси, ундаги ҳорғин ифода йигитни қизиқтириб қолганди. Унинг оҳангдор овозида ҳам аллақандай мафтункор жозоба бор эди. Ҳатто унинг гулга ўхшаган муздек, оппоқ ва нафис қўлларида кам. Бу қўлларнинг ҳаракатида ҳам худди унинг овозидаги каби муסיқа бор эди ва бу қўллар гўё ўз тили билан гапираётгандай

туюларди. Дориан бу одамдан кўрқаётганини ҳис қилди ва кўрқаётгани учун хавотирга тушди. Нима учун аллақандай бегона одам унга ўз қалбини тушунтириш йўлларини ўргатмоғи керак? Мана, у Бэзил билан анчадан бери таниш, лекин уларнинг дўстлиги Дорианда бирор ўзгаришга сабаб бўлгани йўқ-ку. Тўсатдан бу таниш одам пайдо бўлди-ю, унинг қаршисида гўё ҳаёт сирларини очиб бераётгандай бўляпти. Хўп, шундоқ ҳам бўлақолсин, лекин Дориан нима учун ундан кўрқмоғи керак? Ахир, Дориан толиб ҳам, қиз бола ҳам эмас-ку. Унинг лорд Генридан кўркиши бемаъниликдан бошқа нарса эмас.

—Сояроқ жойда жиндай ўтирайлик, — деди лорд Генри. — Ана, Паркер ҳам ичадиган нарса олиб келяпти. Агар сиз офтобрўй жойда тураверсангиз, хунуклашиб кетишингиз ҳам ҳеч гап эмас. Унда Бэзил сувратингизни чизишни хоқламай қолиши мумкин. Офтобда бўғриқиш сизга ярашмайди.

—Нима бўпти? Ҳечқиси йўқ, — деб жилмайди Дориан Грей боғнинг бир бур-чидаги скамейкага ўтирар экан.

— Сиз учун бу жуда муҳим, мистер Грей.

—Нега энди?

—Шунинг учунки, сизга ёшликка хос беқиёс ҳусни таважжуҳ инъом этилган. Ёшлик эса асрашга арзимайдиган бирдан-бир бойликдир.

— Мен бундай деб ўйламайман, лорд Генри.

—Ҳозир, сиз, албатта, бундай деб ўйламайсиз. Аммо йиллар ўтиб, қартайиб, бадбашара бир чолга айланганингизда, дардли ўйлар манглайингизда сон-саноксиз ажинлар ҳосил қилганида, эҳтиросларнинг ҳалокатли ёлқини лабларингизни қовжиратиб куритиб қўйганида, сиз буни муқаррар тарзда тушуниб-билиб оласиз. Ҳозир сиз қаерга қадам қўйманг, борган жойингизда ҳаммани мафтун этасиз. Бироқ ҳамма вақт ҳам шундай бўлаверадими? Сиз ҳайрон қоларлик даражада баркамолсиз, мистер Грей. Аччиғингиз келмасин, бу — ҳақиқат. Гўзаллик эса Даҳо-нинг турларидан биридир. Гўзаллик Даҳодан юқори туради, негаки Даҳо тушунишни талаб қилмайди. Гўзалиик қуёш

нури янглиғ ё баҳорга ўхшаш, ехўд бўтана сув сатҳида ойнинг кумуш уроғи акс этгани каби бизни қуршаб олган оламнинг улуғ ҳодисаларидан биридир. Гузаллик баҳсталаб нарса эмас. Ҳукмронлик қилишга гузалликнинг олий ҳақи бор ва кимда-ким Гўзаллик соҳиби бўлса, Гўзаллик уни шоҳ қилиб қўяди. Куляпсиз, а? О, ёшликни бой бериб қўйганингиздан кейин кулмай қўясиз... Баъзилар гузаллик бу дунёнинг беҳуда ашёси дейишади. Эҳтимол шундайдир. Бироқ у беҳуда бўлган бўлса ҳамк Тафаккурчалик беҳуда эмас. Менинг учун Гўзаллик мўъжизалар мўъжизасидир. Фақат куруқ, маҳдуд одамларгина ташқи кўринишга қараб ҳукм чиқармайдилар. Ҳаётнинг чинакам сири ботиний моҳиятда эмас, зоҳирий кўринишдадир... Ҳа, мистер Грей, сизга Худоларнинг назари тушган. Лекин худолар кўп ўтмай берган нарсаларини қайтариб олишади. Сизни олдинда чинакамига тўлақонли ва гўзал ҳаёт кечирадиган унча кўп йиллар кутаётгани йўқ. Ёшлигингиз ўтиб кетади, ёшлик билан бирга гўзаллик ҳам ўтиб кетади, шунда сиз учун бирдан-бир нарса равшан бўлиб қолади: ғалабалар даври ўтиб кетипти, мабодо бундан буёғига бирон ғалабага эришиб қолсангиз, у шу даражада аянчли бўладики, ўтмишдаги ғалабаларга таққослаганда у сизга мағлубиятдан ҳам аянчлироқ туюлади. Ўтаётган ҳар бир ой сизни ана шу оғир келажакка яқинлаштиради. Вақтнинг рашки ёмон, у сизга Худолар ато этган атиргуллар ва нилуфарларга дахл қилади. Юзларингиз сарғаяди, ёноқ суякларингиз чиқиб қолади, кўзларингиз хира тортади. Сиз ҳаддан зиёд изтироб чекасиз... Шундоқ бўлгандан кейин ёшлигингизни ғанимат билинг, ундан фойдаланиб қолинг. Ҳархил эзма-чуруқ насихатгўйларнинг гапига кириб, олтин кунларингизни беҳуда исроф қилманг; тузалмас нарсани тузатаман деб бекорга овора бўлманг, сохта ғояларга амал қилиб, давримизнинг носоғлом тамойилларига берилиб, ҳаётингизни нодонларга, риёкорларга, арзимас одамларга бой бериб ўтирманг. Тўйиб-тўйиб яшанг. Сийратингизда пинҳона ётган ажойиб ҳаётингизни яшаб ўтинг. Ҳеч нарсани қўлдан чиқарманг, ҳамиша янги-янги туйғулар изланг. Ҳеч нарсадан қўрқманг. Бизнинг авлодимизга янги гедонизм зарур. Сиз ана шу янги гедонизмнинг ёрқин тимсоли бўлишингиз мумкин..

Сизга ўхшаган одам учун қўлидан келмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Қисқа бир муддатга бутун дунё ихтиёрингизга берилган... Мен биринчи қарашдаёқ тушундимки, сиз ўзингизнинг қанақа одам эканингизни ҳали билмайсиз, сиз ким бўлишингиз мумкин эканини ҳам билмайсиз. Сизнинг кўп жиҳатларингиз мени мафтун этди ва мен сизга ўз-ўзингизни таниб олишингизга ёрдам бермоғим кераклигини ҳис қилдим. Кўнглимдан “Бу йигитнинг ҳаёти беҳуда ўтиб кетса, бундан ортиқроқ фожеа бўлиши мумкин эмасди” деган ўй ўтди. Ахир, ёшлик деган нарса жуда тез ўтиб кетади. Оддий дала гуллари сўлади, лекин ва кейин қайта гуллайди, янаги йил ёзда толбуға ҳозир қандай тилладай товланиб турган бўлса, яна шундай яшнайди. Бир ойдан кейин қип-қизил қирмизи бўлиб чинни гуллар очилади ва ҳар йили бу ҳол такрор бўлади. Лекин бизга ёшлигимиз қайтмайди. Йигирма ёшимизда томиримизда гупуриб турган қон совийди, томиримизда гурс-гурс уриб турган қувонч садолари сусаяди, танимиздан куч кетади, туйғуларимиз сўнади. Биз хунукдан-хунук қўғирчоқларга айланамиз. Фақат бизни таркэтмай, бизни безовта қилиб, биз билан бирга яшайдиган нарса хотираларимиз бўлади: ўзини қис қилиш билан юрагимиз орқага кетадиган эҳтирослар ҳақидаги, ёшлигимизда ён бериб, татиб кўришдан чўчиган васвасалар тўғрисидаги хотиралар. Ёшлик. Ёшлик. Дунёда унга тенг келадиган қеч нарса йўқ. Дориан Грей кўзларини катта очиб, ютоқиб тинглади бу гапларни. Қўлидаги настарин новдаси бармоқлар орасидан сирғалиб ерга тушди. Шу ондаёқ ҳаммаёғини тук босган ари учиб келди. Бир дақиқановда устида гир-гир айланди-да, кейин ғўнғиллаганича бутун ғужум бўйлаб, гулдан гулга ўтиб, саёҳатини давом эттирди. Дориан кутилмаган қизиқиш билан уни томоша қилиб турди. Кўпинча биз ҳам энг муҳим нарсалар тўғрисида ўйлашдан қўрқадиган бўлсак ёки бизни ҳали ўзимиз учун қам равшан бўлмаган янги бир туйғу ҳаяжонга солса ёхуд биронта дахшатли фикр миямизга ўрнашиб олиб, бизни таслим бўлишга мажбур қилса, бутун эътиборимизни ана шунақа тарзда энг арзимаган нарсалар устига жойлаймиз. Орадан куп ўтмай ари нарига учиб кетди. Дориан унинг учиб бориб, чирмовиқ гулига қўнганини кўрди. Гул сесканиб тушгандай туюлди ва у

бандида аста чайқала бошлади. Қўққисдан устахона эшигида Холлуорд пайдо бўлди ва қўлларини силкитиб ,меҳмонларини уйга киришга даъват эта бошлади. Лорд Генри ва Дориан бир-бирларига қарашди.

—Кутиб ўтирибман, — деб қичқирди рассом. — Келсаларинг-чи, куннинг ёруғида ишлаш ҳозир жуда қулай... Ичишларинг бўлса, бу ерда ҳам ичаверасизлар...Улар ўринларидан туриб, йўлакдан аста юриб қетишди. Уларнинг ёнидан бир жуфт оч зангори капалак учиб ўтди, боғнинг нариги бурчагидаги нокда эса зағча сайради.

—Сиз мен билан танишганингиздан мамнунмисиз, мистер Грей?
— деб сўради лорд Генри Дорианга қараб.

—Ҳозир, бундан жуда хурсандман. Фақат билмадим — ҳамма вақт шундоқбўладими-йўқми?

—Ҳамма вақт ... Жуда ёмон сўз-да бу. Уни эшитсам титраб кетаман. Уни, айниқса, аёллар яхши кўради. Улар ҳар қандай ишқ-муҳаббатни мангу давом этишини тилашиб расво қилишади. Ҳолбуки, “ҳамма вақт” дегани маъносиз пуч сўз. Инжиқлик билан “ҳамма вақт” ўртасидаги фарқ шуки, инжиқлик бирмунча узоқ-роқ давом этади.

Улар устахонага кириб боришаётганда, Дориан Грей лорд Генрининг елкасига қўлини қўйди.

—Ундай бўладиган бўлса, бизнинг дўстлигимиз инжиқлик бўлақолсин, —деб шивирлади у ўзининг дадиллигидан хижолат тортиб. Кейин супачага кўтарилиб, сувратга тушмоқ учун шайланди. Лорд Генри энли сават ўриндиқда ўтириб, уни кузатмоқда эди, Хонадаги сукунатни мўйқаламнинг суврат ишланаётган матога енгилгина тегиб, суркалишигина бузарди. Ўз ишини олисроқдан тузукроқ кўриб олиш учун Холлуорд Мольбертдан узоқлашганда бу овоз тинарди. Очиқ эшикдан офтобнинг қийғоч нурлари тушиб турарди. Шуълада зарҳал чанг зарралари ғужғон ўйнарди. Атиргулнинг муаттар ҳиди ҳавода сузиб юрарди.Орадан чорак соат ўтди. Рассом ишлашдан тўхтади. У анча вақт Дориан Грейга тикилиб турди, кейин яна

шунча муддат қовоғини уюб ва узун мўйқаламининг учини тишлаб туриб, сувратга тикилди.

— Тайёр бўлди, — дея хитоб қилди у ниҳоят ва энгашиб, сувратнинг чап бурчагига узун-узун қизил ҳарфлар билан ўзининг исмини ёзиб қуйди.

Лорд Генри портретни яхшилаб кўриб олиш учун унга яқинроқ келди. Шак-шубҳа йўқ — бу жуда ажойиб санъат асари эди. Суврат билан Дориан Грей ўртасидаги ўхшашлик ҳам ақл бовар қилмайдиган даражада эди.

— Азизим Бэзил, чин юракдан сени муборакбод қиламан, — деди у. — Жами-ки ҳозирги тасвирий санъатда мен бундан яхшироқ портретни билмайман. Яқинроқ келиб, ўзингиз курсангиз-чи, мистер Грей. Йигит бехос уйқудан уйғониб кетган одамдай чўчиб тушди.

— Ростдан тайёр бўлдими? — деб сўради у супачадан тушар экан.

— Ҳа, ҳа Бугун лекин жуда яхши туриб бердингиз. Бунинг учун мен сизданҳазор-баҳазор миннатдорман.

— Бунинг учун мендан миннатдор бўлмоқ керак, — деб гапга аралашди лорд Генри. — Тўғрими, мистер Грей?

Дориан жавоб бермади. У паришон қиёфада мольбертнинг ёнидан ўтди-да, кейин портретга ўгирилди. Портретга биринчи бор нигоҳи тушганда у беихтиёр бир қадам орқасига тисланди ва мамнун бўлиб яйраб кетди. У гўё биринчи марта ўзини кўраётгандай, кўзлари қувончдан нурланди. У қимир этмасдан сувратни томоша қилар, Холлуорд бир нималар деяётганини элас-элас билиб турса-да, унинг гапларининг маъносини уқмас эди. У ўзининг ҳусни таважжуҳини биринчи марта кашф қилаётгандай эди. Ҳозирга қадар у ўзининг ҳуснини унчалик пайқамаган эди. Холлуорднинг бундан завқланишини эса ораларидаги дўстликнинг таъсири-га йўярди. У Холлуорднинг хушомадларини тинглар, уларнинг устидан кулар ва уларни унутиб юборарди. Бу хушомадлар-у мақтовлар унга заррача таъсир кўрсатмас эди. Лекин мана — лорд Генри пайдо бўлди,

унинг ёшлик шаънига айтган завқёб мадҳияси янгради, ёшликнинг омонат экани, тез ўтиб кетажаги тўғрисидаги таҳдидли огоҳлантириши жаранглади. Бу гаплар Дорианни ҳаяжонга солди, ҳозир эса у ҳуснининг инъикосини томоша қилар экан, кўққисдан унинг қаршисида лорд Генри айтган истиқбол ҳайрон қоладиган даражада равшан намоён бўлди. Ҳа, бир кун келиб, чехрасидаги нур ғойиб бўлади, юзи бужмайиб қолади, кўзлари хира тортади, нурсизланади, келишган қаддиқомати эгилади, ўзи бадбашара бир кимсага айланади. Лабларининг гулгунлигини, сочларининг зарҳалини йиллар ўзи билан олиб кетади. Ҳаёт унинг қалбини шакллантирар экан, буни жисмини барбод этиш ҳисобига қилади. У кишини ижирғантирадиган даражада хунук, жирканч ва қўрқинчли бўлиб қолади.

Шуни ўилар экан Дориан куксига'пичоқ санчилгандай ўткир оғриқни ҳис қилди, унинг ҳар бир хужайрасида титроқ тургандай бўлди. Кўз ўнги қоронғилашди, улар жиққа ёшга тўлди. Гўё аллақандай муздек қўл унинг юрагини ғижимлаб эзмокда.

—Наҳотки, портрет сизга манзур бўлмаган бўлса?! — деб хитоб қилди бир оздан кейин Холлуорд. Дорианнинг индамаётгани унга бир оз малол келаётган эди.

— Йўғ-е, нега манзур бўлмасин? — деб Дорианнинг ўрнига жавоб берди лорд Генри. — Бу портрет манзур бўлмайдиган одам бормикан? У ҳозирги тасвирий санъатнинг дурдоналаридан бири. Сен ҳар қанча баҳо қўйсанг ҳам, мен уни сотиб олишга тайёрман. Бу портрет меники бўлиши керак.

—Мен уни сота олмайман, Гарри. У меники эмас.

—Кимниқи, бўлмаса?

—Дорианники-да, албатта, —деб жавоб берди рассом.

—Хўп омади бор экан-да унинг!

—Нечоғлик қайғули бу! —деб ғудранди кўққисдан Дориан Грей. У ҳали ҳам портретдан кўз узолгани йўқ эди. — Нақадар қайғули! Мен қарийман, жирканч бир бадбашара кимсага айланаман, сувратим эса мангуга навқирон бўлиб қолаверади. У ҳеч қачон бугунги июнь кунидан кўра қарироқ бўлиб қолмайди...Оҳ, кошки бунинг акси бўлса? Ана шу сувратим қариса-ю, мен мангу ёшлигимча қолаверсам! Бунинг учун... Бунинг учун мен оламдаги бор нарсани беришга тайёрман. Ҳа, ҳеч нарсамни аямас эдим. Бунинг учун ҳатто жонимни ҳам бераман!

—Агар шундай бўлиши мумкин бўлса, бу сенга маъқул келмасди, Бэзил! — деб хитоб қилди лорд Генри кулиб. — Шундай булса, рассомнинг қисмати жуда оғир бўлур эди..

— Ҳа, мен бунга жон-жаҳдим билан қарши бўлардим,— деб жавоб берди Холлуорд. Дориан Грей ўгирилиб, унга тикилиб қаради.

—О, Бэзил, мен бунга шубҳа қилмайман. Сиз санъатингизни дўстларингиздан кўра ортиқроқ яхши кўрасиз. Мен сиз учун қай бир зарҳал ҳайкалдан кўра қадрлироқ эмасман. Йўқ, уни сиз мендан ортиқ кўрасиз. Лол қолган рассом унга қараб бақрайиб қолди. Бунақа гаплар Дорианнинг оғзидан чиққани ғалати эди.

Унга нима бўлди? Афтидан, унинг жуда қам жини кўзиган эди, юзи лов-лов ёнмоқда эди.

—Ҳа, ҳа,— деб давом этди Дориан. — Сизнинг кумуш Фавнингиз ёхуд фил суягидан ишланган Гермесингиз менга қараганда сиз учун ўн чандон қадрлироқ. Сиз уларни ҳамиша яхши кўрасиз. Мени-чи? Мени севганингиз узоққа борармкин? Эхтимол, юзимда биринчи ажин пайдо бўлиши биланоқ севгингиз барҳам топар. Мен энди биладан — хуснини йўқотган одам ҳамма нарсани йўқотади. Сизнинг сувратингиз мени шу ҳақиқатдан огоҳ қилди. Лорд Генри мутлақо ҳақ: ҳаётимиздаги бирдан-бир қимматли нарса ёшлиқдир. Мен қарий бошлаганимни сезганим ҳамоно, ўзимни ўзим ўлдираман. Холлуорднинг ранги ўчиб, унинг кўлидан ушлади.

—Дориан, Дориан, нималар деяпсиз? Менинг сиздан яқинроқ дўстим йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Нима уяун аллақандай жонсиз буюмларга ҳавас қилиш фикрига тушиб қолдингиз? Ахир, сиз ҳаммадан кўра гўзалсиз!

—Мен гўзаллиги мангу бўлса, ҳаммасига ҳавас қиламан. Сиз мендан нусха кўчириб ишлаган манави портретга ҳам ҳавас қиламан. Нима учун мен йўқотадиган нарсам унда сақланиб қолар экан? Утиб бораётган ҳар бир дақиқа менинг қай бир жиҳатимни тортиб олиб, унга тухфа этмоқда. О, қани эди бунинг акси бўлса! Портрет ўзгариб борса-ю, мен ҳаммиша ҳозирги қиёфамда қолаверсам! Нега чиздингиз бу сувратни? Шундай вақт келадик, суврат мени калака қила бошлай-ди, устимдан кулиб, масқаралайди.

Дорианнинг кўзларига қайноқ ёшлар қуйилиб келди. У кўлини Холлуорднинг кўлидан тортиб олди-да, ўзини диванга ташлаб, юзини ёстиққа яширди.

—Нима қилиб қўйдингиз, Гарри! — деди рассом алам билан.

Лорд Генри елкасини қисди.

—Дориан Грейнинг сийрати тилга кирди, холос.

—Ёлғон. Бўлмаган гап.

—Ёлгон бўлса, бу ишга менинг нима дахлим бор?

—Сендан илтимос қилганимда, сен кетмоғинг керак эди.

—Мен сенинг илтимосинг билан қолдим-ку, — деб эътироз билдирди лорд Генри.

—Гарри, мен бирйўла икки қалин дўстим билан ҳам жанжаллашмоқчи эмасман... Бироқ сизлар икковингиз энг яхши сувратимни кўзимга ёмон кўрсатиб қўйдингиз. Мен уни тилка-пора қилиб ташлайман. Сирасини олганда, бу бор-йўғи бир мато бўёқ, холос. Шунчаки бир суврат ҳаммамизнинг ҳаётимизни заҳарлашига йўл қўйиб қўёлмайман. Дориан Грей ёстиқдан бошини кўтарди ва йиғидан қизарган кўзлари билан рассомни кузата бошлади. У парда тутилган баланд дераза олдидаги иш столининг ёнига борганди. Нима қиляпти у бу ерда?

Афтидан, стол устида бетартиб ётган бўёқлар ва қуруқ мўйқаламлар орасида ниманидир қидираётганга ўхшайди. Ҳа, у ўткир пўлат тиғли узун шпателни изляпти. Мана, уни топти. У портретни қийма-қийма қилмоқчи!

—Бундай қила кўрманг, Бэзил! Бундай қилманг! — дея қичқирди у. — Бундайқилиш қотиллик билан баробар-ку!

—Бунга қаранг, сиз, қар қалай, мен ишлаган сувратни қадрлар экансиз-ку! Мен жуда хурсандман, — деди рассом қуруққина оҳангда ханг-манг бўлганидан сўнг бир оз ўзига келгач. — Мен ортиқ бунга умид қилмай қўйган эдим.

—Қадрлар экансиз, дейсизми? Қадрлаш ҳам гапми? Мен уни чин дилимдан яхши кўриб қолдим. Мен шундай ҳис қилмоқдаманки, гўё бу портрет — жисмимнинг бир зарраси.

—Ундай бўлса, жуда яхши. Қуришингиз билан устингиздан лак сурамиз, рамкага тортамиз, кейин уйингизга жўнатамиз. Ана унда ўзингиз нима хоқласангиз қилаверасиз.

Холлуорд хонадан чиқиб, қўнғироқ чалди.

—Чой бўлса, албатта, йўқ демассиз, Дориан? Сиз ҳам, а, Гарри? Ёки бунақа жўн ичимликларга тобинг йўқми?

—Бунақа жўн лаззатларни жон-дилимдан яхши кўраман,— деди лорд Генри.

—Мураккаб табиатли одамлар жўн лаззатлардан нажот топади. Бироқ драматик манзараларни фақат театр сахнасида кўришни ёқтираман. Икковларинг ҳам хўп бесўнақай одамларсиз-да! Қизиқ, одам — ақлли жонивор, деган гапни ким ўйлаб топганикин, а? Жуда ҳам хом мулоҳазада. Одамзотда истаган нарсангиз бор, фақат ақл йўқ холос. Сирасини айтганда, бу жуда ҳам яхши! Аммо портрет туфайли икковларинг сен менга бораётганларинг менга унча маъқул келмаяпти. Ундан кўра, портретни менга бериб қўя қолинглар, Бэзил. Бу тентак йигитнинг портретга унча кўзи учиб тургани йўқга ўхшайди. Мен эсам, бу портрет меники бўлишини жуда-жуда истаяпман.

—Бэзил, агар сиз портретни менга бермасангиз, умрбод сиздан рози бўлмайман! — деб хитоб қилди Дориан Грей. — Яна ҳеч кимга мени “тентак йигит” дейишларига йўл қўймайман.

—Мен ҳозир айтдим, Дориан, портретни сизга совға қиламан. Мен сувратни ишлашга киришмасимданоқ шунга аҳд қилгандим.

—Сиз мендан хафа бўлманг, мистер Грей, — деди лорд Генри. — Ўзингиз яхши билиб турибсизки, ўзингизни анча-мунча енгилроқ тутдингиз. Шунинг учун сиз ҳали ғўрсиз деб эслатиб қўйишса, бу сизда унчалик нохуш кайфият туғдирмаса керак.

—Шу бугун эрталаб ушбу гаплар бўлиб ўтганида менда жуда-жуда нохуш кайфият уйғотар эди, лорд Генри.

—Эҳ-ҳа, эрталаб денг! Бироқ ўшандан бери сиз анча-мунча нарсани кечириб улгурдингиз. Эшик тиқиллади. Патнусда чойнак ва пиёла кўтарган мулозим кириб келиб, уни япон столчасининг устига қўйди. Пиёлалар билан ликопчалар бир-бирига тегиб жиринглар, биқир-биқир қилиб турган қадимий чойнакдан буғ чиқиб турарди. Мулозимнинг кетидан югурдак бола дум думалоқ иккита чинни идиш олибкирди. Дориан Грей столнинг олдига бориб, чой қуя бошлади. Бэзил билан лорд Генри ҳам ошиқмай стол ёнига келишди. Идишнинг қопқоғини кўтариб, ичида нима борлигини кўришди.

—Бугун кечқурун театрга бормайми? — деб таклиф қилди лорд Генри. —Ҳойнаҳой, бирон театрда тузук асар қўйилмаётгандир. Рост, мен бир одамга бугун кечқурун у билан бирга Уайтда тушлик қиламан деб ваъда берганман. Лекин у менинг эски ошнам, унга телеграмма жўнатиб, бетоб бўлиб қолдим ё бошқа бирон муҳим сабаб чиқиб қолди дейиш мумкин... Бунақа баҳона кўрсатсам, узр айтиб огоҳлантириб қўйганим унга малол келмаса керак.

—Э-э, фрак кийишни айтинг! Одам сиқилиб кетади-ку! — деб минғирлади Хол-луорд. — Фракка сира тоқатим йўқ-да!

—Ҳа, — деб эринибгина унинг гапни тасдиқлади лорд Генри. — Ҳозирги либослар хунукдан-хунук. Бесўнақайлиги билан одамни эзиб юборади. Бизнинг ҳаётимизда иллатдан бошқа биронта дилтортар нарса қолмади.

—Тўғриси айтсам, Гарри, Дорианнинг олдида бунақа гапларни гапирмаганинг маъқул эди.

—Дорианлардан қайси бирининг олдида гапирмай? Ҳозир бизга чой қуйиб бераётган Дорианнинг олдидами ёхуд анави сувратдаги Дорианнинг олдидами?

—Унисининг ҳам, бунисининг ҳам.

—Мен сиз билан бажонидил театрга борар эдим, лорд Генри, — деб луқма ташлади Дориан.

—Жуда соз. Демак, борамиз. Сиз ҳам биз билан борасизми,

Бэзил?

—Йўқ, очигини айтсам, боролмайман. Жуда ишим кўп.

—Ундай бўлса, биз икковимиз бораверамиз, мистер Грей. Сизу мен...

—Беҳад мамнунман!

Рассом лабини қимтиб, кўлида бир пиёла чой билан сувратнинг ёнига келди.

— Майли, мен ҳақиқий Дорианнинг ёнида қолақолай, — деди у маъюсланиб.

— Ие, ҳали сизнингча, ҳақиқий Дориан буми? — деб сўради Дориан Грей унингёнига бориб. — Наҳотки, мен чиндан ҳам шунақа бўлсам?

—Ҳа, худди шунақасиз?

—Қандай ажойиб-а, Бэзил!

—Жилла бўлмаганда, зоҳиран сиз шундайсиз. Сувратда ҳамиша шундай бўлиб қоласиз, — деди Холлуорд хўрсиниб. — Бу эса, ҳар ҳолда, жиддий гап.

—Одамлар нечоғлик барқарорлик кетидан қувлашади-я! — деб хитоб қилди лорд Генри. — Жаноблар, ҳатто ишқ-муҳаббатда ҳам вафо ва садоқат масаласи бус-бутун физиология масаласидир. Вафо ва садоқат заррача ҳам бизнинг иродамизга боғлиқ эмас. Навқирон йигитлар ва қизлар вафодор бўлишни хохлашади-ю, лккин вафодор булиша олмайдн. Кексалар бажонидил хиёнат қилишга тайёр-у, лекин қўлларидан келмайди, эплей олмайдилар. Тамоммвассалом!

—Бугун театрга бормай қуяқолинг, Дориан, —деди Холлуорд. — Шу ерда қолаверинглар, овқатни бирга қиламиз.

—Иложим йўқ, Бэзил.

—Нега энди?

—Лорд Генрига бирга боришга ваъда бериб қўйдим-да...

—Агар сўзингизнинг устидан чиқмасангиз, унинг сиздан кўнгли совиб қолади деб ўйлайсизми? Унинг ўзи ҳеч қачон ваъдасининг устидан чиқмайди. Мен сиздан ўтиниб сўрайман, бормай қўя қолинг.

Дориан Грей кулиб юборди ва бошини чайқади.

—Утинаман сиздан!

Йигит тараддудланиб лорд Генрига қаради. У стол ёнида чой ичиб ўтирар ва жилмайганича уларнинг гапига қулоқ тутарди.

—Йўқ, мен бормоғим керак, Бэзил.

—Ўзингиз биласиз, — деб Холлуорд столдан нари кетди-да, қўлидаги пиёлани патнусга қўйди. — Ундай бўладиган бўлса, фурсатни кетказманг. Вақт кеч бўлиб қолди, сиз ҳали кийимингизни ўзгартиришингиз керак. Хайр, Гарри. Хайр, Дориан. Тез-тез келиб туринглар. Эртага келсаларинг ҳам майлига. Келасизларми?

—Албатта.

— Эсингдан чиқиб қолмайдими?

—Йўғ-е, нега эсимдан чиқар экан? — деб уни ишонтирди Дориан.

—Яна бир гап бор... Гарри!

—Лаббай, Бэзил.

—Эрталаб боғда айтган илтимосим эсингдан чиқмасин.

—Нима илтимос эди? Аллақачон эсимдан чиқипти.

—Билиб қўй, мен сенга ишонаман-а!

—Мен ўзимга ўзим ишонишни истар эдим деди лорд Генри кулиб. — Юринг, мистер Грей, менинг извошим дарвозанинг олдида турипти, уйингизгача элтиб қўйишим мумкин. Бэзил, хайр! Бугунги кунимиз жуда бамаъни ўтди.

Меҳмонлар чиқиб кетгандан кейин, рассом бор оғирлиги билан ўзини диванга ташлади. Унинг чехрасидан жони азоб чекаётгани

шундоққина кўриниб турарди.

УЧИНЧИ БОБ

Эртаси куни соат ўн икки яримда лорд Генри Уоттон Керзон-стритдаги уйдан чиқиб, Олбенига йўл олди. У тоғаси лорд Ферморни кўриб келмоқчи эди. Бу одам бир оз қўрсроқ бўлса-да, кўнгли очиқ кекса бўйдоқ эди. Зодагонлар доирасидан ташқарида уни худбин деб ҳисоблашарди, чунки унинг одамларга айтгулик бирон фойдаси тегмасди. Зодагонлар даврасида эса у сахий ва меҳрибон бир одам сифатида шуҳрат топган, чунки кимда-ким унинг кўнглини топиб, вақтини чоғ қилса, лорд Фермор ундан ҳеч нарсасини аямай меҳмон қиларди. Қиролича Изабелла ёш пайтларида, Примдан эса ҳали номунишон ҳам булмаган кезларда унинг отаси Мадридда инглиз элчиси бўлган эди. Бир лаҳзалик инжиқлиги сабаб у дипломатик хизматни тарк этди — уни Парижга элчи қилиб тайинламаганлари учун аччиғи келди. Ҳолбуки, унинг аслзодалиги ҳам, бекорчи хўжалиги ҳам, дипломатик мактубларни дўндириб ташлаши ҳам, ҳузур-ҳаловатга бўлган беадад ўчлиги ҳам унга бу мансабни эгаллашга ҳуқуқ берарди. Уғли отасининг қошида котиблик қилар эди — у ҳам отаси билан бирга хизматни тарк этди. Ўшанда ҳамма бунини уйламай қилинган иш деб баҳолади. Негаки, лорд Фермор бир неча ойдан кейин отаси ўлиб, ундан мерос қолган унвонни қўлга киритгач, зодагонларнинг бекорчи хўжалик деб аталмиш улуғ санъатини жиддий ўрганишга киришди. Лондонда унинг иккита катта уйи бор эди, лекин у ижарага олинган жиҳозланган уйда буйдоқона хаёт кечиришни афзал кўрарди — шундай қилсам, ташвиш камроқ бўлади деб ҳисобларди. Нонуштани ва тушликни эса кўпинча клубда қиларди. Лорд Ферморнинг марказий графликларда кўмир кони бор эди, аҳён-аҳёнда у бу конларга эътибор бериб қолар ва ўзининг саноатга бўлган бу носоғлом қизиқишини кўмирга эгалик қилсам, жентельмен одамга муносиб тарзда уйимдаги каминга қалам учун ўтиним бемалол

бўлади, деган важ-карсон билан оқлар эди. Сиёсий эътиқодларига кўра у консерватор эди, аммо консерваторлар ҳокимият тепасига келганда, уларни радикаллар шайкаси деб атаб, роса чангитиб сўкар эди. У камердинери билан узлуксиз уришгани уришган эди, чунки камердинери ундан тартиб-интизом-га оғишмай амал қилишни талаб қиларди. Унинг ўзи эса ўз навбатида қариндош-уруғларига кун бермасди. Бундай одамдагина фақат Англия вояга етиши мумкин эди. Ҳолбуки, у ўзининг мамлакатидан рози эмас ва қар қадамда уни ҳалокат сари шитоб билан кетиб бормоқда деб жар соларди. Унинг эътиқодлари эскича эди. Бироқ унинг бидъатларини ёқлаб анчамунча далил келтирса бўларди. Лорд Генри кириб борган хонада тоғаси шикорбоп қалин куртқада, оғзида сигара, қўлида “Таймс” газетаси билан ўтирар ва бу газетадан норозилигини ошкор билдириб, жаврамоқда эди.

—Э-э, Гарри, — деди муқтарам қария. — Нега бунча каллаи саҳарлаб келмасанг? Сенга ўхшаган такасалтанглар соат иккидан олдин уйқудан турмайди, соатбешгача уйдан чиқмайди деб ўйлардим.

—Гапимга ишонинг, тоға, мени бу ерга саҳарлаб келишга мажбур қилган нарса — қариндошлик туйғусидир. Сиздан илтимос қилмоқчи бўлган нарсаларим бор эди.

—Пулдир-да, ҳойнаҳой? — деди лорд Фермор афтини бужмайтириб. — Майли, ўтир, бир бошдан гапириб берчи. Ҳозирги ёшлар пулни худо деб билишади. Уларнинг назарида, пул бўлса — чангалда шўрва.

—Ҳа — деб унинг гапини маъқуллади лорд Генри, ёқасидаги гулни тўғрилар экан. — Йиллар ўтган сари эса бу ишончлари мустаҳкамлана боради. Бироқ менга пул керак эмас, Жорж тоға. Пул қарзларини вақтида узиб юрадиган одамларга керак. Мен эса қарз берган одамларимга ҳеч ҳачон ҳақини қайтармайман. Қарз — оиладаги кенжа ўғилнинг бирдан-бир сармоясидир, бу сармояга бинойидек умргузаронлик қилса бўлади. Бундан ташқари, мен Дартмурнинг гумашталари билангина иш юритаман, табиийқи, улар мени ҳеч қачон безовта қилишмайди.

Сизнинг ҳузурингизга мен пул деб келганим йўқ, балки маълумотлар учун келдим. Албатта, фойдали маълумотлар деб эмас, беҳуда маълумотлар учун келдим.

—Ундоқ бўлса, жуда соз. Англиянинг истаган Мовий китобида мавжуд бўлган гапларнинг ҳаммасини мендан билиб олишинг мумкин. Лекин қозирги пайтда бу китобларда ҳар хил бўлар-бўлмас гапларни кўп ёзишяпти. Мен дипломатлик қилиб юрган кезларда бу китоблар анча яхши чиқарди. Эндиликда эса дипломатларни имтиҳон топширганларидан кейингина ишга олишади, дейишади. Шундоқ бўлгандан кейин улардан нимани ҳам кутиб бўларди? Имтиҳон дегани, афандим, бошидан охиригача ғирт лўттибозлик. Агар сен жентельмен бўлсанг, сенга сабоқ бериб ўтиришнинг ҳожати йўқ, ўзингнинг билиминг сенга етиб ортади. Агар сен жентельмен бўлмасанг, ўқиганинг сен учун кони зарар, холос.

—Мовий китобларда мистер Дориан Грейнинг номи йўқ, Жорж тоға, — деб луқма ташлади лорд Генри беписандлик билан.

—Мистер Дориан Грей дейсанми? Ким бўлади бу жаноб? — деб суради лорд Фермор оппоқ паҳмоқ қошини чимириб.

—Ана шуни билай деб келдим-да, сизнинг ҳузурингизга, Жорж тоға. Сирасини айтганда, унинг кимлиги менга маълум: у сўнгги лорд Келсонинг невараси. Онасининг фамилияси Девере бўлган. Леди Маргарет Девере. Унинг тўғрисида нима биласиз? Менга шуни гапириб беринг. У қанақа аёл бўлган, кимга турмушга чиққан? Ахир, сиз ўз вақтида Лондондаги аслзодаларнинг ҳаммасини билар эдингиз-ку! Ахир, бу аёлни ҳам таниган бўлсангиз ажаб эмас. Мен мистер Грей билан яқиндагина танишдим. У мени жуда қизиқтириб қолди.

—Келсонинг невараси! — деб такрорлади кекса лорд. — Келсонинг невараси... Ха, ҳа, бўлмаса-чи! Мен унинг онасини жуда яхши билар эдим. Эсимда бор, мен ҳатто уни чўқинтириш маросимида ҳам қатнашган эдим. Бу Маргарет Девере деганлари жуда ҳам соҳибжамол аёл эди. Қайсидир йигит билан қочиб кетганда, эркакларнинг ҳаммаси ғазаби жўшиб, ўтиргани жой тополмай қолган эди. Чунки бу шоввоз ёнида ҳемири йўқ, сариқ

чақага арзимайдиган қай бир пиёдалар полкининг зобитими ё шу қатори бир одам эди. Ҳа, ҳа, ҳаммаси эсимда. Гўё буларнинг ҳаммаси кеча рўй бергандай. Улар турмуш қуришгандан кейин бир неча ой ўтгач, шўринг қурғур дуэлда улдирилди. Бу тўғрида ўша кезларда ёмон миш-мишлар тарқалган эди. Келсо аллақандай бир мутгаҳамни атайин унинг ёнига юборган эмиш, белгиялик бу муттаҳам ҳамманинг олдида Келсонинг куёвини ҳаҳорат қилган эмиш. Келсо бу ярамасни катта пул бериб ёллаган экан-да... У каптарни сихга тортгандай, куёвни қиличига тортипти. Ишни босди-босди қилишди, лекин, худо ҳаққи, шундан кейин клубда Келсо анча вақтгача бифштексини ёлғиз ўзи еб юрди — ҳамма ундан ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди. Менга гапириб беришган эди — у қизини уйига келтириб олган экан, лекин ўша воқеадан кейин қизи то вафотига қадар у билан гаплашмапти. Ана шунақа ярамас воқеа! Қизи ҳам кўп яшамапти — орадан бир йил ўтар-ўтмас вафот этипти. Ундан бир ўғил қолган деяпсанми? Бутунлай эсимдан чиқариб қўйибман бунни. Қанақа йигит бўлипти у? Агар онасига ўхшаган бўлса, жуда ҳам соҳибжамол йигит бўлгандир.

—Ҳа, жуда ҳам соҳибжамол бўлган, — дея унинг гапини тасдиқлади лорд Генри.

—У яхши одамларнинг қўлига тушар даб умид ҳиламан, — деб давом этдилорд Фермор. — Агар Келсо васиятида уни хафа ҳилмаган бўлса, у бир дунё пулнинг эгаси бўлмоғи керак. Маргаретнинг ҳам давлати кам эмас эди. Бобосидан Селбидаги кўрғонлар бутун ер-суви билан унга қолганди. Унинг бобоси ёмон кўрарди, уни ўта зиқна одам деб ҳисобларди. Келсо чиндан ҳам ҳаддан зиёд хасис эди. У тўғрисида Мадридда латифалар юрарди. Бир ой мобайнида мен саройда кўринишга ботина олмай юрдим. Ҳойнаҳой, Келсо Мадрид извошчиларига хасислик қилган бўлса ҳам, ўғлига нисбатан саҳийроҳ бўлгандир?

—Бунни билмадим-ов, —деб жавоб берди лорд Генри.— Дориан ҳали балоғат ёшига етган эмас. Лекин у бадавлат одам бўлиб етишади деган умидим бор. Селби унга ўтган экан. Бунни мен унинг ўзидан эшитдим... Шундай қилиб, унинг онаси жуда ҳам

гўзал аёл булган дейсизми?

—Маргарет Девери мен ҳаётимда кўрган энг барно қизлардан бири эди. Нима сабаб бўлиб у бунақа ғалати тарзда турмушга чиққанини мен ҳеч ҳачон тушун аолмай ўтяпман. Ахир, у истаган одамига тегиши мумкин эди. Кимсан Карлингтоннинг ўзи шунақа — ҳамма аёллари ҳавойи орзулар билан яшайди... Уларнинг уруғларига мансуб эркаклар сариқ чақага арзимас эди, лекин аёллари, худо ҳақи,жуда ажойиб бўларди... Карлингтон Маргаретнинг олдида тиз чўккан экан, буни менга унинг ўзи гапириб берган эди. Ҳолбуки, ўша кезларда Лондондаги қизларнинг ҳаммаси унга ошиқу беқарор эди. Бироқ Маргарет уни мазаҳ килишдан нари ўтмади... Ха, айтгандай, бемаъни никоҳлар ҳақида гаплашайлик — отанг Дартмур тўғрисида нима деб валаҳлаб юрипти? Америкалик жувонга уйланаман дейдими? Наҳотки, англиз қизларидан кўнгли тўлмаса?

—Нима десам экан, Жорж тоға, америкалик жувонларга уйланиш ҳозир жуда расм бўлган.

—Лекин мен англиз қизларига уйланиш тарафдориман. Бу масалада бутун дунё билан баҳслашишга тайёрман! — деб лорд Фермор мушти билан столга гурсиллатиб урди.

—Ҳозир ҳамма америкалик аёлларни хуш кўряпти.

—Мен америкалик аёллар кўпга дош беролмас экан деб эшитдим, — деди Жорж тоға кўрслик билан. — Сафар чўзилиб кетса, улар толиқиб қолишади, лекин тўсиқлар оша пойга бўлса, буни роса ўрнига қўйишади. Тўсиқлардан бамисоли учиб ўтишади. Менимча, Дартмур бу қисматдан қочиб қутула олмаса керак. —Унинг ота-оналари ким? — деб сўради лорд Фермор синчковлик билан.

—Умуман, ота-оналари ҳаётми?

Лорд Генри бош чайқади.

—Инглиз хонимлари ўз ўтмишларини қандай яширсалар, америкалик жувонлар ҳам ота-оналарини шунақа моҳирлик билан яширадилар.

—Қизнинг отаси чўчқа гўшти билан савдо қиладими дейман-да?

—Кошки эди Дартмурнинг бахтига шундоқ бўлса, Жорж тоға. Гўштфурушлик Америкада энг сердаромад иш дейишади. Ундан кўра сердаромад соҳа сиёсат экан.

—Топган америкалик аёли лоақал хушрўйгинами?

— Кўпчилик америкалик жувонларга ўхшаб, у ҳам ўзини соҳибжамол қилиб кўрсатишга интилади. Уларнинг муваффақиятининг сири шунда.

— Нима учун ўзининг Америкасида тинчгина ўтирмайди улар? Ахир, доим қулоғимизга қуйишгани-қуйишган — Америка аёллар учун бамисоли жаннат экан.

— Бу гап тўғри. Шунинг учун ҳам америкалик аёллар Момо Ҳаво каби у ердан чиқиб кетишга ҳаракат қилишади, — деб изоҳ берди лорд Генри. — Майли, яхши қолинг, Жорж тоға. Мен кетмасам бўлмайди, акс қолда, нонуштага кеч қоламан. Дориан ҳақида берган маълумотларингиз учун ташаккур. Жамики янги дўстларим ҳақида ҳамма нарсани билишни яхши кўраман. Эски дўстларим ҳақида билмасам ҳам майли.

—Бугун нонуштани қаерда қиласан, Гарри?

—Агата холамникида. Мен ўзим илтимос қилдим. Мистер Грейни ҳам таклиф қилдим. Агата хола — мистер Грейнинг янги ҳомийси.

— Ҳм!.. Шунақа дегин, Гарри. Менга қара, сен Агата холангга айтиб қўй —ҳадеб, хайриянома талаб қилиб бошимни қотиравермасин. Унинг хитобномалари жонимдан тўйдириб юборди. Бу аёл унинг аҳмоқона хайриялари учун чек ёзиб бериб туришдан бошқа ишим йўқ деб ўйлайдими, нима бало?

—Яхши, Жорж тоға, айтиб қўяман. Бироқ бу беҳуда иш-ку! Филантроплар хайрия ишларига берилиб кетиб, ҳар қандай инсонпарварликдан маҳрум бўлиб қолишади. Бу уларни ажратиб турадиган муҳим белги.

Кекса жентельмен маъқуллаб бурнини тортди-да, меқмонни кузатиб қўймоқ учун қўнғироқ чалиб, мулозимни чақирди. Лорд Генри тимлар орқали Берлингтон-стритга ўтди ва Берклей-скверга йўлолди. У Дориан Грейнинг қариндош-уруғлари қақида тоғасидан эшитганларини бир-бир эслаб борарди. Тоғасининг айтганлари унчалик муфассал бўлмаса-да, барибир ўзининг ғаройиблиги билан, замонавий романтикага йўғрилгани билан лорд Генрини қаттиқ ҳаяжонга солди. Эҳтиросли муқаббат йўлида ҳамма нарсадан кечган қиз. Бир неча ҳафта беадад бахт. Бу бахтни барбод этган разил жиноят. Сўнгра,ойлар мобайнида чекилган янги изтироблар, минг азобда туғилган фарзанд. Онанинг ажалга ем бўлгани, етимликда, бемехр қариянинг зулми остида яшаган ўғилнинг қисмати. Ҳа, буларнинг бари ғаройиб, йигитга ажиб бир қиёфа бахш этади,у нинг мафтункорлигини янада оширади. Гўзал нарсанинг ортида ҳамиша бирон-бир фожеа яшириниб ётади. Энг камсуқум, энг арзимас бир гулнинг гуллаши учун ҳам дунёлар тўлғоқ дардини бошдан кечирмоқлари зарур?

... Кеча кечқурун икковлари клубда тушлик қилганларида Дориан нақадар жозибадор эди-я! Унинг лол қолган нигоҳида ва ярим юмуқ лабларида алланечук ташвиш ва тортинчоқ қувончни уқиш мумкин эди. Қиз пардали лампалардан тушган шуълада юзи ҳам яшнаб кетган ва унинг очилиб-сочилган ҳусни

таважжуҳи яна ҳам тиниқроқ кўринарди. Бу бола билан суҳбатлашиш гўёки бир ноёб найни чалмоқдай гап эди. У ҳар бир пардага, нафасингизнинг ҳар бир эпкинига акс садо берар эди...

Бошқа одамга ўз таъсир кучингни синаб кўришдан қам мароқлироқ нарса борми? Бунга тенг келадиган ҳеч нарса йўқ. Ўз қалбингни бошқа бировнинг жисмига сингдириб юборасан, юрагинг бир неча муддат унинг кўкрак қафасига жо бўла-ди; ўз фикрларингнинг акс садосини тинглайсан, бу акс садо навқиронлик ва эҳтирос мусиқасига йўғрилган бўлади. Ўз жўшқинлигингни ноёб бир гулдек ёхуд ўзингдан чиқиб турган нурдек бошқага туҳфа этасан — бундан ҳам ортиқроқ хузур, бундан ҳам юксакроқ лаззат бўладими? Эҳтимолки, бири-биридан дағал ҳиссий эрмакларга, қўпол ва ибтидоий интилишлар, майлларга тўла бизнинг маҳдуд ҳамда бачкана асримизда инсоннинг маҳрига тушган энг катта қувонч шудир!

... Устига-устак, Бэзилнинг устахонасида бахтли тасодиф билан учратиб қолгани бу йигитча жуда ажойиб одамга ўхшайди... ёки уни тарбиялаб, ажойиб бир одамга айлантирса бўлади. Бунинг учун унда ҳамма нарса муҳайё — латофат ҳам, ёшликнинг кордай оппоқ покизалиги ҳам, гўзаллик — ўша қадимги юнонлар мармарда тажассум этиб кетган гўзаллик ҳам бор. Ундан истаган нарсани яшаш мумкин — уни буюк бир паҳлавон даражасига кўтариш ҳам мумкин. Оддий бир қуғирчоқ қилиб қўйса ҳам бўлади. Надоматлар бўлсинки, ҳатто шундай баркамоллик ҳам сўлишга маҳкум!...

Бэзил-чи! У айтган гаплар психологик жиҳатдан нақадар қизиқ! Бир одамнинг мавжудлиги туфайли сира кутилмаганда тасвирий санъатда янги усул туғилипти. Рассом воқеликни янгича идрок эта бошлапти. Бунга сабаб бўлган одамнинг ўзи булардан бутунлай беҳабар. Қалин ўрмонларда истиқомат қилувчи, кенг далаларда сайр этиб юрувчи, шу пайтгача кўз илғамаган, тилсиз-забонсиз табиат қалби тўсатдан Дриада каби сира ҳадиксирамай, чўчимай рассом қаршисида намоён бўлади, чунки рассомнинг қалби уни кўпдан бери излаб юради. Рассом қалби илҳомга йўғрилган назаркардаликка эга, шунинг учун ажойиб ишлар

фақат унгагина намоён бўлади. Оддий шакллар, буюмларнинг жўнгина тимсоли кўққисдан юксак баркамоллик ва алланечук рамзий маъно касб этади. Буларнинг бари гўё рассом учун мутлақо бошқа — янада мукамалроқ шаклни кашф этиб бергандай, бу шакл ғира-шира орзудан воқеликка айланиб қолгандай бўлади. Буларнинг бари нақадар ажойиб!

Ўтган асрларда ҳам шунга ўхшаш воқеалар бўлган. Фикрлаш, тафаккур Аф-отун учун санъат эди. У ана шу мўъжиза ҳақида биринчи бўлиб бош қотирган одам. Буонароттичи? У буни рангли мрамарга нақш этилган бир туркум шеърларида жуда ёрқин ифодалаб берган. Бироқ бизнинг асримизда шундай бўлгани кишини танг қолдиради...

Шундай мулоҳазалардан кейин лорд Генри бир тўхтамга келди: Дориан қандай қилиб ўзи билмаган ҳолда ажойиб портретини яратган рассом учун раҳнамо бўлиб қолган бўлса, у, яъни лорд Генри ҳам Дориан учун шундай раҳнамо бўлади. У Дорианни ўзига бўйсундиришга уриниб кўради — сирасини айтганда, у ҳозирнинг ўзидаёқ бу ишнинг ярмини бажариб қўйди — бу ажойиб йигитнинг қалби унинг ихтиёрида бўлади. Бу Муҳаббат ва Ўлим фарзандини яратишда табиат нақадар саҳийлик билан иш юритган! Лорд Генри тўсатдан тўхтаб, кўшни уйларни нигоҳидан ўтказди. У холасининг уйдан ўтиб кетган экан, ўтганда ҳам анча-мунча ўтиб кетипти. Буни кўриб у ўзидан кулди-да, орқасига қайтди. У ним қоронғи даҳлизга кирганда, мулозим ҳаммама йиғилиб бўлганини, ошхонада ўтиришганини айтди. Лорд Генри мулозимлардан бирининг кўлига шляпаси билан ҳассасини тутқазиб, ўзи ичкарига кирди.

— Ҳар доимдагидек, яна кечикдинг-да, Гарри! — деб хитоб қилди холаси таъна билан бош чайқаб. У тутган жойида аллақандай бўлмағур баҳоналарни айтиб узр сўради ва беканинг ёнидаги бўш стулга ўтириб, тўпланган меқмонларни кўздан кечирди. Столнинг нариги томонидан Дориан мамнунлигидан қизариб, тортинчоклик билан унгабош ирғади. Унинг рўпарасида герцогиня Харла ўтирарди. Уни таниган одамларнинг ҳаммаси бу аёлни яхши кўришарди. Бу аёл бениҳоя

юввош ва қувноқ бўлиб, шакли-шамойили шунақа тузилишга эга эдики, бундай тузилишни ҳозирги замон муаррихлари семиз — бақалоқлик деб аташади (табiiйки, гап герцогинялар ҳақида бормаётган бўлса). Герцогинянинг ўнг томонида сэр Томас Бэрдэн ўтирипти. У —радикал, парламент аъзоси. Жамоат ишларида у ўз раҳнамосининг содиқ издоши эди, хусусий ҳаётда эса хуштаъм таомларнинг тарафдори эди. Яъни “мажлисни лейбористлар билан қур-у, тушликни консерваторлар билан қил” деган кўпчиликка маълум доно қоидага амал қиларди. Герцогинянинг чап томонидаги жойни тредлилик мистер Эрекин эгаллапти. Ёши ўтинқираб қолган бу жентельмен жуда маданиятли, хушмуомала одам эди. Аммо унинг битта ёмон одати бор эди: у давраларда миқ этиб оғиз очмай ўтираверарди. Бир марта у леди Агатага ўзининг бу қилиғини тушунтириб, ўттиз ёшимгача гапирадиган гапимнинг ҳаммасини гапириб бўлганман деган экан.

Лорд Генрининг ёнида миссис Ванделер ўтирипти. Бу хоним холасининг эски қадрдонларидан бири, чиндан қам ҳар жиҳатдан авлиё хотин, лекин жуда дидсиз, олақуроқ кийинган. Кўриниши шунақаки, уни муқоваси титилиб, расво бўлиб кетган ибодат китоби билан таққосласа бўларди. Лорд Генрининг бахтига миссис Ванделернинг у томонида лорд Фаудел ўтирган экан. Ўрта ёшли бу эркак жуда зукко эди-ю, лекин иқтидори ўртача эди, ўзи ҳам худди вазирнинг жамоалар палатасида қилган маърузасидай туссиз ва тунд эди. У билан миссис Ванделер ўртасидаги суҳбат ҳаддан ташқари жиддий бир тарзда бормоқда эди. Лорд Фауделнинг гапига қараганда туппа-тузук бамаъни одамлар ҳам кечириб бўлмайдиган шу нуқсонга муккаларидан кетганлар ва уларнинг ҳеч қайсилари бу нуқсондан бутунлай халос бўлиш йўлини тополмай хуноблар.

—Биз шўрлик Дартмур қақида гаплашяпмиз, — деди герцогиня баланд овозда лорд Генрига ва стол атрофидан бош ирғаб унга салом йўллаган бўлди. — Нимадеб ўйлайсиз, у чиндан ҳам бу дилрабо америкалик аёлга уйланармикин, йўқми?

—Ҳа, герцогиня. Бу аёл унга турмуш қуришни таклиф қилишга

жазм қилган кўринади.

—О, даҳшат-ку! — дея хитоб қилди леди Агата. — Бунга йўл қўйиб қўйиш тўғри келмайди!

—Энг ишончли манбалардан эшитганимга қараганда, қизнинг отаси Америкада баззозлик қилар экан ёки шунга ўхшаган арзимас матоҳлар билан савдо-сотик қилар экан, — деди башарасини ижирганнамо бужмайтириб сэр Томас Бэрден.

—Тоғамнинг гапига қараганда, у чўчқа гўштини олиб сотиш билан шуғулланар экан, сэр Томас.

—“Арзимас матоҳ” деганингиз нимадир, ўзи? — деб сўради герцогиня ва ҳайрат ичида дўмбоққина қўлларини юқори кўтарди.

—Америка романлари-да, — дея изоҳ берди лорд Генри какликни танавул қилишга киришар экан.

Герцогиня ҳайрон бўлиб қолди.

—Унинг гапига эътибор берманг, азизим, — деб унинг қулоғига шивирлади леди Агата. — Унинг биронта қам жиддий гапи йўқ.

—Америка кашф этилган кезларда... — дея гап бошлади радикал ва бундан бу ёғига қар хил бир-биридан зерикарли хабарлар бошланиб кетди. Мавзуни бу-унлай таг-тугига етказиб қўйишни мақсад қилиб қўядиган нотиклар каби радикал ҳам тингловчиларнинг бардошини обдон охирига етказди. Герцогиня хўрсинди ва ўз имтиёздан фойдаланиб унинг гапини бўлди:

—Кошки эди Америка деганлари бутунлай кашф этилмай қўя қолинса... хўп яхши бўларди-да, — деб хитоб қилди у. — Ахир, америкалик аёллар қизларимизнинг ҳамма қаллиқларини йўлдан уришяпти. Бу — бемаънилик!

—Менга қолса, Америка ҳали сира қам кашф этилган эмас дердим, — деб луқма ташлади мистер Эрскин. — У ҳозирча топилган эмас, холос.

—О, мен Америка аҳолисининг вакилларини кўрганман, — деб

гапга қўшилди герцогиня мужмал оҳангда. — Айтмоғим керакки, уларнинг кўпчилиги бинойидек. Кийинишлари ҳам жуда соз. Ҳамма либосларини Парижда тиктиришади. Афсуски, бунга ҳатто менинг ҳам кучим етмайди.

—Бир нақл бор — бежирим америкалик аёллар вафотидан кейин Парижга йўл олармиш, — деди истехзо билан кулиб сэр Томас. Унинг заҳирасида сийқаси чиққан гаплар ҳамиша мўл бўларди.

—Шунақа денг! Ўлгандан кейин америкалик эркаклар қаёққа даф бўларкан? —деб суриштирди герцогиня.

—Американинг ўзига-да, — деб гапга қўшилди лорд Генри.

Сэр Томас қошларини чимирди.

—Сизнинг жиянингиз бу улуғ мамлакатни ёмон кўрадими дейман-да, — дедиу леди Агатага. — Мен Американи энига қам, кўндалангига қам кезиб чиққанман, кўрмаган жойим қолмаган. Менга махсус вагон бериб қўйишган эди. Биласизми, у ердаги маъмурлар жуда хушмуомала. Ишонаверинг, Америкага сафарқилишнинг жуда катта маърифий аҳамияти бор.

—Наҳотки, маърифатли одам бўлмоқ учун Чикагони бориб кўриш шарт бўлса? — деб ўксиниб суради мистер Эрскин. — Мен бунақа сафар қилишга ўзим-да етарли куч бор деб ўйламайман. Сэр Томас қўл силтади.

—Мистер Эрскин учун бутун олам унинг китоб тоқчаларидагина мужассам. Биз — тадбиркорлар эса ҳамма нарсани фақат ўқиб билишгина эмас, ўз кўзимиз билан кўришни ҳам истаймиз. Америкаликлар жуда ажойиб халқ, улар жуда катта соғлом ақлга эга. Мен буни уларнинг энг муҳим хислати деб биламан. Ҳа, ҳа, мистер Эрскин, улар жуда соғлом фикрлайдиган одамлар. Гапимга ишонаверинг, америкалик ҳеч қачон бемаъни ишга қўл урмайди.

—Нақадар даҳшат-а! — деб хитоб қилди лорд Генри. — Мен қўпол зўравонликка чидашим мумкин, лекин, қўпол, тўпори, ҳиссиз, юраксиз қилинадиган ишларга мутлақо тоқатим йуқ. Фақат ақлнинг амри билан иш юритишга алланечук ғайри

олижаноблик бор. Бу демак — ақлга хиёнат қилмоқлик.

—Тушунмадим, бу билан нима демоқчисиз? — деди сэр Томас бўзариб.

—Мен эса гапингизни тушундим, лорд Генри, — деб жилмайиб ғудурлади мистер Эрскин.

—Зиддиятли гапларнинг ўз жозибаси бор, — деб бошлади баронет.

—Мен зиддиятли гап айтдимми? — деб сўради мистер Эрскин.
— Ўзим билмабман ҳам... Бир томондан, гапингиз тўғри бўлса ҳам ажаб эмас. Хўш, нима бўпти? (Ҳаёт ҳақиқати бизга айни зиддиятли фикрлар шаклида намоён бўлади. Воқеаликни идрок этиш учун унинг дорбозга ўхшаб, дор устида зўрға мувозанатини сақлаб турганини кўрмоқ керак. Ҳақиқат амалга оширадиган турли-туман сакрашлар-у жилпанглашларнинг барини кўргандан кейингина биз унинг тўғрисида тўғри мулоҳаза юрита оламиз.

—Вой тавба-ей, эркак зоти баҳслашишни мунча яхши кўрмаса-я!
— деб хўрсинди леди Агата. — Нима тўғрисида гурунглашаётганларингга сира ақлим етмаяпти. Сенданку жуда қаттиқ хафа булдим, Гарри. Бизнинг дилбар мистер Греймизнинг мен билан Ист-Эндда бирга ишлашдан нега қайтаряпсан? Тушунсанг-чи, у бизга бебаҳо ёрдам бермоғи мумкин: унинг ижроси ҳаммага ёқади.

—Унинг ижроси фақат мен учун бўлмоғини истайман, — деб кулиб туриб эътироз билдирди лорд Генри ва Дориан ўтирган томонга назар ташлаб, йигитнинг мамнун қараб турганини кўрди.

—Бироқ, Уайтчеплда жуда кўп ғусса-ю алам бор-да! — деб гапини бермади леди Агата.

—Мен одамларнинг ғам-ғуссасидан бошқа ҳамма нарсага ҳамдардман, — деб лорд Генри елкасини қисди. — Одамларнинг қайғу-аламларига ҳамдардлик қилолмайман. Чунки бу қайғу-аламлар ҳаддан ташқари хунук, бадбашара, ҳаддан ташқари

мудҳиш ва бизни эзиб ташлайди. Изтиробларга ялпи ҳамдардликда алланечук носоғлом бир нарса бор. Гўзаллик, ёрқин бўёқларга, ҳаёт қувончларига ҳам-дард бўлмоқ керак. Ҳаётнинг зулматли томонлари тўғрисида эса имкони борича камроқ гапирмоқ керак.

—Бироқ Ист-Энд — жуда жиддий муаммо, — деб салобат билан гап қотди сэр Томас бош чайқаб.

—Шак-шубқасиз, — деб унга қўшилди лорд Генри. — Бу ахир, куллик муаммоси. Биз эса кулларни қувонтириш йўли билан бу муаммони ҳал қилмоқчимиз.

Қари сиёсатбоз унга тикилиб қолди.

—Сиз нимани таклиф қиласиз бунинг ўрнига? — деб сўради у.

Лорд Генри кулиб юборди. — Мен Англияда об-ҳаводан ташқари қеч нарсани ўзгартирмасликни истайман. Мен учун фалсафий мушоҳаданинг ўзи кифоя қилади. Бироқ ўн тўққизинчи аср ҳамдардликни орқа-олдига қарамай совурабергани туфайли инқирозга учради. Шунинг учун менинг назаримда одамларни ҳақиқат йўлига фақат Илмгина бошлай оладиган бўлиб кўринади. Туйғуларнинг яхшилиги шундаки, улар бизни бу йўлдан тойдиради, Илмнинг яхшилиги шундаки, у туйғуни билмайди.

—Лекин бизнинг зиммамизда жуда катта масъулият бор! — дея ҳайиқибгина гапга қўшилди миссис Ванделер.

—Жуда катта масъулият! — деб унинг гапини маъқуллади леди Агата.

Лорд Генри стол оша мистер Эрскин билан кўз уриштириб олди.

—Инсоният ўзининг курраи заминидаги ролига ортиқча баҳо беради. Бу унинг бирламчи гуноҳидир. Агар ғорларда яшаган одамлар кулишни билганларида тарих бошқа йўлдан кетган бўларди.

—Менга жуда таскин бердингиз-да, — дея ялтоқланди герцогиня. — Шу пайт-га қадар мен меҳрибон

холажонингизникида бўлар эканман, Ист-Эндга қизиқмаганим учун виждонан эзилиб юрардим. Энди эса у кишининг кўзларига хижолатсиз, қизармай бемалол қараёлмайман.

—Қизарсангиз нима? Қизиллик аёл кишига жуда ярашади, герцогиня, — деди лорд Генри.

—Фақат ёшликда ярашади, — деб эътироз билдирди герцогиня. — Менга ўхшаган кампир қизарса, бу жуда ярашмаган бир қилиқ бўлади, холос. Оҳ, лорд Генри, кошки эди лоақал сиз қандай қилиб яшариш мумкинлиги ҳақида менга маслаҳат берсангиз...

Лорд Генри бир дақиқа ўйланиб қолди.

—Сиз ёшлигингизда йўл қўйган биронта катта хатоингизни эслай оласизми, герцогиня? — деб сўради у стол орқали герцогиня томонга эгилиб.

—Бир эмас, анчаси хотирамда.

—Унда бу хатоларингизни яна бир бошдан қайтадан қилиб чиқинг, — деди у жиддий оҳангда.

—Ёшликни қайтармоқ учун ёшликда қилган номаъқулчиликларнинг барини такрорлаш кифоя.

—Жуда ажойиб назария-ку! — дея завқланди герцогиня. — Уни, албатта, амалда текшириб кўраман.

—Хавфли назария! — деди маҳкам қисилган тишлари орасидан сэр Томас. Леди Агата эса бошини чайқади-ю, беихтиёр кулиб юборди. Мистер Эрскин индамай тинглаб ўтирар эди.

—Ҳа, — деб давом этди лорд Генри. — Ҳаётнинг буюк сирларидан бири шунақа. Бизнинг кунларимизда кўпчилик одам қулларча оқилликнинг судралувчан шаклларидан нобуд бўлади. Ҳеч қачон кўнглимизда афсус-у надомат уйғотмайдиган ягона нарса бизнинг хатоларимиз ва адашишларимиз эканини жуда ҳам кечфақмлаб қолади. Даврадагилар баравар кулиб юборишди. Лорд Генри эса ҳаёлотининг жиловларини қўйиб юбориб, бу фикрни ўзи истаган куйга сола бошлади; у уни ирғитиб илиб олар, ўзгартирар, гоҳ улоқтириб юборар, гоҳ яна

қайта олар, уни нурланишга мажбур қилар, хаёлотининг жилолари билан безаб, зиддиятли фикрлар билан қаноатлантларди. Номаъқулчиликлар шаънига ўқилган бу мадҳия фалсафа юксаклари қадар кўтарилди. Фалсафа эса Лаззатнинг ваҳшиёна мусиқасига маҳлиё бўлиб, бошига чирмовиқ гулдан гулчамбар кийган, либосига шароб тўкилган мой маъбудаси янглиғ ҳаёт адирлари бўйлаб жўшқин рақси самоларга тушиб кетди. Айна чоғда у оғир карвон Силеннинг қарқадамини ўйлаб босишидан кулар экан, фактлар унга йўл бўшатиб, юраги така-пука бўлган ўрмон жинлари янглиғ ҳар томонга тирқираб кетишди. У доно Омар савлат тўкиб ўтирадиган баҳайбат тошни назар-писанд қилмай, унга яланғоч оёқларини қўйди ва бу оппоқ оёқлар теварагида узум суви қирмизи кўпиклар сачратиб, каттакон тоғорани тулдира бошлади. Буларнинг барчаси дабдурустдан тўкиб чиқарилган жуда нажиб ва ўзига хос бир ҳолат эди. Лорд Генри Дориан Грейнинг ўзидан кўз узмаётганини ҳис қилди. Ҳа, тингловчилар орасида бир одам борки, лорд Генри уни мафтун қилишни истади. Шу фикр унинг зукколигини янада чархлади, унинг нутқларини янада бийрон қилди. Унинг оғзидан чиқаётган гаплар тутуруқсиз, мантиқ ва ақлга зид, лекин қизиқарли, жозибадор эди. Тингловчилар кулишар, лекин беихтиёр унга маҳлиё бўлиб, хаёлотнинг парвози кетидан эртақдаги сурнай ноласига эргашган болалар каби суришиб боришади. Дориан Грей сеҳрлангандай унинг юзидан нигоҳини ололмай қолганди. Унинг лабларида тез-тез табассум намоён бўлар, кўнғир кузларидаги маҳлиёлик эса ўйчанлик билан алмашиб турарди.

Ниҳоят, Воқелик бизнинг асримиз либосида мулозим сиймосида хонага кириб келди ва у герцогиняга улови унга мунтазир эканини арз этди. Герцогиня ҳайрлашган кўйи қўлларини силкитди.

—Кўп афсус! Кетишга тўғри келади. Мен йўл-йўлакай клубга кириб, эримни олишим ва уни аллақандай бемаза бир мажлисга олиб бориб қўйишим керак! У мажлисга раислик қилади. Агар кеч қолинса, унинг аччиғи келади. Мен эса бошимда манави шляпа бўлган кунлари бунақа ғалвалардан узоқроқ юришга

тиришаман, чунки шляпам ҳаддан зиёд нафис, биргина дағал сўздан расво бўлиши ҳеч гап эмас. Йўқ, йўқ, мени олиб қоламан деб овора бўлманг, азизим Агата. Яхши қолинг, лорд Генри! Сиз ажойибсиз, лекин одамни йўлдан урадиган шайтонсиз. Сизнинг назарияларингиз тўғрисида нима деб ўйлашни ҳам билмай қолдим. Албатта, бизникига тушликка келинг. Сешанба куни келсангиз ҳам майлига. Сешанбага ҳеч қаерга айтилган эмасмисиз?

—Сиз учун, герцогиня, мен ҳар қандай ишимни ҳам ташлашга тайёрман, деди лорд Генри таъзим билан.

—О, бу ишингиз бир жиҳатдан таҳсинга лойиқ, бир жиҳатдан ёмон, — деб хитоб қилди муҳтарама хоним. — Майли, эсингиздан чиқарманг, биз сизни кутамиз. — Шундай деб, у хонадан сиполик билан сузиб чиқди, унинг кетидан эса леди Агата билан бошқа хонимлар чиқишди. Лорд Генри қайтиб жойига ўтирганда мистер Эрскин унинг ёнига утириб, қўлини елкасига қўйди.

—Сизнинг гапларингиз ҳар қанақа китобдан ҳам мароқлироқ, — деб бошлади у. — Нега китоб-митоб ёзмайсиз?

—Мен китоб ўқишни жон дилимдан яхши кўраман, мистер Эрскин, шунинг учу китоб ёзмайман. Албатта, қани эди бир роман ёзсам. Романим Эрон гиламидай жуда жойиб, хаёлотга бой бўлса. Бироқ бизнинг Англиямизда фақат газета-ю, қомусий луғатлар-у, дарсликлар ўқишади, холос. Инглизлар дунёдаги ҳамма халкларнинг ичида адабиётнинг гўзаллигини энг кам тушунадиган халқ.

—Гапларингиз тўғри деб ўйлайман, — деб жавоб берди мистер Эрскин. — Мен ўзим бир вақтлар ёзувчи бўлишни орзу қилардим, лекин анча бўлди — бу фикримдан қайтганман. Изн берсангиз, сизни менинг ёш дўстим деб атасам. Сизда битта нарсани сўрамоқчи эдим — шу нонушта вақтида айтган гапингизнинг ҳаммасига астойдил ишонасизми?

—Боя нима деганим ҳозир, мутлақо эсимда йўқ, — деб жилмайди лорд Генри. Бирон-бир куфрона гапдир-да...

—Ҳа, албатта. Менинг фикримча, сиз ҳаддан ташқари хавfli одамсиз. Мабодо бизнинг муҳтарама герцогинямизга бирон корҳол бўлиб қолса, биз сизни асосий айбдор деб биламиз... Мен сиз билан турмуш тўғрисида гурунглашмоқни истар эдим. Менинг авлодимга мансуб кишилар зерикарли ҳаёт кечирдилар. Бирор кун Лондон жонингизга тегиб кетганда, меникига, Тредлига келинг. Иттифоқо менда ажойиб бургунд виносидан бирмунчаси сақланиб қолган. Шунини тановвул қилиб ўтириб, сиз ўзингизнинг лаззат фалсафангизни менга баён қилиб берасиз. —Бажонидил. Тредлида меҳмон бўлишни ўзим учун катта шараф деб биламан. У ернинг сиздай хўжайини, жуда ноёб кутубхонаси бўлгандан кейин яна нима керак?

—Сизнинг боришингиз Тредлининг хуснига хусн қўшади, — деб жавоб берди кекса жентельмен такаллуф билан. — Майли, булмаса менга рухсат. Бориб меҳрибон холажонимиз билан хайрмаъзур қилай. Мен Атенеумга бормоғим керак. Бу соатда биз одатда йиғилишиб олиб дардлашамиз.

—Клуб аъзоларининг ҳаммаси йиғиладими, мистер Эрскин?

—Ҳа, қирқта одам қирқта ўриндиқда ўтирамыз. Шу йўл билан биз Англия Адабиёт академиясини барпо қилишга тайёрланяпмиз.

Лорд Генри хохолаб кулиб юборди.

—Майли, мен, бўлмаса, Паркка кетдим, — деди у ўрнидан турар экан.

Эшик олдида Дориан Грей унинг тирсагидан ушлади.

—Мен ҳам бирга борсам бўладими?

—Сиз Бэзил Холлуорднинг олдига боришга ваъда берувдингиз шекилли?

—Мен кўпроқ сиз билан бирга бўлишни истаяпман. Ҳа, ҳа, мен, албатта, сиз билан бирга бўлмоғим керак. Майлими? Сиз мен билан узлуксиз гаплашиб юришга ваъда берасиз, хўпми? Ҳеч ким сизчалик қизиқарли гапирмайди.

—Э-э, нимасини айтасиз. Лекин мен бугун гапириб тўйдим! — деб жилмайиб эъти-роз билдирди лорд Генри. — Энди мен фақат ҳаётни мушоҳада қилсам дейман. Агар истасангиз, майли, юринг, ҳаётни бирга мушоҳада қиламиз.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Орадан чамаси бир ой ўтгач, кунлардан бирида Дориан Грей лорд Генрининг Мейфердаги уйида чоғроқ кутубхонанинг қулай ўриндиғида ўтирар эди. Хона жуда шинам эди. Деворлари баланд-баланд, уларга дубдан панель қоқилган, шифтлар нақшинкор. Полининг устига қизил мато тортилган, унинг устига узун попуклик эроний ипак гиламлар тўшалган. Қимматбаҳо ёғочдан ишланган стол устида Клодионнинг ҳайкалчаси, унинг ёнида Кловис Эв ишлаган муқовада “Les Cent Nouvelles” нинг бир нусхаси. Китоб бир вақтлар Маргарита Валуаники бўлган ва унинг муқоваси зарҳал дастор гуллар билан безатилган эди. Қиролича бу дасторгулни ўзининг рамзи сифатида танлаган эди. Камин устида хитой чиннисидан ишланган катга-катта ҳаворанг кўзаларда алвонранг лолалар чирой очиб турарди. Деразадан ёзги Лондон оқшомининг шуъларанг ёруғи тушиб турипти. Лорд Генри ҳали қайтганича йўқ. У ҳамма жойга кечикиб боришни ўзига одат қилиб олган эди. Унинг назарида, ҳамма ишни аниқ вақти-соатида қиладиган одам вақтдан ютқазади. Дориан ранжиган бир аҳволда қовоғини уйиб, паришонхотирлик билан “Манон Леско”ни варақлаб ўтирипти. Бу китобга жуда чиройлик расмлар ишланган бўлиб,

Дориан уни китоб жовонларининг биридан топиб олди. Людовик ўн туртинчи услубидаги соат бир маромда чиқ-чиқ юриб турипти. Лекин бу ҳам Дорианнинг ғашига тегяпти. У ҳатто уй эгасининг келишини кутмай, бир нечабор кетишга ҳам чоғланди. Ниҳоят, эшик ортидан қадам товушлари эшитилди ва эшик очилди.

—Мунча кеч қолдингиз, Гарри! — деб тўнғиллади Дориан.

—Афсуслар бўлсинким, мен Гарри эмасман, мистер Грей, — деган йўғон ва кескин овоз эшитилди. Дориан шоша-пиша эшик томон ўгирилди ва сапчиб урнидан турди.

—Узр! Мен уйлабманки...

—Сиз менинг эримни келди деб ўйлаган бўлишингиз керак. Ҳолбуки, у эмас, мен келдим. Ижозатингиз билан ўзимни таништирай. Сизни мен аллақачон сувратларингиздан таниб олганман. Агар, адашмасам, эримда сизнинг ўн еттитача сувратингиз бор.

—Йўғ-е, кўп ҳам муболаға қилманг. Ўн еттита эмасдир-ов, леди Генри!

—Ўн еттита бўлмаса, ўн саккиздадир. Кейин мен сизни яқинда эрим билан бирга операда кўрувдим. Бу гапларни айтар экан, у аллақандай бесаранжомлик билан кулди ва ўзининг бинафшаранг кўзларини Дорианга қадади. Бу ғалати аёлнинг устидаги бутун либоси шунақа тусга эга эдики, гўё уларни телбалик ҳолида тикиб бичишган-у, бўрон чоғида кийишган. Леди Уоттон кимгадир ошиқу беқарор бўлиб юрарди, лекин ҳамиша севгиси жавобсиз қоларди, шу вайдан унинг ҳамма хом хаёллари ҳозирга қадар сақланиб қолган эди. У ҳозир ҳам офатижон бўлиб кўринишга ҳаракат қилар, лекин исқирт кўринарди, холос. Унинг исми Виктория эди. У черковга қайтишни жону дилидан яхши кўрар — бу ҳатто унинг учун қанда қилиб бўлмайдиган одатга айланиб қолганди.

—“Лоэнгрин”да кўрган бўлсангиз керак, хойнаҳой, леди Генри.

—Ҳа, менинг севимли “Лоэнгрин”имда. Вагнер муסיқасини

бошқа ҳамма муסיқалардан ортиқ кураман. Бу муסיқаннинг шовқини кучли, театрда бутун спектакль давомида бегоналар эшитиб қолишидан хавотир олмай бемалол гап сотиб утирса бўлади. Бу жуда ҳам қулай, шундай эмасми, мистер Грей?

Унинг энсиз, юпқа лабларида яна ўша бесаранжом ва асабий табассум пайдо бўлди. У қўлида қоғоз қирқишга ишлатиладиган, дастаси тошбақанинг косасидай ишланган узун пичоқни айлантириб ўйнай бошлади.

Дориан жилмайиб бошини чайқади.

—Мени кечирасиз-у, лекин гапингизга қўшила олмайман, леди Генри. Мен ҳамма вақт муסיқани эътибор билан тинглайман ва агар у яхши бўлса, сира гап сотмайман. Ёмон муסיқа бўлса, албатта, бошқа гап. Унда гаплашиб ўтирса ҳамбўлади.

—Ие, бу Гаррининг фикри-ку, шундай эмасми, мистер Грей? Мен доимо Гаррининг фикрини унинг дўстларидан эшитаман. Фақат шу йўл билан уларни билиб оламан. Муסיқа масаласига келсак... Сиз ўйламанг мени муסיқани яхши кўрмас экан деб. Яхши муסיқани жону дилимдан яхши кўраман, лекин ундан кўрқаман. У мени ҳаддан зиёд даражада романтик кайфиятга солиб қўяди. Пианино чалувчиларни-ку жонимдан ортиқ кўраман, баъзан уларни қўшалоқлаб яхши кўриб қоламан — Гарри шунақа дейди. Билмадим, уларнинг нимаси менга бу қадар ёқаркин? Ё улар ажнабий бўлгани учун шунақа ёқтирармиканман? Аслида-ку ўзи Англияда туғилганлари ҳам бора-бора ажнабий бўлиб кетади, шундай эмасми? Уларнинг бу ишпари жуда оқилона, бу уларнинг санъатининг обрўйини оширади, уларга космополитик тус беради. Шундай эмасми, мистер Грей? Сиз ҳали менинг оқшомларимда бирон марта ҳам иштирок этмадингиз, шекилли? Албатта, боринг. Орхидей гулларига буюртма бермайман, бунга кучим етмайди, лекин ажнабийлардан пулимни аямайман — улар меҳмонхонага жуда ажиб манзара бахш этишади! Ана, Гарри ҳам келиб қолди! Гарри, мен сендан баъзи нарсаларни сўраб оламан деб бу ерга кирган эдим, лекин нимани сўрайман деганим сира эсимда йўқ. Бу ерда мистер Грейга рўпара келдим. Биз мистер Грей билан муסיқа тўғрисида жуда мириқиб

гаплашиб олдик. Фикрларимиз батамом бир жойдан чиқди... Айтганча, йўк, ундоқ эмас, фикрларимиз бутунлай карама-қарши чиқди. Лекин унинг суқбати бирам ёқимли эканки... Мен у билан танишганимдан ғоят мамнунман...

—Мен ҳам мамнунман, азизим, жуда мамнунман, — деди лорд Генри қайрилма қора қошини чимириб, енгил табассум билан бир хотинига, бир Дорианга қарар экан. — Сизни куттириб қўйганим учун маъзур тутасиз мени, Дориан. Уордор-стритга борган эдим, у ерда қадимий зарбоф парча бор экан, шунинг нархини нақд икки соат савдолашдим. Бизнинг даврамизда одамлар ҳамма нарсанинг баҳосини билишади, лекин ҳақиқий қиммати ҳақида тасаввурга ҳам эга эмаслар.

—Ҳар қанча афсус қилмай, сизларни тарк этишимга тўғри келади! —деб хитоб қилди леди Генри орага чўккан ноқулай жимликни бўлиб. Шундай деб ҳар доимгидек кутилмаганда ва жуда ноўрин кулиб юборди. — Мен герцогиняга бирга сайр қилишни ваъда бериб қўйган эдим. Яхши қолинг, мистер Грей! Хайр, Гар-ри! Ҳойнаҳой, бугун тушликни меқмовдорчиликда қиларсан? Мен ҳам. Леди Торнбэриникида учрашиб қолсак ҳам ажаб эмас.

—Шундоқ бўлиши мумкин, азизим, —деб жавоб берди лорд Генри унинг кетидан эшикни ёпиб қолар экан. Хотини туни билан ёмғирда қолган жаннат қушини эслатиб, ўзидан кейин енгил ёсмиқ ҳидини қолдириб хонадан чиқиб кетгандан кейин у папиросини тутатиб, диванга чўзилди.

—Сочлари саморанг аёлга зинқҳр-базинҳор уйлана кўрманг, — деди у папиросини бир неча марта тортгандан кейин.

—Нега энди, Гарри?

—Улар ўта ҳисчан бўлишади.

—Мен ҳисчан одамларни ёқтираман.

—Энг яхшиси, умуман, уйланмай қўя қолинг, Дориан. Эрқаклар ҳорғинликдан уйланади, аёллар қизиққанидан эрга тегади. Улар ҳам, булар ҳам никоқдан кейин ҳафсалалари пир бўлади.

—Мен ҳеч қачон уйланмасам керак, Гарри. Мен ҳаддан зиёд ошиқман. Бу ҳам сизнинг ҳикматларингиздан бири. Сиз тарғиб қиладиган нарсаларнинг ҳаммаси каби мен буни ҳам ҳаётга татбиқ этаман.

—Кимга ошиқу беқарор бўлиб қолгансиз? — деб сўради лорд Генри бир муддат индамай тургач.

—Бир артист аёлга, — деб жавоб берди Дориан қизариб. Лорд Генри елкаларини қисди.

—Бошланиши анча сийқа-ку?

—Агар сиз уни кўрган бўлганингизда бунақа демас эдингиз, Гарри.

—Ким экан у?

—Унинг исми Сибила Вэйн.

—Бунақа артист аёлни ҳеч эшитмаган эканман.

—Ҳали ҳеч ким ҳам эшитган эмас. Вақти-соати келиб унинг тўғрисидаги ҳамма гапдан воқиф бўласиз. У даҳо аёл!

— Ўғилгинам, билиб қўйингки, аёллар ҳеч қачон даҳо бўлмайди. Улар безак учун хизмат қиладиган жинс. Уларнинг дунёга айтадиган гапи йўқ, лекин шундоқ бўлса ҳам гапиришади, гапирганда ҳам жуда латофат билан гапиришади. Аёл киши руҳ устидан тантана қилаётган моддиюнликнинг тажассуми, эркак эса фикрнинг ахлоқ устидан тантанасини тажассум этади.— Шафқат қилинг, Гарри!..

—Азизим Дориан, ишонаверинг, бу чин ҳақиқат! Мен хотинларни тадқиқ қиламан. Шундоқ экан, нечук уларни билмай? Шунини ҳам айтмоғим керакки, уларни ўрганиш кўпда ҳам қийин эмас. Мен шундай хулосага келганман: аёллар, асосан, икки тоифага бўлинар экан: пардоз қиладиганлар ва пардоз қилмайлиганлар. Пардоз қиладиганлари биз учун ғоят фойдали. Муҳтарам зот деб донг чиқармоқчи бўлсангиз, бунақа аёлни бир марта зиёфатга таклиф қилсангиз, кифоя. Иккинчи тоифа аёллар жуда жозибадор бўлишади. Лекин улар битта хатога йўл

қўйишади — ҳамиша ёшроқ кўринмоқ учун пардоз қилишади. Бизнинг бувиларимиз зукколиклари ва ғоятда ноёб суҳбатдош эканликларини намоён этиш учун пардоз-андоз қилишган: у пайтларда “ronge”¹ ва “esprit” ажралмас нарсалар деб хисобланган. Ҳозир эса бутунлай бошқача. Агар аёл киши қизидан кўра ўн ёш ёшроқ кўринишга эришган бўлса, у шунинг ўзига бемалол қаноат қилаверади. Улар билан мириқиб суҳбатлашишни ўйламай қўяқолинг. Бутун Лондонда бемалол гурунглашсангиз арзийдиган бешта аёл топилса топилади, бўлмаса — йўқ. Шу бештанинг ҳам иккитаси тузукроқ давраларга номуносиб аёллар... Буларни қўйинг, келинг, ўзингизнинг даҳо аёлингиз тўғрисида гапириб беринг. Сиз у билан кўпдан бери танишмисиз?

—Оҳ, Гарри, сизнинг мулоҳазаларингиз мени даҳшатга солади.

—Ҳечқиси йўқ. Сиз у аёл билан қачон танишгансиз?

—Уч ҳафталар муқаддам.

—Қаерда?

—Ҳозир айтиб бераман. Лекин мени ундан совитаман деб бекорга уринманг, Гарри! Сирасини айтганда, сиз билан учрашмаган бўлганимда, бу гапларнинг ҳечқайсиси йўқ эди: чунки менда ҳаёт тўғрисида ҳамма нарсани билишга ёлқинли иштиёқни сиз уйғотдингиз. Бэзилникидаги учрашувимиздан кейин мен тинчимни йўқотиб қўйдим, менинг ҳар бир томирим ҳаракатга келди. Парк бўйлаб ёхуд Пикадиллида санқиб юрар эканман, рўпара келган ҳар бир кимсага қизиқиш билан синчиклаб назар сола бошладим, унинг қай тарзда турмуш кечиришини билишга уриндим.

Баъзи бировлар мени ўзига тортар эди. Бошқалар менинг юрагимга кўрқув соларди. Гўё ҳавода аллақандай ширин оғу сузиб юргандай эди. Янги таассуротлар иштиёқи менга азоб бера бошлаган эди... Шундай қилиб, бир куни кечқурун соат еттиларда бирон янгиликка рўпара келиш иштиёқида Лондон бўйлаб санқий бошладим. Сиз тасвирлаб берганингиз каби бизнинг лак-лак аҳоли яшайдиган, жирканч гуноҳкорлари, мафтункор иллатлари бисёр шаҳаримизда менга ҳам аталган насиба борлигини ҳис қилдим. Менинг хаёлимдан минглаб нарсаларнинг суврати кечди... Ҳатто мени кутиб ётган хавфухатарлар ҳақида ҳам завқ билан хаёл сурдим. Биз сиз билан биринчи марта бирга тушлик қилган ўша ажойиб оқшомда айтган гапингизни эсладим. Бахтнинг чинакам сири — гўзалликни изламоқдадир” деган эдингиз ўшанда. Нима кутаётганимни ўзим билмаган ҳолдаудан чиқиб, Ист-Энд томонга йўл олдим. Орадан кўп ўтмай, ифлос ва исқирт кўчалар, кўкатсиз хиёбонлар орасида адашиб қолдим. Соат саккиз яримларда аллақандай ғарибгина бир театр ёнидан ўтиб қолдим. Унинг олдида бесўнақай газли чироқлари ёниб турар ва кираверишида баҳайбат афишаси бор эди. Эшик олдида бир қасанғи яҳудий дарбон экан. Унинг устида алмисоқдан қолган жилетка, лабида арзон сигара. Сочларининг ёғи чиқиб кетибди. Лекин исқирт енгида жуда каъта бриллиант ялтираб турипти.

—Ложа олишни ихтиёр этмайдиларми, афандим? — деб таклиф қилди у мени кўриши ҳамона ва ясама такаллуф билан бошидан шляпасини олди. Бу бадбашара одам жуда ғаройиб кўринди кўзимга. Сиз, албатта, устимдан куласиз, лекин тасаввур қилинг, Гарри — мен ичкарига кириб, сахна яқинидаги ложа учун нақд бир гиней пул тўладим. Қандай қилиб шунақа бўлиб қолганига шу пайтга қадар ақлим етмайди. Бироқ шундай қилмаганимда, ҳа, азизим Гарри, агар шундай қилмаганимда, ҳаётимдаги энг гўзал муҳаббат саргузаштини бой бериб кўяр эканман... Сиз куляпсизми? Худо ҳақи, бу ишингиз жуда ноўрин!

—Мен кулаётганим йўқ, Дориан. Ҳар ҳолда, кулаётган бўлсам ҳам, сиздан кулаётганим йўқ. Буни ҳаётингиздаги энг гўзал муҳаббат саргузашти деб ҳам ўтирманг. Ундан кўра “биринчиси” денг. Сизга ҳамиша ошиқу беқарор бўлишади, сиз эса ҳамиша севгини севасиз. Grande Passion³ —умрини бекорчилик билан ўтказадиган одамларнинг мақрига тўшган. Меҳнат қилмайдиган синфлар вакиллари қобил бўлган ягона нарсанинг ўзи шу! Кўрқманг, ҳали олдинда сизни кўпдан-кўпажойиб кечинмалар кутмоқда. Буниси фақат бошланиши, холос.

—Нима бало, сиз мени шу даражада юзаки одам деб ҳисоблайсизми? — деб хитоб қилди Дориан Грей.

—Аксинча, теран ҳиссиёт эгаси деб биламан.

—Нечук?

—Азизим, юзаки одамлар деб мен умрида фақат бир марта севадиган одамларни биламан. Уларнинг “вафодорлик” деб аталмиш сифати, садоқати — кўникилган одатнинг талвасаси ёхуд хаёлот дунёсининг қашшоқлигидан ўзга нарса эмас. Муҳаббатдаги вафодорлик ҳам худди фикрлардаги изчиллик ёхуд барқарорликка ўхшаган заифликни исбот қилувчи далил, холос... Садоқат эмиш... Бир вақтлар фурсати келса, мен бу туйғунинг таҳлили билан махсус шуғулланаман. Бу туйғуда мулкдорнинг тўймаслиги бор. Биз жуда кўп нарсаларни бажонидил улоқтириб ташладик. Бироқ биз улоқтирган нарсаларни бошка бировлар илиб кетади деган хавотир бизни шундай қилишдан саклаб туради. Майли, майли, энди

гапингизни бўлмайман. Давом этаверинг.

—Шундай қилиб десангиз, мен сахнанинг шундоққина биқинида жойлашган турқи совуқ, тор ложага тушиб қолдим. Кўз олдимда олақуроқ бўялган парда. Мен зални кўздан кечира бошладим. У ортиқча ҳашам билан безатилган экан. Ҳаммаёқда муҳаббат фаришталари-ю, арзон-гаров никоҳ тортига ўхшаган очил дастурхонлар. Орқа томондаги қаторларда ва галереяларда одам тирбанд, биринчи қаторлардаги эскириб кетган ўриндиқлар бўм-бўш, бу ерларда балкон деб аталадиган жойларда ҳам биронта тирик жон йўқ. Қаторлар оралаб пивофурушлар, апельсинфурушлар изғиб юраркан, томошабинлар эса оғизлари тинмай писта ча-қишар экан.

—Баайни Британия драмаси гуллаб-яшнаган шукуҳли кунлардаги каби...

—Ҳа, бўлса бордир. Театрдаги муҳит кишини эзиб юборар экан. Театрдан чиқиб кетаман-да, деган тўхтама келиб, энди кўзғала бошлаган эдим, кўзим ногаҳон афишага тушди. Нима деб ўйлайсиз, Гарри, ўша оқшом сахнада қайси пьеса ўйналмоқда эди?

—“Телба” ёхуд “Беғуноҳ соқов”гами ўхшаш биронта асар бўлса керак-да. Боболаримиз шунақа асарларни ёқтиришарди. Мен дунёда яшаганим сари, Дориан, ишни равшанроқ кўрмоқдаманки, боболаримизга манзур бўлган нарсалар ортиқ бизни қониқтирмай қўйган. Санъатда ҳам, худди сиёсатдаги каби *Les grandperes out toujours tort*⁴.

—Бу пьеса, Гарри, биз учун ҳам етарли даражада яхши. Шекспирнинг “Ромео ва Джульета”си. Очиғини айтсам, бошда Шекспир учун хўрлигим келиб кетди, уни шу даражада хароб театрда қўйишадими? Айни чоғда, бу ҳол мени анча қизиқ тириб қолди. Ҳар ҳолда, мен биринчи пардани кўришга жазм қилдим. Оркестр бемазадан бемаза чала бошлади. Уни шалағи чиққан пионининг ёнида ўтирган ёш яқудий йигит бошқарарди. Бу мусиқанинг дастидан залдан қочиб чиқиб кетишимга сал қолди. Ниҳоят, парда кўтарилиб, томоша бошланди. Ромео ролини ёши ўтинқираб қолган семиз бир эркак ўйнади. У қуюқ ясама қош

ёпиштириб олган, овози хириллаган эди. Қадди-қомати пиво бочкасини эслатарди. Меркуцио анча дурустроқ эди. Бу ролни масқарабозлик томошаларини ўйнаб ўрганган бир комик ижро этарди. У матнга истаган гапни қўшиб ўзгартирарди. Галереядаги томошабинлар уни маъқуллаб, ичаклари узилгунча қаҳ-қаҳ кулишарди. Бу иккала актёр ҳам худди сахнадаги декорациялардек жуда бемаъни эди. Буларнинг ҳаммаси қўшилиб, спектаклга бозор бошида бўладиган оддий бир масқарабозлик тусини берганди. Аммо Жульетта! Гарри, ўн етти ёшлардаги чехраси баайни гулдекнафис, юнонларники сингари бежирим бошида қора сочлари чамбарак бир қизни кўз олдингизга келтиринг. Кўзлари эҳтироснинг мовий кўли, лаблари мисоли ғунча. Мен умримда биринчи марта бунақа нажиб гўзалликни кўришим! Сиз бир гал бир гап айтган эдингиз. Ҳеч қанақа баландпарвоз гаплар менга таъсир қилмайди, лекин гўзаллик, ёлғиз баркамол ҳусни таважжуҳгина сизга таъсир қилиб, кўзингиздан ёшлар оқизиши мумкин дегандингиз. Шунақа экан, Гарри, мен бу қизни зўр-базўр кўра олдим, чунки қўйилиб келган ёшлардан кўзим хиралашди. Овозини айтмайсизми! Мен умрим бино бўлиб, бунақа овозни эшитмаган эдим. Аввалбу овоз жуда паст эшитилади, лекин унинг ҳар бир жилоси, кишини эркалатувчи ҳар бир оҳанги дона-дона бўлиб қалбингизга қўйилгандай бўлади. Кейин овоз сал кўтарилади — энди у майин бир найдек ёхуд олис-олислардан келаётган сурнай овозидек эшитилади. Боғдаги сахнада унда тонг чоғида булбул навосида эшитиладиган кумуш қўнғироқчалар садоси жаранглайди. Шундай дақиқалар бўлади-ки, унда скрипканинг нолакор фифони янграйди. Бирор одамнинг овози кишини нечоғлик ҳаяжонлантириши мумкинлигини сиз яхши биласиз. Сизнинг овозингиз билан Сибиланинг овозини мен ҳеч қачон унутмайман. Кўзимни юмишим билан, кулоғимда сизларнинг овозингиз янграйди. Уларнинг ҳар бири менга бошқа нарсани гапирди ва мен уларнинг қай бирига қулоқ солишни билмай қоламан... Шундоқ экан, қандай қилиб мен уни севиб қолмаслигим мумкин эди? Гарри, мен уни севаман. У менинг жону жаҳоним! Ҳар оқшом мен уни сахнада кўраман. Бугун у Розалинда, эртага — Имоджена. Мен уни Италияда мақбаранинг

зулмати ичида жон бераётган ҳолда кўрдим, севгилисининг лабларидан бўса олаётиб, оғуни сўриб олганини кўрдим. Мен уни йигитчасига кийиниб олиб, Арденна ўрмонларида сайр қилиб юрган кезларида кўрдим. Йигитлик либоси унга жуда ярашган эди— калта камзули бежирим, шимитор, оёқларига ёпишиб турипти, бошида чиройлик қалпоқча. Телба ҳолатда у жиноятчи қиролнинг хузурига келиб, унга доривор ўсимликларни узатади. У бегуноҳ Дездемона бўлганини, рашкнинг қора кўллари унинг қамишдек нозик бўйнини бўғганини кўрдим. Мен уни ҳамма асрларда, турфа хил либосларда кўрдим. Оддий аёллар бизнинг хаёлотимизни жунбушга келтирмайди. Улар ўз замонасининг чегарасидан чиқиб кетолмайди. Улар сеҳргарлардек бир думалаб бошқа қиёфага кириб қололмайди. Уларнинг қалпоқчалари бизга қанчалик таниш бўлса, қалблари ҳам шунчалик яхши таниш. Уларнинг сирлари йўқ. Эрталаблар улар от миниб, паркда сайр қилишади, кундуз кунлари эса чой ичишиб ўтириб, танишлари билан гап сотишади.

Уларнинг юзларидан табассум аримайди, ўзларини тутишлари ҳам жойида. Улар биз учун очиқ китобдай гап. Аммо артист аёлчи, артист аёл — бутунлай бошқа бир олам. Нима учун менга фақат артист аёлгина севишга арзийди деган гапни айтмагансиз, Гарри?

—Шунинг учунки, мен жуда кўп артист аёлларни яхши кўрганман, Дориан.

— О, мен бу даҳшатли аёлларни ҳам биламан — бошларида саватдай бўялган соч, башаралари пардоздан ола-чалпак.

—Бўялган сочлар билан пардоздан ола-чалпак чеҳраларни ёмон курманг, До-риан! Баъзан уларда алланечук бир ғаройиб латофатни кўрасан, киши.

—Ростини айтсам, сизга Сибила Вэйн туғрисида гапириб берганимдан афсусланияпман.

—Бу гапларни менга айтмаслигингиз мумкин эмас эди, Дориан. Сиз бутун умрингиз давомида юрак сирларингизни менга

ишониб гапириб юрасиз.

—Ҳа, Гарри, сиз ҳақ булсангиз керак. Мен сиздан ҳеч нарсани яширолмаيمان. Менинг устимдан алланечук англаб бўлмайдиган ҳукмингиз бор. Мабодо мен бирон замон жиноят қилиб қўйганимда ҳам, барибир, келиб сизга айтиб берган бўлардим. Сиз менинг ҳолимни англар эдингиз.

—Сизга ўхшаган одамлар, Дориан, айтганидан қайтмайдиган куёш нурига ўхшайди. Бу нур ҳаётни шуълалантириб туради. Улар жиноят қилишмайди. Менинг тўғримдаги яхши фикрингиз учун сизга минг бор ташаккур! Қани, энди айтинг-чи... Марҳамат қилиб, менга гугуртни узатиб юборинг! Миннатдорман.. Қани, айтинг-чи, Сибила Вэйн билан ўрталарингдаги муносабат қай даражага етди?

Дориан сапчиб ўрнидан турди. У қизариб-гезариб кетганди, кўзлари эса чақнаб турарди.—Гарри! Сибила Вэйн мен учун бир илоҳа!

—Фақат илоҳаларга қўл тегизса арзийди, Дориан, — деди лорд Генри. Унинг „оҳангида бир оз кўтаринкилик бор эди.

—Нега энди аччиғингиз келади? Мен ўйлайманки, эртамикечми, барибир, у сизники бўлади. Ошиқлик одамнинг ўз-ўзини алдашидан бошланади, бошқани алдаш билан эса тамом бўлади. Ана шуни ишқий можаро деб аташ расм бўлган. Сиз у билан лоақал танишиб олгандирсиз дейман?

—Ҳа, албатта. Биринчи оқшомдаёқ анави яҳудий дарбон спектаклдан кейин ложага келиб, мени саҳна орқасига олиб утиши мумкинлигини, истасам, Жульетта билан таништириб қўяжagini айтди. Мен қизишиб кетиб, Жульетта бир неча юз йил аввал ўлиб кетганини, унинг хоки Веронадаги мрамар мақбарада эканини айтдим. У донг қолиб, менинг гапларимни эшитди, афтидан, мени шампан виносидан керагидан ортиқ ичиб қўйган деб ўйлади, шекилли...

—Бўлиши мумкин.

—Кейин мендан “газеталарга ёзиб турмайсизми?” деб сўради.

Мен ёзиш у ёкда турсин, уларни ҳатто ўқимайман ҳам деб жавоб бердим. Афтидан, унинг тарвузи қўлтиғидан тушди, шекилли. У менга ҳамма театр танқидчилари унга қарши тил бириктириб олганини, уларнинг ҳаммаси сотқин эканини айтди.

—Унинг бу фикрига қўшилса бўлади. Лекин уларнинг аҳволини назарга олса, танқидчиларнинг кўпчилиги унчалик катта пулга сотилмайдиган кўринади.

—Ҳар нима бўлганда ҳам, у танқидчиларга тўлашга кучим етмайди деб ўйлади, шекилли, — деди Дориан жилмайиб. — Бизнинг гапимиз тамом бўлмай, театрда чироқларни ўчира бошлашди. Мен кетмоғим керак эди. Яҳудий зўр бериб аллақандай сигараларини мақтай-мақтай, менга тиқиштира бошлади, лекин мен улардан ҳам бўйин товладим. Эртасига кечқурун мен, албатта, театрга яна келдим. Яҳудий мени кўриб, ергача эгилиб таъзим қилдида, сиз санъатнинг саҳий ҳомийси экансиз, деди. Жуда сўхтаси совуқ одам-у, лекин мен сизга айтсам, Шекспирнинг шайдоси экан. У ички бир ифтихор билан “бард”га (У ўжарлик билан Шекспирни шундай деб атайти) бўлган муҳаббати туфайли беш марта ўтга тушгандай куйганини айтиб берди. У бунга ўзининг буюк хизмати деб ҳисоблайдиган кўринади.

—Бу чиндан ҳам катта хизмат, азизим, жуда катта хизмат! Кўпчилик одамлар Шекспирга муҳаббатлари туфайли эмас, кундалик турмушнинг жўн ташвишлари туфайли ўтга тушгандай чув тушадилар. Шеъриятга муҳаббати туфайли хонавайрон бўлиб, молу мулкидан ажралиш бу — шарафдир... Хўш, мисс Сибила Вэйн билан биринчи марта қачон гаплашдингиз?

—Учинчи оқшомда. Ўша куни у Розалинда ролида чиққанди. Мен, ниҳоят, яҳудийнинг аврашларига кўндим ва саҳна ортига ўтдим. Бунгача мен унга гул ташладим ва у мен томонга бир қараб қўйди... Ё менга шундай туюлдими?... Ке-са яҳудий бўлса ҳамон қисташни қўймасди. Афтидан, у ҳар нима бўлганда ҳам мени Сибила билан таништириб қўйишга қаттиқ жазм қилган кўринади. Хуллас, мен кўндим. Менинг Сибила билан

танишишни шу қадар хоҳламаганим жуда ғалати, а, шундоқ эмасми?

—Йўқ, ҳеч ғалати жойи йўқ.

—Нега энди, Гарри?

—Кейин бирор куни тушунтириб берарман. Ҳозир эса бу қиз ҳақидаги ҳикоянгизни охиригача эшитиб олсам дегандим.

—Сибила ҳақидами? Бу қиз бирам тортинчоқ, бирам ҳаёли... Кўп жиҳати болага ўхшайди. Мен унинг ижроси ҳақида завқ-шавқ билан гапира бошласам, у кўзларини катта очиб, ҳайрон бўлиб туради, — қанақа зўр истеъдоди борлигини ўзи билмайдими дейман-да. Ўша куни кечқурун биз икковимиз ҳам анча-мунча хижолатга қолдик. Яқудий серчанг фойенинг эшигида туриб олиб узлуксиз гап сотарди. Биз эса худди болалардек бир-биримизга тикилганча индамай тикка турардик. Қария ҳадеганда мени “милорд” деб аташини қўймасди, мен шоша-пиша Сибилага мутлақо лорд эмаслигимни уқтиришга уриндим. У бўлса кўнгилчанлик билан “Сиз лорд эмас, бошқа эмас, шаҳзодага кўпроқ ўхшайсиз. Мен сизни “Соҳибжамол Шаҳзода” деб атайман” деди. — Худо қаққи, миссис Сибила хушомадни ўрнига қўяр экан!

— Йўқ, Гарри, сиз тушунмаяпсиз: Сибила учун мен бирон пьесанинг қаҳрамонидай одамман. У ҳаётни мутлақо билмайди. Онаси билан бирга ўтиради. Онаси сўлиб қолган бир муштипар аёл. Биринчи оқшомда у леди Капулетти ролини аллақандай қизил қалпоқда ижро этди. Бу аёл бир замонлар яхши кунларни ҳам кечиргани сезилиб турипти.

—Бунақа аёлларни учратганим бор... Улар ҳамиша мени қайғуга солади, —деб гап қўшди лорд Генри узугини кўздан кечирар экан.

—Яхудий менга унинг тарихини гапириб бермоқчи бўлди, бироқ бу мени қизиқтирмайди деб унинг гапига қулоқ солмадим.

—Тўғри қилибсиз. Ўзгаларнинг бошига тушган оғир савдоларда хаддан ташқари аянчли бир нарса бўлади.

—Мени фақат Сибиланингўзи қизиқтиради. Унинг оиласи-ю, насл-насаби билан нима ишим бор? Унинг ҳамма нарсаси баркамол, бошидан тортиб оёқларига-ча хаммаси илоҳаники каби. Мен ҳар оқшом уни саҳнада кўриш учун бориб турибман ва ҳар оқшом у менга борган сари баркамолроқ ва ажиброқ кўриняпти.

—Шунинг учун оқшомлари мен билан бирга тамадди қилмай

қўйган экансиз-да? Мен ўзим ҳам биронтаси жигарингиздан урган бўлса керак, деб ўйлаб юргандим. Лекин бу буткул мен кутган нарса эмас, бутунлай бошқа нарса.

—Гарри, азизим, биз ахир, қар куни ё тушликни, ё кечки тамаддини бирга қиламиз! Бундан ташқари, мен бир неча марта сиз билан бирга операга бордим, — деб эътироз билдирди Дориан ҳайратланиб.

—Тўғрику-я! Лекин сиз ҳар гал шафқатсизларча кеч қоласиз.

—Иложим қанча! Мен ҳар оқшом Сибилани кўрмасам бўлмайди. Лоақал бир пардада. Мен ҳозирдан усиз яшай олмайдиган бўлиб қолдим. Унинг фил суягидан йўниб ясалганга ўхшаш нозик гавдасига жойлашган ажойиб қалби хақида ўйласам, бутун вужудимда роҳатбахш титроқ туради.

—Бугун-чи, Дориан? Мен билан бирга тушлик қила олмайсизми?
Дориан бош чайқади.

— Бугун Сибила Ижоджена ролида чиқади. Эртага кечқурун Жульеттани ўйнайди.

—Унда қачон Сибила Вэйн бўлади?

—Ҳеч қачон.

—Ўндай бўлса, сизни табрикласа бўларкан!

—Аҳ, Гарри, бирам пичингга устасиз-ей! Тушунсангиз-чи, бу аёлда жаҳоннинг жамики улуғ қаҳрамон аёллари тажассум топган. У бир кишидан ортиқроқ кимса. Куляпсизми? Мен эса сизга дейманки, бу аёл — даҳо. Мен уни севаман ва у ҳам мени севиб қолмоғи учун ҳамма ишни қиламан. Сиз ҳаётнинг ҳамма сиру асроридан воқиф одамсиз, шундоқ бўлгач, менга Сибила Вэйни ром қилиш йўлларини ўргатинг. Мен Ромеога кундош бўлмоқни истайман, майли, у рашк ўтида қоврилиб жизғинаги чиқсин. Истайманки, бир замонлар ер юзида яшаб ўтган ошиқларнинг ҳаммаси гўрда ётган жойларида бизнинг кулгимизни эшитишсин ва бизнинг эҳтиросларимиз нафаси уларнинг хокини безовта қилсин, уни уйғотсин ва изтироб

чекишга мажбур қилсин. Эй, худойим-ей, Гарри, мен уни нақадар яхши кўришимни кошки билсангиз эди.

Бу гапларни айтар экан, Дориан ҳаяжон ичида хона бўйлаб одимлаб юрди. Ҳаяжондан унинг икки бети қип-қизил бўлиб кетганди. У ҳаддан ташқари жунбуга келган эди.

Лорд Генри яширин бир лаззат билан уни кузатиб турарди. Ҳозирги Дориан яқиндагина лорд Генри Безил Холлуорднинг устахонада учратган тортинчоқ ва ҳар нарсадан ҳайиқувчан болага сира ўхшамас эди. Унинг бор сийрати гулдек очгган, гулгун олов бўлиб яшнаб кетган эди. Қалб ўзининг пинҳона кулбасидан ташқарига чиққан ва иштиёқ уни қарши олиш учун ошиқмоқда эди.

—Хўш, энди нима қилмоқчисиз? — деб сўради ниҳоят лорд Генри.

—Сиз билан Безил бирор куни менга қўшилиб театрга борсанглар-да, уни сахнада кўрсанглар. Заррача шубҳам йўқки, сизлар ҳам унинг истеъдодини юқори баҳолайсизлар. Кейин уни анави мутба ҳам яқудийнинг кўлидан тортиб олиш керак. Сибила у билан уч йилга шартнома тузган. Ҳозир яна икки йил-у саккиз ойи қолган. Албатта, мен бу яқудийга ҳақини тўлайман. Бу ғалва бартараф бўлгач мен Вест-Эндда бирор театрни ижарага олиб, Сибиланинг ҳамма истеъдодини одамларга намойиш қиламан. У мени қандай лол қолдирган бўлса, бошқаларнинг ҳам ақлини олиб, қойил қолдиради.

—Бунга эришмоқ кийин бўлар-ов, азизим!

—Кўрасиз ҳали! Унда нафақат жуда ажойиб санъаткорлик туйғуси бор, у бениҳоя ёрқин шахсиятга ҳам эга. Сиз ўзингиз менга неча марталаб айтгансиз —бизнинг давримизда дунёни ғоялар эмас, шахслар бошқаради.

—Жуда соз! Хўш, қачон театрга борамиз?

—Ҳозир ўйлаб олай... Бугун сешанба. Келинг, эртага борайлик. Эртага у Жульеттани ўйнайди.

—Жуда яхши! Соат саккизда “Бристол”да учрашамиз. Мен

Безилни бошлаб келаман.

—Фақат саккизда эмас, Гарри, олти яримда. Биз театрда парда кўтарилмасдан олдин кириб улгурмоғимиз керак. Мен Жульетта биринчи марта Ромеони учратадиган сахнада кўришларингни истайман.

—Олти яримда! Жуда эрта-ку? Театрда бунақа эрта бориш инглиз романини ўқиган каби паст кетиш билан баробар-ку! Йўқ, келинг, етти бўлақолсин. Ўзини ҳурмат қиладиган биронта одам еттидан олдин тушлик қилмайди. Балки, сиз бундан аввал Бэзилни келарсиз? Ёки унга икки энлик хат ёзиб юборсаммикин?

—Азизим Бэзил! Мана, бир ҳафтадирки, мен унинг кўзига кўринаётганим йўқ. Жуда ҳам уят бўлиб кетди-да! Ахир, у менга портретимни жуда чиройли рамкага солиб бериб юборипти. Рамка ҳам унинг буюртмаси билан чизмаларига қараб ишланган экан... Очиғини айтганда, мен бу сувратимга жиндай ҳасад қиламан, чунки у мендан бир ойга ёшроқ. Лекин тан оламан, портретим менга жуда ёқади. Сиз ўзингиз Бэзилга ёзиб юбора қолсангиз бўлармиди? Ҳозир у билан юзма-юз уч-рашишга ҳоҳишим йўғроқ. У нимаики деса, ҳамма гапидан юрагим сиқиладиган бўлиб қолипти. У доимий тарзда менга яхши маслаҳатлар бериб келмоқда.

Лорд Генри жилмайди.

Баъзи одамлар ўзларига жуда зарур бўлган нарсаларни бажону дил бошқаларга бериб юбораверадилар. Олижанобликнинг энг юксак намунаси деса арзийди буни!

—Бэзил жуда бағри кенг инсон-да, лекин жиндай маҳдудлиги ҳам бор. Мен сизни таниб билганимдан кейин буни тушундим, Гарри.

—Биласизми, дўстим, Бэзил ўзидан мавжуд жамики яхши сифатларни ўзининг асарларига сингдирарди. Шу тарзда, унинг яшамоғи учун фақат бидъатлару, ахлоқ қоидалари ва соғлом ақл қолади, холос. Мен билган рассомлар ичида фақат истеъдодсизларигина офатижон одамлар бўлади. Истеъдодлари

Ўз ижодлари билан яшайдилар, шунинг учун ўз-ўзича олганда, сира ҳам мароқли жойлари булмайдди. Улуғ шоир агарда у чиндан ҳам улуғ бўлса, ҳамиша жуда ҳам жўн одам бўлиб чиқади. Иккинчи даражали одамлар бўлса, латофатли бўлишади. Уларнинг шеърлари нечоғлик ночор бўлса, қиёфалари-ю қиликлари шунчалик дабдабалироқ бўлади. Агар бирор одам бемаза сонетлар тўпламини чиқарган бўлса, аввалдан комил ишонч билан айтиш мумкинки, у, албатта, жуда жозибадор бўлади. У ўзининг шеърларига жо қилолмаган нафосатни ўзининг сувратига, турмуш тарзига жо қилади. Бошқа тоифага мансуб шоирлар бўлса, ҳаётга олиб киришга юраклари дов бермаган нафосатни қоғоз бетларига тўкиб соладилар.

—Билмадим-ов, бу гапингиз тўғрими, йўқми, Гарри, — деб луқма ташлади Дориан Грей стол устида турган зарҳал пўкакчи шиша идишдаги атирдан дастрўмолига томиза туриб. — Мадомики, сиз шундоқ деяётганингиздан кейин тўғри бўлса керак... Майли, мен кетай энди. Мени Иоджена кутяпти. Эртаги учрашув эсингиздан чиқмасин. Хайр.

Ёлғиз қолган Гарри кўзларини юмиб, ўйга толди. Шак-шубқа йўқки, уни ҳеч ким Дориан Грейчалик қизиқтирмас эди, аммо бу йигитнинг кимнидир жон-дилидан яхши кўриб қолгани лорд Генрининг қалбида заррача ҳам рашк ёхуд таассуф туйғусини туғдирмади. Аксинча, у бундан мамнун бўлганди — энди Дорианни янада кўпроқ мароқ билан ўрганса бўлади. Лорд Генри доимо табиатшуносларнинг илмий усуллари қаршисида таъзим қилар эди, аммо улар ўрганадиган соҳани зерикарли ва аҳамиятсиз деб ҳисобларди. Ўз тадқиқотларини у аввал ўз-ўзини батафсил таҳлил қилишдан бошлади, кейин эса бошқаларни ипидан игнасигача таҳлил қилишга ўтди. Инсон ҳаётигина унга урганишга арзийдиган бирдан-бир соҳа бўлиб кўринарди. У билан таққослаганда бошқа ҳеч нарса ҳеч қандай қийматга эга эмасди. Ва, албаттаки, қувончлару изтироблар аралашиб кетган ўзига хос ҳаёт қозонининг қайнашини ўрганувчи тадқиқотчи нафасни бўғувчи ҳар хил бадбўй ҳаволардан, мияни ва хаёлотни заҳарловчи мудҳиш тимсоллару даҳшатли алжирашлардан ҳимояланиш учун юзига шиша ниқоб тутиб ололмайдди. Бу

қозонда шунақа нозик оғулар пайдо бўладики, унинг заҳарини ўзинг татиб кўрмагунча, сифатларни ўргана олмайсан, бу қозонда шунақа ғаройиб хасталиклар қалашаб кетганки, бу хасталикларни ўзинг бошингдан кечирмагунча уларнинг табиатини тушуна олмайсан. Шундай бўлса-да, довюрак тадқи-отчини нақадар улуғ мукофотлар кутади! Олам унинг нигоқи қаршисида нақадар ғаройиб қирраларини намоён қипади! Эҳтироснинг бениҳоя шафқатсиз мантиғини, ақлнинг ранго-ранг туйғулар билан безанган ҳаётини англаб етиш, қачон улар бир-бирлари билан кесишади ва қачон бир-бирларидан яна ажраб кетади, уларнинг муштараклиги нимада-ю, бир-биридан ажратиб турадиган хислатлари нимада — буларни билишдан ҳам ортиқроқ лаззат борми? Нималар эвазига бунга эришилиши барибир эмасми? Ҳали тадқиқ қилинмаган ҳар бир сезги учун истаганча ҳақ тўласа алам қилмайди!

Лорд Генри тушуниб турипти — айна унинг гап-сўзлари, уларни айтаётганда жарангдор овозига сингиб кетган мусиқа Дорианнинг қалбини бу гўзал қизга жалб қилди ва уни бу қиз қаршисида бош эгиб таъзим қилишга мажбур этди. Шуни ўйлаганда унинг қўнғир кўзлари алланечук қувонч билан чарақлаб кетарди. Ҳа, бу йигитни кўп жиҳатдан лорд Генри барпо этди, деса бўлади. Унда лорд Генри сабаб бўлиб шунчалар эрта ҳаётга иштиёқ уйғонди. Бу, ахир, жуда катта ютуқ эмасми? Оддий одамлар ҳаётнинг ўзи уларга ўз сирларини намоён этишини кутиб ётишади, камдан-кам кимсаларгагина ҳаёт сирлари парда кўтарилмасдан аввал намоён бўлади. Баъзан санъат(ва асосан, адабиёт) ақллар ҳамда туйғуларга бевосита таъсир кўрсатиш йўли билан бунга ёрдам беради. Аммо шундай ҳам бўлиши мумкинки, бундай ҳолларда санъатнинг вазифасини мураккаб қалбга эга бўлган биронта одам ўз зиммасига олмоғи мумкин. Бундай одамнинг ўзи ҳам одатда санъат томонидан барпо этилган бўлади, чунки Ҳаёт ҳам худди шеърият ёхуд ҳайкалтарошлик ёки тасвирий санъат каби ўзининг дурдоналарини яратиши мумкин.

Ҳа, Дориан эрта балоғатга етди. Ҳали унинг баҳори келгани йўқ, у эса ҳозирдан ҳосилини йиғишга киришди. Унинг қалби навқиронлик ғайратига тўла, унинг томирларида ҳаёт ишқи кўпириб тошмоқда. Бунинг устига аллақачон у ўзини ўзи тақлил ҳам қила бошлади. Уни кузатишнинг ўзи — нақадар ҳузур бахш этади! Гўзал чехраси ва гўзал қалбли бу йигит ўзига жонли қизиқиш уйғотади. Буларнинг бари нима билан тамом бўлиши, уни қандай тақдир кутаётгани бари бир эмасми? У пьесалар ва бошқа сахна асарларининг бир тоифа қаҳрамонларига ўхшайди — уларнинг қувончлари бизга бегона, бироқ изтироблари бизда гўзаллик ишқини уйғотади. Уларнинг жароҳатлари — атиргуллар!

Жон ва тан, тан ва жон — булар мангу жумбоқ! Қалбда ҳайвоний майллар биқиниб ётади, тан эса завқёб дақиқаларни ҳам бошидан кечирмоғи мумкин. Ҳиссий майллар нафислик касб этмоғи, ақл эса ўтмаслашмоғи мумкин. Қачон тан тилдан қолади-ю, қачон қалб тилга киради — буни ким айтиб бера

олади? Рухшуносларнинг-мутакаббирлик билан олдинга сурадиган даъволари нақадар юзаки, ва нақадар асоссиз! Яна бунинг устига, мактаблар ва оқимларнинг қай бири ҳақиқатга яқинроқ эканини аниқлаш қийинлигини айтмайсизми? Чиндан инсон қалби — гуноҳларга мойил қобиққа бурканган соя, холосми? Ёки Жордано Бруно тахмин қилганидай, тан руҳнинг сийратига жойлашганми? Қалб билан таннинг қовушиши қанчалик жумбоқ бўлса, уларнинг бирлашиши ҳам ақл бовар қилмайдиган жумбоқ!

Лорд Генри ўзига ўзи савол бериб турарди — қачонлардир вақти-соати келиб, бизнинг саъй-ҳаракатларимиз билан психология ҳам мутлақо аниқ фан даражасига кўтарилармикин? Бизнинг ички ҳаётимиздаги қар бир иштиёқни, ҳар бир пинҳона сифатни очиб бера оладиган қудрат касб этармикин? Ҳозирча биз ўзимизни англамаймиз ва камдан-кам ҳолларда бошқаларни англаймиз. Тажриба ҳеч қанақа маънавий аҳамиятга эга эмас, одамдар тажриба деб ўз хатоларини айтадилар. Ахлоқпарастлар тажрибада ҳамиша бизни огоҳлантириш вазифасини кўришган ва унинг хулқ-атворни шакллантиришга таъсири катта деб ҳисоблашган. Улар тажрибага мадҳиялар ўқишган, чунки тажриба бизни нималарга амал қилиш ва нималарни четлаб ўтиш кераклигига ўргатади деб билишган. Аммо тажриба ҳаракатлантирувчи қувватга эга эмас. Инсон онгида таъсир қилиш қобили-яти нақадар кам бўлса, тажрибада ҳам худди шу аҳвол мавжуд. Моҳият эътибо-ри билан у фақат бир нарсадан гувоқлик беради — бизнинг келажагимиз одатда бизнинг ўтмишимизга ўхшаган бўлади ва биз бирда ларзага тушиб қолган гуноҳимизни ҳаётимизда кўп марталаб қайта-қайта такрорлаймиз, бироқ энди у гуноҳларни ҳузур қилиб, лаззат билан қиламиз.

Лорд Генри учун шу нарса аён эдики, эҳтиросларнинг илмий таҳлилига фақат Тажрибалар йўли билан эришиш мумкин. Дориан Грей эса шундоққина ёнгинасида, жуда маъқул бир кимса, уни ўрганса, жуда яхши самаралар бериши мумкин. Мана, у қўққисдан Сибила Вэйнга ошиқу беқарор бўлиб қолипти. Бу жуда ажойиб руҳий ҳодиса. Албатта, бу ишда қизиқишнинг роли

ҳам кам бўлмаган. Ҳа, қизиқиш ва янги кечинмалар иштиёқи ҳам туртки бўлган. Бироқ бу севги шунчаки оддий, жўн бир туйғу эмас, у анча мураккаб. Бу севгида ёшликка хос соф ҳиссий майллар туғдирган жиҳатлар бор. Улар Дорианнинг ўзига ҳиссиётдан узоқ алланечук кўтаринки нарса бўлиб кўринади. Шу сабабга кўра у янада хавфлироқдир. Қайсики эҳтиросларимизнинг табиатини биз нотўғри тушунсак, улар бизнинг устимиздан шунчалик кучлироқ ҳукмронлик қилади. Қайси бир туйғуларимизнинг келиб чиқиши биз учун тушунарли бўлса, улар бошқа туйғуларимиздан заифроқ бўлади. Кўпинча одамзод бошқаларнинг устидан тажриба ўтказяпман деб ўйлайди, ҳолбуки, амалда у ўз устидан тажриба ўтказаётган бўлиб чиқади.

Эшик тақиллаганда лорд Генри ана шуларни ўйлаб ўтирган эди. Мулозим кириб келди ва тушлик учун кийиниш вақти бўлиб қолганини эслатди. Лорд Генри ўрнидан туриб кўчага қаради. Ботиб бораётган қуёшнинг алвон шафағи рўпарадаги уйнинг деразаларида ял-ял этар ва дераза ойналари эриган маъдандай ловилларди. Томлар устидаги осмон туссизгина ним пушти рангда. Лорд Генри эса янги дўстининг оташин ёшлигини ўйлар ва Дорианни қандай тақдир кутаётгани-ни тасаввур қилишга қаракат қиларди. Кечаси соат ўн икки яримларда қайтган лорд Генри даҳлизда стол устида ётган телеграммани кўрди. Унда Дориан Грей Сибила Вэйн билан унаштирилганини маълум қилган эди.

БЕШИНЧИ БОБ

—Ойи, ойижон, мен бирам бахтиёрман! — деб шивирларди қиз аёлнинг тиззасига юзини босиб. Аёлнинг чеҳраси ҳорғин ва сўлғин эди. Ғарибгина ва исқиртгина меқмонхонадаги якка-ю ягона ўриндиқда у ёруққа тескари ўтирарди. — Мен бирам бахтиёрман, — деб такрорлади Сибила. — Сен ҳам хурсанд булмоғинг керак Миссис Вэйн у па сурилган оппоқ, озғин қуллари билан қизининг бошини қучди.

—Хурсанд бўл дейсанми? — деб жавоб берди у. — Мен Сибила, сени сахнада кўрган чоғимдагина хурсанд бўламан. Сен театрдан бошқа нарса тўғрисида ўйламаслигинг керак. Мистер Айзекс бизга кўп мурувват қилди. Бунинг устига биз ҳали шу пайтга қадар унинг пулини қайтариб берганимиз йўқ...

Киз бошини кўтариб, ранжиган қиёфада афтини бужмайтирди.

—Пул дейсанми? — деб хитоб қилди у. — Вой, ойи-ей, шу ҳам гапми? Муқаббат пулдан муқимку!

—Мистер Айзекс қарзларимизни тўлаб қутулмоғимиз учун ва Жеймсни йўлга тузукроқ отлантирмоғимиз учун бизга олдиндан эллик фунт пул берган. Бу эсингдан чикмасин, Сибила. Эллик фунт — катта пул. Мистер Айзекснинг бизга кўрсатган меқрибонлиги ҳазил гап эмас.

—Лекин у жентельмен эмас, оий! Бундан ташқари, унинг мен билан гаплашиш авзои ҳам жинимга ўтиришмайди, — деди қиз ўрнидан туриб деразага яқинлашарэкан.

—Билмадим, у бўлмаганда биз нима қилардик? — деб тушкунлик билан жавоб берди она. Сибила бошини орқага ташлаб кулиб юборди.

—Ортиқ унинг бизга кераги йўқ. Бундан буён бизнинг турмушимиз Гўзал Шаҳзоданинг измида бўлади. Киз тўсатдан жимиб қолди. Унинг юзига қон югурди, бир зумда яноқлари қирмизи рангга кирди. Нафас олиши тезлашиб, ғунча лаблари очилди. Бутун вужудига титроқ тушди. Қайноқ эҳтирос шамолининг эпкини келди. Бу шабада ҳатто кўйлагининг нафис бурмаларини ҳам қаракатга келтирди.

—Мен уни яхши кўраман, — деди Сибила жўнгина.

—Тентаккинам! Вой тентагим-ей! — деб бунга жавобан тўтиқушдай такрорларди она. Арзон-арзон узуклар тақилган қоқ суяк бармоқларининг ҳаракати унинг сўзларига алланечук машъумлик бағишлади.

Қиз яна кулиб юборди. Унинг кулгисида тузоққа илинган кушнинг гўллиги сезиларди. Унинг кўзларида ҳам шу маъсумлик порлаб турипти. Қиз гўё ўз сирини яширмоқчи бўлгандай, бир зумгина кўзларини юмди. Қиз кўзларини қайта очганида, уларга орзу қуши соя солиб турарди. Тўзиб кетган ўриндикда ўтирган она оқил бўлишни тайинлар ва қизни эҳтиёткорликка чорларди ва сийқаси чиққан насиҳатлар билан гапини далилламоқчи бўларди. Бу гаплар Сибиланинг қулоғига кирмасди. Ўз ихтиёри билан муҳаббат асирасига айланган бу қиз ҳозирги дақиқада ёлғиз эмас эди. Унинг севиклиси Гўзал Шаҳзода у билан бирга эди. У хотирасини ёрдамга чақирди ва хотираси унинг

тимсолини яратиб берди. У ўз қалбини Шаҳзодани излашга йўллади ва қалби етаклаб келди. Унинг бўсаси ҳали қалбларини оташдек куйдирмоқда, юзлари ҳамон унинг нафаси тафтини сезиб турарди.

Бу орада онаси қизга таъсир қилишнинг бошқа йўлини танлади ва текшириб кўриш, суриштириш зарурлиги ҳақида гапира бошлади... Бу йигит, ҳойнаҳой, бадавлат бўлса керак. Агар шундоқ бўлса, турмуш қуришни ўйламоқ даркор... Аммо турмушнинг маккорона тўлқинлари Сибиланинг қулоқларига урилиб, парчаланар, айёрлик ўқлари мўлжалга тегмай хато кетарди. Қиз онасининг энсиз лаблари қимирлаётганидан бошқа нарсани кўрмай, жилмаярди, холос.

Қўққисдан қиз ичидагини тўкиб солишга эқтиёж сизди. Сўзлар қат-қатига си-гиб кетган сукунат уни хавотирга сола бошлади.

—Ойи, ойижон! — дея хитоб қилди у. — Нима учун у мени бу қадар севаркин-а? Мен уни нима учун севиб қолганимни биламан — у баайни Муҳаббатнинг ўзидай гўзал. Бироқ у менинг нимами севдийкин? Мен, ахир, унинг тенги эмасман. Лекин шундоқ бўлса ҳам, — нима сабабдан эканини билмайман-у, лекин бутунлай унинг тенги бўлмасам-да, бундан заррача хижолат чекаётганим йўқ. Мен ўз севгимдан ифтихор қиламан, ҳа, жуда ифтихор қиламан! Ойижон, сен ҳам отамни мен Гўзал Шаҳзодани севгандай яхши кўрганмидинг?

Кекса аёлнинг арзон упа-эликни аямай суриб олган юзи оқариб кетди, қуришган лаблари оғриқдан буришди. Сибилана онасининг ёнига югуриб бориб, уни қучоқлаб ўпди.

—Мени кечиринг, онажон! Биламан, отамни эслаш сизга оғир. Чунки сиз уни жон-дилингиздан яхши кўрардингиз. Қўйинг, ҳадеб хафа бўлаверманг! Йигирма

Йил аввал сиз қандай бахтиёр бўлган бўлсангиз, ҳозир мен ҳам шундай бахтлиман. Оҳ, менинг бир умр бахтиёр бўлишимга изн беринг, онажон!

—Қизим, ҳали сен ошиқу беқарор бўлишга жуда ҳам ёшлик

қиласан. Бунан ташқари, йигит ҳақида сен нима биласан? Лоақал унинг исмини билмайсан. Бунинг бари ҳаддан ташқари уят. Тўғриси айтганда, Жеймс бизни қолдириб Австралияга кетаётган бир пайтда, ташвишларим ўзимга етиб турганида сен сезгирроқ бўлсанг ёмон бўлмасди... Лекин борди-ю, у бадавлат бўлса... Яна билмадим.

—Оҳ, ойижон, ойижон, бахтимга халақит берманг!

Миссис Вэйн қизига қаради-да, уни қучоқлади. Бу саҳна ҳаракатларидан бир бўлиб, кўпинча артистларнинг табиатига сингиб кетади. Шу дақиқада эшик очилиб, хонага бир оз бесўнақай гавдали йигит кириб келди. Унинг қорамтир сочлари паришон, қўл-оёқлари катта эди. Йигитда синглисига хос бўлган нафосатдан асар ҳам йўқ эди. Уларнинг ака-сингил эканига ишониш қийин эди. Миссис Вэйн нигоҳини ўғлига югуртирди ва лабларида табассум ўйнади. Шу дақиқаларда онанинг назарида ўғли томошабинлар ўрнини босар, у эса қизи билан бирга қизиқ бир томоша кўрсатмоқда эди.

—Сен мен учун ҳам ўпич қолдирсанг бўларди, Сибилла, — деди йигит ҳазиломуз таъна билан.

—Сен ўпични ёқтирмайсан-ку, Жим, — деб жавоб берди Сибилла. — Сен бадқавоқ айиқнинг ўзисан-ку! — Шундай деб Сибилла акасининг олдига югуриб борди-да, уни қучоқлаб олди.

Жеймс Вэйн меҳр билан синглисига тикилди.

—Юр, кетар жафосига бир сайр қилайлик, Сибилла. Бу ярамас Лондонга мен бошқа қайтиб келмайдиган кўринаман. Бунга заррача ачинаётганим ҳам йўқ.

—Бунақа бўлмағур гапларни гапирма, ўғлим, — деб чуқур хўрсинди миссис Вэйн ва аллақандай театр либосини олиб, уни ямашга киришди. У қизи билан намойиш этган таъсирчан саҳнада Жеймс иштирок этмаганидан бир оз ранжиди — ахир, у ҳам қатнашганда бу саҳна янада зўр бўлар эди-да!

—Ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, нега бунга гапирмаслик керак, ойижон?

—Мени кўп ранжитаверма, Жеймс. Ишончим комилки, сен Австралиядан бадавлат одам бўлиб қайтиб келасан. Мустамлакаларда дурустроқ улфат тополмайсан. Унақа жойларда тузукроқ одамларни кундузи чироқ ёқиб ҳам қидириб тополмай-сан... Шундоқ бўлгандан кейин давлат орттиргин-у, ватанга қайт. Узимизнинг Лондонда бемалол яшайвер.

—“Дурустроқ улфат” эмиш! — деб бурун жийирди Жеймс. — Дурустроқ улфатни бошимга ураманми? Мен бир амаллаб ишлаб пул топсам булди. Сибила билан сизнинг театрдан кетишларингга етадиган бўлса бас! Театрни жинимдан бадтар ёмон кўраман.

—Эҳ, Жеймс, ўзинг ҳам ўлгудай инжиқ бўлибсан-да, —деди Сибила табассум билан. — Сен ростдан ҳам мен билан сайр қилмоқчи бўляпсанми? Жуда соз-да! Мен сени ўртоқларинг билан хайр-маъзур қилгани кетиб қоласан деб кўрққандим. Сенга анави сўхтаси совуқ трубка совға қилган Том Хардинингми ёхуд сен чекадиган бўлсанг ҳамиша устингдан кулиб юрадиган Нэд Лэнгтоннингми хузурига кетарсан деб ўйлаган эдим. Сўнгги кунда мен билан бирга бўлишни ихтиёр этганинг қандоқ яхши-я! Нима қиламиз? Кел, паркка борақолайлик!

—Йўқ, жуда ҳам одми кийинганман, — деб эътироз қилди Жеймс қовоғини уйиб. — Паркда ясан-тусанни ўрнига қўйган олифталар сайр қилади.

—Бўлмаган гап, — деб шивирлади Сибила акасининг эскирган палтосининг энгини силаб-сийпалар экан.

—Маили, булмаса, — деди Жеймс бир дақиқалик тараддудланишдан сўнг. — Фақат сен тезроқ кийин.

Сибила уйдан учиб чиқди. Унинг зинадан югуриб чиқаётиб куйлаган овози ҳамда нозик оёқларининг дупури эшитилди. Жеймс бир неча марта хона бўйлаб юрди. Кейин ўриндиққа қимир этмай қотиб ўтирган онаси томон ўгирилиб сўради: — Ойи, тикишларингизнинг ҳаммаси тайёрми?— Ҳаммаси тайёр, Жеймс, — деб жавоб берди она юмушидан нигоҳини олмай. Кейинги ойларда миссис Вэйн қаҳри қаттиқ ва

тўқимтабиат ўғли билан ёлғиз қолганида негадир ўзини жуда ноқулай сезар эди. Айниқса, уларнинг кўзлари тўқна-шиб қолганида бу маҳдуд ва писмиқ аёл саросимага тушиб қоларди. Кўпинча у “ўғлим бирон-бир нарсадан гумонсирамаётганмикин?” деб ўзига-ўзи савол берарди.

Жеймс бошқа бирон оғиз гап айтмади. Унинг бу индамаслиги онанинг тоқатини тоқ қилди. Шунда у ўғлига таъна-ю дашномлар ёғдирди. Аёллар ўзларини ҳимоя қилмоқ бўлар эканлар, ҳамиша ҳужумга ўтадилар. Лекин кўпинча ҳужумнинг охирида қўққисдан таслим бўлишадикки, буни ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди.

—Худо мадад берсин, Жеймс, ҳар нима бўлганда ҳам, денгизчининг ҳаёти сенга маъқул бўлсинда, — деб гап бошлади миссис Вэйн. — Эсингда бўлсинки, буни сен ўзинг хоҳладинг. Ҳолбуки, бирон оқловчининг идорасига хизматга кирсанг ҳам бўлаверар эди. Оқловчилар жуда ҳурматга муносиб одамлар, вилоятларда уларни тез-тез нуфузли хонадонларга меҳмонга айтиб туришади.

—Идораларни ҳам, мансабдорларни ҳам кўргани кўзим йўқ, — деб гапни бўлди Жеймс. — Бу йўлни ўзим танлаганим тўғри. Ўз ҳаётимни ўзимга ёқадиган тарзда яшаб ўтсам дейман. Сизга эса, ойи, хайрлашишдан олдин гапирадиган гапим битта — Сибилани асранг. Унинг бошига кулфат тушмасин. Сиз ўзингиз унга паноҳ бўлинг.

—Билмадим, нега бу гапни айтяпсан, Жеймс? Мен, албатта, Сибилани эқтиёт қиламан-да...—

Мен эшитганимни айтяпман. Аллақандай бир жаноб ҳар куни театрга келаётган эмиш. Спектаклдан кейин саҳна ортига — Сибиланинг олдига кирар экан. Шу ростми? Бунга нима дейсиз?

—Эҳ, Жеймс, бунақа нарсаларга сенинг ақлинг етмайди. Биз артистлар кўникиб қолганмиз — бизга эқтиром билан эътибор беришларини ёқтирамыз. Мени ҳам бир замонлар гулдасталарга кўмиб ташлашган эди. У пайтларда одамлар санъатимизнинг кадрига етишар эди. Энди, Сибила масаласига келсак...

Билмадим, унинг севгиси мустаҳкамми, йўқми? Лекин шубҳам йўқки, унинг кетида юрган йигит ҳақиқий жентельмен. У ҳамиша менга иззат-икром кўрсатади. Ҳар қадамидан. езилиб турипти — бадавлат одам. Сибилага тухфа қиладиган гулларини кўрсанг...

Бирам чиройли...

—Лекин сиз лоақал унинг исмини ҳам билмайсиз-ку! — деди йигит гапни чўрткесиб.

—Ҳа, билмайман, — деди она ўта хотиржам оқангда пинагини бузмай. — У хали бизга исмини билдирганича йўқ. Бу, ахир, турган-битгани романтика-ку! У ўта аслзодалар тоифасидан бўлса керак.

Жеймс Вэйн лабини тишпаб қолди.

—Сибилани эқтиёт қилинг, ойи! — деб яна таъкидлади у қайсарлик билан. — Уни яхшилаб парваришлаб асранг.

—Ўғлим, сен мени ранжитяпсан. Нақотки, мен Сибиланинг ғамини емаётган бўлсам? Албатта, бу жентельмен бадавлат бўлса, нима учун Сибила унга тегмаслиги керак. Ишончим комилки, у аслзодалар тоифасига мансуб. Бу шундоққина кўриниб турипти. Сибиланинг бахти куладиган бўлиб турипти. Улар бир-бирларига бирам монанд — йигит жуда ҳам соҳибжамол. Унинг ҳусни таважжуҳи ҳамманинг кўзига ташланиб турипти.

Жеймс бармоқпари билан ойнани чертиб, бир нарсалар деб минғиллади. У онасига ўгирилиб, яна нималардир демоқчи бўлган эди, шу пайт эшик очилиб, хонага Сибила югуриб кириб келди.

—Ҳа, тинчликми? Икковларинг ҳам тумтайишиб олибсизлар? — деб хитоб қилди у. — Нима гап ўзи?

—Ҳеч гап йўқ, — деди Жеймс. — Одам ҳадеб кулавермайди-ку! Баъзан-баъзан жиддий бўлиб туриш ҳам керак. Майли, яхши қолинг, ойи. Мен тушлик қилгани соат бешларда келаман. Ҳамма нарсани жойлаб қўйганман. Фақат кўйлақларим қолган.

Сиз ташвишланмасангиз ҳам бўлади.

—Хайр, бўлмаса, ўғлим, — деб жавоб берди миссис Вэйн ва бир оз зўрма-зўраки бўлса ҳамки, улуғворлик билан Жеймсга бош ирғади. Ўғлининг кўрслиги уни анча ранжитган эди, кўзидаги ифодани кўриб эса кўрқиб кетди.

—Мени ўпиб кўйинг, ойижон, — деди Сибила. Унинг гул баргидай нафис дудоқлари онасининг сўлғин яноқларига тегиб, уларни иситди.

—О, болам, бўталоғим! — дея хитоб қилди миссис Вэйн кўзларини шифтга қадаб, галеркада ўтирадиган томошабинларни хаёлан тасаввур қилар экан.

—Қани, кетдик, Сибила! — деди бетоқатлик билан Жеймс. Ҳар хил олифтагарчиликлар онасига ёқарди, Жеймснинг эса уларга тоқати йўкэди.

Ака-сингил кўчага чиқишди. Қуёш чарақлаб турипти — у булутларни қувалаб ўйнаётган шабада билан талашиб-тортишарди. Улар хомуш Юстон-Род бўйлаб боришяпти. Йўловчилар устига укувсиз тикилган арзон-гаров либос кийиб олган, ёнида ўта нозик ва нафис бир қиз билан кетиб бораётган бу бадқовоқ ва бесўнақай йигитга таажжуб билан қараб кўйишарди. У қўлига ажойиб атиргул ушлаб олган қишлоқи боғбонни эслатарди.

Ўтган-кетганларнинг қизиқиш билан қараётганини сезиб қолган кезларда Жимнинг қовоқ-тумшуғи осилиб кетарди. Бировнинг ўзига қараганини у жинидан бадтар ёмон кўрарди. Бу туйғуни даҳолар фақат умрлари охирлагандагина бошларидан кечирадилар. Аммо оддий одамларни бу туйғу ҳеч қачон тарк этмайди. Сибила эса одамлар унга суқланиб қараётганини мутлақо сезмай борарди. Унинг кулгисида муҳаббат қувончи садо берарди. У Гўзал Шаҳзодани ўйлаб боряпти, лекин бу ўйларига ҳеч нарса ҳалақит бермаслиги учун унинг тўғрисида гапирмас, балки бунинг ўрнига Жеймс хизмат қиладиган кема ҳақида, у, албатта, Австралияда топадиган олтинлар тўғрисида, акаси алвон кўйлакли қароқчилар қўлидан қутқариб оладиган

соҳибжамол ва бадавлат қиз ҳақида гап сотиб борарди. Сибила Жеймснинг бутун умри давомида оддий матрос бўлиб қолишини, ёхуд кап-таннинг учинчи ёрдамчиси бўлиб хизмат қилишини ё шунга ўхшаган бирон оддий одам бўлиб қолишини хаёлига ҳам келтирмасди. Йўқ, йўқ! Денгизчининг ҳаёти жуда даҳшатли! Бирор ярамас кемада қафасга тушган қушдек ўтирасан, букри тўлқинлар бўкириб-чақириб устингга ёпирилади, қаҳри қаттиқ шамол мачталарни эгади, елканларни йиртиб, узун-узун тасмаларга айлантиради! Кема Мельбурнга етиб бориши билан Жеймс кема капитанига хушмуомалалик билан “мени маъзур тутасиз” дейиши керак-да, соҳилга тушиб, тўғри олтин конларига бормоғи зарур. Бир ҳафта ўтар-ўтмас, у отнинг калласидай соф олтин ёмби топиб олади — бунақасини ҳали ҳеч ким ҳеч қачон топмаган бўлади. Акаси бу ёмбини соявон аравада олтита отлиқ полициячининг соқчилигида денгиз соҳилига олиб келади. Йўлда бутазорларда яшириниб юрган каллакесарлар уларга уч марта қужум қилади, қонли тўқнашув бўлиб ўтади, қароқчилар ҳужуми қайтарилади... Ёки йўқ, ҳеч қанақа олтин-полтин кони керак эмас. Конларда қанақа даҳшатли воқеалар содир бўлмайди, дейсиз? Одамлар бир-бирини заҳарлайди, барларда отишма, муштлашувлар... Яхшиси, Жеймс тинчгина фермер бўлгани, қўй боққани яхши. Кунлардан бирида у уйига отда қайтиб келаётганда, бир қароқчининг бадавлат хонадондан чиққан гўзал қизни қора отга ўмариб олиб қочиб кетаётганини кўради. Жеймс уни қувлаб етади-да, дадил жанг қилиб, қизни халос этади. Кейин эса бу қиз, албатта, акасини яхши кўриб қолади, акаси қизни севиб қолади, улар турмуш қуришади, Лондонга қайтиб келишади ва бу ерда катта уйда яшай бошлашади. Ҳа, ҳа, Жеймсни олдинда ғаройиб саргузаштлар кутмоқда. Фақат у яхши одам бўлмоғи керак, бўлар-бўлмасга қизишиб, “лов” этиб тутоқиб кетмаслиги, пулни беқуда исроф қилмаслиги керак.

—Сен менинг гапимни қулоғингга олгин, Жеймс. Гарчи мен сендан атиги бирёш катта бўлсам ҳам, ҳаётни сендан кўра ўн чандон яхши биламан... Менга қара, тез-тез хат ёзиб тур. Ҳар куни ётиш олдидан ибодат қил. Мен ҳам сенинг ҳақингга ибодат

қилиб тураман. Худо меҳрибон, у сени паноҳида асрайди. Шундай қилиб, бир неча йилдан кейин сен бой-бадавлат бўлиб, хушнудлик билан эсон-омон қайтиб келасан.

Жеймс опасининг гапларини қовоғини солганича жим туриб эшитди. У уйдан чиқиб кетишга ҳеч оёғи тортмаётганини сезиб турарди. Уни хафа қилаётган, аччиғини келтириб хўмрайишга ундаётган нарса фақат эртаиндин орага тушадиган ҳижронгина эмас эди. Йигит ҳали ҳар қанча ғўр бўлмасин, Сибилага аллақандай хатар хавф солиб турганини юрагидан қис қиларди. Унинг кетидан хушомад қилиб юрган олифтадан яхшилик кутиб бўлмайди. У — аслзода. Жеймс бунақаларни ёмон кўради. Нимага ёмон кўришини ўзи ҳам билмайди. Беихтиёр, ғайришуурий тарзда ёмон кўради. Бунинг сабабини ўзи ҳам билмагани учун нафрат туйғуси унинг вужудини янада маҳкамроқ чулғаб олади. Бундан ташқари, Жеймс онасининг енгилтаклигини, ҳавойи шуҳратпарастлигини яхши билади. Жеймс онасининг айни шу сифатлари Сибила ва унинг бахти учун жуда хатарли эканини сезиб туради. Болалигимизда биз ота-оналаримизни яхши кўрамиз. Улғайганимизда эса уларни қоралай бошлаймиз. Шундоқ ҳам бўладики, баъзан биз уларни оқлаймиз ҳам.

Она! Жеймс кўпдан бери онасидан бир саволни сўрамоқчи бўлиб келади. Кўп ойлардан бери бу савол уни қийнаб келади. Бир куни театрда бир гап тасодифан унинг қулоғига чалиниб қолган. Бир куни у саҳнага кирадиган орқа эшик олдида онасини кутиб турганда қабих бир шивир-шивирни эшитган. Шу шивир-шивир Жеймснинг кўнглида изтиробли гумонлар буронини уйғотди. Ҳозир ҳам ўшани э-ласа, юраги ўртанади, биров юзига қамчи ургандай бўлади. Жеймс қошини чимирди, уларнинг оралиғида чуқур ажин пайдо бўлди, оғриқдан афти бужмайиб, пастки лабини тишлаб олди.

— Биронта гапим қулоғингга кираётгани йўқ-ку, Жеймс! — дея хитоб қилди Сибила кўққисдан. — Мен бўлсам, сенинг келажагинг учун бири-биридан гўзал режалар қуриб ўтирибман. Қани, бирор нарса дегин, ахир!

— Мен нима дейман?

— Лоақал яхши бола бўламан, сизларни унутиб юбормайман дегин, — деди Сибила жилмайиб.

Жеймс елкасини қисди.

— Мен-ку сени унутмасман-а, лекин сен мени аввал унутиб юборасан, Сибила.

Сибила қизарди.

— Нега бунақа деяпсан, Жеймс?

— Одамлар гапиряпти-ку, янги жазманинг пайдо бўлиб қолганмиш. Ким у? Нега у тўғрисида менга гапириб бермагансан? Бу ошначилигинг яхшиликка олиб келмайди.

— Бас қил, Жим! Унинг тўғрисида ёмон гапиришга ботинма. Мен уни яхши кўраман.

— Э-э, тавба! Ахир, сен унинг отини ҳам билмайсан-ку! — деб эътироз билдир-ди Жеймс. — Унинг ўзи ким? Буни билишга менинг қақим бўлса керак, дейман?

— Унинг исми — Гўзал Шаҳзода! Бу исм сенга маъқул келмайдими? Сен буни эслаб қол, тентак бола. Агар сен менинг Шаҳзодамни кўрган бўлганигда, бу дунёда ундан яхшироқ кимса йўқ эканини билиб олардинг. Австралиядан қайтиб келганидан кейин мен сизларни таништириб қўяман. У сенга манзур бўлади, Жим. У ҳаммага манзур бўлади. Мен эса... мен уни яхши кўраман. Афсуслар бўлсин, с ен бугун оқшом театрга боролмайсан-да! У келишга ваъда берган. Бугун мен Жульеттани ўйнайман. Ўйнаганда ҳам бугун ҳазилакам ўйнамайман. Ўзинг бир тасаввур қилиб кўр. Жим, мен ўзим ошиқу беқарор бўлсам, севган одамим рўпарамда ўтирса-да, мен Жульеттани ўйнасам... Унинг учун ўйнасам! Мен кўрқяпман — ҳамма томошабинларни чўчитиб юбормасам бўлди-я! Уларни ё чўчитиб юбораман, ё қойил бўлганларидан ҳанг-манг бўлишади. Муҳаббат инсонни ўз-ўзидан ҳам юксакроққа кўтаради... Бадбашара хужайиним — мистер Айзекс яна майхонада ўтириб олиб, ҳамтовоқларига мени даҳо деб уқтиради. У менга ишонади, бугун эса менга

таъзим бажо келтиради. Менинг Гўзал Шаҳзодам, Хусни таважжуҳ худоси, менинг ажойиб севгилим мени шу юксакларга кўтарди. Ўнинг олдида мен жуда-жуда аянчли бир кимсаман... Хўш, нима бўпти? Ахир, мақол бор — қашшоқлик эшиқдан, муҳаббат тешиқдан кириб келаркан. Мақолларимизни қайта кўриб чиқмоқ керак эди. Уларни қишда ўйлаб топишган, ҳозир эса ёз... Йўқ, менучун ҳозир бақор, мовий кўк гумбази остидаги қақиқий гуллар байрами...

— У аслзода экан, — деди Жеймс қовоғини уйиб.

— У — Шаҳзода! — деди яйраб Сибила; — Сенга яна нима керак?

— У сени ўзининг канизагига айлантириб олади.

— Мен эса эркинликни ўйласам, қўрқувдан титрайман.

— Ундан эҳтиёт бўл, Сибила!

— Ким уни кўрса, уни Илоҳ деб ўйлайди, ким уни билса, унга ишонади.

— Сибила, у сени ақлдан оздириб қўйяпти-ку!

Сибила кулиб юбориб, укасини қўлтиқлаб олди.

—Жим, азизим, сен худди юзга кирган қариядай фикрляяпсан. Вақти келарки ва сен ўзинг ҳам севиб қоларсан. Ана ўшанда бунинг нима эканини биласан. Қуй кўп аразлама! Сен жўнаб кетаётганингда мени шу қадар масрур кўраётганингда хурсанд бўлмоғинг керак. Сен билан оғир ҳаёт кечирдик, турмушимиз жуда оғир ва мушкул бўлди. Энди ҳаммаси бошқача бўлади. Сен янги дунёни кўрмоқ учун жўнаб кетяпсан, менга эса бу дунё шу ерда, Лондоннинг ўзида намоён бўлди. Анави жойда иккита бўш ўрин бор экан, кел, ўтирайлик, ясан-тусан қилиб олган одамларни томоша қиламиз. Улар истироҳат қилаётган бир тўп одам орасидан жой олишди. Улар ўтирган жойларида ўтган-кетганларни томоша қилиб ўтиришарди. Йўлкалар ёнидаги пушталарда лолалар алвон-алвон ёниб ётарди. Ҳавода оқиш ғубор гўё хушбўй упадаи ясаб қуйилган омонат булутдай муаллақ сузиб юрипти. Турли-туман рангдор гуллар бошлар узра баҳайбат капалаклардек чайқалиб турарди.

Сибила ўз режалари ва орзу-умидларини сўзламоқчи бўлиб, укасини қистар ҳадеб савол бериб, суриштиришдан тўхтамас эди. Жеймс истамайгина оҳиста жавоб берарди. Сибила ҳар бир сўзни укасининг шоду-хуррамлигини Жеймсга юқтиролмаётганига хуноб булмоқда эди. Сибила ҳарчанд куйиб-пишмасин; укасининг бунга жавоби енгилгина жилмайиб қўйишдан нари ўтмади.

Қўққисдан Сибиланинг кўз ўнгидан зарҳал тусдаги жингалак сочлар-у, жилмайиб турган таниш дудоқлар сузиб ўтгандай бўлди. Чиндан ҳам очиқ извошда Дориан Грей иккита хоним билан ўтиб бормоқда эди.

Сибила ўрнидан сапчиб турди.

—Ана у!

—Ким? — деб сўради Жим.

—Гузал Шаҳзода! —деб жавоб берди киз нигоқи билан извошни кузатиб қолар экан. Бунинг эшитиб Жим ҳам ўрнидан сапчиб турди ва опасининг қўлидан мақкам ушлаб олди.

—Қани? Қайси бири? Кўрсатсанг-чи? Мен уни кўрмоғим керак! Бироқ шу дақиқада герцог Бервинскийнинг тўрт отли извоши олдиндаги ҳамма нарсани тўсиб қўйди. Извош ўтиб кетгандан кейин эса, Дорианнинг улови анчао лислаб кетгани кўринди.

—Кетиб қолди! —дея ҳасрат билан шивирлади Сибила. — Сен кўролмайд қолганинг чатоқ бўлди-да.

—Ҳа, чатоқ бўлди. Лекин айтиб қўяй — агар у сени хафа қиладиган бўлса, худо ҳақи, мен уни ернинг тагидан бўлса-да, қидириб топаман-да албатта ўлдираман.

Сибила даҳшат ичида укасига қаради. У бўлса оғзидан чиққан гапини яна бир марта такрорлади. Улар ҳавони кесиб тушган ханжардай садо берди ва одамлар Жеймсга ўгирилиб қарай бошлашди. Унинг ёнида турган хоним қиқирлаб кулиб юборди.

—Кетайлик бу ердан, Жим, қани юр! — деб шипшиди Сибила. У одамлар орасидан ўта бошлади, дардини айтиб, ичини бўшатиб олган Жим унинг кетидан эргашди.

Улар Ахилл қайкалининг ёнига боришганда қиз орқасига ўгирилди. У таассуф билан укасига қаради-да, бошини чайқади, лабларида эса ним табассум пайдо бўлди.

—Сен, тентак Жим, чиндан ҳам тентак бўлибсан. Сен ёмон бола экансан, тамом-вассалом. Ахир, шунақа ҳам бемаза гапларни гапирадими одам? Нима деяётганингни ўзинг билмайсан-а? Сен мени қизғаняпсан, холос. Шунинг учун унга ёпишиб олгансан. Кошки эди сен ҳам бирорта қизни дил-дилигдан севиб қолсанг! Ўшанда кўрардим ҳолингни. Муҳаббат одамнинг кўнглини юмшатади, сен бўлсанг қаҳрли гаплар гапирдинг.

—Мен аллақачон ўн олтига тўлганман, — деб гап қайтарди Жим. — Нима деяётганимни билиб гапиряпман. Ойим сенга суянчиқ бўлолмайдди. У сени асраб коллолмайдди. Менинг кетаётганим жуда чатоқ бўлди-да! Агар шартномага имзо чекмаганимда, Австралиядан воз кечардим-да, сен билан қолаверардим.

—Кўйсанг-чи, Жим. Бир хил ҳисчан драмалар бор, ойим ўшаларда чиқишни яхши кўради. Сен баайни шу драмаларнинг

қахрамонига ўхшайсан. Лекин мен сен билан тортишиб ўтирмоқчи эмасман. Чунки ҳозиргина уни ўзинг кўрдинг. Ахир, уни кўрмоқдан ҳам ортиқ бахт борми? Кел, жанжаллашмайлик. Имоним комилки, мен яхши кўрган одамга сен ҳеч қачон ёмонлик қилмайсан, тўғрими, Жим?

—Сен яхши курсанг, ёмонлик қилмасам керак? — деб тундлик билан жавоб берди Жим.

—Мен уни абадий яхши кўраман, — деб хитоб қилди Сибила.

—У ҳам сени абадий севадими?

—Албатта-да?

—Ундай бўлса, майли. Лекин бевафолик қиламан деб овора бўлмасин. Сибила беихтиёр ўзини укасидан олиб қочди. Лекин кейин кулиб юборди-да, кўлини унинг елкасига қўйди. У опасининг назарида ҳали ғирт бола эди-да!

Улар Мармар Аркда ўмнибусга чиқишди. Ўмнибус уларни Юстон-Роддаги кўпдан бери қаровсиз ётган исқирт уйга олиб бориб қўйди. Улар шу уйда яшар эдилар. Улар уйга кириб борганларида соат бешдан ошиб қолганди. Спектаклдан олдин Сибила бир соат-ярим соат ётиб мизғиб олмоғи керак эди. Жим уни дам олишга қистади: бунга ойим пастдалигида сен билан ўз хонангда хайр-маъзур қилишни афзал кўраман деб важ кўрсатди. Хайр-маъзур қилишаётганда ойиси, албатта, оҳ-воҳ қилиб, ҳунар курсатмоғи мумкин, Жеймс эса бунақа нарсаларни жинидан баттар ёмон куради.

Шундай қилиб, улар Сибиланинг хонасида хайр-маъзур қилишди. Йигитнинг қалбида бегонага нисбатан рашк ва оташин нафрат жўш ўрмоқда эди — унинг назарида бу бегона йигит у билан опасининг орасига тўғаноқ бўлди. Аммо Сибила куллари билан унинг буйнини қучиб, бармоқлари билан сочини силаганда, Жим ийиб кетиб, опасига меҳри товланди ва уни чин юракдан ўпиб олди. Зинадан тушиб борар экан, унинг кўзлари жиққа ёш эди.

Пастда уларни оналари пойлаб ўтирган эди. Ўғлини кўриши

билан у кеч қолгани учун дашном берди, лекин Жим ҳеч нарса деб жавоб бермай, тушлик қилишга киришди. Стол устида пашшалар ғинғиллаб учиб юрар, кир дастурхон устида уймалашарди. Кўчадан гумбирлаб утаётган ўмнибуслар ва кебларнинг сурони остида Жеймс онасининг бир маромда айтилаётган таъна-дашномларини тинглаб ўтирарди. Улар Жеймснинг сафар олдидаги сўнгги дақиқаларини заҳарлаб бўлган эди. Кўп ўтмай у тарелкасини бир четга сурди-да, иягини кулларига қўйди. Билиш-га ҳаққим бор дея ўзига-ўзи такрорлай бошлади. Лекин у гумон қилаётган нарса чиндан ҳам ҳақиқат бўлса, онаси уни аллақачон Жемга айтмоғи керак эди. Қўрқувдан тиришиб миссис Вэйн уни зимдан кузатиб ўтирарди. Сўзлар унинг лабларидан беихтиёр учиб чиқар, бармоқлари хошиясига тўр тикилган кир дастурмолни ғижимлаб эзғиларди. Соат олтига занг урганида Жеймс ўрнидан туриб, эшикка йул олди. Лекин эшикка бормай тўхтади-да, онасига ўгирилиб қаради. Уларнинг нигоҳлари бир-бири билан туқнашди. Жеймс унинг кўзларида шафқат қилиш, кечириш ҳақидаги қайноқ бир ўтинч ифодасини кўрди. Лекин бу оловга ёғ қуйгандай бўлди.

—Ойи, мен сиздан битта нарсани сўраб билмоқчиман, — деб гап бошлади у.

Онаси индамади, кўзлари олмакесак тера бошлади.

—Менга ростини айтинг — буни билишга менинг ҳаққим бор: сиз менинг отамга хотин бўлганмисиз?

Миссис Вэйннинг ич-ичидан чуқур хўрсиниш келди. Бу енгиллик бахш этувчи хўрсиниш эди. Кўп ойлар мобайнида кечасию кундузи хавотир билан кутган мудҳиш дақиқа етиб келди. Бирдан унинг юрагидаги қўрқув туйғуси ғойиб бўлди. Бундан у ҳатто жиндай саросимага ҳам тушди. Савол тўппа-туғри, яланғоч қилиб берилган эди, унинг жавоби ҳам худди шундай тўппа-туғри, яланғоч бўлмоғи керак эди. Аста-секин тайёргарлик кўрилмасдан содир бўлган ҳал қилувчи манзара. Бу жуда беўхшов, бемаза репетицияни эслатарди.

—Йўқ, — деб жавоб берди она ва ҳаётда ҳамма нарса бағоят кўпол ва жўн эканини ўйлаб, бунга ҳайрон бўлди.

—Демак, у разил одам бўлган экан-да! — деб қичқирди йигит муштларини қисиб.

Онаси бошини чайқади.

—Йўқ. Мен билардим, унинг боши боғлиқ эди. Лекин биз бир-биримизни жуда яхши кўрардик. Агар у вафот этиб кетмаганида, бизнинг турмушимизни таъминлаб қўярди. Уни қоралама, ўғлим. У сенинг отанг эди. Олийжаноб эди. Ҳа, ҳа, у аслзодалар тоифасидан эди. Жеймснинг оғзидан уни қораловчи сўзлар отилиб чиқди.

—Мен-ку барибир, — деб хитоб қилди у. — Лекин қушёр бўлинг — Сибиланинг бошига ҳам шу кунлар тушмасин! Ахир, Сибилага ошиқу беқарор бўлиб қолган ёхуд ўзини ошиқу беқарор қилиб кўрсатаётган олифта ҳам, албатта, “аслзодалар тоифасига мансуб олийжаноб” бўлса керак?

Бир лаҳза миссис Вэйн уялганидан қизариб, ўзини таҳқирлангандай ҳис қилди. Унинг боши қуйи солинди, титроқ кўллари билан кўзини уқалади.

—Сибиланинг онаси бор, — деб шивирлади у. — Лекин мен онасиз катта бўлганман. Жеймс маъюс тортди. У онасининг олдига бориб, эгилди-да, уни ўпди.

—Мени кечиринг, ойижон! Отамни суриштириб, сизга қаттиқ озор бериб қўйдим, шекилли, — деди у. — Мен ўзимни тия олмадим. Майли, кетадиган вақтим бўлди. Яхши қолинг! Фақат бир нарса эсингизда бўлсин — сиз энди биргина Сибилага ғамхўрлик қилмоғингиз керак бўлади. Менинг гапимга ишонаверинг —агар бу одам опамни хафа қиладиган бўлса, унинг кимлигини билиб оламан, ернинг тагидан бўлса ҳам, уни қидириб топаман ва бошига ит кунини соламан. Қасамёд қиламан!

Бу таҳдидда маҳобатли бир жўшқинлик бор эди. Бу ҳисчан нутқини айтар экан, Жеймс кўлларини шиддат билан силтаб-силтаб турди. Буларнинг бари миссис Вэйнга хуш ёқди — чунки улар ҳаётни ёрқинроқ рангларга бўяётгандай туюларди. Ҳозир у ўзини ўз муҳитига тушиб қолгандай ҳис қилди ва эркинроқ

нафас олди. Кўп вақтлардан бери биринчи бор у ўғлига қойил бўлганди. Бу ҳаяжонли саҳнани у яна чўзмоқни истарди, лекин Жим кўрслик билан гапни калта қилди. Чемоданларни пастга олиб тушмоқ, каёққадир ғойиб бўлган иссиқ шарфни қидириб топмоқ керак эди. Улар истиқомат қилаётган уйнинг мулозими ҳам шошибқ олган — гоҳ югуриб тепага чиқади, гоҳ югуриб пастга тушади. Кейин извошчи билан савдолашишга тўғри келди... Фуркат бой берилган эди, майда-чуйда нарсалар аралашгани важдан хайр-хўшлашишга хос бўлган тантанаворликдан путур кетган эди. Шунинг учун миссис Вэйн ҳафсаласи анча пир бўлган кўйи, жўнаб кетаётган ўғлининг ортидан деразадан кир дастрўмолини силкитиб қолди. Қандай гўзал бир имконият бой берилди-я! Лекин унга жиндай таскин берадиган бир жиҳат ҳам бор эди. Буни у Сибилага ижикилаб тушунтирди — мана энди, унинг қарамоғида биттагина қизи қоладиган бўлди, шундоқ бўлгандан кейин унинг ҳаётида катта бўшлиқ пайдо бўлади. Бу ибора унга жуда маъқул тушиб қолди. Шунинг учун уни эслаб қолишга жазм қилди. Жеймснинг пўписаси ҳақида у индамай қўя қолди. Рост, бу пўписа жуда таъсирли бир тарзда айтилган эди, шундоқ бўлса ҳам бу тўғрида индамай қўя қолган маъқул. Миссис Вэйн бир нарсдан умидвор эди: бир, вақтлар келиб, улар биргаликда ўғлининг пўписасидан роса кулишади.

ОЛТИНЧИ БОБ

— Ҳойнаҳой, яхшиликни эшитган бўлсанг керак, Бэзил? — Лорд Генри шу сўзлар билан оқшом чоғи кириб келган Холлуордни қарши олди. Воқеа “Бристоль” ресторанининг алоҳида хос хонасида содир бўлмоқда эди. Хонага уч кишининг тушлиги учун дастурхон тузалган бўлиб, Холлуордни бу ерга ресторан мулозими бошлаб келди.

— Хабарим йўқ, Гарри. Қанақа янгилик экан? — деб сўради рассом эҳтиром билан кутиб турган мулозимга пальтоси билан шляпасини узатар экан. — Сиёсий янгилик бўлмаса керак? Мен

сиёсатга қизиқмай қўйганман. Умумлар палатасида биронта одам йўқки, рассом ундан бўёғини аямасин. Лекин, ори рост, уларнинг кўпчилигини оқлаб, таъмирлаб қўйса бўлади.

— Дориан Грей уйланиш ҳаракатига тушиб қолипти, — деди лорд Генри Холлуордга диққат билан қараб.

Холлуорд сесканиб кетди ва қовоғини солди.

— Дориан? Уйланмоқчи? — деб хитоб қилди у. — Бўлиши мумкин эмас!

— Лекин бу чиндан ҳам шундай...

— Кимга уйланаркан?

— Аллақандай артист қизга.

— Унча ишонгим келмаяпти. Дориан бунчалик тентак эмас эди-ку!

— Дориан шу қадар ақллики, азизим Бэзил, вақти-вақти билан бирон номаъқул иш қилиб турмаса бўлмайди.

— Бироқ уйланиш "вақти-вақти билан" қилиб туриладиган "номаъқул ишлар" сирасига кирмайди-да, Гарри.

— Англияда шунақа деб ўйлашади. Америкада эса бутунлай бошқача фикрлайдилар, — деб эринибгина эътироз билдирди лорд Генри. — Лекин мен Дориан уйланади деганим йўқ. Мен унинг уйланиш ҳаракатига тушиб қолганини айтдим, холос. Бу Гапларнинг иккови битта гап эмас. Мен, масалан, уйланганимни аниқ эслайман, аммо уйланмоқчи бўлиб юрганим мутлақо эсимда йўқ. Менимча, бунақа ният менда ҳеч қачон бўлган ҳам эмас.

— Ахир, Гарри, Дорианнинг қанақа оиладан эканини, нақадар бадавлат эканини, жамиятда қанақа мавқега эга эканини ўзинг бир ўйлаб кўр! Бунақа тенгсиз никоҳ уччига чиққан бемаънилик-ку!

— Агар сен Дорианнинг шу қизга уйланмоғини истасанг, ҳозир менга айтган гапларингни унинг ўзига айтиб бер, Бэзил! Шувда у ҳеч иккиланмай шу қизга уй ланади. Одам энг бемаъни

ишларни одатда энг олижаноб майлларида келиб чи- қиб қилади.

— Ишқилиб, яхши қиз бўлсин-да, илоҳим! Агар Дориан бирон ярамас қизнинг қўлига тушиб қолса, уйланиш уни қам ақлан, қам маънан тубанлаштириб юбор- са, жуда ачинарли иш бўлади- да!

— Яхши қизми деб сўраяпсанми? У қусвда якто, бу эса ҳаммасидан кўра му- қимроқ, — деб луқма ташлади лорд Генри стакандаги шаробдан тотиниб. — Дорианнинг гапига қараганда, қиз жуда соқибжамол эмиш, бу масалаларда эса у камдан-кам адашади. Сен ишлаган суврат уни бошқа одамларнинг қусни таваж- жуқини қадрлашга ўргатди. Ҳа, ҳа, бу жиқатдан портрет унга жуда яхши таъсир кўрсатди... Бугун кечқурун сен билан мен — иккимиз унинг жигаридан урган қизни кўрамиз. Агар Дориан ваъдалашганимизни эсидан чиқармаган бўлса...

— Сен бу гапингни жиддий айтяпсанми, Гарри?

— Мутлақо жиддий, Бэзил. Бирон замонда ҳозиргидан кўра жиддийроқ гапиришни худо кўрсатмасин менга!

— Нақотки, сен бу ишни маъқул қисобласанг, Гарри? — деб давом этди рассом лабларини қимтиб олган кўйи хона бўйлаб одимлар экан. — Бўлиши мумкин эмас! Алланечук бўлмағур ҳавас бу!

— Мен қеч қачон қеч нарсани маъқулламайман ҳам, қораламайман ҳам — бу қаётга ёндошишнинг энг бемаъни йўли. Биз ўзимизнинг ахлоқий хурофотларимизни тарғиб қилиш учун бу дунёга юборилган эмасмиз. Мен бачкана одамларнинг гапирадиган гапларига ҳеч қачон қеч қанча ақамият бермайман ва ҳеч қачон ўзимга маъқул одамларнинг турмушига аралашмайман. Агар бирон одам менга маъқул келса, у нима ишдаки ўзини намоён этмасин, ҳаммасини гўзал иш деб баҳолайман. Дориан Грей Жульетта ролини ижро этадиган бир чиройли қизни яхши кўриб қолипти. Унга уйланиш ҳаракатига тушипти. Хўш, нима бўпти? Уйланса уйланаверсин. У ҳатто Мессалинага уйланганда ҳам, ўзининг жозибадорлигини заррача

йўқотмаган бўларди. Сен биласан, мен уйланиш тарафдори эмасман. Уйланишнинг асосий зарари шундаки, у одамдаги худбинликни ситиб чиқаради. Нохудбин одамлар эса туссиз бўлади, улар ўзларига хосликларини йўқотиб қўйишади. Рост, шундай одамлар ҳам бўладик, оилавий турмуш уларни мураккаброқ қилиб қўяди. Улар ўзларининг "мен"ларини асраб қолиб, унинг ёнига яна кўплаб бегона "мен"ларни қўшишади. Бундай одам бир одамдан кўпроқ одамнинг ҳаётини кечиришга мажбур бўлади ва у олий даражада ташкил топган шахсга айланади. Бундан ташқари, ҳар қандай кечинма ҳам қадрли. Никоҳга қарши ҳар қанча гапиришмасин, ҳеч шубқа йўқки, бу янги кечинма, янги тажриба. Менимча, Дориан бу қизга уйланади. Ярим йилча унинг теварагида гирдикапалак бўлади, бошидан сув ўгириб ичади, кейин эса лоп этиб бошқасига ошиқ бўлиб қолади. Ана ўшанда бу йигитнинг қолини кўриш мароқли бўлади.

— Бу гапларингда ҳеч тутуриқ йўқ, Гарри. Ахир, Дорианнинг ҳаёти хароб бўлса, бундан энг кўп сен ўзинг куясан-ку! Йўқ, сен ўзингни кўрсатмоқчи бўлаётганингдан кўра анча яхшироқсан.

Лорд Генри хохолаб кулиб юборди.

— Биз ҳаммамиз бажонидил бошқаларга ишонамиз, бунинг сабаби шундаки, биз ўзимиз учун хавотирда яшаймиз. Некбинлик замирида соф қўрқоқлик ётади. Биз ўзимиз учун фойда чиқаришимиз мумкин бўлган фазилатларимизни яқинларимизга тақамиз-да, кейин буни қалбимизнинг саховати туфайли қилдик деб керилиб юрамиз. Биз банк хўжайинига ҳамду-санолар ўқиймиз, чунки банкда асраётган пулимизга қўшиб беради деб умидвор бўламиз, биз ҳатто йўлтўсар ўғрилardan ҳам яхши сифатлар топишдан қочмаймиз, чунки у бизнинг ҳамёнимизга раҳм қилади деб умид қиламиз. Гапимга ишонавер, Бэзил, мен нима деяётган бўлсам, ҳаммасини жиддий айтяпман. Менинг дунёда ҳамма нарсадан ортиқ ёмон кўрган нарсам — некбинлик... Сен Дорианнинг ҳаёти хароб бўлишидан кўрқяпсан. Менимча эса, ўз ривожига тўхтаб қолган ҳаётнигина хароб бўлган деб ҳисоблаш мумкин. Инсон табиатини қайтадан

барпо этиб тузатишга уриниш — уни бузишдан бошқа самара бермайди. Ҳа, энди, Дорианнинг уйланишига келсак... Бу, албатта, бемаънилик. Бироқ эркак билан аёл бирбирларига яқин бўлишни исташса, бунинг бошқа йўллари ҳам бор. Бу йўллар мароқлироқ. Мен ҳар доим уларни рағбатлантираман. Ие, ана, Дорианнинг ўзи ҳам келиб қолди. Мендан эшитганингдан кўра унинг ўзидан кўпроқ нарса эшитиб биласан.

— Гарри, Бэзил, менинг қадрдон дўстларим! Мени муборакбод қилмоқларинг мумкин! — деди Дориан ипак астарли плашини ечиб, дўстларининг қўлларини қисар экан. — Мен ҳали қеч қачон қаётимда бу қадар бахтиёр бўлмаган эдим. Албатта, бу воқеа кутилмаганда рўй берди. Бироқ ҳаётдаги ҳамма мўъжизалар ҳам сира кутилмаганда рўй беради-ку! Лекин менинг назаримда, мен ҳамиша худди шуни излаб, шуни кутиб яшаб келганман.

Ҳаяжон ва қувончдан унинг юзи қизариб кетди. Шу лаҳзада у ҳайрон қоладиган даражада гўзал бўлиб кетган эди.

— Бутун умрингизга кифоя қиладиган катта бахт тилайман сизга, Дориан, — деди Холлуорд.— Унашиб қўйганингиз тўғрисида нега менга қеч нарса демадингиз? Бунинг кечириб бўлмайди. Ахир, Гаррини хабардор қилибсиз-ку!

— Гапиришга арзийдиган бирор гап бўлгани ҳам йўқ-да, — деб жавоб берди Дориан, чоғроқ думалоқ стол теварагига ўтиришганларидан кейин.

— Воқеа бундай бўлди: кеча кечқурун сизникидан кетгандан кейин мен кийимимни ўзгартириб, Рупертстритдаги итальян ресторанига бориб тушлик қилдим. Бу ўша, сиз мени бошлаб борган ресторан эди. Кечқурун соат саккизда эса театрга йўл олдим. Сибила Розаливда ролини ижро этарди. Саҳнадаги декорацияларни тилга олиб бўлмайди, албатта. Орландо масхарадан бошқага арзимасди. Аммо Сибилага гап йўқ. Оҳ, уни сиз бир кўрганингизда эди! Ўғил болалар либосини кийиб олган, унга боқиб тўймас эдингиз. Унинг устида кўк духоба куртка, енглари долчин рангида. Калтагина жигарранг иштони оёғига ёпишиб турипти. Бошида нозиккина зангори қалпоқ, унга лочин

патини тақиб олган, белида ялтироқ тўқали камар, тўқ қизил астарлик плаш. Шу пайтгача унга бунақа маҳлиё бўлмаган эдим. Унинг навнихолдек нозик қадди-қомати япроқлар сизнинг студиянгизда кўрганим инжа ҳайкалчани эслатарди. Қорамтир япроқлар оқ атиргулнинг ҳуснига ҳусн қўшгандек, унинг қора зулфи қам чеҳрасига ажиб бир тиниқлик бахш этган... Унинг маҳорати-чи! Ҳали ўзингиз кўриб амин бўласиз. Сибила фақат саҳна учун яратилгандай! Мен ғарибгина ложада унга бутунлай маҳлиё бўлиб ўтирардим. Лондонда эканим, ҳозир ўн тўққизинчи аср экани ҳам эсимдан чиқиб кетибди. Мен маъшуқам билан бирга олис-олисларга кетиб қолган, одам қадами етмаган қалин ўрмонларда сайр қилиб юрардим... Спектаклдан кейин саҳна ортига ўтдим ва у билан гурунглашдим. Биз ёнма-ён ўтирардик. Тўсатдан унинг кўзларида ажиб бир ифодани кўрдим. Шу пайтга қадар бунақа ифодани кўрмаган эдим. Менинг дудоқларим унинг дудоқларини топти. Биз ўпишдик. Ўша лаҳзада нималарни қис қилганимни сизга сўз билан ифода қилиб беролмайман. Менинг бутун ҳаётим ана шу гўзал лаҳзага жам бўлгандай туюлди. Сибиланинг бутун вужуди нарғиз гулдай титрарди. Ў бирдан тиз чўкиб, қўлларимни ўпа бошлади. Биламан, мен буларнинг қеч қайсисини сизларга гапириб бермаслигим керак эди, лекин ичимга сиғдиролмадим. Бизнинг унашишимиз, албатта, сир. Сибила ҳатто онасига ҳам айтгани йўқ. Билмадим, буни эшитса, менинг васийларим қанақа оҳанжамалар кўрсатишаркин? Лорд Рэдли, албатта, дарғазаб бўлса керак. Дарғазаб бўлса бўлар, менга барибир! Салкам бир йилдан кейин балоғат ёшига етаман. Кейин ўзим хоҳлаган ишни қилавераман. Ўзингиз айтинг, Бэзил, шеърият мени севишга ўргатгани, мен қайлиғимни Шекспир драмаларидан топганим ажойиб эмасми? Шекспир гапиришга ўргатган дудоқлар менинг қулоғимга ўз сирларини шивирлади. Розалинданинг қўллари мени кучди ва мен Жульеттадан бўса олдим.

— Ҳа, Дориан, назаримда, сиз ҳақсиз, — деди Холлуорд салмоқлаб.

— Бугун у билан кўришдингизми? — деб сўради лорд Генри.

Дориан Грей бошини чайқади.

— Мен уни Арденна ўрмонларида қолдириб келганман. Энди яна Верона боғларидан бирида учратаман.

Лорд Генри ўйчан қиёфада шампан шарбатидан бир қултум ичди.

— У билан никоқ тўғрисида қай фурсатда гаплашдингиз, Дориан? У сизга нима деб жавоб берди? Ё буларнинг бари аллақачон эсингиздан чиқиб кетдими?

— Азизим, мен унга уйланишни ҳали расман таклиф қилганим йўқ, чунки менинг бу гурунгим иш юзасидан эмас эди. Мен унга севишимни айтдим, у бўлса, мен сизнинг рафиқангиз бўлишга муносиб эмасман деб жавоб берди. Муносиб эмасмиш-а! Эй парвардигори олам! Унинг қаршисида мен учун бутун дунёнинг қилча салмоғи йўқ...

— Аёллар ўлгудай пухта бўлишади, — деб луқма ташлади лорд Генри. — Улар бизга қараганда ўн чандон пишиқ. Эркак бунақа дақиқаларда кўпинча никоқ ҳақида гапиришни унутиб қўяди, аёллар эса ҳамиша унга буни эслатиб туришади...

Холлуорд имо билан уни гапдан тўхтатди.

— Бас қил, Гарри. Дорианни хафа қиляпсан. У бошқаларга ўхшаган эмас. У жуда олижаноб йигит — аёл кишини бахтсиз қилиб қўймайди.

Лорд Генри стол оша Дорианга қаради.

— Дориан қеч қачон мендан хафа бўлмайди, — деб эътироз билдирди у. — Мен бу саволни унга жуда яхши ниятда берган эдим. Бу ният ҳар қандай саволни беришга йўл қўяди. Қандай ният дейсизми? Оддий қизиқувчанлик. Ўзимнинг бир мушоҳадамни синаб кўрмоқчи эдим. Оила қуриш ҳақидаги таклифни одатда эркак аёлга эмас, аёл эркакка қилади. Фақат буржуа доираларидагина башқача бўлиши мумкин. Лекин буржуазия асримиздан орқада қолиб кетган.

Дориан Грей кулиб юборди ва бош чайқади.

— Сиз тузалмас одам экансиз, Гарри, лекин сиздан хафа бўлиб бўлмайди. Сибила Вэйнни кўргандан кейин амин бўласизки, уни қалбдан маҳрум ярамас одамгина хафа қилиши мумкин. Яхши кўрган одамни қандай қилиб шарманда қилиш мумкинлигини сира ақлимга сиғдиролмайман. Мен Сибилани яхши кўраман. Уни олтин шоҳсупага қўймоқни истайман, токи бутун дунёни севгилимнинг оёқлари остида кўрай. Никоҳ нима дегани? Бузиб бўлмайдиган аҳд! Сизга кулгили кўриняптими? Кулманг, Гарри! Мен худди шунақа аҳд билан турмуш қурмоқчиман. Сибиланинг ишончи мени ҳалол бўлишга мажбур қилади. Сибила ёнимда бўлса, менга ўргатган нарсаларингизнинг ҳаммасидан хижолатга тушаман, Гарри ва бутунлай бошқа одам бўлиб қоламан. Ҳа, кўлининг ўзи менга тегиб кетса бас, сизни ҳам, сизнинг қизиқарли лекин оғули ва нотўғри назарияларингизни ҳам унутаман.

— Қайси бирини айтяпсиз? — деб сўради лорд Генри, салатга қўл узатар экан.

— Қайси бўларди — ҳаёт тўғрисидаги, муҳаббат, лаззат, ҳузур тўғрисидагини...Умуман, сизнинг ҳамма назариянгизни, Гарри.

— Назария даражасига кўтаришга арзийдиган ягона нарса — лаззатдир, — деди салмоқлаб лорд Генри ўзининг жарангдор овози билан. — Аммо, афсуски, лаззат назариясини мен ўзимники деб айтолмайман. Унинг муаллифи мен эмас. Табиатдир. Лаззат шундай бир қуролдирки, табиат унинг воситасида инсонни синовдан ўтказди ва унинг инояти мушаррафлик белгисини ўлчайди. Инсон бахтга ноил бўлган чоғларда ҳаммиша яхши бўлади, лекин яхши одамлар ҳамма вақт ҳам бахтга ноил бўлавермайди.

— Қанақа одамларни яхши одамлар деб атайсан? — деб сўради Бэзил Холлуорд.

— Ҳа, — деб унинг гапини маъқуллади Дориан курсининг суянчиғига суяниб ва стол ўртасида турган алвон гуллар дастаси оша лорд Генрига назар ташлади, — Сизнингча, қайси одам яхши бўлади, Гарри?

— Яхши бўлмоқ — ўз-ўзинг билан муросада яшамоқ демакдир, — деб изоҳ берди лорд Генри оппоқ нозик бармоқлари билан қадаҳнинг дастасидан тутар экан. — Кимки бошқалар билан муросада яшашга мажбур қилинса, у одам ўзи билан ўзи чиқишолмай қолади. Энг муҳим нарса — ўзингнинг ҳаётингдир. Филисгерлар ёки пуританлар агар хоҳласалар бошқаларга ўзларининг ахлоқий қоидаларини қабул қилдира оладилар, лекин мен айтаманки, бизнинг яқинларимизнинг ҳаётига аралашмоқ — мутлақо бизниг ишимиз эмас. Бунинг устига-устак, ҳеч шак-шубҳа йўқки, худбинликнинг бундан юксакроқ мақсадлари бор. Ҳозирги замон ахлоқи биздан даврнинг ҳамма томонидан эътироф этилган тушунчаларини тан олишимизни талаб қилади. Мен эса ўйлайманки, маданиятли одам ўз даврининг меъёрларини мутелик билан қабул қилмоғи сира ҳам йўл қўйиб бўлмайдиган ҳодиса — бу виждонсизликнинг энг олий шаклидир.

— Бироқ, Гарри, фақат ўзингга аталган ҳаёт учунгина ҳақи ҳар қанча баланд бўлса ҳам тўлайсан, шундай эмасми? — деб луқма ташлади рассом.

— Ҳа, ҳозирги замонда ҳамма нарсанинг нархи ҳаддан зиёд ортиб кетган. Шўрлик қашшоқларнинг фожеаси шундаки, уларнинг маблағи фақат фидойиликкагина етади. Чиройли гуноҳлар ҳам худди чиройли буюмлар каби бадавлат одамларнинг маҳрига тушган.

— Ўзингга аталган ҳаётнинг ҳақи пул билан эмас, бошқа нарса билан тўланади.

— Яна нима билан тўланар экан, Бэзил?

— Менинг назаримда, виждон қийноқлари, изтироблар... ўзингнинг ахлоқий тубанлашганингни англаш билан тўланса керак...

Лорд Генри елкасини қисди.

— Азизим, ўрта асрлар санъати жуда ажойиб, лекин ўрта аср туйғулари ва тасаввурлари эскириб қолди. Албатга, улар адабиёт учун ҳозирча яроқли. Ахир, умуман, роман учун ҳаётда

истеъмолдан чиқиб кетган нарсаларгина ярайди. Гапимга ишонавер, маданий одам қеч қачон лаззатларга муккасидан кетгани учун пушаймон бўлмайди, номаданий одам эса лаззат нима эканидан беҳабар бўлади.

— Лаззат нима эканини мен энди билдим, — деб хитоб қилди Дориан Грей. — Бу бирор одамни жондан ортиқ яхши кўрмоқдир.

— Албатта, биров сени жондан ортиқ яхши кўрганидан кўра ўзинг бировни жондан ортиқ яхши кўрганинг маъқул, — деди лорд Генри мевалардан танлаб олар экан. — Бировнинг яхши кўрганига тоқат қилиб туриш жуда зерикарли ва малол келадиган нарса. Инсоният ўз худоларига қандай муносабатда бўлса, хотинлар ҳам биз — эркакларга шунақа муносабатда бўлишади — улар бизга топинишади, топинишади-ю, доимо нималарнидир талаб қилиб жонга тегишади.

— Менимча, улар ўзлари бизга биринчи бўлиб тухфа қилган нарсаларинигина талаб қилишади, холос, — деди Дориан босиқ, жиддий оҳангда. — Улар бизнинг қалбимизда Муҳаббатни уйғотишади ва биздан ҳам уни талаб қилишга ҳақлари бор.

— Мана бу гапингиз мутлақо тўғри, Дориан! — деб хитоб қилди Холлуорд.

— Оламда мутлақо ҳақ нарсанинг ўзи бормикин? — деб эътироз билдирди лорд Генри.

— Ҳа, бор, Гарри, — деди Дориан Грей? — Аёллар эркакларга ўзларининг ҳаётдаги энг қимматли нарсаларини бахшида этишларини сиз инкор этмасангиз керак?

— Эҳтимол шунақадир, — деб унинг гапига қўшилди лорд Генри хўрсиниб. Аммо улар ўша нарсаларини қайтариб беришни муқаррар талаб қиладилар.

Уни тилла баҳосида ундириб ҳам олишади. Ишнинг чатоқлиги ҳам шунда-да! Бир зукко француз айтган экан — аёллар бизни улуғ ишларга илҳомлантиришади, лекин ҳамиша уларни амалга оширишимизга қалақит беришади.

— Гарри, сиз уччига чиққан шармсиз одамсиз-да! Нега сизни шунчалик яхши кўрар эканман, ўзим ҳам билайман.

— Бундан кейин ҳам сиз мени ҳамиша яхши кўрасиз, Дориан... Кофе ичасизларми, дўстларим?.. Бизга кофе билан коньяк ва папирос келтиринг. Айтгандай, папиросни қўя қолинг. Ёнимда бор, Бэзил, мен сенга сигара бермайман, папирос олақол. Чинакамига лаззат қиламан деган одам папирос чекмоғи керак. Мазза қиласан, кайфи зўр, бадан-баданинг роҳат қилади. Бундан ортиқ хузур бўлмай- ди!.. Ҳа, Дориан, сиз ҳамиша мени яхши кўражасиз. Мен сизнинг назарингизда , ўзингиз юрагингиз бетлаб қила олмайдиган жамики гуноҳларнинг тажассумиман!

— Бўлмағур гапни гапирманг, Гарри, — деб хитоб қилди Дориан Грей мулозим стол устига қўйиб кетган олов пурковчи кумуш аждаҳодан папиросини тутатиб олар экан. — Яхшиси, театрга жўнай қолайлик. Сиз Сибилани сахнада кўрганингиздан кейин ҳаёт сизга бутунлай бошқача бўлиб кўринади. Сибилла шу пайтга қадар сизга маълум бўлмаган бир нарсани кашф қилиб беради.

— Мен ҳамма нарсани кўрганман ва ҳамма нарсани биламан, — деб эътироз билдирди лорд Генри ва унинг кўзлари ҳорғин тус олди. — Мен ҳамиша янги таассуротларни мамнуният билан қарши оламан, лекин кўрқаманки, бундан буён уларни кутмай қўя қолсам ҳам бўлади. Яна ким билади дейсиз? Сизнинг мўъжизакор қизингиз мени жунбушга келтирса ажаб эмас. Мен сахнани яхши кўраман, сахнада қамма нарса ҳаётдагига қараганда ўн чандон ҳаққонийроқ! Кетдик. Дориан, сиз мен билан бирга кетасиз. Кўп афсус, Бэзил, менинг кабриолетимга икки киши сиғади, холос. Сиз бизнинг кетимиздан извошда борасиз-да.

Улар ўтирган жойларидан туриб, пальтолларини кийишди ва оёқда туриб, кофеларини ичиб тугатишди. Рассом сукут ичида, живнай паришонроқ эди. Уни аллақандай мунг чулғаб олгандай кўринарди. Бу никоҳ унга унча манзур бўлаётгани йўқ, ҳолбуки, у тушуниб турипти — Дориан бундан бадтар ҳолатга тушиб қолмоғи ҳам ҳеч гап эмас.

Бир неча дақиқадан кейин уювлари пастга тушишди. Келишиб

олганларидек, Холлуорд бир ўзи кетди, лорд Генрининг кабриолетидан кейин юрди. Олдинда липиллаб турган фонусларга қараб у янги бир жудолик туйғусини ҳис қилди. У бундан буён Дориан Грей билан муносабатлари аввалгидай қолмаслигини тушунди. Ҳаёт уларнинг ўртасига тўғаноқ бўлган эди.

Холлуорднинг кўзлари хира доққа айланди. Кеб театрга етиб борганида рассом шу бугун ёшига бир неча ёш қўшилгандай қариганини ҳис қилди.

ЕТТИНЧИ БОБ

Ўша оқшом театрда нима учундир одам тўла эди. Дориан билан унинг дўстларини эшик олдида кутиб олган семиз директорнинг оғзи қулоғида. У меҳмонларни дабдаба-ю асъаса билан, узук тақилган бақалоқ бармоқли қўлларини силкита-силкита, овози борича гап сотиб ложага кузатиб қўйди. Дориан унга ҳар доимдагидай энсаси қотиб қарарди. У ўзини Мирандани кўргани келиб Калибанга йўлиқиб қолган ошиқдай ҳис қиларди. Бироқ лорд Генрига яҳудий маъқул тушган кўринади. Ҳар ҳолда, буни у ўз оғзи билан айтди ва, албатта, унинг қўлини маҳкам қисиб, чинакам истеъдод эгасини кашф этган ва шоирга муҳаббати туфайли хонавайрон бўлган одам билан таниш эканидан мағрурланишини айтмоқчи бўлди. Холлуорд партердаги одамларни кўздан кечира бошлади. Ҳаво ҳаддан ташқари дим эди, катта қандил барглари оташдан ясалган баҳайбат георгин гулдай лов-лов ёнарди. Галериадаги ёш-яланглар пиджаклари билан желетларини ечиб, панжарага илиб қўйишипти. Улар бутун залга эшитиладиган тарзда бир-бирлари билан гурунглашиб, ёнларида ўтирган, дидсиз, пала-партиш, ясантусан қилиб олган таннозларни апелсин билан меҳмон

қилишарди. Пастда, партерда аллақандай аёллар хандон отиб кулишарди. Уларнинг чийилдоқ овозлари қулоқни тешиб юборгудай. Буфетдан пўкакларнинг пақиллаб очилиши эшитилади.

— Илоҳингизни шунақа жойдан топибсиз-да, а? — деди лорд Генри.

— Ҳа, — жавоб берди Дориан Грей. — Мен уни шу ердан топдим. Оддий бандалар ичидаги илоҳа! Унинг сахнадаги ўйинини кўрсанг, дунёдаги ҳамма нарсани унутиб юборасан. Мана шу тўпори одамлар, юзлари кўпол, қилиқлари бесўнақай кишилар Сибила сахнага чиқиши билан бутунлай ўзгариб кетишади. Улар нафасларини ичларига ютиб, ундан кўзини ололмай қолишади. Уларни йиғлатиш ҳам, кулдириш ҳам Сибиланинг ихтиёрида бўлиб қолади. Сибила уларни скрипкадай сезгир қилиб қўяди, уларга илҳом бахш этади, шунда мен бу одамларнинг ҳам лойи меники билан бир жойдан олинганига қаноат қосил қила бошлайман.

— Лойингиз бир жойдан олинган дейсизми? Йўқ-е, ундай эмасдир-ов! — деб хитоб қилди лорд Генри дурбинда галеркадаги одамларни томоша қилар экан.

— Унинг гапига қулоқ солманг, Дориан, — деди рассом. — Нима демоқчи эканингизни мен тушуниб турибман. Мен бу қизга ишонаман. Модомики, сиз уни яхши кўриб қолибсизми, демак, у яхши қиз. Албатта, агар қиз одамларга шу қадар таъсир кўрсата олар экан, демак, у гўзал ва кўтаринки қалбга эга. Ўз авлодини олижаноброқ қилмоқ — ҳазилакам хизмат эмас. Агар сизга манзур бўлган маъшуқангиз шу пайтга қадар қалбсиз яшаб келган одамларга қалб ато қилмоққа қобилиятли бўлса, агар у турмуши икирчикирлар ичида хунук кечадиган одамларда гўзалликка муҳаббат уйғота олса, уларни худбинликдан юз ўгиришга мажбур қила олса, уларни ўзгаларнинг ғам-ғуссаларига ҳамдардлик билан кўз ёш тўкишларига қобил қилолса, бундай қиз сизнинг муҳаббатингизга муносиб ва дунёнинг қаршисида таъзим қилмоғи керак. Унга уйланаётганингиз яхши бўлипти. Мен илгари бошқа фикрда

эдим, энди қарасам, бу ишингиз яхши экан, Сибила Вэйни худолар сизга атаб яратишган экан. Усиз сизнинг қаётингиз тўкис бўлмас эди.

— Рақмат, Бэзил! — деди Дориан Грей унинг қўлини қисиб. — Сиз мени тушунишингизни билардим, Гарри бўлса ўзининг шармсизлиги билан мени даҳшатга солади, холос... Ана, оркестр ҳам бошлади! Оркестрнинг мазаси йўқ, лекин у бор-йўғи беш минут чалади, холос. Кейин парда кўтарилади-ю, мен бутун қҳётимни бахшида этишга тайёр турган гўзал жононни кўрасиз. Мен ҳозирнинг ўзидаёқ ўзимда бор бўлган яхши нарсанинг ҳаммасини унга бериб бўлдим.

Чорак соат ўтгач, сахнага гулдурос қарсақлар остида Сибила Вэйн чиқди. Чиндан ҳам унга маҳлиё бўлмасликнинг иложи йўқ эди. Ҳатто лорд Генри ҳам ўз-ўзига умрида ҳали ҳеч қачон бунақа дилбар қизни кўрмаганини эътироф этди. Унинг хуркак ҳаракатларида, кўзидаги иболи ифодаларда кийикни эслатувчи алланарса бор эди. Қиз зални тўддириб ўтирган завқёб одамларни кўрганида, унинг яноқларига кумуш гардишли кўзгудаги атиргул соясидек енгилгина қизиллик югурди. У бир неча қадам орқага ташлади, лаблари титради. Бэзил Холлуорд сапчиб туриб, чапак чала бошлади. Дориан худди уйқудагидек қимир этмай ўтирар ва ундан кўзини узмас эди. Лорд Генри эса дурбинидан кўзғолмаган ҳолда, "Гўзал! "Гўзал!" деб шивирларди.

Сахнада Капулеттининг уйидаги меҳмонхона намоиш этилмоқда. Монах кийимида Ромео кириб келади. Унинг ёнида Меркуцио ва яна бир неча оғайниси. Яна ўша бемаза оркестр садолари янгради ва рақс бошланди. Бесўнақай ва фақирона кийинган артистлар тўпида Сибила Вэйн бошқа, олий дунёдан келган мавжудотга ўхшар эди. У рақс тушганида нозик қомати сув бетидagi қамишдай чайқалди. Бўйни бурилганда қордек оппоқ нилуфарни эслатди, қўллари эса гўё фил суягидан йўниб ясалгандек эди.

Бироқ у нима учундир лоқайдроқ эди. У Ромеони кўрганда қам чехрасида бирон-бир қувонч ифодаси намоён бўлмади. Сахнада

Жульеттанинг биринчи иборалари янгради:

Бироқ бу жумлалар ҳам, улардан кейин қисқагина мулоқот вақтида айтилган луқмалар ҳам жуда ясама чиқди. Овоз жуда латиф эди, аммо оҳанг тўғри эмас эди. Ана шу нотўғри оҳанг шеърни жўшқинликдан маҳрум қилди, уларда ифодаланган туйғулар эса носамимий чиқди.

Дориан Грей кўриб, тинглаб ўтирар экан, борган сари ранги бўзариб, юзидан қон қоча бошлади. У лол қолиб, хавотирга тушди. На лорд Генри, на Холлуорд унга гап қотишга журъат қилишди. Сибила Вэйн уларга мутлақо иқтидорсиз бир кимса бўлиб кўринди. Қиздан уларнинг ҳафсаласи бутунлай пир бўлганди.

Аммо улар тушунар эдиларки, Жульетта ролини ижро этувчи қар қандай артист аёлнинг кучи иккинчи пардадаги балкон сахнасида синалади. Шунинг учун улар яна бир оз кутиб туришга аҳд қилишди. Агар Сибила бу сахнани ҳам уддалаб ўйнай олмаса, демак, у ҳар қандай истеъдод учқунидан маҳрум бўлиб чиқади.

У ойдинда балконда пайдо бўлганида чинакамига офатижон эди — буни инкор қилиб бўлмасди. Аммо унинг ижроси чидаб бўлмайдиган даражада сунъий эди — кейин эса бу сунъийлик йўқолиш ўрнига тобора кучайиб борди. Қўл ҳаракатлари ўта даражада бемаъни, қовушмаган эди, ҳамма гапини у ясама кўтаринкилик билан гапирди.

Бироқ у ажойиб монологни уста кўрмаган шогирднинг йўрғалашни қабилда зўрма-зўракилик билан айтди. Кейин навбатдаги гўзал мисраларга етиб келди.

Бу монологни Сибила балкон панжарасида эгилиб туриб айтди. Лекин уларни шу даражада лоқайд, эҳтироссиз айтдики, гўё уларнинг мазмуни Сибилага мутлақо етиб бормагандай кўринди. Буларнинг барини асабий ҳаяжон билан изоҳлаб бўлмасди. Аксинча, Сибила сира ҳам ўзини йўқотмагандай кўринар эди. Сирасини айтганда, у ролни ночор ижро этганди. Афтидан, артист қиз мутлақо иқтидорсиз эди.

Ҳатто орқа қаторларда ва галеркада ўтирган тўпори одамлар ҳам

саҳнада содир бўлаётган воқеаларга нисбатан ҳар қандай қизиқишни йўқотди. Ола-ғовур бўлиб кетди, балавд овозда гаплаша бошладилар, ҳатто у ер-бу ердан ҳуштак овози эшитилди. Балкондаги узун курсилар ортида турган яхудий мутасадди депсиниб, дарғазаб бўлиб сўкина бошлади. Фақат саҳнадаги қизгина ҳамма нарсага лоқайдлигича қолаверди.

Иккинчи парда тамом бўлиши билан залда шовқин-сурон кўпди. Лорд Генри ўрнидан туриб, пальтосини кийди.

— Сибила жуда соқибжамол экан, Дориан, — деди у, — лекин ўйнашни билмас экан. Кетдик!

— Йўқ, мен охиригача ўтираман, — деб эътироз билдирди Дориан алам билан жеркиб. — Мен туфайли оқшоминглар беҳуда ўтганига жуда хижолатман, Гарри. Икковларингдан ҳам узр сўрайман.

— Азизим, миссис Вэйн бугун хастага ўхшайди, — деб унинг гапини бўлди Холлуорд. — Биз бошқа бир гал яна келармиз.

— Мен ҳам уни хаста деб ўйлашни жуда истардим, — деб эътироз билдирди Дориан. — Бироқ кўриб турибман — у мутлақо руҳсиз ва совуқдан совуқ. У бутунлай ўзгариб қолипти. Кунни кечагина у улуғ артист эди. Бугун эса жуда жўн, жуда ўртамиёна бир артистга айланиб қолибди.

— Севган аёлинг тўғрисида бунақа деб бўлмайди, Дориан. Севги санъатдан юқори туради.

— Севги ҳам, санъат ҳам тақлид шакллари, холос, — деди лорд Генри. — Қани, кетдик, Бэзил. Сизга ҳам, Дориан, бу ерда қолишни маслаҳат бермайман. Ёмон ижрони томоша қилиш инсон руҳига зарарли таъсир кўрсатади... Ниҳоят, сизнинг хотинингиз актриса бўлиб қолишини хоҳласангиз керак, ҳойнаҳой? Шундоқ бўлгач, у Жульеттани. бир ёғоч қўғирчоқ мисоли ўйнашининг сизга нима аҳами яти бор? Қиз жуда лобар. Агар у санъатни тушунганчалик турмуш масалаларини ҳам кам тушунса, бундай қиз билан яқинроқдан танишиш сизга анча-мунча ҳузур бағишлайди. Фақат икки тоифа одамларгина чинакамига қизиқарлидир. Буларнинг бири ҳаёт тўғрисида

мукаммал билимга эга бўлганлари, иккинчиси — ҳаёт тўғрисида ҳеч нарса билмайдиганлари... Худо ҳақи, азизим, бу ишларни бир фожеа деб қабул қилманг! Навқиронликни сақлаб қолишнинг сири шундаки, сени қаритадиган, юзингга ажин соладиган ҳаяжону кечинмаларга чап бера билиш керак. Қани, юринг биз билан, клубга борамиз! Чекишамиз. Сибиланинг шаънига қадаҳ кўтарамиз. У жуда соқибжамол. Сизга яна нима керак?

— Кетаверинг, Гарри! — деб қичқирди Дориан. — Мен ёлғиз қолмоқчиман. Сйз ҳам кетаверинг, Бэзил. Наҳотки, юрагим тилка-пора бўлаётганини кўрмаётирсизлар?

Унинг кўзларини қайноқ ёшлар босиб келди, лаблари титради, ложанинг орқа томонига ўтиб, деворга суянди-да, кўллари билан юзини беркитди.

— Кетайлик, Бэзил, — деди лорд Генри кутилмаган илиқлик билан. Кейин икковлари ложани тарк этишди.

Бир неча дақиқадан кейин яна саҳна чироқлари ёнди, парда кўтарилди, учинчи парда бошланди. Дориан Грей ўзининг жойига бориб ўтирди. Унинг ранги оқариб кетган, юзида такаббуруна лоқайдлик ифодаси қотиб қолган эди. Спектакль давом этарди, гўё унинг адоғи бўлмагандай туюларди. Залнинг ярми бўшаб қолипти. Одамлар оғир пойафзалларини гурс-гурс қилиб, кулишиб чиқиб кетишмоқда. Спектакль бутунлай расво бўлганди.

Сўнгги парда деярлик кимсасиз залда давом этди. Ниҳоят, одамларнинг қиқир- қиқир кулгиси ва олағовури остида парда тушди. Спектакль тугаши биланоқ Дориан Грей саҳна орқасига югурди. Сибила ўзининг гримхонасида ёлғиз эди. Унинг чеҳрасидан нур ёғилар, кўзлари чақнар, гўё бутун вужудидан аллақандай тароват тараларди. Ярим юмуқ лабларида фақат унинг ўзигагина маълум алланечук бир сир важдан табассум ўйнардди.

Дориан Грей кириб келганида, Сибила унга ошкора бир қувонч билан қараб, хитоб қилди:

— Бугун нечоғлик ёмон ўйнадим-а, Дориан!

— Жуда ҳам! — деб тасдиқлади у Сибилага қараб ҳанг-манг бўлганича. — Жуда ҳам ёмон! Сиз бетоб эмасмисиз? Ижронгиз нақадар ночор бўлганини ва мен қанчалик изтироб чекканимни сиз тасаввур ҳам қилолмайсиз.

Қиз ҳамон жилмайишда давом этарди.

— Дориан, — деди у ниҳоят. Гўё бу ном унинг нафис дудоқлари учун асалдан ҳам ширинроқдек, қиз уни куйлаётгандай оҳангдор қилиб чўзиб, ҳузурланиб талаффуз этди. — Дориан, сиз наҳотки қеч нарсани англамайсиз? Бўлмаса, ҳозир тушунмаётгандирсиз-а?

— Нимасини тушунмоғим керак? — деди у ғашлик билан.

— Нимасини бўларди? Нима сабабдан мен бугун бу қадар ёмон ўйнаганимни-да... Энди мен доимо ёмон ўйнайман. Энди ҳеч қачон аввалгидек ўйнай олмайман.

Дориан елкасини қисди.

— Сиз бетоб бўлиб қолганга ўхшайсиз. Агар бетоб бўлсангиз Саҳнага чиқмаганингиз маъқул эди. Бунақада одамларга масхара бўласиз-ку! Менинг дўстларим зерикиб, диққинафас бўлиб кетишди. Ўзим ҳам жуда сиқилдим.

Унинг гаплари Сибилянинг қулоқларига кирмаётгандай кўринарди. У аллақандай бахт оғушида яйраётгандай ва бу бахт уни батамом ўзгартириб юборгандай эди.

— Дориан! Дориан! — деб хитоб қилди у. — Ҳали мен сизни билмаган пай-тимда, мен фақат саҳнадагина яшар эдим. Менинг назаримда, шу — менинг чин ҳаётим эди. Бир оқшом Розалинда бўлардим, иккинчи оқшом — Горция эдим. Беатриченинг қувончлари менинг қувончларим, Корделиянинг изтироблари менинг изтиробларим эди. Саҳнада мен билан бирга ўйнаган ноқобил артистлар менга илоҳлардек кўринар, бўяб-безалган саҳна пардалари менинг дунём эди. Мен арвоҳлар орасида яшар ва уларни тирик одамлар деб қисоблар эдим. Бироқ сен келдинг, севгилим ва менинг қалбимни асирликдан халос этдинг. Сен

менга ҳақиқий ҳаётни кўрсатдинг. Шу бугун гўё кўзларим очилгандай бўлди. Мен сахнада теварагимдаги бутафориянинг бари сохта, ясама ва бемаъни эканини кўрдим. Бугун оқшом мен биринчи бор кўрдимки, Ромео қари, бадбашара, юзига бўёқ чапиб олган, боғдаги ой нури ҳақиқий эмас, боғ ҳам боғ эмас, балки ғариб бир декорация. Мен талаффуз этаётган сўзлар ҳам ҳақиқий сўзлар эмас, менинг сўзларим эмас, мен айтишни истаган сўзлар эмас. Сен туфайли мен санъатдан юқори турадиган нарсани билиб олдим. Мен ҳақиқий муҳаббат нима эканини билиб олдим. Санъат — унинг туссиз акси экан, холос. О, менинг қувончим, менинг Гўзал шаҳзодам! Соялар орасида ҳаёт кечирмоқ жонимга тегиб кетди. Бутун дунёнинг санъатидан кўра мен учун сен қадрлисан. Сахнада менинг теграмда гирдикапалак бўладиган кўғирчоқларни бошимга урайми? Бугун театрга келиб ҳайрону лол қолдим: ҳамма нарса бирдан менга бегона кўриниб кетди. Бугун жуда ўринлатиб кўяман деб ўйлаган эдим, қарасам, ҳеч нарса қилолмай қолибман. Кейин тўсатдан қалбан нима сабабдан шундай бўлаётганини тушуниб қолдим ва беҳад суюниб кетдим. Залдаги шивир-шивирлар қулоғимга чалиниб қолди — лекин уларга жилмайиб кўя қолдим. Бизнинг муҳаббатимиздай муҳаббат тўғрисида улар нимани билишаркан? Мени бу ердан олиб кет, Дориан, икковимиз танҳо бўладиган жойларга олиб кет. Мен энди театрни ёмон кўраман. Мен илгарилари ўзим билмаган муҳаббатни сахнада кўрсатмоқчи бўлардим — энди эса бутун аъзойи баданим муҳаббат оташида қоврилаётган пайтда бундай қилолмайман. Оҳ, Дориан, Дориан, гапларимни тушунмаяпсанми? Мен қозир маъшуқа ролини ўйнайдиган бўлсам, бунинг бари қалбаки бўлади- ку! Сени деб бугун мен буни билиб олдим.

Дориан кескин ҳаракат билан Сибиладан ўгирилиб, диванга ўтирди.

— Сиз менинг севгимни ўлдирдингиз, — деб шивирлади у кўзларини кўтармай. Сибила унга таажжубланиб қаради ва кулиб юборди. Дориан сукут сақларди. Сибила унинг ёнига келди ва енгилгина, фақат бармоқларининг учи билан унинг сочига тегди. Кейин тиз чўкиб, лабларини унинг қўлига босди.

Бироқ Дориан сесканиб, қўлини тортиб олди. Кейин сапчиб дивандан турдида, эшикка томон қадам ташлади.

— Ҳа-ҳа, — деб ҳайқирди у, — сиз менинг севгимни ўлдирдингиз! Илгари сиз менинг ҳаётимни жунбушга келтирардингиз, энди менда ҳеч қандай қизиқиш уйғотмай қўйдингиз. Мен сизга бутунлай бефарқ бўлиб қолдим. Сизни севиб қолганимнинг боиси шу эдики, илгари сиз сахнада зўр ўйнар эдингиз, сизнинг ажойиб истеъдодингиз аён кўриниб турарди, сиз улуғ шоирларнинг орзуларини мужассам этардингиз. Санъатнинг жисмсиз тимсолларига ҳаётий, ҳаққоний шакл бердингиз. Энди эса буларнинг бари битди. Сиз қуруқ ва маҳдуд бир аёлгина бўлиб қолдингиз. О, тангрим, мунча аҳмоқ бўлмасам! Менинг сизга муҳаббатим нақадар бемаъни бўлган экан-а! Ҳозир сиз мен учун ҳеч нарса эмассиз! Мен сизни ортиқ кўришни истамайман. Мен ҳеч қачон сизни эсламайман ҳам, исмингизни тилга олмайман. О, кошки эди сиз мен учун ким бўлганингизни тушуна олсангиз! О, парвадигор, мен ўзим... Йўқ, бу тўғрисида ўйлашнинг ўзи азоб. Сизни ҳеч қачон билмаганим афзал эди. Сиз менинг ҳаётимдаги энг гўзал нарсани маҳв этдингиз. Муҳаббат сиздаги санъаткорни ўлдирган эмиш! Шунақа дедингиз, муҳаббат ҳақида жуда кам нарса билар экансиз. Ахир, сизнинг санъатингиз бўлмаса, сиз ҳеч кимсиз. Мен сизни улуғ ва машҳур қилмоқчи эдим. Бутун дунё сизнинг қаршингизда таъзим қиладиган бўларди ва сиз менинг номимни қабул қилардингиз. Энди нима бўлади? Энди ким бўласиз? Сулув чеҳрали ўртамиёна бир артист, холос.

Сибилананинг ранги ўчиб, бутун аъзойи баданига титроқ кирди. Қўлларини қисганча, гўё сўзлар томоғида тиқилиб қолаётгандек, қийналиб, зўрға шивирлади:

— Сиз бу гапларни жиддий айтаётганингиз йўқ-а, Дориан? Сиз ҳазиллашяпсиз-а? Ўйин қиляпсиз!

— Ўйин қиляпман? Йўқ, ўйин қилишни сизга чиқарган. Буни сиз жуда ўрнига қўясиз! — деб зарда билан пичинг қилди Дориан.

Қиз тиз чўккан жойидан туриб, унинг ёнига борди. Руҳан

эзилаётгани шундоққина юзидан кўриниб турарди. Қиз кўлини унинг елкасига кўйиб, кўзларига тикилди. Аммо Дориан уни туртиб юбориб, қичқирди:

— Менга кўлингизни тегизманг!

Сибилананинг кўксидан бўғиқ инграш отилиб чиқди. Қиз унинг оёқлари остига йиқилди. Худди эзиб ташланган гулдай Сибила ерда ётарди.

— Дориан, Дориан, мени ташлаб кетма, — деб пичирлади у илтижо билан. — Бугун ёмон ўйнаганимдан жуда-жуда пушаймонман. Бунинг боиси шуки, менинг бутун фикри-зикрим сизда бўлди. Мен яна уриниб кўраман... Ҳа, ҳа, мен яна ҳаракат қиламан. Муҳаббат кўққисдан келди. Агар сен мени ўпмаганинга... агар ўшанда икковимиз ўпишмаганимизда бунинг муҳаббат эканини билмай ҳам қолишим мумкин эди. Мени яна бир бор ўпиб кўй, севгилим! Кетма, мен бунга дош беролмайман... Мени ташлаб кетма! Менинг укам... Йўқ, йўқ, у буни хаёлига ҳам келтирмаган эди. У шунчаки ҳазиллашган, холос... Оҳ, наҳотки сен мени кечиролмасанг? Мен бор кучим билан машқ қиламан ва яхшироқ ўйнашга ҳаракат қиламан. Менга шафқатсизлик қилма! Мен сени дунёдаги ҳамма нарсадан ортиқроқ яхши кўраман. Ахир, мен бор-йўғи бир мартагина сенинг кўнглингни олабилмадим. Сен, албатта, ҳақсан, Дориан, мен санъаткор эканлигимни сира унутмаслигим керак эди... Жуда ёмон иш бўлди, лекин мен ҳеч иложини топа олмадим. Мени ташлаб кетма, Дориан! Кетма!..

Кўздан оқаётган шашқатор ёшлардан бўғилиб Сибила яраланган жонивордай ерда тўлғониб ётар, Дориан Грей бўлса бежирим лабларида истехзоли кулги билан унга юқоивдан такаббуруна жирканиш аралаш қараб турарди. Муҳаббатидан айрилиб қолган одамнинг изтиробларида ҳамиша аллақандай кулгили бир нарса бўлади. Сибиланинг сўзлари ҳам, кўз ёшлари ҳам Дорианга жуда бемаъни кўринди ва унинг ғашига тегди, холос.

— Майли, мен кетаман,— деди у ниҳоят хотиржам оҳангда баланд овозда. — Мен бешафқат бўлмоқни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ эди, аммо сиз билан бошқа учраша олмайман.

Сиз менинг ихлосимни қайтариб қўйдингиз.

Сибила ҳеч нарса деб жавоб бермай, аста йиғлашда давом этди-да, эмаклаб сурилиб, унга яқинроқ борди. У гўё Дорианни излаётган сўқир одамдай қўлларини олдинга узатиб олган эди. Бироқ у орқасини ўгириб чиқиб кетди. Бир неча дақиқа ўтиб-ўтмай у кўчада кетиб борарди.

У қаёққа кетаётганини англаб-англамай кетиб борарди. Кейинчалик у ғира-шира эслади — у аллақандай хира чироқли кўчаларда важоҳатидан одам чўчийдиган уйларнинг теварагида, қўйнида қора зулмат ҳукм сурувчи баланд-баланд дарахтлар тагида кезиб юрди. Аёллар қиқир-қиқир кулиб хириллаган овозлари билан уни ҳузурларига чорлашди. Ёнларидан гандиракла--гандираклай маст-аластлар ўтишди. Улар баҳайбат маймунларга ўхшашарди, ўзларича нималардир деб ғудраниб ёки баланд овозда сўкиниб боришарди. Дориан мадори қуриб, уйларнинг остоналарида мудраб қолган аянчли болаларни кўрди, файз таровати йўқ ховлилардан келаётган бақириқ-чақириқларни ва сўкишларни эшитди.

Тонг палласида у Ковент-Гарденнинг яқинига бориб қолди. Зулмат тарқалди, оқаришиб бораётган осмон оламга ажойиб бир гавҳардай нур сепа бошлади. Худди силлиқлаб, жилвирлаб қўйилгандай кимсасиз кўчалардан катта аравалар гулдур-гулдур қилиб ўтди. Уларга узун навдалари чайқалиб турган нилуфарлар ортилган эди. Ҳаво шу гулларнинг ҳушбўй ҳидига тўйинган эди. Уларнинг жозибаси Дорианнинг дардига шифо бўлгандай бўлди. Аравалар кетидан борган Дориан бозор бошидан чиқиб қолди. У бир жойда туриб, аравалардан гулларни туширишларини томоша қилди. Оқ қалпоқли бир аравакаш Дорианга олча узатди. Дориан унга миннатдорчилик билдириб, паришонхотирлик билан олчаларни тановул қила бошлади. Олчаларни ер экан, ўзича аравакашнинг пул олишдан бош тортганини ўйлаб ҳайрон бўлди. Олчалар ярим кечаси териб олинган бўлиб, гўё улардан ой нурининг салқини уфуриб турарди. Дорианнинг олдидан бир тўда болалар ўтишди. Улар ҳар хил саватларни елкаларида кўтариб, тоғ-тоғ уюлиб ётган сабзавотлар қаторидан ўз-ўзларига

йўл очиб боришарди. Пештоқ остида қуёш нурларига чўмиб ётган устунлар орасида паҳмоқ сочли, уст-бошлари юпун қизлар санқиб юришипти. Уларнинг яна бир тўпи Паяццедаги кафенинг эшиги теварагида ғуж бўлиб олишган. Аравага қўшилган ношудроқ отлар тош терилган нотекис йўлда қоқилишади, жабдуқларини шилдиратишади, қўнғироқчалар жиринглайди. Баъзи аравакашлар қопларнинг устида ухлаб ётишипти. Пушти оёқли каптарлар рангдор бўйинчаларини чўзиб ерга сочилган донларни териб ейишади.

Ниҳоят, Дориан извошчини чақириб, уйга йўл олди. Бир неча дақиқа эшик олдида туриб, сокин майдонни, гулдор пардалари туширилган ёки қопқоқлари ёпиб қўйилган деразаларни кузатди. Мовий рангли осмон шаффофдай тиниқ, уйларнинг томлари кумушдек ярқирайди. Қўшни уйнинг мўрисидан чиқаётган тутун тасмадай буралиб-эшилиб, садафдай ҳавога сингиб кетмоқда.

Каттагина зарҳал венеция фонусида учта газ чироғи милтиллаб ёниб турипти. Бу фонус бир замонлар бирор дожининг кемасидан ўғирланиб келтирилган бўлса ҳам ажаб эмас. Ҳозир у деворларига эман ёғочдан ишланган қоплама билан безатилган кенг меҳмонхонанинг шифтида осифлиқ турипти. Дориан фонусни ўчирди, столча устига плаши билан шляпасини қўйиб, кутубхона орқали ўтиб, хобхона эшигига яқинлашди. Хобхона биринчи қаватда жойлашган бўлиб, каттагина саккизбурчакли хона эди. Дориан яқиндан бери ҳашаматга қизиқиб қолгандан хобхонани янгидан безаб чиққан ва унинг деворларига ўзининг Селбидаги уйининг чорбоғидан топилган Уйғониш даврига мансуб ноёб гиламларни осиб қўйган эди. У эшикнинг тутқичига энди қўл чўзган ҳам эдики, нигоқи Бэзил Холлуорд чизган ўзининг портретига тушди. Дориан портретни кўрди-ю, сесканиб кетди. Алланарсага лол қолган одамдай бир қадам орқасига тисланди, шундан кейингина хобхонага кирди. Аммо ёқасига қадаб қўйилган гулни олиб қўйди-ю, яна тараддудланиб қолди, афтидан, нимадир уни ташвишга солган эди. Охир-оқибатда у кутубхонага қайтиб кирди. Портретнинг олдида борди-да, унга узоқ тикилиб қолди. Деразаларга тутилган сариқ ипак пардалар чироқнинг ёғдусини анча қирқиб қўйган эди. Шу хира шуълада сувратда унинг юзида қандайдир ўзгариш содир бўлгандай кўринди. Унинг чеҳрасидаги ифода нечукдир бошқача эди — қимтиб олган лабларида шафқатсизлик сезилиб турарди. Бу — ғалати эди.

Портретдан юз ўгириб, Дориан деразанинг олдида борди ва пардаларни икки ёнга суриб қўйди. Эрта тонг нурлари хонага ёпирилиб кирди ва нимқоронғи бурчакларга биқиниб олган ғаройиб сояларни тўзителиб юборди. Аммо портретнинг қиёфасида ҳали ҳам қандайдир ғалати бир ўзгариш сезилиб турарди, у энди ёруғда яна аниқроқ кўрина бошлади. Сувратда жилва қилаётган қуёшнинг ёрқин нурларида унинг лабларидаги шафқатсизлик ифодаси шунақа аниқ кўриндики, гўё Дориан биронта ёмон жиноятга қўл уриб қўйиб, энди кўзгуга қараётгандай эди.

У ларзага тушди ва шоша-пиша стол устида ётган гардиши фил

суягидан ишланган ва муҳаббат фаришталарининг тасвири билан безатилган кўзгуни қўлига олди. Бу кўзгу лорд Генрининг унга қилган сон-саноксиз совғаларидан бири эди. Дориан кўзгуга синчиклаб анча тикилди. Йўқ, унинг қирмизи лабларини портретдаги каби ғаройиб жилва хунук қилиб тургани йўқ. Бунинг бари қанақа маънони билдирсайкин?

Дориан кўзларини ишқалади ва портретга яқин бориб, яна уни диққат билан кўздан кечира бошлади. Шубҳа бўлиши мумкин эмас — бу ёққа ҳеч ким қўл теккизгани йўқ. Бирорта одам бу ифодани қўшиб қўйган деса, ҳеч кимнинг қўл изи йўқ. Ҳолбуки, аниқ кўриниб турипти — юз ифодаси анча ўзгарган. Йўқ, унга шунақа туюлгани йўқ, дақшатли ўзгариш яққол кўзга ташланиб турипти.

Дориан ўриндиққа ўтириб, зўр бериб ўйлай бошлади. Тўсатдан унинг хотирасида портрет ишлаб битирилган куни устахонада Бэзил Холлуорд томонидан айтилган гап гавдаланди. Ҳа, Дориан бу гапни жуда яхши эслаб қолган. Ўшанда у мутлақо ақл бовар қилмайдиган бир хоҳиш билдирган эди — кошки эди унинг ўрнига портрет қариса, Дориан эса ҳамиша навқиронлигича қолаверса, унинг хусни таважжуҳи ўнгиб, туссизланмаса-да, ҳар қандай эҳтирослар, шўхликлар ва гуноҳи азимларнинг муҳри портретнинг чеҳрасига тушса... Ҳа, у истадики, изтироблар ва оғир ўйларнинг излари унинг тасвиридагина чуқур ажинлар қолдирсин, ўзи эса жамики тароватини ва жозибасини, эндигина илк дафъа англаб етган ёшлигига хос латофатини мангу сақлаб қолсин. Наҳотки, унинг истаги амалга ошган бўлса? Йўқ, бунақа мўъжизанинг бўлиши мумкин эмас. Бу тўғрида ўйлашнинг ўзи ғалати! Лекин мана қаршисида ўзининг суврати: лабларининг икки чеккасида шафқатсизлик муҳри!

Шафқатсизлик? Ахир, у нима шафқатсизлик қилипти? Ҳаммасига айбдор у эмас, ҳаммасига айбдор Сибила-ку? У Сибилани улуг санъаткор деб ўйлапти ва шунинг учун уни севиб қолди. Сибила эса унинг ҳафсаласини пир қилди. Сибила унинг муҳаббатига номуносиб, арзимас бир кимса бўлиб чиқди. Лекин ҳозир у чексиз бир аянч билан Сибиланинг оёғи остида ётганини, ёш

боладай хўнг-хўнг йиғлаганини эслади. Ўшанда унга ўта бағритошлик билан менсимай, бефарқ қараганини хотирлади. Нега у шунақа яратилган экан-а? Нега унга шунақа қалб берилган экан-а?

Бундай деса Дорианнинг ўзи ҳам изтироб чекмадими? Спектакль давом этган мудҳиш уч соат мобайнида у юз йиллик азоб-уқубатини кечирди, бир асрлик ғам-ғуссани тортди. Ҳар ҳолда унинг ҳаёти ҳам ҳозир Сибиланинг ҳаётига баравар келиб қолди. Агар у Сибилага бир умрга жароҳат етказган бўлса, Сибила ҳам унинг ҳаётига анча татийдиган дилхиралик солди. Бунинг устига, аёллар эркакларга қараганда ғамга бардошлироқ бўлади. Улар ёлғиз туйғулар билангина яшайдилар, фақат туйғулари билан машғул бўлишади. Улар хушторларини ҳам бир мақсадда — ғишаваларини кўтарадиган бирор одам ёнларида бўлсин учун орттирадилар. Лорд Генри шунақа дейди. Лорд Генри эса аёл табиатини яхши билади.

Сибила Вэйн ҳақидаги ўйлар билан ўзини ташвишлантириб нима қилади? Бундан буён Сибила унинг учун йўқдай гап.

Лекин портрет-чи? Уни нима қилмоқ керак? Портретда ҳаётининг сири муҳрланиб қолипти. Портрет истаган фурсатда уни ҳаммага ошкор қилиб қўйиши мумкин. Портрет уни ўзининг хусни таважжуҳини севишга ўргатди, Наҳотки шу портрет эндиликда уни ўз қалбидан жирканишга ўргатса? Эндиликда у сувратга қайси кўзи билан қарасин?

Йўқ, йўқ, буларнинг бари руҳий эзгинлик туфайли пайдо бўлган алдамчи туйғулардан ўзга нарса эмас? У кечаси билан ухлаёлмай чиқди — шунинг учун ҳозир алахсираётгандай бўляпти. Унинг миясида тўқ қизғиш доғ пайдо бўлган бўлса керак. Шу доғ одамни жинни қилади. Портрет сира ҳам ўзгарган эмас, уни ўзгарди деб ўйлаш жинниликдан бошқа нарса эмас.

Аммо портретдаги одам унга қақри истехзо билан қараб турипти. Бу истехзо унинг гўзал юзини бузиб кўрсатяпти. Унинг тилларанг сочлари тонг қуёши шуълаларида товланади, мовий кўзлари жонли Дорианнинг кўзларига тўқнаш келди. Дорианнинг қалбида адоқсиз бир раҳмдиллик туйғуси уйғонди.

Унинг юраги ўзига эмас, ўзининг сувратига ачинмоқда эди. Сувратдаги одам ўзгариб қолипти, бундан кейин янада кўпроқ ўзгаради. Жингалак сочларининг зарҳали хира тортади, уларнинг орасида кумуш толалар кўпая боради. Навқирон чехрасидаги оқ ва қирмизи ранглар сўлади. Дориан қиладиган ҳар битта гуноҳ портретга доғ бўлиб тушиб, унинг тароватини бузади...

Йўқ, йўқ, у ортиқ гуноҳ ишларга қўл урмайди. Портрет ўзгарадими, йўқми — бирибир, бу портрет бундан буён унинг виждони бўлиб хизмат қилади. Бундан буён йўлдан оздирадиган вас-васларга қарши курашмоқ керак бўлади. Лорд Генри билан ҳам бошқа учрашмаслик керак ёхуд лоақал унинг ўткир заҳарга ўхшаш хатарли нутқларини эшитмаслик керак. Бир куни Бэзил Холлуорднинг боғида Дорианнинг кўнглида биринчи марта ақл бовар қилмайдиган нарсаларга иштиёқ уйғотган ҳам лорд Генрининг гаплари бўлган эди-да!

Шу тарзда Дориан Сибила Вэйннинг қошига қайтишга жазм қилди. Бориб айбини юварди. У Сибилага уйланади, уни янгидан яхши кўради. Ҳа, бу унинг бур-чи. У шўрлик жуда қаттиқ изтироб чеккан бўлиши керак, Дориандан ортиқроқ эзилган. Бечора! Дориан унга ўта шафқатсиз бир худбин сифатида муомала қилди. Муҳаббат қайтади, улар бахтли бўлишади. Дорианнинг Сибила билан бирга кечирадиган турмушлари покиза ва гўзал бўлади. У ўриндиқдан туриб, сўнгги марта ларзага тушиб портретга қаради ва унинг устига парда ташлаб қўйди.

— Қандай даҳшат! — дея ўзича минғирлади ва у деразанинг ёнига бориб, уни ланг очиб юборди.

У боққа, майсазорга чиқди ва эрталабки тонг сабосидан кўкрагини тўлдириб шимирди. Тонгги майин шабада унинг аъзойи баданига роҳат бахш этди ва қолган-қутган нохуш эҳтиросларини тўзитиб юборди. Дориан энди фақат Сибила ҳақида ўйлар эди. Юрагида аввалги муҳаббатининг заифгина акс-садосини эшитаётгавдай. У севгилисининг номини тилдан қўймай такрорлай бошлади. Сершудринг боғда чаҳ-чаҳ уриб

сайраётган қушлар ҳам гўё гулларга Сибила ҳақида дoston
ўқиётгандай эди.

САККИЗИНЧИ БОБ

Дориан уйғонганда кун пешиндан оғиб қолганди. Унинг мулозими аллақачон бир неча марта оёқ учида хобхонага кириб, унинг уйғонган-уйғонмаганини кўриб кетди ва хўжайинининг бугун шу маҳалгача ухлаб қолганига ажабланди. Ниҳоят, хобхонадан қўнғироқ жиринглагани эшитилди. Виктор товушсиз қадамлар билан хобхонага кирди. Унинг бир қўлида чой, иккинчи қўлида кўхна севр чиннисидан ишланган патнус устида бир тўп мактуб бор эди. Мулозим учта баланд- баланд деразани беркитиб турган шоҳи астарли кўк пардаларни очди.

- Бугун мириқиб ухладингиз, мосье, — деди у жилмайиб.
- Соат неча бўлди, Виктор? — деб сўради Дориан.
- Бирдан чорак ўтди, мосье.
- Ўҳ-ху, кеч бўлиб қолибди-ку! — Дориан тўшак устига ўтирди. Чойни хўплай-хўплай, мактубларни кўздан кечира бошлади. Битта мактуб лорд Генридан эди, уни бугун эрталаб дастёр бола келтириб берди. Бир дақиқалик тараддудланишдан кейин Дориан уни бир ёнга суриб қўйди-да, бошқа мактубларга тез-тез кўз югуртира бошлади. Булар ҳар доимдагидек, зиёфатларга таклифномалар, ёпиқ кўрғазмаларга билетлар, ҳайрия концертларининг дастурлари ва шунга ўхшаган қоғозлар эди. Одатда мавсум авж паллага чиққанида зодагонлар тоифасига мансуб йигитларнинг бошига бунақа таклифнома-ю чақириқлар ёғилади. Қоғозлар ичида каттагина миқдордаги пулга счёт ҳам бор эди. Дориан яқинда насияга Людовик ўн бешинчи услубидаги кумушдан ишланган пардоз-андоз буюмларини харид қилганди. Улар шу қадар қиммат эдики, пул қоғозини Дориан восийларига жўнатишга ботинмади. Негаки, восийлар эскича қолипдаги одамлар, ҳаддан ташқари орқада қолишган. Улар бизнинг асримизда одамларга беҳуда, лузумсиз буюмларгина керак бўлишини тушунишмайди. Бундан ташқари

Жермин стритдаги судхўрлардан ҳам бир нечта мактуб бор эди. Улар жуда сертакаллуф ибораларда Дорианнинг бир оғиз гапи билан истаган миқдорда ва фоизини инсоф билан белгилаб қарз беришлари мумкинлигини маълум қилишарди.

Ўн дақиқалардан кейин Дориан ўрнидан турди ва бежирим кашмирий халатини елкасига ташлаб, деворига қимматбаҳо плиталар қопланган ваннахонага кирди. Давомли уйқудан кейин муздек сув бир зумда уни ҳушига келтирди. У кеча бошидан кечган воқеаларнинг ҳаммасини унутиб юборгандай кўринар эди. Фақат бир мартами-икки марта кеча ғаройиб машмашада иштирок этгани эсга тушгандай бўлди-ю, лекин бу хотира худди тундай ғира-шира эди.

Кийиниб у кутубхонага кирди ва у ерда думалоқ стол ёнига ўтирди. Очиқ дераза ёнида турган бу стол устига унинг учун французча усулда енгил нонушта тайёрлаб қўйилган эди. Илиқ ҳаво хушбўй ҳидларга тўлиқ эди. Хонага ари кириб қолипти. У Дорианнинг ёнида кўк хитой гулдонига солиб қўйилган сариқ атиргул тепасида ғўнғиллаб учиб юрипти. Бу муҳитда Дориан ўзини буткул бахтиёр ҳис этди.

Бироқ тўсатдан унинг нигоҳи пардага тушди. Бу пардани кеча у сувратининг устига ташлаб қўйганди. Буни эслади-ю, сесканиб кетди.

— Мосье совқотяптиларми? Деразани ёпиб қўяйми?

Дориан бошини чайқади.

— Йўқ, совқотаётганим йўқ.

Наҳотки, буларнинг бари чиндан ҳам содир бўлган? Чиндан ҳам портрет ўзгариб қолдими? Ёки буларнинг ҳаммаси азият чеккан хаёлотининг ўйинимикан? Портретнинг чеҳрасидаги қувончли табассум ўрнини қаҳрли ифода эгаллагандай туюлди, холосми? Ахир, сувратдаги бўёқлар ўзгариб қолиши мумкин эмас-ку! Ўта бемаънилик-ку бу! Ўрни келганда Бэзилга айтиб бериш керак — эшитиб, мазза қилиб кулса керак!

Лекин ҳаммаси хотирасида жуда тиниқ гавдалана бошлади.

Оддинига ғира-ширада, кейин тонг шафағининг ёрқин шуъласида оғзини қийшайтириб қўйган шафқатсизлик белгиларини аниқ кўрди. Ҳозир эса у юраги така-пука бўлиб, мулозимнинг уйдан чиқиб кетишини пойлаб турипти. У билади — ёлғиз қолгандан кейин чидаб туролмайди, албатта, пардани кўтариб, сувратни яна томоша қила бошлайди. Лекин у ҳақиқатни билишдан чўчимокда эди.

Мулозим кофе билан папиросни бериб, эшик томон йўл олгач, Дориан жону дили билан уни тўхтатиб қолмоқчи бўлди. Шунда у эшик ёпилиб улгурмасдан Викторни орқасига қайтарди. Мулозим фармойишларни кутиб индамай тик турарди. Дориан бир дақиқача унга тикилиб қолди.

— Ким келса ҳам, мен уйда йўқман, Виктор, — деди у ниҳоят хўрсиниб. Мулозим таъзим қилиб, чиқди.

Шунда Дориан стол ортидан турди-да, папирос чекди, кейин парда ортида яшириниб турган сувратнинг рўпарасидаги каравотга чўзилди. Парда қадимги зарҳалланган испан чармидан тикилган, Людовик XIV услубидаги кашталар билан безатилган эди. Дориан пардадан кўзини узмай тикилар экан, авваллари ҳам бу парда меникига ўхшаган бирон инсон ҳаётининг сирини яширганмикин — йўқми, деб ўйлади.

Нима қилсин? Пардани кўтарсинми? Ёки ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолаверсин-ми? Билиб нима қилади? Ахир, буларнинг ҳаммаси рост бўлиб чиқса, жуда ёмон бўлади-ку? Ундай бўлмаса-чи? Ундай бўлмаса, ташвишланиб ўтиришга қожат йўқ.

Хўш, борди-ю, бирор мудҳиш тасодиф рўй бериб, бирор бегона одамнинг портретга кўзи тушиб қолса ва у сувратдаги ўзгаришни пайқаб қолса, нима бўлади? Бэзил Холлуорд келиб, ўзи ишлаган сувратни кўришга хоҳиш билдириб қолса нима бўлади? Бэзил, албатта, кўрмоқчи бўлади-да... Йўқ, ҳар нима бўлгавда ҳам портретни яна бир марта кўздан кечирмоқ лозим. Кўздан кечирганда ҳам буни дарҳол қилмоқ керак. Кишини эзиб ташловчи мавҳумликдан оғирроқ нарса йўқ.

Дориан ўрнидан туриб иккала эшикни ҳам қулфлади. У лоақал ўзининг шармандалигини кўздан кечираётганида ёлғиз бўлишни ихтиёр этган эди. У пардани бир томонга сурди-да, ўзи билан ўзи юзма-юз бўлди.

Ҳа, шубҳага ўрин йўқ — портрет ўзгарган эди. Кейин, кейин Дориан дастлабки пайтларда портретга холисона бир қизиқиш билан қараганини эслади. Эслаб ҳар гал бунга таажжуб қиларди. Ҳар гал бунақа ўзгаришнинг рўй бериши ақл бовар қилмайдиган ҳодисадай кўринар эди, лекин рўй берган-ку? Мана, шундоққина кўриниб турипти. Наҳотки, унинг қалби билан суратдаги тасвирни яратувчи бўёқларни ташкил қилган химиявий атомлар ўртасида қандайдир ақл бовар қилмайдиган яқинлик бўлса? Шу атомлар сувратда унинг қалбидаги ҳамма тербанишларни акс эттира оладими? Унинг тушларини чинга айлантира оладими? Шундай бўлмоғи мумкинми? Ёки бу ерда бундан ҳам даҳшатлироқ бошқа сир борми? Шу фикр хаёлидан кечганда Дориан титраб кетди. Кейин портретдан нари кетиб, яна каравотга ёнбошлади. Ётган жойидан яна даҳшатга тушиб, кўзини узмай портретга тикилди.

Унга фақат бир нарса жиндай таскин берарди — ҳар ҳолда бу портрет унга бир нарсаларни ўргатди-ку! Портрет Дорианга Сибила Вэйнга нисбатан шафқатсиз бўлганини, адолатсизлик билан муомала қилганини тушуниб олишга ёрдам берди. Ҳали буни тузатса бўлади. У Сибилага уйланади. Унинг худпараст ва балки зўракироқ муҳаббати Сибиланинг таъсирида ўзгариб, олижаноб бир туйғуга айланади ва Бэзил томонидан ишланган суврат ҳаётида ҳамиша унга раҳнамолик қилади. Ахир, ҳаётда кимларгадир яхшилик эътиқоди, кимларгадир виждон раҳнамолик қилади. Ҳамма одамларга эса худодан кўрқиш етакчилик қилади. Ҳаётда виждон азобини юмшатадиган гиёҳванд моддалар бор — улар виждонни аллалайди, элитади. Бироқ бунда унинг кўз ўнгида мана ман деб чириш рамзи, гуноҳнинг аён оқибати турипти.

Ва ҳамиша инсон ўз руҳини ўзи нобуд қилиши мумкинлигини исботловчи шу далил унинг қаршисида кўндаланг туради.

Соат учга занг урди, тўрт бўлди, яна ярим соат ўтди, Дориан эса ҳамон жойидан қимирлагани йўқ. У ҳаётнинг алвон ипларини бир жойга жам қилиб, улардан биронта нақш тўқимоқни, уни чирпирак қилиб учираётган эҳтирослар қуюнида ўзининг йўлини қидириб топишни истар эди. У нима иш қилишни, нима деб ўйлашни билмай қолган эди. Ниҳоят, у стол ёнига ўтириб, суюкли маъшуқасига оташин мактуб ёза бошлади. У мактубда кечирим сўраб илтижолар қилди ва ўзини ақлсиз тентак деб атади. Саҳифама-саҳифа у оташин сўзлар билан ўзининг эҳтиросли пушаймонини баён қилди ва янада эҳтирослироқ изтиробларини тўкиб солди. Ўз-ўзини қоралашда ўзига хос бир шаҳвоний қирс бор. Биз ўзимизни айблар эканмиз, бошқа ҳеч ким бизни бундан ортиқ қоралашга ҳақли эмаслигини ҳис қилиб турамыз. Тавба-тазарру қилганимизда бизни гуноҳлардан роҳиб эмас, тавба-тазаррунинг ўзи фориф қилади. Сибилага мактубни ёзиб бўлган Дориан ўзини ҳамма гуноҳларидан фориф бўлгандай қис қилди.

Қўққисдан эшик тақиллади ва у лорд Генрининг овозини эшитди.

— Дориан, мен сизни кўрмоғим керак. Очинг эшикни дарров! Нима қилиб, беркиниб ўтирибсиз?

Дориан аввалига ҳеч нарса деб жавоб бермади ва ўрнидан кўзғолмади ҳам. Аммо эшик борган сари қаттиқроқ тақиллашда давом этди. У лорд Генрини ичкарига киритмаса бўлмаслигини ҳис қилди. Унга тушунтириш керак — Дориан бундан буён янгича ҳаёт кечира бошлайди. Агар лозим бўлса, у қатто Гарри билан жанжаллашишдан ҳам қайтмайди, ёхуд юзкўрмас бўлиб кетишга ҳам тайёр.

У сапчиб туриб, портретнинг устига пардани ёпиб қўйди-да, шундан кейингина эшикни очди.

— Албатта, жуда бемаъни воқеа рўй берди, Дориан, — деди лорд Генри ичкарига кириши биланоқ. — Лекин сиз бу тўғрида имкони борича камроқ ўйлашга ҳаракат қилинг.

— Сиз Сибила Вэйни айтяпсизми? — деб сўради Дориан.

— Ҳа, албатта, — деди лорд Генри ва ўтириб, сариқ қўлқопини аста еча бошлади. — Умуман айтганда, жуда ёмон бўлди, лекин сиз айбдор эмассиз. Айтинг-чи, сиз спектаклдан кейин унинг хонасига кирдингизми?

-Ҳа.

— Узим ҳам шундай деб ўйлаган эдим. Хафалашиб қолдиларингми?

— Мен шафқатсизлик қилдим, Гарри. Жуда ҳам бағритошлик қилдим. Лекин ҳозир ҳаммаси жойига тушди. Мен рўй берган воқеадан пушаймон еяётганим йўқ, у мени ўз-ўзимни тузукроқ билиб олишимга ёрдам берди.

— Мен жуда хурсандман, Дориан, бу воқеага шундай муносабатда бўлганингиздан мамнунман. Мен виждон азобида қийналиб, аламдан тилла сочларингизни юлиб ётибсизми деб қўрққан эдим.

— Буларнинг бари бўлиб ўтди, — деди Дориан ва жилмайиб бошини силкди. — Лекин ҳозир мен мутлақо бахтиёрман. Биринчидан, мен виждон нима эканини тушуниб олдим. Бу — сиз айтган нарсадан буткул ўзга нарса экан, Гарри. У — бизнинг жисмимизда мавжуд нарсалар ичида энг илоҳийси экан. Сиз энди бунинг устидан ортиқ кулманг. Лоақал менинг ҳузуримда виждонни майна қилманг. Мен соф виждонли одам бўлмоқни истайман. Мен руҳимнинг бадбашара бўлишига йўл қўёлмайман.

— Виждонийликнинг жуда гўзал эстетик замини бу, Дориан! Муборак бўлсин! Хўш, нимадан бошламоқчисиз буни?

— Сибила Вэйнга уйланишдан.

— Сибила Вэйнга! — деб хитоб қилди лорд Генри ўтирган жойидан туриб кетиб. Унинг қаттиқ ҳаяжонга тушгани яққол сезилиб турарди. У Дорианга таажжуб билан қаради. — Азизим, лекин Сибила...

— Оҳ, Гарри, биламан, сиз никоҳ тўғрисида яна бемаза гап айтмоқчисиз. Қўйинг, бундан кейин менга бунақа гапларни буткул гапирманг. Икки кун муқаддам мен Сибиладан рафиқам

бўлишини илтимос қилгандим. Мен лафзимдан қайтмайман. Сибила менинг хотиним бўлади.

— Хотинингиз? Дориан, нима бало, менинг мактубимни олганингиз йўқми? Мен уни эрталаб ёзган эдим. Мулозимим келтириб берган бўлиши керак.

— Мактуб дейсизми? Ҳа-я!.. Мен уни ҳали ўқиганим йўқ, Гарри. Мактубдан менга қаттиқ ботадиган яна бирон нарса чиқиб қолишидан кўрқдим. Сиз ҳажвий шеърларингиз билан ҳаётни лаҳтак-лаҳтак қилиб парчалаб ташлайсиз.

— Сизни ҳали ҳеч гапдан хабарингиз йўқми?

— Нимадан хабарим йўқ?

Лорд Генри хонани бир айланди, кейин Дорианнинг ёнига ўтириб, унинг қўлини кафтига олиб қаттиқ қисди.

— Дориан, мактубда мен... кўрқманг... мен Сибила Вэйнинг вафот қилганини айтган эдим.

Дорианнинг кўксидан аламли қайқириқ отилиб чиқди. У сапчиб ўрнидан турди, қўлини лорд Генрининг қўлидан тортиб олди.

— Вафот этди?! Сибила ўлдими? Ёлғон! Уччига чиққан ёлғон бу! Қандай журъат этдингиз менга ёлғон гапиргани!

— Бу гап рост, Дориан,— деди лорд Генри жиддий. — Бу тўғривда бугун ҳам-ма газета ёзаяпти. Мен сизга ёзганимки, менинг келишимга қадар ҳеч кимни қабул қилманг демоқчи бўлувдим. Афтидан, тергов бўлса керак, бу ишга сизни аралаштирмасликлари учун ҳаракат қилиш керак. Парижда одамнинг бошига шунақа машмашалар тушса, у машҳур бўлиб кетади, лекин Лондовда эса ундай эмас. Бу ердаги одамларнинг миясида бидъат кўп. Бу ерда одам ўз фаолиятини зиҳқор базинҳор ғалвадан бошламаслиги керак. Ғалвани эса кексалик чоғлари учун асраб қўйиш керак, кексайганда ўзига нисбатан сусаяётган қизиқишни ўт олдиришга керак бўлади. Ҳойнаҳой, театрда сизнинг ким эканингиздан беҳабар бўлишгандир? Беҳабар бўлишган бўлса, ишлар жойида бўлади. Сибиланинг пардозхонасига кираётганингизни бирор одам кўргани борми?

Бу жуда ҳам муҳим!

Дориандан бир неча дақиқа сас чиқмади — у даҳшатдан карахт бўлиб қолган эди... Ниҳоят, тутила-тутила бўғиқ овозда хириллаб деди:

— Тергов дедингизми? Бу нима деганингиз? Наҳотки, Сибила... Оҳ, Генри, мен бунга чидаёлмайман... Тезроқ жавоб беринг! Гапирсангиз-чи, бор гапни!

— Бу воқеа шунчаки тасодифий қодиса эмаслигига шубҳа қилиб бўлмайди, Дориан. Аммо одамлар шундоқ деб ўйламоқлари керак. Бундай деб гапиришяпти: ўша куни кечаси — чамаси, ўн икки яримларда бўлсамикин, қиз онаси билан театрдан чиқиб кетаётган экан.

Тўсатдан тўхтаб, бир нарсани унутибман дебди-да, юқорига чиқиб кетибди. Уни бир неча муддат кутишипти, лекин қиз келавермапти. Қўйингчи, охир-оқибатда пардозхонада унинг жасадини топишипти. У ерда ётган экан. Адашиб, пардоз учун ишлатиладиган аллақандай заҳарли дорини ичиб қўйипти. Нима экани аниқ эсимда йўқ, лекин унинг таркибида тил тортмай ўлдирадиган зақар бор экан. Ҳар қалай, синель ишқори бўлса керак, чунки қизнинг жони бир зумда узилипти.

— Ё парвардигор! Қандай даҳшат! — деб фиғон чекди Дориан.

— Ҳа... Бу чиндан ҳам фожеа... Лекин сиз ундан ташқарида бўлмоғингиз керак... Мен "Стандарт"да ўқудим — Сибила Вэйн ўн етти ёшда экан. Кўринишдан эса яна ҳам ёшроқ кўринар эди. У қали вояга етмаган ўсмир қизалоққа ўхшар эди. Саҳнада ўйнаши ҳам анча-мунча уқувсиз эди, Дориан, бу гапни юрагингизга яқин олманг. Албатта, мен билан бирга юринг, бориб тушлик қиламиз. Кейин операга кириб чиқамиз. Бугун Патти куйлайди, бутун Париж театрда бўлади. Синглимнинг ложасига бирров кириб чиқамиз. Бугун у билан бирга бир нечта танноз келадиган эди.

— Демак, Сибила Вэйнни мен ўлдирибман-да... — деди Дориан Грей худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандай. — Гўёки пичоқ билан кекирдагидан сўяётгандай бўлибман... Шунга

қарамай, атиргуллар ҳамон аввалги тароватини йўқотгани йўқ, боғимдаги қушлар ҳамон чақ-чақ сайрашини қўйгани йўқ. Бугун кечқурун бўлса, мен сиз билан тушлик қиламан, кейин операга бораман, ундан кейин яна аллақерга бориб, кечки зиёфатда иштирок этаман. Ҳаёт нақадар ғаройиб ва фожеа! Агар буларнинг ҳаммасини, Гарри, китобдан ўқиганимда, йиғлаб юборишим турган гап эди. Ҳозир эса бу мудҳиш воқеа чиндан ҳам рўй берганида, рўй берганида ҳам менинг бошимга тушиб ўтирганида, мен шу қадар ларзага тушдимки, кўзларимга қатра ёш келмайди. Мана, бугун ёзган эҳтиросли муҳаббат мактуби. Бу менинг умримдаги биринчи мактубим. Ана шу биринчи мактубимни марҳумага ёзганим ғалати эмасми? Биз "мурда" деб атайдиган ана шу забонсиз, қонсиз, жонсиз одамлар бирор нарсани ҳис қилишармикин? Сибила!... Унинг ҳамма гапдан хабари бормикин? Менинг гапларим унинг қулоғига етиб борармикин? У бирор нарсани ҳис қилармикин? Оҳ, Гарри, бир вақтлар мен уни қандай севардим-а?! Ҳозир менга шундай туюлмоқдаки, гўё бу бир неча йиллар муқаддам содир бўлган. У пайтларда Сибила мен учун жону таним эди. Кейин тунов кунги мудҳиш оқшом етиб келди — Наҳотки бу кечагина бўлиб ўтувди? — Шу оқшом у бирам ёмон, бирам уқувсиз ўйнадики... Юракларим тарс ёрилиб кетай деди. Кейин у менга тушунтириб берди. Жуда таъсирчан қилиб тушунтирди... Лекин бундан мен таъсирланмадим, аксинча, уни тентак деб атадим. Кейин яна бир-икки воқеа рўй берди. Қандай воқеа рўй берганини сизга айтиб беролмайман. Лекин жуда мудҳиш воқеа эди. Шундан кейин мен Сибиланинг қошига қайтишга жақд қилдим. Мен ёмон иш қилиб қўйганимни тушунган эдим... Мана, энди у оламдан ўтипти... Ё тангрим! Ё парвардигор! Гарри, мен нима қилай? Бошимда қанақа хавф-хатар чарх ураётганини сиз билмайсиз! Энди мени юзтубан қулашдан асраб қоладиган одам йўқ! Бу иш Сибиланинг қўлидан келар эди. Унинг ўз жонига суиқасд қилишга қаққи йўқ эди. Бу худбинликнинг ўзи-ку!

— Азизим Дориан, — деб жавоб берди лорд Генри портсигаридан папирос олар экан. — Аёл киши эркак зотини фақат бир йўл билан авлиё қилиб қўйиши мумкин

— У шу қадар эркакнинг жонига тегадики, эркак, умуман, ҳаётга бўлган қар қан- дай қизиқишини йўқотиб қўяди. Агар сиз шу қизга уйланганингизда, албатта, бахтсиз бўлар эдингиз. Албатта, сиз унга жуда яхши муомала қилган бўлардингиз

— бирор кимсага бефарқ бўлсанг, унга яхши муомала қилиш қар доим осон бўлади. Лекин жуда қисқа фурсатда сиз уни ортиқ яхши кўрмай қолганингизни билиб қоларди. Аёл киши эса эрининг ўзига нисбатан лоқайд эканини қис қилиши биланоқ, қаддан ташқари дидсиз ва олифта кийина бошлайди ёки унинг бири биридан кўркавроқ шляпалари кўпайиб қоладикки, уларнинг ҳақини ўзга аёлларнинг эрлари тўлаган бўлади. Албатта, мен қўлимдан келганича ҳаракат қилиб, бунақа тенгсиз никоқнинг бўлишига йўл қўймаган бўлардим. Бироқ унинг таҳқирли эканини айтмаганда ҳам, бу қизга уйланадиган бўлсангиз, бу иш ҳар қандай шароитда ҳам жуда муваффақиятсиз бир иш бўлур эди.

— Гапларингиз тўғрига ўхшайди, — деб минғирлади Дориан Грей. Унинг ранги бўздай оқариб кетганди. У уйнинг у бурчидан бу бурчига бесаранжом одимламоқда. — Бироқ мен уйланмоқни бурчим деб қисоблаган эдим. Бу даҳшатли мусибат бурчимни ўташимга ҳалал берган экан, бу ишда менинг айбим йўқ. Ўзингиз бир вақтлар бир гапни айтган эдингиз — яхши ниятлар билан қилинадиган ишларга ҳамиша ёмон қисмат соя ташлаб туради — бундай ишларни қилишга доим кечикиб киришилади. Мен ҳам худди шу аҳволга тушдим.

— Яхши ниятлар деганингиз табиатга қарши бормоқ учун қилинадиган самарасиз уринишлардан ўзга нарса эмас. Улар ҳамиша уччига чиққан мутақаббирликдан туғилади ва бу уринишлар ҳамиша беҳуда кетади. Улардан баъзан ҳавойи, лекин пуч туйғулар туғилиши мумкин, холос. Бундай туйғулар заиф одамларгагина таскин беради. Тамом-вассалом. Яхши ниятлар бамисоли шундай бир чекдирки, уни одамлар ўзларининг жорий ҳисоблари йўқ банкнинг номига ёзиб берадилар.

— Гарри, — деб хитоб қилди Дориан Грей лорд Генрининг ёнига ўтирар экан.

— Нима учун мен ўзим истаган даражада кучли изтироб чекмаяпман? Наҳотки, менда қалб бўлмаса? Нима деб ўйлайсиз?

— Сўнгги икки қафта мобайнида сиз йўл қўйган жамики бемазагарчиликлардан кейин сизни қалбсиз одам деб аташ зинҳор-базинҳор мумкин эмас, — деб жавоб берди лорд Генри эркалаш оҳангида, эринибгина жилмайиб.

Дориан қошларини чимирди.

— Сизнинг бу изоҳингиз менга маъқул эмас, Гарри. Лекин шундоқ бўлса ҳам, мени ҳиссиз бир тўнтак деб қисобламаганингиз учун жуда мамнунман. Мен бунақа эмасман, биламан, бунақа эмасман. Бироқ шундай бўлса ҳам, рўй берган воқеа менга тузукроқ таъсир этгани йўқ. Менинг назаримда, бу воқеалар аллақандай ажойиб бир пьесанинг ғаройиб ечимидан ўзга нарса эмас. Бу ечимда юнон трагедияларига хос мудҳиш

гўзаллик мавжуд! Бу трагедияда мен ўзим сезиларли роль ўйнадим, лекин у менинг қалбимга жароҳат етказа олмади.

— Бу эътиборга лойиқ бир ҳол, — деди лорд Генри. У йигитнинг ғайришуурий худбинлигини кўзгаб кўйишдан беқад лаззат оларди. — Ҳа, жуда ҳам эътиборга лойиқ. Менимча, буни қуйидагича изоқласа бўлади. Кўпинча ҳаётда чинакам фожеалар бағоят кўпол шаклда намоён бўладилар. Уларнинг дағал жўшқинлиги, бениҳоя мантиқсизлиги, бемаънилиги, ҳар қандай нафосатдан бутунлай маҳрумлиги бизга малол келади. Ҳар қандай бачкана нарсалар ғашимизга теккани каби, улар ҳам энсамизни қотиради. Биз уларда дағал бир ваҳший кучнигина ҳис қиламиз ва унга қарши бош кўтарамиз. Бироқ бошқача ҳоллар ҳам бўлиши мумкин. Биз ҳаётда шундай драмаларга ҳам рўпара келишимиз мумкинки, уларда бадий гўзаллик унсурлари мавжуд бўлади. Агар бу гўзаллик чинакам бўлса, ҳодисаларнинг драматизми бизни тўла мафтун қилиб олади. Шунда кўққисдан сеза бошлаймизки, биз ортиқ бу фожеанинг иштирокчилари эмас, шунчаки томошабинларимиз, холос. Ёки аниқроқ айтганда, ҳам иштирокчиси, ҳам томошабини. Биз ўзимизни ўзимиз томоша қила бошлаймиз ва бу манзараларнинг ғайриодатийлиги бизни мароқлантиради. Моҳият эътибори билан нима воқеа рўй беради, ўзи? Қизча сизга муҳаббати важдан ўзининг жонига қасд қилган. Менинг ҳаётимда шунга ўхшаган бирон воқеа содир бўлмаганига жуда ҳам афсусланаман. Шундоқ бўлганда мен муҳаббатта астойдил ишонч қосил қилган бўлардим ва унинг шаънига умрбод таъзимда ўтардим. Унча кўпчилик бўлмаса ҳамки, мени ҳам яхши кўрганлар бўлган, бироқ менинг уларга муҳаббатим ўтиб кетгандан ва улар ҳам мени яхши кўрмай қўйганларидан кейин уларнинг ҳаммаси яна кўп йиллар мобайнида эсон-омон ҳаёт кечиришда давом этаверганлар. Тўғри, улар кейин семириб кетишган, ўлгудай юракни сиқадиган, суҳбати малол келадиган бўлиб қолишган. Биз бу аёллар билан учрашиб қолганимизда, улар дарҳол хотираларга берилади. Оҳ, бу хотинларнинг хотираси ўткирлигига ўласизми? Бу хотиралардан уларни қўл-оёғидан кишанлаб олган руҳий турғунлиги ҳам, қолоқлиги ҳам мана мен

деб кўриниб турарди. Инсон ўз қалбига ҳаёт рангларини жамлаб олмоғи керак, лекин ҳеч қачон майда тафсилотларни хотирасида сақлаб юрмаслиги лозим. Тафсилотлар ҳамиша бачкана кўринади.

— Боғимга кўкнори экмасам бўлмайдиганга ўхшайди, — деди Дориан хўрсиниш билан.

— Бунинг зарурати йўқ, — деб эътироз билдирди суҳбатдоши. Ҳаётда биз учун кўкнори қанча десангиз топилади. Тўғри, баъзан биз ўзимиз анча вақт мобайнида унута олмаймиз. Қачонлардир мен бутун бир мавсум давомида ёқамда фақат бинафша тақиб юрган эдим. Бу ўлишни истамаган муҳаббат учун тутилган азадай бир гап эди. Охир-пировардида муҳаббат жон таслим қилди. Уни нима ўлдиргани ҳозир эсимда йўқ. Мен ошиқ бўлиб юрган аёл мен учун дунёдаги ҳамма нарсадан кечишга тайёр эканини айтган эди. Афтидан, унинг шу ваъдаси севгини гўрга тикди, шекилли-да. Бу ҳамиша жуда мудҳиш дақиқа бўлади — у одамнинг юрагида абадият қаршисида кўрқув туйғусини уйғотади. Хулласи калом, тасаввур қила оласизми — ўтган ҳафтада леди Хэмпшайрнинг уйидаги зиёфатда бу хоним менинг ёнимга ўтириб қолса бўладими? Ўтирди-ю, у ҳар нима қилиб бўлса ҳам ҳаммасини бошидан бошлашга, ўтмишни кавлаштириб, келажак учун йўл очишга киришиб кетди. Мен орамиздаги ишқий можароларни аллақачон гўрга кўмиб ташлагандим. Бу гўр устида ҳозир гуллар очилиб ётарди. Хоним эса ўтиб кетган савдоларни яна тилга олиб, "менинг ҳаётимни расво қилгансиз" деб мени ишонтиришга тиришар эди. Шунини айтиб қўяйки, зиёфат вақтида хоним дастурхонга тортилган таомларнинг ҳаммасини шунақа иштаҳа билан ямлаб ютдики, қўяверасиз. Унинг иштаҳасини кўриб, келгусида саломатлигига путур етмаслигига ишонч қосил қилдим. Унинг беадаблигини қаранг! Дид-фаросат деган нарсалардан нишон ҳам йўқ-а! Ахир, ўтмишнинг жамики латофати унинг ўтмишлигида-ку! Хотинлар эса томоша тугаб, парда ёпилиб бўлганини ҳеч қачон пайқашмайди. Улар, албатта, олтинчи парда бўлишини ишташади. Аллақачон томошага қизиқиш буткул йўқолиб кетган бўлса ҳамки, улар спектаклни давом эттиришни хоҳлашади. Агар

уларга ихтиёр бериб қўйилса, ҳар бир комедия фожеавий ечимга эга бўларди, ҳар бир фожеа эса масхарабозлик билан тугаган бўларди. Ҳаётда аёллар жуда моқир актриса бўлиб кўринади, лекин улар артистлик сезгисидан бутунлай маҳрум. Сиз мендан кўра бахтлироқ экансиз, Дориан. Сизга қасам ичиб айтаманки, мен яқин бўлган аёллардан биронтаси мени деб, Сибила Вэйн сингари, сизни деб қилган ишга қўл уришга журъат қилолмаган бўларди. Оддий аёллар ҳамиша дарров юпана қоладилар. Баъзи аёллар устиларидаги либослари ҳисларимизни кўзғайдиган рангда эканидан таскин топишади. Ёши ўтинқираб қолганига қарамай, пушти ранг кўйлак кийиб юрадиган ёки ўттиз беш ёшида ҳам пушти ранг ленталарни боғлаб, нозу карашмасини кўймайдиган аёлларга ишона кўрманг. Билингки, уларнинг бор-йўқ ҳаёти ўтмишда қолиб кетган. Бошқа аёллар кўққисдан ўзларининг қонуний эрларида турли-туман фазилатларни кашф қила бошлайдилар-да, шу билан овунишади-қолишади. Улар ўзларининг оилавий тотувликларини бутун дунёга кўз-кўз қилишга тушишади. Гўё бу тотувлик аёлларнинг эрга хиёнати бобида энг жозибатордек... Баъзи бир аёллар диндан таскин қидириб қолишади. Руҳонийлик сиру синоати улар учун ишқий саргузаштларга хос бўлган ҳамма латофатга эга. Қачонлардир бир аёл менга шунақа деган эди. Мен бу гапга бажону дил ишонаман. Бундан ташқари, шуҳратпараст аёллар зинокор аёл деб донг чиқарсалар, ичларида бундан жуда мамнун бўлишади. Виждон деган нарса бизнинг ҳаммамизни худбин қилиб қўяди. Ҳа, ҳа, бизнинг даврамизда аёлларга таскин беришга хизмат қиладиган нарсаларнинг сон-саногии йўқ. Мен ҳали энг асосий гапни айтганим йўқ...

— Нимани айтганинг йўқ, Гарри? — деб сўради Дориан паришонхотирлик билан.

— Нимани бўларди? Таскинлар ичида энг зўри— хушторингдан ажралиб қолганингдан кейин бошқа биронта аёлни ўзингга маҳлиё қилиб олишдир. Олий табақалар даврасида бунинг учун аёл кишини ҳеч айбситмайдилар. Ўзингиз ўйлаб кўринг, Дориан, Сибила Вэйн ҳаётда бизга рўпара келадиган аёлларга сира ўхшамайди-я! Унинг ўлимида ҳам алланечук ажиб бир жозоба

бор. Шундай мўъжизалар рўй бериши мумкин бўлган бир даврда яшаётганимдан ғоятда мамнунман. Улар орқали чинакам муҳаббат, эҳтирос, романтик туйғулар мавжудлигига ишончимизни мустақкамлаймиз. Ҳолбуки, биз буларни мазах қилиб, уларнинг устидан кулиб юришга одатланиб қолдик.

— Мен унга нисбатан ҳаддан ташқари шафқатсизлик қилдим. Буни инобатга олмаяпсиз.

— Сирасини айтганда, шафқатсизлик деган нарса, ошкора шафқатсизлик аёлларга ҳар нарсадан кўпроқ хуш ёқади: уларда ибтидоий инстинктлар ҳайрон қоладиган даражада кучли бўлади. Биз уларга озодлик бердик, улар бўлса ўзларига хўжа изловчи канизаклар сифатида қолиб келмоқдалар. Улар бўйсуннишни яхши кўришади... Ишончим комилки, сиз жуда виқорли бўлгансиз. Тўғри, мен сизни ҳеч қачон дарғазаб ҳолда кўрган эмасман, бироқ ғазаб отига минганингизда ҳам жуда жозибадор бўлишингизни тасаввур қила оламан. Ниҳоят, ўтган куни сиз менга бир гап айтдингиз... Ўшанда мен бу гапни шунчаки хаёлотингиз самараси деб ўйлаган эдим. Энди эса кўриб турибман — сиз мутлақо ҳақ экансиз. Ҳамма нарса шу билан изоҳланади.

— Мен нима дегандим, Гарри?

— Сибвда Вэйн сиймосида ҳамма романтик қаҳрамон қизлар тажассумини кўраман деган эдингиз. Бир оқшом у Дездемона, бошқа оқшом Офелия, яна бир оқшом Жульетта бўлиб ҳаётдан кўз юмса, кейинги оқшом Имоджена образида саҳнада тиралади.

— Энди у бошқа тирилмайди, — деб шивирлади Дориан кафти билан юзини яшириб.

— Йўқ, тирирмайди. У ўзининг охирги ролини ўйнаб бўдди. Лекин театрнинг харобгина пардозхонасида ёлғизликда топган вафоти сизга ўн еттинчи асрнинг бирон-бир фожеасидан олинган ғайриодатий ва мудҳиш парчадай ёхуд Уэбсгр, Форд ё Сирила Турнер асарларидан олинган бир саҳнадай кўринсин. Сирасини айтганда, бу қиз яшагани ҳам йўқ, бинобарин, у ўлгани ҳам йўқ. Ҳар ҳолда, сиз учун бу қиз фақат бир хаёлгина

эди. Шекспир пьесаларида лип этиб ўтиб кетган ва уларга янада теранроқ гўзаллик ато этган бир рўё эди, холос. Бу қиз Шекспир муסיқасига янада кўпроқ латофат ва жўшқинлик бахш этган бир най бўлганди. Ҳақиқий ҳаёт билан биринчи тўқнашувидаёқ у қаттиқ озор чекди ва дунёдан кўз юмди. Агар истасангиз, ана, Офелияга аза тутинг. Бўғиб ўлдирилган Корделия учун дод солиб, сочингизни ёйиб йиғланг. Брабанционинг қизи нобуд бўлгани учун самоларга лаънат ёғдиринг. Лекин Сибила Вэйн учун беҳуда йиғлаб-сиқтаманг. Уларнинг ҳаммасига қараганда Сибила яна ҳам камроқ даражада ҳаётий эди...

Орага жимлик чўқди. Хонани оқшом ғира-шираси чулғади. Боғдан кумуш туёқли соялар сассиз судралиб кела бошлашди. Ҳамма ранглар аста-секин ўз тароватини йўқота бошлади.

Орадан бир оз ўтгач, Дориан Грей кўзини очди.

— Сиз менга ўз-ўзимни англаб олишимга ёрдам бердингиз, Гарри,— деди у паст овозда, хўрсиниб. Унинг хўрсиниғидан енгил тортгани сезилиб турарди. — Ўзимга ҳам шундоқ туюлган эди, лекин бундан негадир чўчиб юрардим ва ҳамма нарсанинг ҳам изоҳини тополмай қийналардим. Менинг табиатимни жуда ҳам яхши биласиз-да! Келинг, қўйинг, рўй берган воқеа тўғрисида бошқа гаплашмайлик. У ажиб бир кечинмаларни туғдирди, вассалом. Билмадим, бундан кейинги ҳаётимда яна бирор марта шунақа ғаройиб кечинмани бошимдан кечириш менга насиб этармикин-йўқми?

— Сиз учун қали ҳаммаси олдинда, Дориан. Шундай хусни таважжуҳингиз билан истаган нарсага эришаман десангиз қўлингиздан келади.

— Борди-ю, мункиллаган, башарасини ажин босган қари чол бўлиб қолсам-чи? Унда нима бўлади?

— Ундами? — деб лорд Генри кетишга чоғланиб ўрнидан турди.— Унда, азизим, сизга ҳар бир ғалабангиз учун курашишга тўғри келади, ҳозир эса бу ғалабалар сизнинг қўлингизга ўзи оқиб келяпти. Йўқ, йўқ, сиз хуснингизни эқтиёт қилмоғингиз керак. У бизга зарур. Бизнинг давримизда одамлар ҳаддан зиёд

кўп ўқишади, бу уларга донишманд бўлишга халақит беради, улар ҳаддан ташқари кўп ўйлашади, бу эса уларга соҳибжамол бўлишга халақит беради. Айтгандай, вақт бўлди, туриб кийининг, клубга жўнаймиз. Шундоқ ҳам анча кеч қолдик.

— Яхшиси, мен операга етиб борақолай, Гарри. Мен жуда чарчадим. Иштаҳам ғиппа бўғилди. Синглингиз қайси ложада?

— Йигирма еттинчи ложа эди, шекилли. Бу ложа белэтажда. Унинг эшигида синглимнинг фамилияси ёзиб қўйилган. Лекин кўп афсус, Дориан, мен билан бирга тушлик қилишни хоҳламаяпсиз.

— Ростини айтсам, жуда толиққанман,— деди Дориан қорғинлик билан. — Мен сиздан жуда-жуда миннатдорман, Гарри. Айтган гапларингизнинг ҳаммаси учун раҳмат. Биламан, менинг сиздан яқинроқ дўстим йўқ. Ҳеч ким мени сизчалик теран тушунмайди.

— Бу ҳали дўстлигимизнинг бошланиши, холос, — деб гапини маъқуллади лорд Генри унинг қўлини қисар экан. — Хайр, тўққиз яримдан кечикмайроқ етиб борарсиз деган умиддаман. Эсингизда бўлсин, бугун Патти куйлайди.

Лорд Генри орқасидан эшикни ёпиб чиқиб кетгандан кейин Дориан кўнғироқни чалди ва бир неча дақиқадан кейин Виктор кириб келди. У чироқ олиб кирди, пардаларни туширди. Дориан унинг чиқиб кетгунича зўрға бардош қилиб турди. Унинг назарида мулозим бугун қаддан ташқари имиллаб қимирламоқда эди.

Виктор чиқиб кетиши билан Дориан Грей портретининг олдига югуриб бордида, унинг устига ташлаб қўйилган пардани кўтарди. Сувратда ҳеч қанақа янги ўзгаришлар содир бўлмаган эди. Афтидан, Сибиланинг ўлими ҳақидаги хабар портретга Дориан Грей бу гапдан огоҳ бўлгандан олдинроқ етиб келган эди. Дориан ҳаётидаги воқеалар рўй бериши биланоқ уларнинг хабари портретга етиб келадиганга ўхшайди. Қиз заҳарни ютган заҳотиёқ беқиёс бир шафқатсизлик Дорианнинг сувратдаги бежирим лабларини буриштириб, хунугини чиқариб қўйган, ёки

бошқачамикин? Портретда тирик Дориан Грейнинг қилғиликлари акс этмайди-ю, унинг руҳиятида, қалбида содир бўлаётган ўзгаришлар акс этармикин? Бу тўғрида мулоҳаза юритар экан, Дориан Грей ўз-ўзига савол берарди: кунларнинг бирида портрет унинг кўз ўнгида ўзгара бошласа нима бўлади? У шундоқ бўлишини истар эди, истар эди-ю, буни ўйлашнинг ўзидаёқ бутун вужуди ларзага тушарди.

Бечора Сибила! Буларнинг ҳаммаси нақадар романтикага бурканган! У сахнада тез-тез ўлимни тасвирлаб тургувчи эди, мана, энди Ажал келди-ю, уни олиб кетди. Бу сўнгги мудҳиш сахнани Сибила қандай ижро этди экан? Жон таслим қилаётиб, Дорианни лаънатларга кўмдимикин? Йўқ, Сибила Дорианга муҳаббати зўрлигидан вафот этди ва бундан буён Муҳаббат унинг учун энг муқаддас бир нарса бўлади. Сибила ҳаётини бахшида этиб, шу билан ҳамма гуноҳидан фориғ бўлди. Бундан кейин Дориан ўша машъум оқшомда театрда Сибила сабаб нечоғлик изтироб чекканини бошқа ҳеч қачон эсламайди. Сибила унинг хотирасида инжа бир фожеий образ сифатида сақланиб қолади. У ҳаётнинг улуғ сахнасига Муҳаббатнинг олий моҳиятини намоиш этмоқ учун юборилган. Ажойиб фожеий образ!

Сибиланинг болаларча кулча юзини, мафтункор ҳаракатчанлигини, тортинчоқ қилиқларини эслар экан, Дориан кўзларига ёш қуйилиб келганини ҳис қилди. У апил-тапил кўзларини артдида, яна сувратга тикилди.

У ўзига ўзи бирор йўлни танлаш фурсати етиб кедди, деди. Ёки танлайдиганини танлаб бўлдимикин? Ҳа, ҳаётнинг ўзи унинг учун танлаб бўлган — ҳаётнинг ўзи ва Дорианнинг ҳаётга бўлган адоқсиз қизиқишининг ўзи танлайдиганини танлаб қўйган. Мангу навқиронлик, қондириб бўлмайдиган эҳтирос, инжа ва мамнуъ лаззатлар, масрурлик телбаликлари ва зинонинг юракларни қовжиратадиган янада бешбадтар тентакликлари — буларнинг ҳаммасини у кўради, булардан баҳраманд бўлиш унга насиб этган. Бунинг эвазига унинг бошига ёғиладиган шармандалик муҳри эса портретга тушади. Тамом-вассалом.

Унинг портретдаги соҳибжамол чехраси бадбашара бўлиб кетишини ўйлаганда Дориан бир лаҳза юрагида санчиқ турганини қис қилди. Бир марта у шўхлик қилиб Нарциссга тақлидан ҳозир уни истехзо билан масхаралаб турган расмдаги шу дудоқларни ўпди, тўғрироғи, ўзини ўпаётгандай қилиб кўрсатди. Ҳар куни эрталаб у суврат олдида суқланиб томоша қилиб анча фурсат туриб қоларди. Баъзан у ўзини сувратга ошиқу беқарор бўлиб қолгандай ҳис қиларди. Наҳотки, энди у, яъни Дориан хомлик қилиб содир этган ҳар бир ножўя ишнинг муҳри сувратга тушиб қолса? Наҳотки, суврат ақл бовар қилмайдиган даражада бадбашара бўлиб қолса ва уни қуёшдан панароқ бирор жойга яшириб, қулфлаб қўйишга тўғри келса? Ахир, унинг ажойиб қўнғироқ сочларини неча марталаб зарҳал рангларга бўяган шу қуёш эмасмиди? Афсус! Афсус!

Бир дақиқа Дориан ибодат қилиб, ўзи билан портрет ўртасидаги бу ғайритабий алоқанинг барҳам топиши тўғрисида тавалло қилмоқчи бўлди. Бир вақтлар у шундоқ бўлишини тилаган эди. Ўшандан кейин портретдаги ўзгариш воқеъ бўлган эди, ажаб эмаски, яна бир ибодат қилса, портретдаги ўзгаришлар барҳам топиб тўхтаса?

Бироқ... Ҳаётни жиндай бўлса-да тотиб кўрган одам мангу навқирон бўлиб қолиш имкониятидан воз кечмоғи мумкинми? Бу имконият қар қанча омонат кўринмасин ва унинг оқибатлари ҳар қанча таҳдидли бўлмасин, ким бўйин товлайди бунақа имкониятдан? Бундан ташқари, бундай қилиш ё қилмаслик чиндан ҳам унинг ихтиёридами? Ахир, чиндан ҳам унинг илтижоси сабаб бўлиб, шундай ўзгариш воқеъ бўлдимми? Бу ўзгариш илмнинг аллақандай номаълум қонунлари билан изоҳланмасмикин? Агар фикр тирик жисмларга таъсир кўрсатиш қобилиятига эга бўлса, унда у балки жонсиз буюмларга, ўликларга ҳам таъсир қила олар? Қолаверса, ҳатто фикримизнинг ёхуд онгли иродамизнинг иштирокисиз ҳам биздан ташқаридаги нарса бизнинг кайфиятларимиз ва туйғуларимизга ҳамоҳанг жаранглаши мумкин эмасми? Ёхуд аллақандай сирли тортишув қудрати ёки ажиб бир қариндошлик сабабидан атомлар атомлар сари талпиниб қолмасмикин?... Айтгандай, сабаби қанақа эканининг нима аҳамияти бор? Барибир эмасми? Бундан буён энди у ҳеч қачон аллақандай даҳшатли, номаълум кучларнинг ёрдамига тавалло қилмайди. Агар тақдир портретга ўзгаришни раво кўрган бўлса, майли, ўзгараверсин. Булар тўғрисида бунчалар куйиб бош қотириб ўтиришга не ҳожат?

Бироқ бу жараённи кузатиб бориш чинакамига ҳузур-ҳаловат бахш этади! Суврат унга ўзининг энг теран ўйю-ниятларини ўрганиш имконини беради. Портрет унинг учун сеҳрли кўзгу бўлиб қолади. Букўзгуда у бир замонлар биринчи марта ўзининг ҳақиқий башарасини кўрган эди, энди эса ўзининг қалбини кўради. Унинг сувратдаги эгизаги қиш палласига қадам Кўядиган фурсат етиб келганда, у, яъни жонли Дориан Грей кўклам билан ёз фасли учрашадиган, кишини тўлқинлантирувчи гўзал ҳудудда айшини суриб юрган бўлади. Портретнинг башарасидаги бўёқлар бутунлай ўнгиб кетади, чеқра ўликники сингари қалайи кўзли оппоқ ниқобга айланиб қолади. Шунда ҳам жонли Дорианнинг чеҳраси аввалгидай навқиронликнинг жами тароватини сақлаб қолган бўлади. Ҳа, унинг хусни ҳеч қачон сўлмайди, томир уришлари ҳеч қачон сусаймайди. Худди

юнон худолари янглиғ у ҳамиша бақувват, оёғи илдам ва ҳаётсевар бўлиб қолаверади. Унинг портрети қандай ақволга тушса тушавермайдими? Унинг ўзига ҳеч нарса таҳдид сола олмайди- ку! Муҳими ҳам шу эмасми?

Дориан Грей жилмайиб, чойшабни аввалги жойига — портрет устига ташлади-да, хобхонага йўналди. У ерда уни мулозими кутиб турарди. Бир соат ўтгач, у операда ўтирар, лорд Генри эса унинг ўриндиғига суянганича орқасида ўтирар эди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Эртасига эрталаб Дориан нонушта қилиб ўтирганда Бэзил Холлуорд кириб келди.

— Жуда хурсандман, уйда экансиз, Дориан, — деди у жиддий оҳангда. — Мен кеча кечқурун келиб эдим, сизни операга кетган дейишди. Табиийки, мен бунга ишонмадим ва қаерда эканингизни билмаганим важдан жуда афсусландим. Бутун оқшом давомида қаттиқ хавотир олдим. Очиғини айтганда, бир бахтсизлик кетидан иккинчиси ёпирилиб келмасайди деб жуда кўрқдим. Мусибат тўғрисида хабар топганингиз ҳамон менга телеграмма жўнатиб, чақиртирсангиз бўларди... Мен бу тўғрида тасодифан "Глоба"нинг кечки нашридан ўқиб билдим. Газета клубда кўққисдан кўлимга тушиб қолди... Ўқидим-у, дарҳол хузурингизга ошиқдим, ҳа, лекин афсус-у надоматлар бўлсинки, сиз уйда йўқ экансиз. Бу мусибат мени қанчалик ларзага солганини сизга айтиб беришга тилим ожизлик қилади. Тушунаман, сизга жуда ҳам оғир... Ҳай, майли, кеча кечқурун қаерга кетган эдингиз? Ҳойнаҳой, қизнинг онасиникига боргандирсиз-да? Биринчи дақиқаларда мен ҳам сизнинг кетингиздан ўша ёққа бормоқчи бўлдим — манзилни газетадан билиб олдим. Юстон-Род томонларда эди, шекилли? Лекин у ерга борсам, ортиқчалик қилиб қоламанми деб кўрқдим — бунақа мусибатни нима қилиб ҳам енгиллатиб бўларди? Шўрлик она! Унинг қанақа аҳволда эканини тасаввур қила оламан. Сибила унинг якка-ю ягона қизи эди, шекилли? Нималар деди у?

— Азизим Бэзил, унинг нималар деганини мен қаёқдан билай? — деди Дориан Грей тишлари орасидан. У олтин зарралар билан безалган Венеция қадахидан сарғишроқ майни эринчоқлик билан нохуш кайфиятда ичиб ўтирарди. — Мен операда эдим. Бекорга сиз бормабсиз-да. Мен кеча Гаррининг

синглиси леди Гвевдолен билан танишдим. Биз унинг ложасида ўтирдик. Жуда ҳам дилбар аёл экан! Патти ҳам шунақа жўшиб куйладик, қўяверасиз. Ёқимсиз нарсалар тўғрисида гаплашмай қўяқолайлик. Бирор нарсани тилга олмасанг, ўша воқеа гўё рўй бермагандай туюлади. Гарри ҳам доимо бир гапни айтгани айтган — фақат сўзларгина воқеаларга ҳаққонийлик бахш этар эмиш. Сибиланинг онаси масаласига келсак... У ёлғиз эмас, унинг яна битта ўғли ҳам бор. Ёмон йигитга ўхшамайди. Лекин у артист эмас. У денгизчими ёки шунга ўхшаган бир хизматда. Келинг, яхшиси, ўзингиз тўғрингизда гапириб беринг. Ҳозир қандай суврат устида ишляпсиз?

— Сиз... операга... борибмидингиз? — деб ҳижжалаб сўради Бэзил. Унинг ўзгариб кетган овозида бир хафалик оҳанги сезилди. — Сибила Вэйн аллақандай исқирт бир хонада ўлиб ётган бир кезде, сиз операга бордингизми? Сиз яхши кўрган қиз ҳали тупроққа қўйилмай туриб, танаси совиб улгурмасдан, сиз бошқа аёлларнинг ҳусни таровати-ю, Паттининг жўшиб куйлагани қақида гапиришга тилингиз борадими? Эҳ, Дориан, шўрлик қизнинг мўъжазгина тани ҳали қанақа мудҳиш қийноқларга дуч келиши тўғрисида ўйласангиз бўлармиди?

— Қўйсангиз-чи, Бэзил. Мен бунақа гапларни эшитишни истамайман! — деб қичқирди Дориан ва сапчиб ўрнидан туриб кетди. — Бошқа бу тўғрида гапирманг. Бўлган иш бўлиб ўтди. Нимаики воқеа бўлган бўлса, бу — ўтмишга айланди қолди.

— Кечаги кун сиз учун ўтмиш бўлиб қолдими?

— Бу ишга вақтни аралаштириб нима қиласиз? Фақат маҳдуд одамларгина йиллардан бирон-бир туйғудан ёхуд таассуротдан мосуво бўлмоқ учун фойдаланадилар. Ўзини тута оладиган одам эса янги қувончларни нечоғлик осон топса, ғам-ғуссасини ҳам шунчалик осон барҳам топтира олади. Мен ўз кечинмаларимнинг қули бўлмоқни истамайман. Мён улардан лаззатланишни истайман, улардан имкони борича кўпроқ наф кўришни хоҳлайман. Мен ўз туйғуларим устидан ҳукмдор бўлмоқни истайман.

— Дориан, бу жуда даҳшатли-ку! Нимадир сизни бутунлай

бошқа одамга айлантириб қўйипти. Кўринишингизга қараганда ҳали ҳам ўша-ўша кунда менинг устахонамга келиб, расм ишлаётганимда туриб берган барно йигитсиз. Лекин унда сиз тўпоригина, самимий, меҳрибон, дунёдаги энг покиза, ҳали айнамаган йигит эдингиз. Ҳозир бўлса... Билмадим, нима жин уриб қолди сизни? Қалби йўқ, меҳр-шафқатни билмайдиган одамга ўхшаб мулоҳаза юритяпсиз? Буларнинг бари Гаррининг таъсири. Мен энди тушуняпман...

Дориан қизариб кетди. У деразанинг ёнига бориб қуёш нурларида денгиздай тўлғониб ётган ям-яшил боғни бир зум томоша қилиб турди.

— Мен Гарридан жуда кўп нарса ўргандим, — деди у ниҳоят.
— Гарри менга сиздан кўра кўпроқ нарса берди, Бэзил. Сиз менда шухратпарастликнигина уйғотдингиз, холос.

— На илож, Дориан. Бу қилмишим учун мен жазоимни олиб бўлган кўринаман... Ёки келажакда жазога мустаҳиқ бўлишим аниқ.

— Гапларингизга тушуна олмаяпман, Бэзил, — деб хитоб қилди Дориан унга ўгирилиб. — Билмадим, сиз мендан нима истайсиз? Қани, айтинг, сизга нима керак, ўзи?

— Менга ўзим сувратини чизган Дориан Грей керак, — деб маъюс оҳангда жавоб берди рассом.

— Бэзил, —деб Дориан унинг ёнига келиб, елкасига қўлини қўйди, — сиз жуда кечикиб келдингиз. Кеча Сибила ўз жонига суиқасд қилганини эшитган чоғимда...

— Ўз жонига суиқасд қилган?! Ё парвардигор! Наҳотки?! — деб ҳанг-манг бўлиб қолди Холлуорд даҳшат ичида Дорианга бақрайиб.

— Сиз нима деб ўйлаган эдингиз? Буни шунчаки оддий бир бахтсиз ҳодиса деб билганмидингиз? Йўқ, ундоқ эмас. Сибила ўзини ўзи ўлдирди.

Рассом қўллари билан юзини яширди.

— Қандай дахшат! — деб шивирлади у титраб-қақшаб.

— Йўқ, — деб эътироз билдирди Дориан Грей. — Бунинг ҳеч қанақа дахшатли жойи йўқ. Бу — бизнинг замонамиздаги улуг романтик фожеалардан биттаси, холос. Оддий артистлар кўпинча осуда бир тарзда умр ўтказишади. Уларнинг ҳаммаси қуюшқондан чиқмайдиган эр ёхуд жуда намунали хотин. Хуллас, жуда сийқа одамлар. Биласизми, буларнинг бари ўртамиёна одамларга хос фазилатлар. Сибила сира ҳам уларга ўхшамас эди! У жуда катта фожеани бошидан кечирди. У ҳамиша табиатан қаҳрамон аёл эди. Сўнгги оқшомда — ўша оқшом сиз уни саҳнада кўрган эдингиз — Сибила ролини жуда ёмон ижро этди. Бунинг боиси шуки, энди Сибила чин муҳаббатнинг нима эканини билиб олган эди. Бироқ орзуси, рўёбга чиқмайдиган орзу экан. Бунга амин бўлгандан кейин бир вақтлар Жульетта жон таслим қилганидек у ҳам ҳаётдан кўз юмди. У яна ҳаётдан санъат соққисига кўчиб ўтди. У чеккан изтироблари туфайли Сибила авлиё даражасига кўтарилди. Унинг ўлимида беҳуда чеккан жамики изтиробларининг руҳи, нафсиз кетган ҳусни таважжуҳининг қудрати тажассум топган... Лекин мени қайғурмади деб ўйламанг, Бэзил. Кеча шундай бир фурсат бўлдики... Агар сиз кеча беш яримлар ёки чорак кам олтиларда келганингизда мени кўз ёшларига ғарқ бўлиб ўтирганимни кўрар эдингиз. Менга бу машъум хабарни Гарри етказди, лекин у ҳам ичимдан нима ўтганини билмайди. Мен жуда қаттиқ азоб чекдим. Кейин буларнинг ҳаммаси ўтиб кетди. Шу туйғуларнинг ўзини мен қайта бошдан кечира олмайман-ку! Ҳаддан зиёд ҳисчан одамлардан бошқа ҳеч ким бир туйғуни икки марталаб кечира олмайди. Сиз менга нисбатан жуда адолатсизлик қиляпсиз, Бэзил. Сиз менга таскин бермоқчи бўлиб келибсиз, бунинг учун сизга минг раҳмат. Лекин келиб, мени юпанган ҳолатда кўрдингизда, бунга аччиғингиз келди. Одамзоднинг ҳамдарддиги шу-да! Буни кўриб Гарри айтиб берган бир латифа эсимга тушди. Бир инсонпарвар одам бўлган экан — у йигирма йил умрини аллақандай инсофсизликларга ёхуд адолатсиз қонунларга қарши курашга сарфлапти. Нимага экани аниқ эсимда қолмапти. Охир оқибатда у ўз мақсадига эришипти.

Эришипти-ю, шу заҳоти жуда қаттиқ ҳафсаласи пир бўлипти. Унинг ортиқ курашадиган нарсаси қолмапти, зериккандан юраклари сиқилиб кетипти ва одамлардан нафратланадиган бўлиб қолипти. Ана шунақа, азиз дўстим! Агар сиз чиндан ҳам менга таскин бермоқчи бўлсангиз, менга содир бўлган воқеани унутиш йўлини ўргатинг ёхуд унга рассом нигоҳи билан қарашни ўргатинг. Биз санъатдан оладиган тасалли ҳақида, Гёте ёзган эди, шекилли. Эсимда, бир куни устахонангизда чиройли муқовали бир китобча қўлимга тушиб қолган эди. Уни варақлаб ўтириб, "тасалли санъатдадир" деган чиройли иборага кўзим тушганди. Биз икковимиз Марсонинг ҳузурига қатнаганимизда менга бир ёш йигит тўғрисида гапириб берган эдингиз. Ростини айтсам, мен унга сира ҳам ўхшамайман. У йигит сариқ атлас турмушнинг ҳар қандай носозликлари чоғида одамга тасалли ўрнида хизмат қилиши мумкин деб инонтирмоқчи бўлган эди. Мен қўл билан ушлаб кўриш, қўлда кўтариб кўриш мумкин бўлган чиройли буюмларни яхши кўраман. Кўҳна зарбоф матолар, кўкимтир бронза, фил суюгидан ясалган ашёлар, хоналарнинг бежирим жиҳози, ҳашам, дабдаба — буларнинг бари одамга қанчадан-қанча завқ бағишламайди. Булар инсонда санъаткор сажиясини барпо этмаганида ҳам, лоақал намоён қилади. Менга уларнинг айни шу жиҳати ҳар нарсадан муҳимроқ. Гарри айтганидек, ўз ҳаётингнинг томошабини бўлмоқ — ўзингни бу дунёнинг азоб-уқубатларидан муҳофаза этмоқ демақдир. Биламан, бунақа гаплар сизни таажжубга солиши мумкин. Менинг қай даражада пишиб етишганимни сиз ҳали ўзингиз учун аниқлаб олганингиз йўқ, шекилли. Биз сиз билан танишган кезларда мен ҳали бола эдим, ҳозир эса эркак кишиман. Менда янги илинжлар, янги фикрлар ва янги қарашлар пайдо бўлди. Ўзим ҳам бошқа одам бўлиб қолдим, лекин шу ваддан кўнглингиз қолишини сира истамайман, Бэзил. Мен ўзгарганман, лекин сиз менинг ҳамिशалик дўстим бўлиб қолишингиз керак. Албатта, мен Гаррини жуда яхши кўраман. Лекин биламанки, сиз ундан яхшироқсиз. Сиз Гарричалик кучли одам эмассиз. Шунинг учун ҳаётдан жуда ҳам кўрқасиз, лекин сиз яхшироқсиз. Икковимиз бирга гурунглашсак, нақадар ҳузур қиламиз-а! Мени ташлаб кетманг, Бэзил. Мен билан

баҳслашишнинг ҳам қожати йўқ. Менинг бор-йўғим — шу! Бунда бирон нарса қилишнинг иложи йўқ.

Холлуорд беихтиёр эриб кетди. Бу йигит унинг учун беқиёс даражада қадрли эди. У билан танишиш рассомнинг ижодида алланечук бурилиш ясади. У Дорианга яна дашном беришга ботина олмади, шунинг учун бу йигитдаги бағритошлик бир дақиқалик ўткинчи кайфиятнинг оқибатидир деган фикрдан тасалли топди. Ахир, Дорианнинг яхши фазилатлари ошиб-тошиб ётипти-ку, унинг олижаноблиги нақадар улкан!

— Хўп, майли, Дориан, — дея сўз қотди у ниҳоят маҳзун жилмайиб. — Бу даҳшатли воқеа тўғрисида бошқа гапирмайман. Умидворманки, бу воқеа муносабати билан сизнинг номингизни дoston қилишмас. Терговни бугунга тайинлашган. Сизни чақиришганми, йўқми?

Дориан "йўқ" деган маънода бош чайқади. "Тергов" сўзини эшитибоқ унинг энсаси қотиб, афти буришган эди. Унинг назарида бу тафсилотларнинг ҳаммасида аллақандай дағал, бачкана бир нарса бор эди.

— Менинг фамилиям у ерда ҳеч кимга маълум эмас, — деб изоҳ берди у.

— Бироқ шўрлик қиз фамилиянгизни билган бўлса керак?

— Йўқ, фақат исмимни биларди. Кейин, менинг ишончим комилки, у менинг исмимни ҳеч кимга айтган эмас. У менга айтиб берганди, театрдагилар менинг кимлигимга жуда қизиқиб қолишган экан, бироқ уларнинг саволларига қиз "унинг исми Соҳибжамол Шаҳзода" дебгина жавоб берар экан. Бу бағоят таъсирли, шундай эмасми? Менга Сибиланинг сувратини ишлаб берсангиз бўлар эди, Бэзил. Мен унинг тўғрисида тўрт-беш оғиз латиф сўзлар ҳақидаги хотирадан ортиқроқ эсдаликка эга бўлмоқни истар эдим.

— Майли, Дориан, сиз шуни истасангиз, бир уннаб кўраман. Лекин сиз ўзингиз ҳам менга яна янгидан туриб бермоғингиз керак бўлади. Бунақа сувратни сиз- сиз ишлашнинг иложи йўқ.

— Бундан кейин суврат ишласангиз мен ҳеч қачон туриб бермайман, Бэзил. Бунинг мутлақо имкони йўқ! — деди Дориан хуноб бўлиб орқага тисарилар экан.

Рассом унга таажжуб билан қаради.

— Бу нима деганингиз бўлди, Дориан? Наҳотки, мен ишлаб берган суврат сизга маъқул келмаган бўлса? Айтганча, қани ўша суврат? Нега унинг устига парда ташлаб қўйдингиз? Мен уни яна бир кўрмоқчиман. Ахир, бу менинг энг яхши асарим! Пардангизни олинг, Дориан. Нима сабабдан хизматкорингиз сувратни бир бурчакка тиқиб қўйипти? Уйингизга киришим билан бу ерда нимадир етишмаётганини сезганим бежиз эмас экан-да!

— Мулозимининг бу ишга дахли йўқ, Бэзил. Нима деб ўйлаяпсиз — наҳотки, мен унга хоналардаги анжомларни ўз билганича хоқлаган жойига қўйиб чиқишга изн бериб қўйсам. У аҳён-аҳёнда мен учун гул танлайди, холос. Расмнинг устига мен ўзим парда ташлаб қўйдим — бу ер ҳаддан ташқари ёруғлик қиляпти.

— Ҳаддан ташқари ёруғ дейсизми? Бўлиши мумкин эмас, азизим. Менимча, суврат учун бундан яхши жой йўқ. Қани, мен бир кўрай-чи!

Шундай деб Холлуорд портрет турган бурчакка йўналди. Дорианнинг ич-ичидан даҳшатга тўла хитоб отилиб чиқди. Бир сакраб у Холлуорд билан сувратнинг ўртасига туриб олди.

— Бэзил, — деди у қақшаб-қалтираганча ранги бўздай оқариб, — бундай қила кўрманг! Мен сувратни кўришингизни сира истамайман.

— Ҳазиллашяпсизми? Узим ишлаган сувратни кўришимга изн бермайсизми? Сабаб? — деб хитоб қилди Холлуорд кулиб.

— Қани, кўришга унаб кўринг-чи, Бэзил, о ундай қилсангиз, оғзимга сўз оламан — бутун умрим мобайнида сиз билан учрашмай қўяман. Мен бу гапни мутлақо жиддий айтяпман. Мен сизга ҳеч нарсани тушунтириб ўтирмайман. Сиз ҳам мендан ҳеч

нарсани суриштирманг. Лекин шуни билингки, агар сиз портретга қўлингизнинг учини тегизсангиз, тамом-вассалом, орамиздаги ҳар қандай муносабат барҳам топади.

Холлуорд Дорианга бақрайганича, яшин ургандай тахта бўлиб қотиб қолди. Шу пайтга қадар у Дорианни ҳеч қачон бу аҳволда кўрмаган эди — унинг баша-раси ғазабдан бўздай оқариб кетган, қўлларини мушт қилиб тугиб олган, кўз қорачиқларидан ўт чақнар эди. Аъзойи бадани дағ-дағ қалтирайди.

— Дориан!

— Гапирманг, Бэзил!

— Ё парвардигор, сизга нима бўлди, ўзи? Истамасангиз майли, мен кўрмаёқ кўяй, — деди рассом қуруққина оҳангда ва кескин ўгирилиб деразанинг ёнига кетди. — Лекин менга ўзим ишлаган сувратни кўришни тақиқлаб қўйиш — ақл бовар қилмайдиган иш. Билиб қўйинг, кузда мен уни Парижга кўргазмага жўнатмоқчиман. Бундан олдин уни яна бир қур лаклаб чиқиш керак бўлади. Шундоқ бўлгач, барибир, уни кўздан кечирмоғим зарур бўлади. Модомики, шундоқ экан, сувратни ҳозир кўрақолсам бўлмайдими?

— Кўргазмага? Сиз уни кўргазмага қўймоқчимисиз? — деб ижикилаб сўради Дориан юраги мислсиз бир қўрқувдан ларзага тушаётганини ҳис қилиб. Демак, унинг сири ҳаммага ошкор бўлади? Одамлар унинг ҳаётидаги ҳаммадан авайлаб яшириб юрган жиҳатларини томоша қилишади. Ақл бовар қилмайди! Ҳозирнинг ўзида бир нима қилиш керак! Бу ишнинг олдини олмаса бўлмайди! Бироқ нима қилиш керак?

— Ҳа, Парижга жўнатаман. Бунга йўқ демассиз, ахир?! — деди рассом. — Жорж Пти менинг энг яхши асарларимни жам қилиб, Сэз кўчасида махсус кўргазма ташкил қилмоқчи. Кўргазма октябрь ойининг бошларида очилади. Сувратни бор-йўғи бирор ойга олиб кетишади. Менимча, бунақа арзимас муддатга портретсиз яшаб туриш сизга малол келмаса керак? Худди шу фурсатда сиз ўзингиз ҳам Лондонда бўлмайсиз. Бундан ташқари, модомики сиз уни парда остида сақлар экансиз, бинобарин, уни унча қадрламас экансиз-да?

Дориан Грей бир қўли билан терлаб кетган пешонасини артди. У ўзини ҳалокат ёқасида ҳис қиларди.

— Ҳали бир ой ўтгани ҳам йўқ — бу сувратни ҳеч қачон кўргазмага қўймайман деб ўзингиз айтган эдингиз-ку! Нега энди фикрингиз ўзгариб қолди? Сиз лафзи қатъий одамлардан эканингиз билан ғурурланиб юрар эдингиз-ку? Ҳолбуки, ҳамма ишингизни кайфиятга қараб қилар экансиз. Фақат фарқи

шундаки, кайфиятингизнинг қандоқ бўлиши сизнинг хоҳишингизгагина боғлиқ экан. Сиз менга тантанавор ваъда бериб, бу сувратни ҳеч қачон кўргазмага юбормайман деб ишонтирган эдингиз. Бу, албатта, эсингизда бўлса керак? Гаррига ҳам худди шу гапни айтган эдингиз.

Дориан тўсатдан гапдан тўхтади. Унинг кўзларида ўт чақнади. Бир маҳал лорд Генрининг ярим ҳазил, ярим чин қилиб айтган гапларини эслади: "Агар сиз чорак соат вақтингизни бир мириқиб ўтказай десангиз, Бэзилни нима сабабдан портретингизни кўргазмага қўйгиси келмаётганининг сабабини гапириб беришга мажбур қилинг. Менга буни айтиб берди ва бу мен учун чинакам бир кашфиёт бўлди". Ие, Бэзилнинг ҳам ўзига яраша бир сири борга ўхшайди-ку! Бу сирни билиб олиш керак.

— Бэзил, — деб бошлади у Холлуорднинг ёнига келиб, кўзларига тикилганича, — ҳар қайсимизнинг ўзимизга яраша сиримиз бор. Сиз сирингизни менга ошкор қилинг, мен ҳам сизга ўз сиримни айтиб берай. Нима учун сиз менинг сувратимни кўргазмага қўйишни истамаган эдингиз?

Рассом сесканиб тушди ва беихтиёр орқага тисланди.

— Дориан, агар мен буни сизга айтсам, сиз, албатта, менинг устимдан куласиз. Кейин, албатта, мендан анча-мунча кўнглингиз қолади. Мен эса бундай бўлишини сира истамайман. Сувратингизни бошқа кўрмаслигимни талаб қилаётган экансиз, майли, шундоқ бўлақолсин. Сувратингиз бўлмаса, ўзингиз борсиз-ку! Мен ҳамиша ўзингизни кўриб юрсам бас. Мен ҳаётимда яратган энг яхши асарларимни ҳамманинг назаридан яширишни истаяпсиз. На илож, майли, мен розиман. Сиз билан дўстлигим мен учун шуҳратдан ортиқроқ.

— Йўқ, йўқ. Сиз, ҳар қалай саволимга жавоб беринг, Бэзил, — деб қистади Дориан Грей. — Назаримда, буни билишга менинг ҳаққим бор.

Унинг юрагидаги кўрқув сусайиб, ўрнини қизиқувчанлик эгаллаган эди. У Холлуорднинг сирини билиб олишга қатъий аҳд қилди.

— Қани, ўтирайлик, Дориан, — деди у ҳаяжонини яшира олмай. — Аввал сиз менинг битта саволимга жавоб беринг. Сиз сувратда эътиборга лойиқ бирор алоҳида хислатни пайқамадингизми? Бу хислат бошда кўзингизга ташланмаган бўлиши мумкин. Эҳтимол, кейин у сизга қўққисдан намоён бўлгандир?

— Оҳ, Бэзил! — дея хитоб қилди Дориан қалтироқ бармоқлари билан ўриндиқнинг дастасини маҳкам қисганича. Унинг рассомга тикилиб турган кўзларида кўрқув бор эди.

— Кўриб турибман, пайқаган экансиз. Ҳеч нарса деб гапирмай кўя қолинг, Дориан. Олдин гапимни эшитинг. Биринчи марта учрашганимиздаёқ мен сизга мафтун бўлиб қолган эдим. Менинг руҳиятимга, миямга, истеъдодимга сиз кўрсатаётган таъсир-алланечук ақл бовар қилмайдиган қудратга эга эди. Сиз мен учун аъмолимнинг тажассуми эдингиз. Бундай аъмол етишиб бўлмайдиган ажиб орзу янглиғ рассомнинг бутун умри давомида хаёлида яшайди. Сиз менинг жону жаҳоним бўлиб қолгандингиз, сизни дунёдаги ҳар нарсадан ортиқ кўрардим. Агар сиз бирорта одам билан гаплашиб-нетиб қолсангиз, сизни ундан қизғона бошлардим. Сизнинг суҳбатингизни ҳеч ким билан баҳам кўрмасам, ундан ёлғиз ўзим истифода этсам дердим ва мен билан бирга бўлган кезларингизда ўзимни чинакамига бахтиёр қис қилардим. Ижод қилаётган кезларимда сиз ёнимда бўлмасангиз-да, барибир, хаёлимда кўзга кўринмас тарзда ёнимда турардингиз. Албатта, мен бу тўғрида ҳеч қачон лом-мим деб оғиз очган эмасман — гапирганим билан, барибир, сиз ҳеч нарса тушунмасдингиз. Мен ўзим ҳам буни тузукроқ тушуниб етмаган эдим. Фақат шуни қис қилардимки, менинг қаршимда баркамол бир инсон турипти. У туфайли дунё кўзимга бениҳоя латофатли кўриняпти, ҳатто, меъёридан ортиқ даражада латофатли кўриняпти. Бунақа бемеъёр завқ-шавқ эса қалб учун хатарлидир. Билма- дим қай бири афзал — қалбнинг бундай завқ-шавқлар асоратида бўлганими ёхуд улардан мосуво бўлганими? Ҳафталар кетидан ҳафталар ўтди, бироқ мен ҳамон сизга мафтунликда давом этардим. Мафтунлигим ортса ортдики, сира камаймади. Ниҳоят, миямга бир ўй келди. Мен аввал ҳам

сизнинг сувратингизни ишлаган эдим. Бир гал сизни жуда ажойиб либосларга бурканган Парис қиёфасида тасвирлагандим, кейин кўлларига ялтироқ найза ушлаган овчи қиёфасидаги Адонис тарзида тасвирга туширгандим. Сиз бошингизда нилуфар гулларидан тўқилган оғир тож билан император Адриан кемасининг тумшуғида зангори Нилнинг бўтана тўлқинларига тикилиб ўтирар эдингиз. Мана, сиз Юнон бутазорларидан бирида кўл узра энгашиб турибсиз. Кўлнинг ҳаракатсиз кумуш сатҳида сизнинг хусни таважжуҳингиз бор гўзаллиги билан акс этиб турипти. Сиз уни томоша қиляпсиз. Бу тимсоллар ғайришуурий тарзда яратилган эди. Бизнинг санъатимиз рассомдан шуни талаб қилади. Бу тимсоллар воқелиқдан узоқ идеаллар эди. Аммо бир куни тўсатдан кўнглимга сизнинг сувратингизни чизиш нияти келиб қолди. Чизганда ҳам сиз қандай бўлсангиз шундайлигича, ўтган асрлар либосига бурканмай, кийимингизда ва замонавий муҳитда тасвирлашга жаҳд қилдим. Шунинг оқибатида— мана... Билмадим, сувратни ишлашда ниманинг аҳамияти каттароқ бўлди— тасвирнинг реалистик услубими ёхуд шахсиятингизнинг жозибадорлигимиз? Бу гал энди сизнинг шахсиятингиз менинг кўз ўнгимда бевосита, ҳеч қандай парда билан тўсилмаган ҳолда намоён бўлди. Бироқ сувратни ишлаётганимда менга шундай туюлдики, гўё ҳар бир бўёқ, мўйқаламнинг ҳар тегиши менинг сиримни борган сари кўпроқ намоёиш этмоқда эди. Мен кўрқиб кетдим — одамлар портретни кўрсалар-у, сизни бир илоҳ ўрнида яхши кўришимни билиб қолсалар нима бўлади? Мен сездимки, бу портретга қалбимни керагидан кўпроқ тасвирлаб юбордим. Ана шунда портретни сира ҳам кўргазмага қўймасликка аҳд қилгандим. Сиз буни эшитиб таассуф чекдингиз, чунки менинг ихтиёримдаги жиддий сабаблардан буткул беҳабар эдингиз. Гарри эса у билан бу тўғрида гап бошлаганимда менинг устимдан масхара қилиб кулди. Лекин бу менга заррача таъсир қилмади. Портретни ишлаб бўлганимдан кейин унга қараб туриб ҳақлигимни яна бир бор ҳис қилдим. Бир неча кун ўтганидан кейин эса портретни менинг устахонамдан олиб кетишди. Сувратнинг сеҳри жодусидан халос бўлишим биланоқ бу гапларнинг ҳаммаси

менга хаёлимдан тўқиб чи- қарилгандек бўлиб туюлди. Назаримда, энди одамлар сувратда фақат сизнинг баркамол хуснингиз-у менинг санъаткор сифатидаги истеъдодимнигина кўргандек, бошқа ҳеч нарсани кўрмайдигандек бўлиб туюлди. Ҳатто ҳозир ҳам назаримда мен адашаётганга ўхшайман, санъаткорнинг туйғулари унинг асарларида акс этмайдигандек бўлади. Санъат биз ўйлагандан кўра мавҳумроқ нарса. Шакл билан бўёқлар бизга шакл билан бўёқлар ҳақида гапиради, ундан ортиқ ҳеч нарса ҳақида гапирмайди. Менинг калламга тез-тез бир фикр келиб туради — санъат ўзида санъаткорни ошкор этишдан кўра кўпроқ даражада уни яширади...

Шунинг учун мен Париждан таклиф олганимда сизнинг портретингиз менинг кўрғазмамнинг асл дурдонаси бўлади деган тўхтамга келдим. Сизнинг эътироз билдиришингиз етти ухлаб тушимга ҳам киргани йўқ эди. Энди эса, кўриб турибман, сиз ҳақ экансиз, портретни кўрғазмага қўйиб бўлмайди. Мендан хафа бўлманг, Дориан. Сизнинг қаршингизда бош эгиб таъзим қилмаслик мумкин эмас — сиз шунинг учун яратилгансиз. Мен ўшанда Гаррига худди шундай деганман.

Дориан Грей енгил тортиб нафасини ростлади. Юзларига яна қизил югурди. Лабларида табассум пайдо бўдди. Хатар аригандай эди. Ҳозирча унга ҳеч нарса таҳдид солаётгани йўқ. Беихтиёр унинг рассомга раҳми келиб кетди: ахир, у жуда ғалати нарсаларни эътироф этди-да! Дориан ўзига ўзи "мен ҳам вақти-соати келиб бутунлай бирон бегона қалбнинг асоратига тушиб қолишга қурбим етармикин, йўқми?" деб савол берди. Дориан лорд Генрига талпинади, бироқ бу талпиниш одамнинг ҳар қандай хатарли нарсага талпинишидан бошқа нарса эмас. Лорд Генри ҳаддан ташқари ақлли ва шарм-ҳаёдан анча узоқ турадиган одам. Шунинг учун яхши кўриш амри маҳол. Дориан ҳар жиҳатдан ўзига ибрат бўла оладиган баркамол одамни учрата олармикин? Ҳаётда шуни ҳам бошдан кечириш унга насиб этганмикин?

— Жуда ғалати иш бўлибди-да, Дориан. Ҳайронман, сиз портретда буни қандай қилиб пайқадингиз экан? Сиз буни

чиндан ҳам пайқадингизми?

— Уни-буни пайқадим, албатта. Бу мени қаттиқ ларзага солди.

— Қани, энди менга портретни кўришга изн берасизми?

Дориан бош чайқади.

— Йўқ, йўқ, сўрамай кўяқолинг, Бэзил. Кўриш бир ёқда турсин, мен сизга ҳатто портретнинг яқинига боришингизга ҳам изн бермайман.

— Бўлмаса, фурсати билан кейинроқ изн берарсиз?

— Асло! Ҳеч қачон!

— На чора? Эқтимол, сиз ҳақдирсиз. Хўп, майли, яхши қолинг, Дориан. Сиз менинг ижодимга чинакам таъсир кўрсатган ягона одамсиз. Ижодимда мен нимаики қимматли асар яратган бўлсам, буларнинг бари учун сиздан қарздорман... Ҳозир сизга айтган гапларимни айтиш мен учун нақадар оғир бўлганини билсангиз эди!

— Сизни мушкул аҳволга солиб кўядиган нима гап айтдингиз менга, Бэзил? Фақат менга яхши муносабатингизни гапирдингиз, холос. Очиғини айтганда, буни мақтов ўрнига ҳам қабул қилиб бўлмайди.

— Сизга хушомад гаплар айтиш кўнглимда ҳам йўқ эди. Буни бир тавба-тазарру ўрнида қабул қилгайсиз. Шу тавба-тазаррудан кейин нимадандир маҳрум бўлиб қолганга ўхшайди. Биласизми, ўз ҳисларингизни ҳеч қачон сўзлар билан ифодалаш керак эмас, шекилли.

— Сизнинг тавба-тазарруингиз мен кўрган самарани бермади, Бэзил.

— Нечук бунақа деяпсиз? Сиз ундан нима кутган эдингиз, Дориан? Наҳотки, сиз портретда бошқа яна бирон нарсани пайқаган бўлсангиз?

— Йўқ, бошқа ҳеч нарсани пайқамадим. Сиз нега буни сўраяпсиз? Менга бош эгиб таъзим қилишингиз тўғрисида

бошқа оғиз очманг. Бу — бемаъни нарса. Биз сиз билан дўстмиз, Бэзил ва ҳамиша дўст бўлиб қолмоғимиз керак.

— Сизнинг Гаррингиз бор, — деди Холлуорд тушкун кайфиятда.

— Ҳа-я, Гарри денг! — деб Дориан кулиб юборди. — Гарри кундуз кунлари амалга ошиши мумкин бўлмаган гапларни гапириш билан банд, кечқурунлари эса жуда ғаройиб ишларни қилиш билан машғул. Айни шунақа ҳаёт менинг дидимга мос келади. Бироқ бошимга мушкул иш тушганда Гаррига сиғиниб бораман деб айта олмайман. Ундан кўра сизнинг ҳузурингизга борардим, Бэзил.

— Суврат ишласам, менга яна туриб берасизми?

— Йўқ, бундай қилишга сира имконим йўқ.

— Шу жавобингиз билан мени рассом сифатида гўрга тикаяпсиз, Дориан. Ҳаётда ҳеч ким ўз аъмолини икки марта учратмайди. Ҳатто бир марта ҳам аҳён-аҳёнда учратади.

— Сизга сабабларини тушунтириб бераолмайман, Бэзил. Лекин сизга суврат ишлаганингизда ортиқ туриб бераолмайман. Ҳар бир сувратда алланечук тақдир муҳри бор. Суврат ўзининг айрича бир ҳаёти билан яшайди... Мен сизникига чойхўрлик қилишга бориб тураман. Бундан ҳам роса баҳра олса бўлади.

— Сиз учун бу иш янада ёқимлироқ бўлса керак, — деб тўнғиллади Холлуорд хафа бўлиб. — Хайр, Дориан! Кўп афсус, сувратни кўришимга йўл қўймадингиз, нима ҳам қилардим, зорим бор, зўрим йўқ. Сизнинг ҳолатингизни тушуниб турибман.

Холлуорд чиқиб кетгач, Дориан ўзича кулиб қўйди. Шўрлик Бэзил, унинг тусмонлари нақадар узоқ! Қизиқ, у, яъни Дориан ўзининг сирини ошкор қилгани йўқ, бунинг ўрнига у тасодифан дўстининг сирини билиб олишга муваффақ бўлди. Бэзилнинг тавба-тазаррусидан кейин Дорианга кўп нарса равшан бўлиб қолди. Бемаъни рашк ёлқинлари, рассомнинг унга эҳтирос билан боғланиб қолгани, баъзида эса унинг ғаройиб босиқлиги

ва писмиқлиги, сўнг мақтовлар устига мақтовлар ёғдирилиши — эндиликда буларнинг бари тушунарли эди. Дориан маъюс тортди. Романтик севги нурларига йўғрилган бунақа дўстликда аллақандай фожеъ нарса бор эди.

У чуқур хўрсинди-да, кўнғироқ чалиб мулозимини чақирди. Ҳар нима қилиб бўлса-да, сувратни бу ердан гум қилмоқ керак. Сирнинг фош бўлишига олиб келадиган қалтис иш қилиш керак эмас. Сувратни, лоақал бир соатча бўлса-да, хонада қолдириш уччига чиққан номаъкул иш бўлар эди. Чунки хонага ҳар лақзада бирорта дўсти ёхуд таниши кириб қолиши ҳеч гап эмас.

ЎНИНЧИ БОБ

Виктор хонага кирганда Дориан унга синчиклаб назар солди — унинг важоҳатидан сувратни пинҳона кўрган-кўрмаганини билиб олмоқчи эди. Мулозим жуда хотиржам қиёфада фармойишларни кутиб турарди. Дориан папирос чекди ва кўзгунинг олдига бориб, унга қарай бошлади. Кўзгуда Викторнинг башараси аниқ кўриниб турарди. Бу башарадан ҳар қандай хизматга тайёр турганидан бошқа ҳеч қандай ифода йўқ эди. Демак, хавотир қиладиган жойи йўқ. Шундай бўлса ҳам Дориан "ҳар ҳолда эҳтиёт бўлиш керак" деган тўхтамга келди.

Сўзларни дона-дона қилиб у Викторга оқсоч аёлни чақиришни, кейин ром тайёрлайдиган устахонага бориб, унинг хўжайинидан дарҳол иккита хизматчи юборишни илтимос қилишни буюрди.

Унинг назарида мулозим хонадан чиқиб кетаётиб, суврат томонга кўзининг қирини ташлагандек бўлди. Ёки бу унга шундай кўриндимикин?

Бир неча дақиқадан кейин кутубхонага шоша-пиша миссис Лиф кириб келди. Унинг устида қора шоқи кўйлак, серажин

қўлларида расмдан қолган ип қўлқоп бор эди. Дориан ундан бир вақтлар дарсхона бўлган хонанинг калитини сўради.

— Дарсхона бўлган хонани айтяпсизми, мистер Дориан? — деб хитоб қилди у. — Ҳамма ёғи чанг босиб ётипти-ку! Аввал мен хонани саришталаб эпақага келтиришни буюрай. Ҳозир у ерга сизнинг киришингиз тўғри келмайди. Сира ҳам!

— Уни эпақага келтиришнинг ҳожати йўқ, Лиф. Менга калитни берсангиз бас.

— Эй тавба-ей! Агар у ерга бош суқадиган бўлсангиз, усти-бошингиз ўргимчак тўри билан қопланади. Мана, беш йилдирки хона очилмайди. Хўжайиннинг вафотидан кейин ҳеч ким киргани йўқ.

Оқсоч аёл кекса лордни тилга олганда Дориан сапчиб тушди — унда марҳум бобосидан жуда оғир хотиралар қолган эди.

— Ҳечқиси йўқ, — деб жавоб берди у. — Мен бир лаҳзагагина хонага кириб чиқмоғим керак, тамом-вассалом! Калитни менга беринг.

— Мана, олинг, сэр, — деб кампир титроқ бармоқлари билан бир шода калитни титкилай бошлади.— Лекин сизнинг бу хонага кириб жойлашиб олиш ниятингиз йўқдир, сэр? Ҳозир турган жойингизнинг ўзи жуда шинам-ку!

— Йўқ, йўқ, — деб унинг гапини бўлди Дориан бетоқатлик билан. — Миннатдорман, Лиф. Майли, сиз борақолинг.

Оқсоч аёл яна аллақандай хўжалик ишлари тўғрисида гаплашиб олмоқ учун бир неча дақиқа ивирсиб турди. Дориан хўрсиниб, "сизга тўла ишонаман, ҳаммасини ўзингиз бажо қилаверинг" деди. Ниҳоят, у жуда мамнун бўлиб чиқиб кетди.

Оқсоч аёл кетидан эшик ёпилиши биланоқ Дориан калитни кассасига солди-да, хонани нигоҳидан ўтказди. Унинг кўзига лов-лов ёниб турган қизил парда кўринди. Унга зар билан жуда чиройли кашталар тикилган бўлиб, XVII аср охиридаги Венеция санъатининг ғоят нодир намунаси бўлмиш бу буюмни бир вақтлар бобоси Болония яқинидаги монастирдан олиб келган

эди. Ҳа, бу парда билан даҳшатли сувратни ўраб қўйса бўлади! Эҳтимол, у бир замонлар дафн маросимларида ишлатилгандир. Энди бу мато одамнинг тириклай чириб бораётгани тасвирланган сувратни яширади. Тирик одамнинг чириши мурданинг чиришидан қўрқинчлироқ, чунки у ҳар лаҳзада янги-янги даҳшатлар туғдириб туради ва бунинг интиҳоси бўлмаҳйди. Қурт-қумурсқалар мурдани кемирганидек, турлитуман гуноҳлар ҳам Дориан Грейнинг сувратидаги тасвирини кемириб боради. Улар унинг ҳуснини кемиради, жозибасини маҳв этади. Улар Дорианни ёмонотлиқ қилишади ва шармандаи шармсор этишади. Лекин шундоқ бўлса ҳам сувратга путур етмайди. У мангу яшайди.

Шу фикр хаёлига келганда Дориан сесканиб кетди ва Холлуордга бир гапни айтмаганига афсуслапти. Бэзил лорд Генрининг таъсирига қарши курашда ҳам, ўз шавқи-табиатининг ундана хатарлироқ бўлган таъсирига қарши курашда ҳам Дорианни қўллаб-қувватларди, унга мадад берарди. Шак-шубқа йўқки, Бэзил Дорианни яхши кўради. Унинг севгиси ғоятда олижаноб ва кўтаринки. Бу гўзалликка бўлган одатдаги жисмоний интилиш эмас. Бундай интилиш инсондаги ҳиссий инстинктлар билан туғилади ва улар заифлашиши билан ўлиб кетади. Йўқ, бу бошқача муҳаббат. Бу муҳаббатни Микеланжелло⁵ ҳам, Монтень⁶ ҳам, Винкельман⁷ ҳам, Шекспир ҳам куйлаб ўтишган. Ҳа, Бэзил уни қутқариб қолиши мумкин. Лекин энди фурсат ўтди. Ўтмишни ҳамиша унутиш ёхуд тавба-тазарру қилиш, ёхуд ундан тониш йўли билан силлиқласа бўлади, лекин келажакни қайтариб бўлмайди-ку! Дориан қалбида эқтирослар туғёнга келаетганини қис қилди. Улар бағоят даҳшатли бир тарзда намоён бўлиши мумкин. Унинг кўнглида ғира-шира хаёллар жунбушга келяпти — агар улар рўёбга чиқса, унинг ҳаётига қора доғ бўлиб тушади.

У курси устида ётган қизил зарбоф пардани иккала кўлида кўтариб сувратнинг ёнига борди. Сувратида унинг чехраси яна ҳам бадбашара бўлиб қолмадимикин? Йўқ, ҳеч қанақа янги ўзгаришлар содир бўлгани сезилмайди. Шундоқ бўлса ҳам Дориан энди сувратга яна ҳам жирканиброқ қаради. Тилларанг

жингалак сочлар, мовий кўзлар, пуштиранг дудоқлар — ҳаммаси жойида эди. Бу қаҳрли башара билан қиёсласа, Бэзилнинг таънадашномлари жуда арзимас бўлиб кўринарди. Су ратдан Дорианнинг ўз қалби унга ўқрайиб турар ва ундан жавоб талаб қиларди.

Юрагида санчиқ билан Дориан ҳашаматли пардани сувратнинг устига ёпди. Шу дақиқада эшик тақиллаб қолди. Дориан сувратни тўсиб турган ширма ортидан чиқиб улгурмай, хонага мулозим кириб кедди.

— Хизматчилар келишди, мосье.

Дориан сувратни қаерга олиб кетишларидан хабардор бўлиб қолмаслик учун Викторни ҳозироқ бирон юмуш билан чиқариб юбориш кераклигини ўйлади. Викторнинг кўзлари тийрак, уларда айёрлик бор, балки муғомбирлик ҳам бордир. Ҳар ҳолда, ишониб бўлмайди.

Дориан стол ёнига ўтириб, лорд Генрига мактуб ёзди — ундан ўқиш учун бирон китоб бериб юборишини илтимос қилди ва бугун саккиздан чорак ўтганда учрашишлари кераклигини эслатди.

— Мактубни лорд Генрига етказинг-да, жавобини кутиб туринг, — деди у Викторга мактубни берар экан. — Хизматчиларни эса бу ерга чақиринг.

Икки-уч дақиқадан кейин эшик яна тақиллади. Миетер Хаббард шахсан ўзи келипти. У Саут-Одли-стритдаги энг машҳур ромсоз уста эди. Ёнида бесўнақайгина бир йигит — ёрдамчиси экан. Мистер Хаббард икки бети қип-қизил, бакенбардлари қизғиш бир одам эди. У санъатга маҳлиё инсон эди, бироқ мижозлари — рассомларнинг кўпчилиги ҳамиша пулга зориқиб юргани вазидан бу маҳлиёликнинг авжи кўп ҳам баланд бўлавермасди. У, одатда, буюртмачиларнинг уйларига ўзи юрмас эди, буюртмачилар унинг устахонасига келишларини, унга махтал бўлиб туришларини афзал кўрарди. Бироқ Дориан Грей учун у ҳамиша қоидаларидан чекинара эди. Дорианнинг ҳаммани ўзига жалб қиладиган оҳанграбоси бор эди. Ҳатто унинг чехрасига

қараб туришнинг ўзи роҳат эди.

— Қандай хизматлари бор, мистер Грей? — деб сўради муҳтарам ромсоз сепкил босган бақалоқ қўлларини бир-бирига ишқаб. — Ҳузурингизга шахсан ўзим келганим маъқул бўлар деб ўйладим. Шу кунларда жуда ажойиб бир рамка қўлимга тушиб қолган эди, сэр. Тасодифан чайқовдан харид қилдим. Қадимий Флоренция моли — Фонт хиллда ясалган бўлса керак. Диний мавзулардаги сувратларга жуда мос келади-да, мистер Грей.

— Сизни ташвишга қўйганим учун узр, мистер Хаббард. Мен, албатта айтган рамкангизни кўргани бораман. Лекин ҳозир доимий мавзудаги расмларга унча ҳушим йўқроқ. Бугун бир сувратни юқори қаватга олиб чиқиб қўйиш холос. У анчагина оғир, шунинг учун сиздан хизматчиларингизни юборишни илтимос қилган эдим.

— Бош устига, мистер Грей, ташвиши бор эканми? Сизга фойдам текканидан жуда мамнунман. Суврат қаерда, сэр?

— Мана у, — деб жавоб берди Дориан ширмани бир томонга суриб қўяр экан.

— Уни шундайлигича, устидан пардасини олмай, кўчириб қўйсанглар тузук бўларди. Уни кўчиришда бирон нарса тирнаб-нетиб юбормасин деб қўрқяпман.

— Бунинг ҳеч қанақа қийин жойи йўқ, — деди ромсоз ялтоқланиб. Сўнг дастёрининг ёрдамида узун мис занжирда осилиб турган портретни эқтиёткорлик билан банддан халос эта бошлади. — Сувратни қаерга ўрнатиб берайлик, мистер Грей?

— Жойни кўрсатиб бераман, мистер Хаббард. Марҳамат қилиб, менинг ортимдан юринг. Яна ҳам яхшироғи — сиз олдинда юрақолинг. Энг юқори қаватга чиқамиз. Асосий зинадан кўтариламиз. У анча кенг.

Дориан эшикнинг ҳар икки табақасини очди. Улар кенг ва ёруғ залга чиқишди. Сербезак залворли рамкаси туфайли портрет ҳаддан ташқари қўпол эди. Шунинг учун Дориан ўқтин-ўқтин хизматчиларга кўмаклашишга тиришарди. Лекин мистер Хаббард хушомадгўйлик билан уни бу шахдидан қайтаришга уринарди — у ҳам ўз табақасига мансуб одамлар қаторида бирон-бир зодагон одамнинг бирон фойдали иш билан машғул бўлишига йўл қўйиб қўйолмас эди.

— Ҳазилакам юк эмас бу, сэр, — деди у ҳансираб охирги қаватга кўтарилишганда қўли билан терлаб кетган тепакалини артиб.

— Ҳа, анча оғиргина экан, — деди унга жавобан Дориан хона эшигини калит солиб очар экан. Бундан буён бу хона унинг ғаройиб сирини сақлайдиган ва унинг қалбини одамларнинг кўзидан панада асрайдиган маскан бўлмоғи керак эди.

Унинг бу хонага қадам қўймаганига тўрт йилдан ошди. У кичкиналигида бу ер болалар хонаси эди, кейин бир оз улғайгач, синф хонаси бўлди. Марҳум лорд Келсо бу катта ва қулай хонани кенжа невараси учун атайин қурдирган эди. Невара онасига ҳаддан ташқари ўхшагани учунми ёхуд бирон бошқа сабаб биланми бобо уни кўришга кўзи йўқ эди ва имкони борича

Ўзидан олисроқда тутишга ҳаракат қиларди. Дориан ўша пайтлардан бери хонада ҳеч нарса ўзгармаганини ўйлади. Деворларига жимжимадор нақшлар ишланган, зарқал безаклар вақт таъсирида хира тортган баҳайбат итальянча сандиқ ҳамон ўша жойда турарди.

Титилиб кетган дарсликларга тўла китоб жавони ҳам жойида турипти, унинг ёнида деворда эса ҳамон ўша кўҳна фламанд ипак гилами осибди. Унда анча-мунча ўнгиб кетган қирол билан қиролича боғда шахмат ўйнаб ўтиришипти, уларнинг ёнидан эса совутли кўлларига, бошига қалпоқча кийгизиб кўйилган лочинларини кўндириб, отлиқ шикорбонлар ўтиб боряпти. Буларнинг бари Дорианга таниш! У хона ичини кўздан кечириб экан, етимлик билан ўтган болалигининг ҳар дақиқаси унинг кўз ўнгида гавдаланди. У болалик йилларининг беғубор, по- киза дамларини эслади ва худди шу жойда шум қисматли портрет сақланишини ўйлаб, кўнгли беҳузур бўлиб кетди. Ўтиб кетган ўша қайтмас кунларда уни шунақа истиқбол кутаётганини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Бироқ уйда портретни бегона кўзлардан асрайдиган бошқа тузукроқ жой йўқ эди. Эндиликда калит Дорианнинг кўлида, бошқа ҳеч ким бу ерга бош суқа олмайди. Майли-да, портретнинг башараси лов-лов товланиб турган қирмизи кафани остида ваҳшиёна тус олмайдими! Тўпори, шафқатсиз, фосиқ бўлса бўлавермайдими! Нима бўпти? Ахир, буни ҳеч ким кўрмайди-ку! Унинг ўзи ҳам буни кўрмайди. Ўз қалбинини жирканч бир тарзда ириб бораётганини томоша қилишга нима ҳожат бор? У ҳамини навқиронлигича қолаверади — шунинг ўзи кифоя!

Айтганча, нима, у тузалиши мумкин эмасми? Нима, шармандали истиқболнинг воқе бўлиши шу қадар муқаррарми? Эҳтимол, унинг ҳаёт йўлида улуғ бир муҳаббат рўпара келар-да, уни ҳар қандай кир-чирлардан фориғ қилар, қалбда ва жисмида туғилиб турадиган янги гуноҳлар-у, янги зинолардан асрар. Ҳа, булар ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган, ҳеч ким томонидан тасвирлаб берилмаган, шу сирлилиги билан маккорона бир жозиба касб

этадиган гуноҳлар бўлса-да, улардан ташқари бўлгани яхши-да! Эҳтимол, бир кун келиб, ана шу қирмизи дудоқлардаги шафқатсизлик ифодаси ғойиб бўлар ва Бэзил Холлуорднинг доҳиёна асарини бутун дунёга намойиш қилиш имкони туғилар.

Йўқ, бунга умид боғламаса ҳам бўлади. Ахир, ҳар соат сайин, ҳар ҳафта сайин сувратдаги одам улғайиб боради. Агар борди-ю хуфиёна жинойтлар ва иллатлар унда акс этмаган тақдирда ҳам замоннинг бадбашара изларидан у мосуво бўлаолмайди. Юзлари тароватини йўқотиб, ажин босиб, шалвираб қолади, нурсизланиб қолган кўзларининг теварагини майда тузлар қоплайди. Кўзларидаги чўғ сўниб, ҳуснини йўқотади. Сочлари ялтирамай қўяди, ҳамма вақт кекса одамларда бўладигани каби оғзи маъносиз тарзда ярим очиқ бўлади, лаблари дўрдайиб, хунукдан-хунук тус олади. Ажин босган бўйин, кўмкўк томирлари бўртиб чиққан совуқ қўллар, букилиб қолган қомат — ҳамма-ҳаммаси бобосиникидай бўлади. Ҳа, сувратни яшириб қўйиш керак, бошқа илож йўқ!

— Бу ёққа олиб келинг, мистер Хаббард, — деди Дориан ҳорғинлик билан ўгирилиб. — Узр, сизни маҳтал қилиб қўйдим. Бир нарсани ўйлаб қолибман-да, сизнинг кутиб турганингизни унутиб қўйибман.

— Ҳечқиси йўқ, мистер Грей. Мен баҳонада бир оз дам олдим, — деди ромсоз ҳали ҳам нафасини ростлаб улгурмай. — Сувратни қаерга қўйсак экан?

— Қаерга қўйсангиз ҳам майли. Мана бу ерга қўйсангиз ҳам бўлади. Осиб қўйиш шарт эмас. Деворга суяб қўя қолинг. Ҳа, баракалла. Рақмат!

— Бу санъат асарини бир қур кўздан кечирсак бўлармиди, сэр?

Дориан сесканиб тушди.

— Кўришга арзимаydi. Сизга маъқул бўлмаса керак деб ўйлайман, мистер Хаббард, — деди у ромсозга тик қараб. Агар ромсоз Дорианнинг ҳаёт-мамот сирини яшириб турган ҳашаматли пардани кўтариб кўришга журъат қилса, унинг

устига ташланиб, ерга ағанатиб пийпалашдан ҳам қайтмас эди. — Майли, сизларни ортиқча овора қилмай энди. Сизлардан бағоят миннатдорман. Шахсан ўзингиз келиб, жуда улуғ иш қилдингиз.

— Арзимаиди, мистер Грей, арзимаиди. Ҳамиша хизматингизга тайёрман, сэр! Мистер Хаббард гурс-гурс қадам босиб, зинадан пастга туша бошлади, унинг орқасидан дастёри ҳам пастга йўл олди. У тушиб борар экан, ҳадеганда Дорианга ўгирилиб қараб қўяр эди. Унинг сўхтаси совуқ башарасида жуда зўр завқ-шавқ ифодаси балқиб турарди: бу йигит бунақа хусндор ва мафтункор одамни умрида биринчи марта кўриши эди.

Пастда қадам товушлари тиниши биланоқ Дориан эшикни қулфлаб, калитини чўнтагига солиб олди. Энди у ўзини хавф-хатардан эмин ҳисобларди. Даҳшатли портретга энди бошқа ҳеч кимнинг кўзи тушмайди. Шармандалигини унинг ёлғиз ўзигина кўради.

Кутубхонага қайтиб кириб, соат бешдан ошиб қолганини, нонуштага дастурхон тузалганини кўрди. Хушбўй ёғочдан ишланган, сатқи садаф гуллар билан нақшланган столча устида (бу леди Рэдлининг совғаси эди. Леди Рэдли Дорианнинг васийлик қилувчи одамнинг хотини бўлиб, ҳамиша ўзининг хасталиклари билан машғул эди. Утган йили қишда у Қоҳирада яшади) лорд Генридан келган мактуб ётарди. Унинг ёнида бир оз сийқаси чиққан сариқ муқовалик бир китоб, патнус устида эса "Сент-Жем газетаси"нинг учинчи чиқарилиши, Виктор қайтиб келганга ўхшарди. Дориан ўзига-ўзи савол бериб, мулозим чиқиб кетаётган ишчиларга рўпара келмадимикин, рўпара келган бўлса, улардан бу ерда нима иш қилишганини суриштириб билиб олмадимикин деб сўради. Виктор, албатта, сувратнинг кутубхонадан ғойиб бўлганини сезади... Нонуштага дастурхон тузаётганида пайқаган бўлса ҳам керак. Тўсиқ бир томонга суриб қўйилган. Сувратнинг бўшаб қолган ўрни дарҳол кўзга ташланади. Худо кўрсатмасин, бирор кун Виктор дарсхонанинг эшигини бузиб кирмоқ учун пусиб юқори қаватга кўтарилса-ю, Дориан бунинг устидан чиқиб қолса... Ўз уйингда жосус бўлса,

бундан ёмонроқ яна нима бор? Дориан илгари бир-икки эшитган эди — баъзи бир бадавлат хонадонларда хизматкорлардан бирортаси бирор мактубни ўқиб қолибми ё хўжайинининг хуфия гапини эшитиб олибми, унинг ёстуғи тагидан сўлиган гул топиб олибми, ё бирор кашталиқ рўмолчани қўлга туширибми, ё унинг қоғозлари орасида бирор аёлнинг ташрифномасини кўриб қолибми, бутун умри бўйи уни ҳоли-жонига қўймай, сиқиб тамагирлик билан қонини ичар экан...

Шуни ўйлаб Дориан хўрсинди ва пиёлага чой қуйиб, мактубни очди. Лорд Генри оқшомги газета билан китоб бериб юбораётганини, китоб, албатта, уни қизиқтириб қолса кераклигини, кечқурун саккиздан чорак ўтганда уни клубда кутишини ёзипти.

Дориан газетани олиб, уни паришонхотир кўздан кечира бошлади. Бешинчи саҳифада сарлавҳаси остига қизил қалам билан чизилган бир мақолага кўзи тушди. Унда қуйидагилар ёзилган эди: "Актриса аёлнинг ўлими ҳақидаги иш бўйича тергов. Бугун эрталаб Хоксгон-Роддаги Бэлл-Тэвернда участка терговчиси мистер Дюби томонидан ёш артист аёл Сибила Вэйннинг ўлими муносабати билан тергов ўтказилди. Кейинги пайтларда Сибила Вэйн Холборн Қирол театрида хизмат қилган эди. Тергов унинг бахтсиз тасодиф туфайли ўлганини аниқлади. Марҳуманинг онаси теран ҳамдардлик кўзғади — у билан Сибила Вэйннинг танасини ёриб кўрган доктор Бирелл сўроқ бераётганда онаизор жуда қаттиқ ҳаяжонда эди".

Дориан хўмрайиб газетани бурдалаб йиртди-да, чиқиндилар ташланадиган саватга улоқтирди. Буларнинг ҳаммаси жонига тегиб кетди! Бу тафсилотлар нақадар мудҳиш! Шу газетани бериб юборгани учун лорд Генридан жаҳли чиқди. Яна бунинг устига, мақоланинг теваарагига қизил қалам билан чизиб қўйипти — ахир, Виктор уни ўқиб кўриши мумкин-ку! Бунинг учун у инглиз тилини етарли билади.

Ҳа, ҳойнаҳой, мулозим мақолани ўқиб чиққан бўлса керак. Унинг кўнглида аллақандай гумонлар уйғонган... Бироқ бекорга ташвишланишга ҳожат ҳам йўқ. Сибила Вэйннинг ўлимига

Дориан Грейнинг нима дахли бор? Унинг қўрқадиган жойи йўқ — уни Дориан ўлдиргани йўқ.

Дорианнинг нигоҳи қўққисдан лорд Генри бериб юборган сариқ китобга тушди. "Қизик, бу қанақа китоб экан?" — деган фикр ўтди хаёлидан. У китоб ётган курсининг ёнига келди. Садаф нақшлар билан безатилган саккиз қиррали курси инларини кумушдан қурган аллақандай номаълум миср асалариларининг ишидай кўринди. Дориан ўриндиққа ўтириб, китобни варақлай бошлади. Орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас у ўқишга берилиб кетди.

Жуда ғаройиб китоб эди бу. Бунақасини ҳали у ҳеч қачон ўқиган эмас. Найнинг майин оҳанглари остида бутун дунёнинг жамики гуноҳи бадлари гўзал либосларга бурканиб олиб унинг нигоҳи қаршисидан сассиз саф-саф бўлиб ўтаётгандай. Ҳозиргача унинг хаёлида ғира-шира гавдаланган анча нарсалар тўсатдан унинг нигоҳи қаршисида жонли тусга кира бошлади. Етти ухлаб тушига ҳам кирмаган кўпгина нарсалар ҳозир унинг қаршисида намоён бўла бошлади.

Асар сюжетсиз роман эди, аниқроғи, психологик этюд эди. Асарнинг ягона қаҳрамони парижлик йигит бўлиб, у XIX асрда ўтган ҳамма асрлардаги эҳтиросдар ва кайфиятларни қайтадан тирилтириш ҳаракатига тушган эди. У бутун инсоният бошидан кечирган туйғуларни ўзи қайтадан бошидан кечириб чиқмоқни мақсад қилиб олган эди. Уни одамлар тузукроқ ўйлаб-нетиб ўтирмай фазилатлар деб ном берган маҳрумият шакллариининг сунъийлиги қизиқтириб қолганди. Шунинг билан баробар, ана шу маҳрумиятларга қарши кўтарилган табиий норозилик тўлқинлари ҳам унинг эътиборини жалб қилган эдики, буларни донолар ҳали ҳам иллат деб аташда давом этишарди. Китоб ўзига хос пухта, ёрқин, жонли услубда ёзилган эди. Айни чоғда, унда турли-туман беҳаё иборалар, ўғрилар ва фоҳишаларнинг лаҳжаларидан олинган сўзлар, эскириб, унутилиб кетган луғатлар, ҳар хил техник атамалар ва нозик жумлалар ҳам сероб эди. Символистларнинг француз мактабига мансуб нозиктаъб санъаткорларигина шунақа услубда ёзишар эди. Бунда

гуллардек жимжимадор, хушбуй, рангдор истиоралар ҳам учрарди. Инсоннинг ҳиссий ҳаёти мистик фалсафа атамалари орқали тасвирланарди. Баъзан нима ўқиётганини ажратиб олиш қийин бўлиб қоларди — булар ўрта асрларда яшаб ўтган бирор авлиёнинг диний жазавасими ёки ҳозирги даврда яшайдиган бирор фосиқнинг шармандали эътирофларими? Бу китобнинг турган-битгани оғу эди. Унинг саҳифаларидан ҳар хил сиёқларнинг қўланса дудлари анқиб, мияларни хира парда билан қоплаётгандай туюларди. Жумлаларнинг оҳанги, улардаги юракларга ўрмалаб кирувчи мусиқа, мураккаб нақоратлар ва атайин қилинган такрорлар кишини мажруҳ хаёлчанлик оғушига судрарди. Боблар кетидан бобларни ютоқиб ўқиётган Дориан кун оғиб, оқшом тушганини, хонанинг бурчакларига соялар чўкканини сезмай ҳам қолди.

Мармардек булутсиз осмонда ёлғиз юлдуз милтиллаб кўринди. Дориан эса ғира-шира ним қоронғиликда кўзлари ўтмай қолгунча ўқишда давом этди. Мулозим қайта-қайта кеч бўлиб қолганини эслатди. Дориан шундан кейингина ўрнидан туриб, қўшни хонага чиқди ва каравот ёнида турган Флоренция усталари ясаган курсича устига китобни қўйиб, тушлик учун кийимини ўзгартира бошлади.

У клубга етиб борганда соат тўққиздан ошиб қолган эди. Лорд Генри уни кутиб ёлғиз ўтирган экан. Унинг қиёфасидан ранжигани ва ўлгудай юраги сиқилиб кетгани сезилиб турарди.

— Худо ҳақи, мени кечиринг, Гарри! — деб хитоб қилди Дориан. — Сирасини айтганда, мен сизнинг айбингиз билан кеч қолдим. Бериб юборган китобингиз билан мен шунақа авдармон бўлиб қолдимки, кун ўтиб кетганини ҳам сезмай қолибман.

— Китоб сизга маъқул бўлишини билган эдим, — деди лорд Генри ўрнидан турар экан.

— Китобингиз менга маъқул бўлди деганим йўқ. Мен китобингиз билан андармон бўлиб қолдим, дедим. Иккови бошқа-бошқа нарса...

— Ие, дарров фарқини ҳам билиб олибсиз-да! — дея сўз қотди

лорд Генри. Улар ошхонага йўл олишди.

ЎНБИРИНЧИ БОБ

Кўп йиллар мобайнида Дориан Грей бу китобнинг таъсиридан халос бўлолмай юрди. Аниқроқ айтганда, у бу таъсирдан қутулишни хаёлига ҳам келтиргани йўқ. У Париждан жуда чиройли нашр қилинган бу китобдан бирваракайига тўққизтасини оддириб келтирди ва уларнинг ҳар қайсисига бошқа-бошқа рангда муқовалар буюрттирди. Муқоваларнинг ранги унинг китоб ўқиётган пайтидаги кайфияти ва тез-тез тусланиб турадиган хаёлотининг инжиқликларига мос келмоғи керак эди.

Китобнинг қаҳрамони бўлмиш ёш парижлик йигитда романтиклик билан олимга хос соғлом ақл ўзига хос тарзда омукта бўлиб кетган эди. Шунинг учун Дорианга бу қаҳрамон унинг ўзидан нусха кўчириб ёзилгандай туюларди. Бутун китоб эса унинг ҳали яшаб улгурмаган ҳаётидан олиб ёзилгандай кўринарди.

Бир нарсада Дориан роман қаҳрамонидан бахтиёрроқ эди. У кўзгу қаршисида, маъдан буюмларининг ялтироқ сирти ёхуд сув сатқи қаршисида ҳеч қачон кўрқув нималигини билган эмас ва бунақа туйғуни кечириш унга ҳеч қачон насиб ҳам қилмасди. Роман қаҳрамони парижлик йигит ҳам ақлини лол қолдирар даражада соҳибжамол бўлади-ю, ёшлик йилларида тўсатдан хусни таважжуҳидан маҳрум бўлиб қолади. Кейин эса у ҳар гал кўзгуга рўпара келганида даҳшатга тушадиган, кўрқувдан қақшайдиган бўлиб қолади. Китобнинг сўнги саҳифаларида бир оз муболағалироқ авж пардаларда бўлса-да, лекин чинакам фожелик билан бошқа инсонларда ва атроф муҳитида ҳамма нарсадан ортиқроқ қадрлайдиган буюмидан ажралиб қолган одамнинг қайғуси ва умидсизлиги тасвирлаб берилган эди. Дориан бу бобларни "ажаб бўлдику" деганга ўхшаш бир туйғу билан ўқиб чиқди. Айтганча, қар қандай лаззатда бўладигани каби қувончда ҳам бир миқдор бағритошлик бўлади.

Ҳа, Дориан қувонмоқда эди, чунки Бэзил Холлуордни ва яна кўпгина бошқа одамларни мафтун этган беқиёс хусни сўлиб қолаётгани йўқ. Афтидан, бу хусн унга умрбод берилган бўлиб, ҳеч қачон сўлимаса ҳам керак. Ҳатто Дориан Грей тўғрисидаги бўлар-бўлмас ғийбатларни (унинг бежороқ қадам олиши тўғрисидаги миш-мишлар эса вақти-бевақт бутун Лондон бўйлаб тарқалиб турар ва клубларда ҳар хил ғийбатларнинг авж олишига сабаб бўларди) одамлар ҳам унинг шаънини булғайдиган миш-мишларга ишона олмас эдилар — ахир, у ҳар нима бўлганда ҳам қозоннинг қораси юқмайдиган одамлар сирасидан бўлиб кўринарди.

Дориан Грей кириб келганида беҳаё гапларни гапираётганлар жимиб қолишарди. Унинг чехрасидаги хотиржам беғуборлик беҳаё одамларга таъна-дашномдек туюларди. Унинг вазоҳатиёқ бу одамларга покизаликни эслатиб турарди. Улар шундай истараси иссиқ дилбар йигитнинг фисқу-фужур авж олган, ҳар томонда қинғирлик ва бузуқлик ошиб-тошган бир асрда ёмон таъсирлардан сақланиб қола олганини кўриб бўлишарди.

Дориан кўпинча анча муддат уйида бўлмасди. Бундай ҳолларда унинг қаерда нима қилиб юрганидан яқинлари беҳабар бўларди. Унинг дўсглари ёхуд ўзларини дўст ҳисоблаб юрадиганлар унинг бунақа санқишларидан шубҳага тушишарди. Дориан эса уйига қайтгач, ҳеч кимга кўриниш бермай, юқори қаватга — ўзининг болалиги ўтган хонага кўтарилар, ҳеч қачон ёнидан кўймайдиган калит билан эшигини очиб ичкари кирарди ва кўлида кўзгу билан портретнинг қаршисида узоқ-узоқ туриб қоларди. У гоҳ сувратдаги борган сари кишини жиркантирадиган даражада бужмайиб қариб бораётган башарага тикилар, гоҳ эса кўлидаги кўзгудан боқиб турган навқирон йигитнинг гўзалдан-гўзал чехрасидан кўзини ололмасди. Портретдаги қиёфа билан кўзгудаги чехра ўртасида тафовут кучая борган сари Дориан бундан кўпроқ лаззатланарди. У ўз хуснига борган сари кўпроқ ошиқ бўлиб борар ва ўз қалбининг таназзулини борган сари кўпроқ қизиқиш билан кузатарди. У портретдаги чехранинг пешонасини қоплаган сон-саноқсиз ажинларни, осилиб тушган дўрдоқ лаблар

теварагида ғужғон ўйнаган майда чизиқларни синчков назар билан томоша қилар экан, баъзан бундан алланечук ғайритабий хузур туярди. Аҳён-аҳёнда у ўзига ўзи савол берарди — қайси бири мудҳишроқ ва жирканчроқ — иллат муҳрими ёки яшаб ўтилган йиллар муҳрими? У ўзининг оппоқ қўллари портретдаги дағал териси шалвираб қолган қўлларга яқин олиб борар ва уларни таққослаб жилмаярди. У бу абжағи чиқиб кетган, хизматини ўтаб бўшашиб қолган вужудни таҳқирларди.

Дориан либосини ўзгартириб, бировнинг номи билан доклар яқинидаги кўнгил тортмас ишратхоналарнинг исқирт хужраларда тез-тез тунаб қоларди. Шу хужраларда тунаган чоғларидами ёхуд ўзининг қимматбаҳо атирларнинг муаттар ҳидлари анқиб турадиган хобхонасида тунларни бедор ўтказган кезларидами — тунда баъзан виждонини бой бериб қўйгани, диёнатидан маҳрум бўлиб қолгани тўғрисида ўйлаб кетарди. Ўйлаганда ҳам изтироб билан ўйлар, қийналиблар кетарди. Бундай ўйлар заминида худбинлик ётарди, шу сабабдан улар янада уқубатли туюларди. Бироқ бундай дақиқалар камроқ бўларди. Дўстлари Холлуорднинг боғида лорд Генри билан бирга ўтирганларида Гарри биринчи марта унда уйғотган ҳаётга иштиёқ туйғусини Дориан қанчалик кўпроқ қондирса, бу туйғу шунчалик ўткирроқ бўлиб боради. У қанча кўпроқ кўргани сари янада кўпроқ кўришга интиларди. Оч бўриларнинг иштаҳасини эслатувчи бу тўймаслик касали уни қаноатлантирган сари зўрайиб борарди.

Бироқ Дориан орқа-олдига қарамасдан ҳар ишни дадил ва енгилтаклик билан қилаверади одамлардан эмас эди, ҳар ҳолда, у жамоанинг фикрига ва одоб- ахлоқ қоидаларига эътибор берарди. Қишда ойига икки марта, йилнинг бошқа фаслларида эса ҳар чоршанба куни унинг ҳашаматли уйининг эшиклари меҳмонлар учун ланг очиб қўйиларди ва бу ерда ўша пайтдаги энг машҳур ва энг донгдор машшоқлар уларга ўз санъатларидан инжа мўъжизалар тухфа этишарди. Дориан тушлик зиёфатлар бериб турарди, уларни уюштиришда ҳамиша лорд Генри ёрдам берарди. Бу зиёфатларга меҳмонлар чертиб-

чертиб танлаб айтилар, дастурхонга ҳам жуда тансиқ нознеъматлар қўйиларди. Дастурхонга қараган одам унда анвойи гуллар, ажиб кашталар билан безатилган турли-туман сочиқлар, қадимий тилла ва кумуш идиш-товоқларнинг қалаштириб ташланганини кўрарди. Кўпчилик одамлар (улар орасида ғўр ёшлар, айниқса, кўп бўларди) Дориан Грей сиймосида талабалик йилларида орзу қилган идеалларни кўришарди — унинг сиймосида олимга хос чинакам маданийлик нозик тарбия кўрган зодагоннинг — "дунё фуқароси"нинг нафис такаллуфи билан бирикиб кетган деб ўйлашарди.

Уларнинг назарида Дориан Грей Данте айтган "гўзалликка ихлос билан ўз қалбини поклашга интилувчи" одамлардан бири эди. Готъенинг сўзлари билан айтган- да, кўзимизга кўриниб турган дунё худди шундай одамлар учун барпо этилган.

Шак-шубқа йўқки, Дориан учун ҳаётнинг ўзи санъатлар ичида энг биринчиси ва энг улуғи эди. Қолган санъатларнинг ҳаммаси эса Ҳаётнинг остонаси эди, холос. Албатта, у модага ҳам тан берарди. Мода вақтинчалик бўлса ҳамки, ҳар қандай хаёлотни рўёбга чиқаришга қурби етар ва унинг ҳамма томонидан эътироф этилишига эриша оларди. Дориан Дендизмга ҳам тан берарди. Дендизм Гўзаллик ҳақидаги шартли тушунчанинг мутлоқлигини исбот қилишга интилишдан ўзга нарса эмас эди. Унинг кийиниш тарзи, ўқтин-ўқтин у бино қўядиган модалар Мэйфер ва Пэлл-Мелл клубларидаги зиёфатларда жавлон урадиган навқирон олифталарга сезиларли таъсир кўрсатарди. Улар ҳамма нарсада Дорианга тақлид қилишар ва ҳатто унинг ўзи мутлақо эътибор бермайдиган майда-чуйдаларда ҳам Дориан янглиғ назокатга ва баркамолликка эришишга ҳаракат қилишарди.

Дориан балоғат ёшига етганда зодагонлар жамоаси унга ўз бағридан жой берди ва ёш йигит бу жойни бажону дил эгаллади. Дорианнинг назарида бир вақтлар Рим замонларида "Сатирикон"нинг муаллифи император Нерон учун қанчалар қадрли бўлган бўлса, бизнинг кунларимиздаги Ловдон учун мен ҳам шундай арзанда бўламан деб ўйлар ва бу ўй хаёлидан кечган

сари хурсанд бўлиб кетарди. Бироқ қалбининг энг теран жойида у шунчалик, яъни "модалар бобида фармонбардор" бўлишидан кўра аҳамиятлироқ роль ўйнашни хоқларди — қайси тақинчоқни тақишу, қайси бўйинбоғни қандай боғлаш ёхуд қайси ҳассани олиб юриш масаласида ундан маслаҳатлар сўрашларини истар эди. У ҳаётнинг янги фалсафасини яратишни орзу қиларди. Бу фалсафанинг ўзининг оқилона асослари, ўзининг изчил қоидалари бўлмоғи керак. У яшамоқнинг олий маъносини туйғулар ва сезгиларга жон ато қилишда деб ҳисобларди.

Ҳиссий ҳаётга сиғиниш тез-тез ва ҳақли тарзда қораланиб туриларди. Чунки одамлар инстинктив равишда эҳтирослар ҳамда туйғулардан кўрқишади, сабабки, эҳтирослар ва туйғулар улардан кучлироқ бўлиб чиқиши мумкин, бундан ташқари, бизга шуниси ҳам маълумки, улар паст табақа махлуқларга ҳам хос нарса. Бироқ Дориан Грейнинг назарида бу туйғуларнинг чинакам табиати ҳанузга қадар англаб етилган эмас ва уларнинг ҳаммаси ҳайвоний ва бетийиқ туйғулар бўлиб келаётганининг сабаби шуки, одамлар ҳамиша уларга озиқ бермай туриб ўзларига бўйсундиришга ҳаракат қилади ёхуд гўзалликка юксак ривожланган интилиш устивор белгиси бўлган янгича маънавий ҳаёт унсурларини кўриш ўрнига изтироблар билан уларни маҳв этишга тиришади.

Инсониятнинг асрлар мобайнида босиб ўтган йўлига назар ташлар экан, Дориан чуқур таассуф туйғусидан халос бўла олмас эди. Нақадар кўп нарса бой берилган! Аллақандай арзимас мақсад йўлида қанчалар кўп ён берилган! Маънисиз ўжар воз кечишлар, ўзини қийноққа солиш ва ўз-ўзини чеклашнинг бадбашара шакллари! Уларнинг асосида кўрқув ётади, уларнинг оқибати эса чириш бўлди. Бу чириш "тубанлашиш" деб аталмиш ҳодисадан беқиёс даражада мудҳишроқ! Одамлар эса ўзларининг беҳабарликлари оқибатида ундан халос бўлишга ҳаракат қилишади. Табиат ҳамиша жуда ажойиб бир киноя билан тарки дунё қилганларни саҳрога ваҳший ҳайвонлар ҳузурига бекорга қувлаган эмас, тарки дунё қилган азиз авлиёларга бутун умрлари мобайнида тоғу тошларда, даштларда, ўрмонларда

яшаёдиган тўрт оёқли жониворларни бежиз ҳамроҳ қилиб қўймаган.

Ҳа, лорд Генри янги гедонизм туғилишини башорат қилар экан, батамом ҳақ. Бу гедонизм ҳаётни қайта қурмоғи керак, уни бизнинг давримизда номаълум сабабларга кўра қайтадан тирилиб қолган бемаъни ва шафқатсиз камсуқумликдан халос этмоғи лозим. Албатта, бу гедонизм доимо ақлнинг хизматига таяниб иш юритади, лекин эҳтиросларнинг турфа хил тажрибасини ҳеч қанақа назария ёхуд таълимотга алмаштирмайди. Гедонизмнинг асл мақсади — ўз-ўзича олинган шу тажрибанинг ўзидир, ширин ёхуд аччиқ бўлишидан қатъий назар, уни самарали гедонизми қизиқтирмайди. Бизнинг ҳаётимизда туйғуларни ўлдирадиган аскетизмга ўрин бўлмаслиги керак, айти чоғда, туйғуларни ўтмаслаштирадиган қўпол бузуқчиликка ҳам йўл қўйилмаслиги лозим. Гедонизм одамларни ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасини ундан тўла-тўқис баҳраманд бўлган ҳолда яшаб ўтишга ўргатади, чунки ҳаётнинг ўзи ҳам лип этиб ўтиб кетадиган бир лаҳзада, холос.

Орамиздан қайси биримиз баъзан кечалари ухлаб ётиб, бирдан тонг отмасдан уйғониб кетганмиз. Бухдай пайтларда уйқумиз шу қадар ширин бўлганки, э, сира уйғонмасдан, мангулик уйқусига чўмишни ҳам қўмсаган бўлмоғимиз керак. Ёхуд мудҳиш босинқирашлар ва расво қувончларга тўла тунда уйғонганимиз борми? Бундай пайтларда миямиз хўжайраларида воқеликдагига қараганда ўн чандон мудҳишроқ манзаралар пайдо бўлади. Бу манзаралар ҳар қандай ҳокимона қудратга тўла фантастика каби ғоятда жонли ва ёрқин бўлади. Бу манзаралар қудратли жозибаси билан готик санъатга ўхшаб кетади, чунки хаёлпарастлик дардига чалинган одамлар учун яратилгандай кўринган готик санъат айти ана шу қудратли жозибаси билан умрбоқийлик касб этади. Бунақа уйғониб кетишлар ҳамманинг эсида бўлса керак. Тонгнинг оппоқ бармоқлари аста-аста пардалар қатини оралаб ўтади ва назарингизда гўё пардалар титраётгандай бўлади. Жимжимадор қора соялар шов-шувсиз астагина хона бурчагига ўрмалаб ўтиб келган ва у ерга биқиниб олган бўлади. Дераза ортида эса дарахтларнинг новдаларида

аллақачон қушлар чах-чахлаша бошлаган бўлади. Кўчаларда ишга кетаётганларнинг гурсиллаган қадам товушлари эшитилади. Баъзан эса шабаданинг енгил хўрсинишлари, ёқимли эпкинларини ҳис қилиш мумкин. Бу шабада адрлардан тушган, у сукутга чўмган уй теварагида узоқ. ўйланиб юради. Бирин-кетин юзга тутиладиган ҳарирдай нафис зулмат пардалари кўтарилади, теварак-атрофдаги ҳамма нарса секин-секин аввалги шакллари ва тусларини касб этади ва тонг кўз ўнгимизда агрофимизни қуршаб олган дунёни унинг одатдаги кўринишига қайтаради. Хира кўзгулар жон киргандай ҳаётни акс эттира бошлайдилар ўчирилган шамлар кеча ўчириб қўйилган жойда қандай турган бўлса, шундай турипти. Уларнинг ёнида асл саҳифалари чала қирқилган китоб — кеча оқшом уни ютақиб ўқишганди. Кеча оқшом зиёфат чоғида сизнинг ёқангизни безаб турган гул ҳам сўлган, тароватини йўқотган ҳолда ерда ётипти. Унинг ёнида мактуб — бу мактубни ўқиб чиқишга юрагингиз бетламаган ёхуд уни қўлдан қўймай қайта-қайта ўқигансиз.

Гўё ҳеч нарса ўзгармагандай. Туннинг нимжон сояларидан яна ўша таниш воқелик қад кўтаради. Кеча тўхтаб қолган жойдан бошлаб яшашни давом эттирмоқ керак. Ва биз алам билан англаймизки, кўникилган бир-бирига ўхшаш машғулотларнинг ҳамон ўша-ўша толиқтирувчи доирасида депсиниб юриб, узлуксиз тарзда беҳуда куч сарфлашга маҳкуммиз. Баъзан биз бундай дақиқаларда жон-жаҳдимиз билан кўзимизни очиб янги бир дунёни кўрмоқ истаймиз. У шундай бир дунё бўлсаки, бир кечанинг ўзида бизнинг қалбларимизни шодликка тўлдириб, бутунлай ўзгариб қолган бўлса... Бу дунёда ҳамма нарса янги шакллар касб этган ва ҳамма нарса жонли, ёрқин бўёқларга бурканган бўлса... Бу дунё эврилишларга ва янгидан-янги сиру асрорларга тўла бўлса, унда ўтмишга ўрин берилмаса ёхуд берилган тақдирда ҳам жуда кам даражада берилса. Агар бордию бу ўтмиш ҳали яшашда давом этаётган бўлса, ҳар ҳолда мажбуриятлар ва афсус-у надоматлар тарзида яшашда давом этмасин, негаки ҳатто бахт ҳақидаги хотираларнинг ҳам ўзининг аламли жойлари бор, ўтиб кетган хузур-ҳаловатлар хотираси эса одамнинг юрагида санчиқ кўзғайди.

Айни ана шундай дунёларни барпо этиш Дориан Грейнинг тасавурида яшашнинг асосий мақсади ёхуд асосий орзуларидан бири эди. Шунинг учун ҳам у янги ва дилга малҳам бўладиган туйғулар кетидан қувишга чоғланди. Бу туйғулар таркибида романтиканинг асосий унсури — ғаройиблик бўлмоғи керак эди. Шуларни қўмсаган Дориан кўпинча ўзининг табиатига ёт бўлган ғоялар асоратига тушиб қолар, уларнинг маккорона жозибаларига маҳлиё бўлар, кейинчалик эса уларнинг моҳиятини билиб олгач, қанақалигини кўриб-билиб, қизиқувчанлигини роса қаноатлантиргач, улардан лоқайдлик билан юз ўгирарди. Ҳозирги баъзи бир руҳшуносларнинг таъкидлашига қараганда, бундай лоқайдлик жўшқин темперамент билан баҳамти кела оладигангина эмас, балки унинг зарурий шартини ҳам ташкил қилади.

Бир вақтлар Лондонда Дориан католик мазҳабини қабул қилмоқчи эмиш деган гап тарқалди. Чиндан ҳам, католик динига хос маросимлар унга жуда маъқул бўларди. Кундалик ибодат чоғидаги қурбонлик қилиш маросими ўзининг сирлилиги билан уни маҳлиё қиларди. Бу қурбонлик келтириш маросими қадимги дунёнинг жамики қурбонлик маросимларига қараганда ўзининг чинлиги билан кўрқинчлироқ туюларди. У бизнинг ҳамма туйғуларимизнинг шаҳодатига беписанд қараши билан, ўзининг ибтидоий соддалиги билан уни ҳаяжонга соларди. Маросим инсон ҳаётининг фожелигини ифодалашга ҳаракат қиладиган бир рамз эди ва шу туфайли ҳамиша кўтаринки руҳга эга бўларди. Дориан черков полига тўшалган ювуқ мрамор плиталар узра тиз чўкиб туришни ёқтирар ва роҳибнинг хатги-ҳаракатларини суқланиб томоша қиларди. Залворли зарбоф либосга бурканган роҳиб қони қочган қўллари билан шошмай совғалар сақланувчи идиш устидан ёпқични олади ёхуд қимматбаҳо тошлари ярқираб турган шиша фонарга ўхшаб кетадиган нарсани баланд кўтаради — шунда Дориан буларнинг бари чиндан ҳам "фаришталарнинг ризқи-рўзи" эканига ишонишни истайди. Дориан бу маросимдаги яна бир нарсани яхши кўради. Махсус либосдаги роҳиб меқмонни жом устига энгаштиради-да, ўзи кўкракларига уриб, қилган гуноҳларини

айтиб, тавба-тазаррулар қилади. Исириқдонлардан чиқиб турган тутунлар уни маст қиларди. Чеқраларида тантанавор жиддий ифода муҳрланиб қолган, қип-қизил матолардан тикилган кийимлар кийган болаларнинг қўлларида иси-риқдонлар катта-катта тилла гуллардай чайқаларди.

Черковдан чиқар экан, Дориан қора рангга бўялган тазаррухоналарга қизиқиш билан қарар, баъзан эса уларнинг сояларида ўтириб олиб, анча вақтгача одамларнинг алмисоқдан қолган панжара орқали ўз турмушлари ҳақида қикоя қилаётган ҳақиқатларини тингларди.

Бироқ Дориан тушунар эди — бирон ақидани ёхуд диний таълимотни расман қабул қилиш ўзининг ақлий ўсишига қандайдир чегара қўйиш билан баробар. Шунинг учун у ҳеч қачон бундай хатони қилмасди: ахир, бир меҳмончона бўлса-ю, у фақат бир тунни ўтказишга ёки тунда ой қайтиб, юлдузлар чарақламай қолган бир неча соатни ўтказишгагина яраса, уни қандай қилиб муқим истиқомат қиладиган бошпана, ватан деб ҳисоблаш мумкин. Бир вақтлар у мистицизмга қизиқиб қолган эди. Мистицизмнинг жуда ажиб бир қобилияти бор — у оддий, жўм нарсага сирлилик бахш эта олади, уни ажойиб-ғаройиб бир нарса қилиб кўрсатади. Унга хос бўлган мураккаб мулоҳазалар занжири ҳам Дорианга маъқул келарди. Ҳаётининг бошқа бир даврида Дориан немис давринизмининг материалистик назарияларига мойиллик кўрсатди. Инсонларнинг ҳар қандай фикр ва эҳтиросларини миядаги туссиз модданинг ёки оппоқ асаб толаларининг аллақандай хужайралари фаолиятига олиб бориб боғлаш унга ўзига хос лаззат бахш этарди. Ҳар ҳолда, руҳнинг мажруҳ бўладими ёхуд соғлом, расамадидагидайми ёхуд ғайриодатий бўладими, барибир, жисмоний шароитга мутлақо қарам экани ҳақидаги ғоя жуда мароқли эди-да! Аммо ҳар қандай назариялар-у, ҳаёт ҳақидаги ҳамма таълимотлар Дориан учун ҳаётнинг ўзи билан таққослаганда сариқ чақалик аҳамиятга эга эмас эди. Тажрибадан ўтмаган, воқелик билан боғланмаган ҳар қандай мавҳум мулоҳазалар-у мушоҳадалар буткул самарасиз экани Дорианга аён эди. У яхши билардики, инсоннинг ҳиссий ҳаёти худди руҳий ҳаёти сингари ўзининг муқаддас сирларига

эга ва улар ҳали ўзларининг кашф этилишини кутмоқда.

У ҳар хил ҳадларнинг таъсир қилиш йўллари муаттар, хушбўй буюмларни тайёрлаш сирларини ўргана бошлади. Хушбўй ёғларни синчиклаб ўрганди. Шарқнинг муаттар маъжунларини куйдириб кўрди. Дориан инсоннинг ҳар қандай кайфияти унга буюмларнинг ҳиссий таъсирларига боғлиқ деган хулосага келди. Уларнинг ҳақиқий нисбатларини кашф этиш мақсадига тушиб қолди. Нима учун, масалан, исириқ дуди одамларни мистик кайфиятга солади, амбар ҳиди эҳтиросларни жунбушга келтиради? Нима сабабдан бинафшанинг хушбўй ҳиди бир замонлар ўтиб кетган муҳаббат ҳақидаги хотираларни кўзғайди, мускат мияни айнитади, бошқа бир гул хаёлотни алғов-далғов қилади? Ҳидларнинг руҳий таъсири ҳақида илмий тадқиқот яратишга жазм қилган Дориан турли-туман ўткир ҳидли илдизлару, кўкатларни, авжи яшнаб турган чоғидаги муаттар гулларни, хушбўй бальзамларни, ноёб навли хушбўй дарахтларни, одамнинг аъзойи-баданини бўшаштирадиган ёки ҳиди ақлдан оздириши мумкин бўлган ўсимликларни, қалбдаги хомушликни аритадиган алоэни ўрганиб чиқди.

Дорианнинг ҳаётида шундай давр ҳам бўлиб ўтдики, у бутун вужуди билан мусиқага берилди. Ўшанда унинг уйида деразаларига панжара тutilган, шифти зарҳал ва қирмизи рангларга бўялган, деворлари эса олхўри тусли зангори лак билан қопланган узун залда ғаройиб концертлар бўлиб турарди: абжир лўлилар ўзларининг муштдай-муштдай асбобларидан жарангдор шўх куйлар янгратар, сариқ шал либосли улуғсифат тунисликлар таранг тортилган торларини жаранглатар, негрлар тишларини ярқиратиб, бир маромда мис барабанларини дўпиллатар, бежирим гавдали озғин, салла ўраган ҳиндилар эса қизил бордонлар устида чордона қуриб ўтириб олиб, узун ҳамшиш найларини чалиб, каттакон захарли илонларни ўйинга солардилар; Шуберт мусиқасининг жозибаси, Шопеннинг ошуфтажон марсиялари ва ҳатто Бетховеннинг қудратли симфонияси Дорианга ҳеч қандай таъсир кўрсатмай қўйган кезларда бу ёввойи мусиқага хос бўлган кескин ўзгаришлар ва кулоқни қоматга келтирувчи тарақ-туруқлар уни ҳаяжонга соларди. У дунёдаги ҳамма мамлакатларнинг мусиқа асбобларини йиғди. У ҳатто бир замонлар ўтиб кетган халқларнинг ёхуд Ғарб цивилизацияси билан тўқнашувдан омон қолиб, хозирча ҳаёт кечириб юрган ёввойи қабилаларнинг фақат мақбаралардагина топиш мумкин бўлган мусиқа асбобларини ҳам йиғди. У бу асбобларнинг ҳаммасини чалиб кўришни яхши кўрар эди. Унинг тўплаган асбоблари орасида Рио Негро ҳиндиларининг сирли "журупарис"и ҳам бор эди. Хотинларга бу асбобга қараш ман этилган эди. Ҳатто йигитларга ҳам икки-уч кун рўза тутиб, кейин жисмини калтаклаб, гуноҳлардан фориф этилгандан кейингина унга кўз ташлашга ижозат бериларди. Асбоблар орасида Перудан келтирилган сопол кўзачалар ҳам бор эди — улар қушларнинг қийқиришига ўхшаган овоз чиқарарди. Инсон суякларидан ишланган най ҳам бор эди — унга бир замонлар Чилида Альфонсо де Овалленинг назари тушганди. Ғаройиб овоз чиқарадиган бир бўлак яшма ҳам бўлиб, у фақат Куцко яқинидан топилар ва ундан чиндан ҳам кишига ёқадиган жуда жарангдор овоз тараларди. Дорианнинг йиққан асбоблари орасида ҳатто турфа хил рангларга бўялган қовоқ ҳам бор эди — унинг ичига тошлар солинган бўлиб, қовоқ силкитилса, шақир-

шуқур овоз чиқарарди. Мексиканинг чўзинчоқ найи ҳам ғаройиб — машшоқ уни пуфламайди, балки чалаётганда ҳавони ичига тортади. Амазонка қабилаларининг чинқироқ овоз чиқарувчи "туре" деган асбобида кун бўйи баланд дарахтлар устида ўтириб соқчилик қилувчилар хатардан хабар беришади. Бу асбобнинг овози уч лъегача масофада эшитилади. "Тепонацли" деган иккита ёғоч тили дириллаб турадиган асбобни ўсимликларнинг шираси суртилган ёғочлар билан уриб чалинади. Ацтекларнинг "иотли" деган қўнғироқчалари узумга ўхшаб ғужум-ғужум қилиб илиб қўйилган. Асбоблар орасида илон териси тортилган дўмбира ҳам бор — уни бир замонлар Мехико эҳромларида Кортецнинг ҳамроҳи Бернал Диас кўриб, бениҳоя аянчли садоларини жуда ёрқин тасвирлаб берган.

Бу асбобларнинг барчаси Дорианни ўзининг ғаройиблиги билан мафтун қилган эди. У Санъат худди Табиат каби баъзан ўзининг шакллари ва товушлари билан инсоннинг кўзи-ю қулоғини таҳқирловчи бадбашара, хунук нарсалар яратади деган фикрни ўйлаганда ўзига хос қониқиш ҳиссини туяр эди.

Бироқ орадан кўп ўтмай улар Дорианнинг жонига тегди. Шундан сўнг у яна оқшомлари операда ўз ложасида ёлғизми ёхуд лорд Генри билан бирга ўтирибми, завқ-шавқ билан "Тангейзер" операсини томоша қила бошлади. Унинг назарида шу улўф асарнинг мусиқий муқаддимасида унинг қалбини қамраб олган фожеанинг садолари янгради эди.

Шундан кейин у яна бир янги иштиёқ билан ёнди — энди Дориан қимматбаҳо тошларга қизиқиб қолди. Бир бал-маскарадда у француз адмирали Анн де-Жойез либосида иштирок этди. Ўшанда эгнидаги камзулига беш юз олтмишта дур қадалган эди. Унинг бу қизиқиши узоқ давом этди, ҳатто, айтиш мумкинки, умрининг охиригача ҳам у бу дарддан фориф бўлолмади. У кун бўйи қимматбаҳо тошларни бирма-бир қўлдан ўтказиб, ғилофларга жойлаб чиқишдан эринмасди. Бунда олхўрига ўхшаш кўкиш тошлар ҳам бор эди — улар лампашиша шуъласида қизғиш тусда товланарди. Тарам-тарам чизиқларга эга бўлган кумушранг тошлар, худди шаробга ўхшаган тўқ қизил

ёхуд зарҳал ёқутлар, ич-ичида аллақандай тўрт бурчак юлдузчалар ёниб турадиган олмослар ва яна қанчадан-қанча гўзал инжулар кўзни қувонтирарди. Уларнинг қуёш нурларида товланишини кўриб Дориан анчагача маҳлиё бўлиб қоларди. Унга Амстердамдан учта ҳаддан ташқари йирик ва ёрқин зумрад билан жамики заршуносларнинг кўзини ўйнатадиган кўҳна фируза келтириб беришди.

Дориан қаерда бўлмасин, қимматбаҳо тошларни қидириб топиш билангина андармон бўлмас, балки улар тўғрисидаги бири биридан қизиқ ривоятларни ҳам йиғарди. Масалан, Альфонсонинг "*Clericalis Disciplina*"⁸ асарида кўзлари чинакам ёқутдан бўлган илон тилга олинади. Алексаздрнинг романтик қиссаларьда эса Эматияни забт этган фотиҳ Иордан водийсида бир илон кўргани, унинг уст териси зумрадлар қадалган тасма билан қоплангани тўғрисида қикоя қилинади.

Филостратнинг ҳикоя қилишича, аждарнинг миясида қимматбаҳо жавоҳир бўлар эмиш, бу махлуққа олтин ёзувлар билан қип-қизил матони кўрсатса, у сеҳрлангандай донг қотиб ухлаб қолар эмиш ва шухда уни ўлдириш мумкин эмиш.

Улуғ алхимик Пьер де Бонифаснинг гувоҳлик беришича, олмос одамни кўринмас қилиб қўя олармиш, ҳинди жавоҳири эса уни жуда чечан қилармиш. Пушти ранги тош ғазабни пасайтирармиш, ёқут уйқуга кетказармиш, бошқа баъзи тошлар эса кайфни тарқатармиш. Яна бир тош бар эмишки, ой тўлганда зўрайиб, ой қайтганда заифлашармиш. Бошқа бир тош эса ўғрини фош этармиш. Бу тош улоқнинг қонига ботирилгандагина кучини йўқотармиш.

Леонард Камилл ўлдирилган қурбақанинг миясидан топиб олинган оқ тошни кўрган экан — у ҳар қандай заҳарга даво экан. Араб саҳроларида яшаёдиган кийикларнинг юрагидан топиладиган тош эса вабони даф қиладиган мўъжизакор тилсимот эмиш. Аллақандай арабий қушларнинг инларида аспилаб деган тош учраб турармиш — Демокритнинг айтишича, бу тош уни тақиб юрган одамни ўт балосидан асрармиш, Цейлон подшоси тож кийиш маросимида пойтахт кўчаларидан кўлида

катта ёқутни ушлаб ўтган экан. Авлиё Иоани қасрининг дарвозаси пуштиранг тошдан ишланиб, унга ўрдак тумшуқ бир жониворнинг шохлари қадаб қўйилган экан. Шундай қилинса, қасрга ҳеч ким заҳар олиб киролмас экан. Қасрнинг қуббасида иккита олтин олма бўлиб, уларнинг бағрига иккита олмос ўрнатилган экан. Кундуз кунлари олтин ярқираб турар, тунларда эса олмос нур таратар экан. Лоджнинг "Америка дурдоналади" деган қадимий романида ҳикоя қилинишича, қироличанинг хобхонасида бутун дунёдаги бокира қизларнинг кумушдан ишланган тасвирлари бор экан. Улар олмослар, ёқутлар, зумраду ферузлар билан безатилган кўзгуларга қараб ўзларига оро берар эканлар. Марко Поло Чипангуда аҳоли ўлган қариндош-уруғларининг оғзига пуштиранг дур солиб қўйишларини кўрган экан. Дурга ошиқу беқарор бўлиб қолган денгиз ажойиботи ҳақида ривоятлар бор.

Кунлардан-бир кун ғаввос бу дурдонани топиб, Перозе подшосига инъом қилмоқчи бўлипти, бироқ денгиз махлуқи ғаввосни ўлдириб, ўғирланган дур учун етти ой аза тутипти. Прокопийнинг қикоя қилишича, кейинчалик хуннлар Перозе подшосини алдаб, тузоққа илинтиришипти. Подшо дурни ташлаб юборипти. Император уни топган одамга беш юз қадоқ олтин ваъда қилипти, лекин дурни ҳеч қаердан топиша олишмапти.

Малабар қироли эса венециялик бир зодагонга уч юз тўртта дурдан ясалган тасбеҳни кўрсатган экан. Дурларнинг сони бу подшо сиғинадиган подшолар сонига тўғри келар экан.

Брантоннинг ёзганларига ишонадиган бўлсак, Александр Олтинчининг ўғли герцог Валентинуа Людовик Ўн иккинчининг хузурига меҳмон бўлиб келганда, унинг оти бошдан-оёқ олтин безаклар билан ясатилган эди. Герцогнинг шляпасини безаб турган икки қатор ёқутлар кўзларни қамаштирувчи нур таратарди. Англия қироли Карлнинг миниб юрадиган отининг узангиларига тўрт юзу йигирма дона бриллиант қадалганди. Ричард Иккинчининг ёпинчиғи бошдан-оёқ лаъл билан безатилган бўлиб, уни ўттиз минг маркига баҳолашган эдилар.

Холл Тоуэрга ўзининг тож кийиш маросимига кетаётган Генрих Саккизинчининг либосини шундай тасвирлайди: "Қирол зарбоф матодан тикилган кафтан кийган эди. Унинг кўксини бриллиантлар безаб турипти, елкасидан ўтказиб олган энлик тасмага сон-саноқсиз лаъл қадалган. Иаков Биринчининг жориялари бениҳоя нозик ишланган олтин гардишли зумрад исирғалар тақишган. Эдвард Иккинчи Пирс Гэйвстонга соф олтиндан ясалган совут совға қилган экан. У кўпгина жавоҳирлар билан безатилган экан. Совғалар ичида олтин атиргуллардан ясалган тўғнағич ҳам бор бўлиб, унинг ҳар жой-ҳар жойига феруза тошлар қадалган экан. Либослар ичида дурлар тикилган жуда гўзал қалпоқ ҳам бор экан. Генрих Иккинчининг қўлқопига ҳам то тирсагига қадар қимматбаҳо жавоҳирлар қадалган бўлиб, ов камзулининг енгига ўн иккита ёқут ва эллик иккита йирик дур билан зеб берилган экан. Бургунд герцоглар сулоласининг сўнгги вакили бўлмиш Карл Довюралнинг ҳам бош кийими шу шаклдаги дуру ва яна бошқа жавоҳирлар билан безатилган экан.

Бир замонлар ҳаёт нақадар гўзал бўлган-а! Унинг ажойиб ҳашаматидан кўзлар ўйнаб, диллар яйраган! Аллақачон ўтмиш бағрига сингиб кетган бу ҳашамат ҳақида ўқишнинг ўзи ҳам нечоғлик мароқли!

Кейинчалик Дориан кашталар-у ипак гиламларга қизиқиб қолди. Шимолий Оврупо халқларининг салқин уйларида деворга ишланадиган расмлар ўрнини шу кашталар-у ипак гиламлар эгаллаган эди. Дорианнинг ноёб бир қобилияти бор эди — у бир иш билан шуғулланадиган бўлса, бу ишга боши билан шўнғиб кетарди. У кашталар ва ипак гиламларни синчиклаб ўрганар экан, чуқур таассуф ва надомат билан англадики, вақт деганлари ҳар қандай гўзал ва бетакрор нарсанинг кушандаси бўлар экан.

Лекин нима бўлганда ҳам, унинг ўзи бу масалада қисмат ҳамлаларига чап бериб келмоқда эди. Йиллар бирин-кетин ўтиб бормоқда, дарахтлар неча марталаб кўкариб, гуллаб, барглари хазон бўлди, ишратда ўтадиган мудҳиш ва шармандали тунлар узлуксиз такрорланиб турипти. Лекин Дориан эса ўзгараётгани

йўқ. Ҳеч қанақа қиш унинг чеҳрасига соя ташлаёлгани йўқ, унинг яшнаб турган тароватига путур етказа олмади. Одамлар қўли билан барпо этилган буюмларнинг қисмати эса бутунлай бошқача бўлди. Қаёққа ғойиб бўлди бу буюмлар? Афина-Паллада учун қора мағиз қизлар томонидан тўқилган либослар қаёққа кетди? Нафармон рангли бу либосларда худолар билан паҳлавонлар мухорабаси тасвирланган эди. Нероннинг буйруғи билан Колизея устидан тортилган велариум қани? Бу велариум ҳаддан ташқари катта қизил матодан иборат бўлиб, унда юлдузли самонинг суврати ва олтин жабдуғли оқ отлар елдириб бораётган арава устидаги Аполлон тасвирланган эди. Дориан Қуёш муқибби шаънига тикилган ажойиб сочиқларни кўра олмаслигига чин юракдан афсусланди — уларда зиёфат дастурхонларини безаб турадиган турли-туман нозу неъматлар ва лаззатли таомлар тасвирланган эди. Дориан қирол Хилперикнинг тобути устига ёпилган пардани ҳам кўролмаганидан афсусда эди — бу ёпқич уч юзта олтин арилар билан безатилган экан. Ёки Понтий епископининг ғазабини кўзгаган фантастик либосларни айтмайсизми — уларда "арслонлар, қоплонлар, айиқлар, кучуклар, ўрмонлар, қоялар, овчилар, қўйинг-чи, рассом табиатда кўриши мумкин бўлган нарсаларнинг ҳаммаси тасвирланган. Ёхуд Шаҳзода Карл Орлеанскийнинг либоси ҳам таърифга сиғмайди. Унинг енгларига “Madame, jesus tout joyeux”⁹ деган сўзлар билан бошланувчи шеър ва уларга басталанган куй чатилган экан. Яна шуниси борки, нота чизиқлари тилла билан тикилган, ҳар битта нота белгиси эса ўша пайтнинг таомилига кўра нота белгилари чор қирра бўлгани учун тўртта дур билан чатилган.

Дориан Рейм қасрида қиролича Ионна Бургундская учун тайёрлаб қўйилган хонанинг тавсифини ўқиди. Деворларга илиб қўйилган ипак гиламларда бир минг уч юз йигирма битта тўтиқуш ва беш юз олтмиш битта капалакнинг суврати нақш қилинган. Тўтиларнинг қанотида қиролнинг герби, капалакларнинг қанотида қироличанинг герби савлат тўкиб туради. Буларнинг ҳаммаси соф олтиндан.

Екатерина Медичининг жасади солинган тобут устига қора

духоба ёпилган бўлиб, у ҳилол ва қуёш сувратлари билан безатилган. Тобут қўйилган чодир гулдор шойидан тикилган бўлиб, унга олтин ва кумуш иплардан тикилган гулдасталар ва гулчамбарлар нақш қилинган. Попукларига эса дурлар қўшиб чатилган. Буларнинг бари хобхонада бўлиб, унинг деворларига қироличанинг қора барқутга тикилган герби илинганди. Людовик Ҳн тўртинчининг хобхонасида Ҳн беш фут баландликдаги устунларнинг барига тиллақори нақшлар чекилган. Польша қироли Ян Собесскийнинг сафарларда фойдаланадиган ётоғи устига чодир қурилган бўлиб, у зарбоф парчадан ясалган ва унга феруза иплар билан Қуръон суралари нақш қилинганди. Уни тутиб турадиган устунлар зарҳалланган бўлиб, жуда зўр маҳорат билан ясалган ва эмаль медальонлар ҳамда турли жавоҳирлар билан безалган эди. Бу чайлани поляклар Вена ёнидаги турклар қўналғасида ўлжа қилиб олишганди. Авваллари унинг зарҳал гумбази остида Муҳаммад алайҳиссаломнинг яшил байроғи савлат тўкиб турарди.

Бутун бир йил мобайнида Дориан топиш имкони бўлган энг яхши кашталар ва матоларни ҳафсала билан йиғиб борди. Унинг йиққанлари орасида Деҳлидан келтирилган жуда ажиб бир ҳинди матоси бор эди. Унга олтин пальма барглари, скарабей деб аталувчи муқаддас қўнғизчаларнинг рангдор қанотлари жуда бежирим тарзда нақш қилинганди. Даккадан олиб келинган газ мато эса юпқалиги ва нафислиги учун Шарқда "ҳавойи", "шалола", "оқшомги шабнам" деган номлар олганди. Явадан келтирилган жимжимадор сувратлар тикилган матолар, Хитойнинг жуда нафис тўқилган сариқ газмоли, муқоваси атласдан ёхуд жуда чиройли кўк ипакдан ишланган китоблар, венгер тўрларидан ясалган юзга тутадиган нафис пардалар, сицилия зарбофи ва дағал ипак барқути, тилла тангалар қўшиб чатилган гуржи матолар, бағоят ажойиб ранглардаги қушчаларнинг тилларанг кўкиш сувратлари тикилган япон матолари — буларнинг барини Дориан соатлаб томоша қилишга тайёр эди.

Дориан черков либосларига ҳам ваумуман, диний маросимлар билан боғлиқ нарсаларнинг ҳаммасига янада зўр иштиёк билан

қарарди. Унинг уйининг кун ботиш томонидаги болахонада катта-катта сандиқларда жуда ноёб ва гўзал либослар сақланарди. Уларнинг орасида Исо алайҳиссалом келинлари кийса арзийдиганлари ҳам бор эди, негаки, Исонинг келинлари ихтиёрий маҳрумиятлар важдан озиб, қони қочиб қолган, ўз-ўзини калтаклашлар сабабидан дабдала бўлган танасини кўздан яширмоқ учун алвон рангли нафис матодан тикилган кўйлақлар киймоғи лозим. Дориан йиққан буюмлар орасида пушти рангли ипақдан ва зарбофдан тикилган ридо ҳам бор эди. Унинг кашталари ичида олти баргли гуллардан ишланган гулдасталар тез-тез учраб турарди. Ридонинг этакларида Биби Марям ҳаётидан олинган манзаралар тикилганди. Бунақа ридолар Италияда XV асрда тикилган эди.

Дорианнинг бойликлари орасида роҳибларнинг бошқа либослари ҳам бор эди. Уларнинг ҳаммаси ҳам асл матодан тикилган бўлиб, энг ноёб, энг қиммат жавоҳиру тошлар билан безатилган эди. Диний расм-русумларни ўтказишда кийиладиган бу либослар Дорианнинг қалбини ҳаяжонга тўлдирарди.

Дориан Грей ўзининг бекаму кўст жиҳозланган уйида тўпланган бошқа ҳамма нарсалар каби, бу бойликлар ҳам унга лоақал вақтинча бўлса ҳам ўзини унутишга ёрдам берар, баъзан ортиқ чидаб бўлмайдиган даражага етадиган қўрқувдан халос бўлишга кўмаклашарди. Ҳеч ким истиқомат қилмайдиган, бир замонлар маъсуд болалигининг қанчадан-қанча осуда кунларига гувоҳ бўлган, эндиликда эса ҳамиша қулфлаб қўйиладиган хонага унинг ўзи машъум сувратни осиб қўйди — расмдаги қиёфанинг ўзгариб турган чизгиларида у ўзининг ҳаёти тўғрисидаги шармандали ҳақиқатни ўқир эди. Шунинг учун сувратнинг устига зарҳалланган қизил ёпқични ташлаб қўйган. Бир неча ҳафталар Дориан бу хонага бош суққани йўқ. У расмдаги ёқимсиз қиёфасини буткул хаёлидан чиқариб ташлашни истар эди. Бундай ҳолларда унинг аввалги беғамлиги, шаффоф масрурлиги, ҳаётдан тўйиб-тўйиб роҳатланиши қайтиб келгандай бўларди. Кейин у тўсатдан ярим кечада ҳеч кимга билдирмай уйдан ғойиб бўлиб қолар ва Бул-Гейт-Филде яқинидаги аллақандай нопок ишратхоналарга йўл оларди. Уни бу жойлардан ҳайдаб солмагунларича бир неча кун мириқиб ишратга бериларди. Кейин уйига қайтиб келгач, сувратнинг олдига ўтириб олиб, ундан нигоҳини узмай, синчиклаб томоша қиларди. Бундай ҳолларда у баъзан ўзидан ҳам, сувратдан ҳам жирканиб кетарди, баъзан эса худбин одамга хос ички ғурурга тўлиб-тошарди. Ахир, шу ғурур эмасми уни нопок гуноҳлар қўйнига чорлайдиган куч? Буни ўйлар экан, аламли мамнуният билан ўзининг бадбашара эгизагига истехзоли жилмайиб қўярди. Ахир, бу эгизак Дорианга аталган тавқи лаънатни кўтариб юрипти-да!

Бир неча йил ўтгач, Дориан Англиядан бошқа ҳеч бир жойда узоқроқ муддат туролмайдиган бўлиб қолди. У лорд Генри билан бирга Трувилда бир қасрни ижарага олган эди — бундан

воз кечди. Жазоирда оқ девор билан ўраб олинган уйлари бор эди — бу ерда Дориан лорд Генри билан неча марталаб қишлаб қолган эди — ундан ҳам воз кечди. У ҳаётида шу қадар катта ўрин тутувчи сувратдан ажрала олмай қолганди. Бундан ташқари, унинг йўқлигида суврат турган уйга бирор кимсанинг кириб қолишидан хавотир оларди. Ҳолбуки, Дорианнинг фармойиши билан хона унча-мунчага очилмайдиган қилиб тамбалаб ташланган.

Шуниси ҳам борки, бирорта одам сувратни кўриб қолгудай бўлса, барибир, сирдан воқиф бўлаолмаслигига Дорианнинг ишончи комил эди. Тўғри, иллатларнинг жирканч излари яққол кўриниб турган бўлишига қармай, суврат ҳамон Дорианнинг айнан ўзига ўхшарди. Лекин ўхшаса нима бўпти? Унга сувратни писанда қилишга журъат этган қар қандай одамнинг Дориан масхарасини чиқариб ташларди. Ахир, сувратни ишлаган Дориан эмас, шундоқ экан, ким ҳам бу шармандали ҳолатни унга тўнкай олади? Ҳатто, Дориан одамларга ҳақиқатни айтиб берган тақдирда ҳам бунга ким ишонарди?

Шундоқ бўлса-да, унинг юраги така-пука. Гоҳи-гоҳида у Ноттингемшайрдаги каттакон уйида меҳмон чақириб, зиёфат берарди. Бу зиёфатларга кўпинча унинг доирасига мансуб зодагон ёшлар тўпланарди. Уларнинг орасида Дорианнинг яқин ошналари ҳам кўп бўларди. Дориан уларнинг ҳаммасининг кўнглини олишга ҳаракат қиларди. Бу зиёфатларда серобчилик, мўл-кўлчилик ақл бовар қилмайдиган даражада бўларди. Улар жуда ҳашаматли ва дабдабали ўтарди. Шу сабабдан бу зиёфатларнинг доврўғи бутун вилоятда тилларда дoston эди. Баъзан ҳатто шундай тантаналарда ҳам кўққисдан зиёфатнинг ярмига борганда Дориан меҳмонларни тарк этиб, ошиғич равишда Лондонга жўнаб қоларди ва суврат осиглик уйга биров кириб кетиб қолмадими, суврат жойида осиглик турганмикин-йўқми, эканини текшириб кўрарди. Сувратни ўғирлаб кетишган бўлса нима бўлади? Бу тўғрида ўйлашнинг ўзидаёқ Дорианнинг томирлардаги қон музлаб қоларди. Унда унинг сири бутун зодагонлар дунёсига ошкор бўлади- ку! Ёки одамлар ҳозирнинг ўзидаёқ бу сирдан воқиф бўлиб қолишганмикин?

Ҳа, у кўпларни мафтун қилган эди, аммо унга ишонқирамай муносабатда бўладиганлар ҳам кам эмас эди. Вест-энд клубларидан бирида уни сайловда йиқитишларига сал қолди, ҳолбуки, Дориан келиб чиқиши жиҳатидан ҳам, жамиятдаги мавқеига кўра ҳам бу клубнинг аъзоси бўлмоққа тўла ҳақи бор эди. Яна гап-сўзларга қараганда, Дорианнинг ошналаридан бири уни Черчилл-клубнинг кашандалар хонасига етаклаб борганда герцог Бервикский, унинг кетидан яна бошқа бир жаноб ўринларидан туриб, намоишкорона тарзда мажлисни тарк этишди. Дориан йигирма беш ёшга тўлиб-тўлмасданоқ унинг тўғрисида ҳар хил ёмон гаплар оралаб қолганди. Кимдир уни гадойтопмас жойлардан бирида ўрнашган Уайтчепл мақалласидаги ўта расво ишратхоналардан бирида кўрган эмиш. Дориан у ерда хорижий матрослар билан муштлашган эмиш. У ўғрилар ва қалбаки пул ясайдиган безорилар билан ошначилик қилармиш, уларнинг касбларининг сиридан воқиф эмиш. Унинг ғаройиб тарзда ғойиб бўлиб қолишларидан анча-мунча одам хабардор бўлиб улгурган эди. Шундай ғойиб бўлишлардан кейин улфатлар даврасида яна пайдо бўлиб қолганда эркаклар бурчак-бурчакларда шивирлашишга тушишар, унинг ёнидан ўтиб кетаётганларида эса истехзо билан тиржайишар ёки ниҳоят унинг ҳақидаги ҳақиқатни билиб олмоқни истагандай, унга синовчан, совуқ нигоҳларини қаратар эдилар.

Дориан, албатта, одамларнинг бунақа муомаласига ва шаккокликларига эътибор бермас эди. Унинг ошкора жонсараклиги, хушфеъллиги, болаларникига ўхшаб кетадиган табассумлари, унинг ҳеч сўлмайдиган навқиронлигининг сўз билан ифодалаб бўлмайдиган мафтункорлиги кўпчилик одамлар учун унинг устига ағдарилган ғийбатларни рад этишга етарли асос бўлиб хизмат қиларди. Бу одамлар Дориан ҳақида юрадиган миш-мишларни ғийбатдан бошқа ном билан атамас эдилар.

Бироқ давраларда шу нарса сезила бошладики, авваллари Дорианнинг яқин дўстлари деб ҳисобланадиган одамлар ундан ўзларини олиб қоча бошладилар. Дорианга ошиқу беқарор бўлиб қолган, унинг дардида ақлу хушини йўқотар даражага етган, унинг йўлида қар қанақа одобу ахлоқ ва шарму ҳаёни

йиғиштириб кўйган, одамларнинг гап-сўзидан сира чўчимаган аёллар энди Дориан хонага кириб келганида хижолатдан қизариб, даҳшатдан бўзариб кетишарди.

Шуниси ҳам борки, Дориан ҳақидаги бири-биридан совуқ миш-мишлар кўп одамларнинг назарида унга янада жозиба бахш этар эди.

Бу жозиба жуда ғалати ва хатарли эди. Айтганча, унинг давлати ҳам қай бир даражада Дорианни хавф-хатарлардан эмин асраб турарди. Жамоа ва, айниқса, ўзини маданият эгаси деб ҳисоблайдиган жамоа бадавлат ва ёқимтой одамларнинг обрўсини тўкадиган ғийбатларга кўп ҳам ишонавермайди. Жамоа ғайришуурий тарзда тушунадикки, чиройли хулқу одоб эзгуликдан муҳимроқ, унинг учун энг муҳтарам одамдан кўра зўр ошпазга эга бўлган одам эъзозлироқ. Мо-ҳият эътибори билан олганда шуниси тўғри ҳам: агар сиз бирор хонадонга меҳмонга борсангиз-у сизни бемаза овқат билан сийлашса ёки сувдан фарқ қилмайдиган шароб қуйиб беришса, уй эгасининг шахсий ҳаётда бениҳоя олижаноб одам эканини билганингизда нима барака топар эдингиз? Бир куни шу масала муҳокама қилинганида лорд Генри уйида меҳмонга илимилиқ овқат тортишдан тоймайдиган одамнинг гуноҳини ҳеч қанақа эзгу сифатлари ювиб кетолмайди деган эди. Бу фикрни ёқлаб жуда кўп гап айтиш мумкин. Чунки яхши жамоада ҳам худди санъатникига ўхшаган қонунлар ҳукмронлик қилади — шакл бу ўринда жуда муҳим роль ўйнайди. Ёхуд шундай қонун ҳукмронлик қилмоғи керак. Бу шаклга қаттиқ таъсир этадиган тантанаворлик бахш этмоғи лозим, маросимлар такаллуфга, манзиратга бой бўлмоғи керак, унда романтик пьесаларда бўладиган носамимийлик билан бу пьесаларда бизни ҳамиша мафтун қилиб келган закийлик ва моҳирлик чамбарчас бирлашиб кетмоғи лозим. Ахир, айёрлик шунақа катта гуноҳми? Ундай бўлмаса керак? Айёрлик — инсон шахсига турфа хиллик бахш этишнинг воситаларидан бири, холос.

Шунақа ўйлар Дориан Грейнинг миясида қалашиб ётарди. Баъзи бировлар бизнинг "мен"имизни жуда жўн, ўзгармас, пишиқ, ўз

моҳиятига кўра турфа хилликдан маҳрум бир нарса деб тасаввур қиладилар. Бундай одамларнинг маҳдудлиги Дорианни ҳайрон қолдирарди. Дориан инсон деганда сон-саноксиз ҳаёт кўринишларига ва сон-саноксиз туйғуларга эга бўлган махлуқни тушунарди. Бу махлуққа ақл бовар қилмайдиган фикрлар ва эҳтирослар мерос қилиб берилган ва ҳатто унинг жисми аллақачон ўтиб кетган ота-боболаримизнинг даҳшатли дардлари билан хасталанган.

Дориан шаҳар ташқарисидаги уйида портретлар осиб қўйилган совуқ ва қайғули айвонда авлод-аждодларининг сувратларини томоша қилиб айланиб юришни яхши кўрарди. Бугун Дорианнинг томирларида ана шу аждодларнинг қони оқяпти. Мана Филипп Герберг. Унинг тўғрисида Фрэнсис Осборн "Қиролича Елизавета ва қирол Иаков қукмронлик қилган йиллар ҳақида хотиротлар" китобида ёзган. Унинг ёзишича, Герберт "ўз хусни таважжуҳи важдан саройда ардоқли одамлардан бири бўлган, бироқ бў хусн унга вафо қилган эмас". Дориан ўзига-ўзи савол берарди — менинг ҳаётим навқирон Герберт ҳаётининг такрори эмасмикин? Эҳтимол, уларнинг авлодида аллақандай заҳарли микроб бир одамдан иккинчисига ўтиб юргандир ва охир-оқибатда унинг жисмига ўрнашиб олгандир. Бир замонлар ўтиб кетган авлодининг эрта сўлган хусни-таважжуҳи ҳақидаги хотира балки Дорианнинг қалбида ғайришуурий тарзда яшаб келаётгандир. Эҳтимол-ки, айна шу хотира унга Бэзил Холлуорднинг устахонасида кўққисдан ва ҳеч бир сабабу баҳонасиз унинг бутун ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб юборган мислсиз истагини айтишга мажбур қилгандир?

Мана бу зарҳал нақшлар тикилган қизил камзулдаги, устига бриллиантлар билан безатилган калта мантия ташлаб олган, тилла ҳошиялик брижа кийиб олган, енгларига ҳам талла ҳошия тутилган одам сэр Энтони Шерард бўлади. Унинг оёғи остига кумуш билан безатилган аслаҳа-анжоми уюб қўйилган. Хўш, ундан келажак авлодларига қандай мерос қолган? Эҳтимол, неаполитаниялик Жиованнага ўйнаш бўлган бу одамдан Дорианга аллақандай шармандали, беҳаё ишқ иллатлари ўтгандир? Эҳтимол, бу одам ҳаётлигида бунақа беҳаё

майллари аналга оширишга журъат қилмагандир ва унинг рўёбга чиқмай қолган хоҳишларининг ҳаммаси бугун Дорианнинг кирдикорларида намоён бўлаётгандир?

Ундан нарида аллақачон ўнга бошлаган сувратдан Дорианга леди Елизавета Девере жилмайиб турипти. Унинг бошида тўрдан тикилган бош кийим, устида жавоҳир қадалган корсаж, унинг енглари пуштиранг. Ўнг қўлида гул, чапида эса оқ ва қизил атиргуллар тасвири солинган эмал маржон. Ўнинг ёнидаги курсича устида мавдолина билан бир дона олма турипти, тумшуғи ўткир башмоқлари устига чиройли зангори гуллар қадалган. Бу аёлнинг ҳаёт йўли ва унинг ўйнашлари ҳақида оғиздан-оғизга кўчиб юрадиган ғаройиб ҳикоялардан Дориан хабардор эди. Бу аёлнинг савҳи табиатига хос аллақайси сифатлар ҳам Дорианга ўтиб қолмаганмикин? Аёлнинг вазмин қовоқли қийғоч кўзлари Дорианга қизиқиш билан тикилиб тургандай туюлар эди.

Хўш, Жорж Уиллоубидан — упа сепилган парик кийиб олган, юзларида ғаройиб холлари бор мана бу эркакдан Дорианга нима теккан? Юзи бирам совуқ, қорачадан келган, бадқовоқ, лаблари бағритош, маишатпараст одамникига ўхшайди. Унинг туришидан мутакаббирлиги, ҳамма нарсага беписанд жирканиш билан қараши сезилиб турипти. Сап-сарик қоқсуяк бармоқларида узуклар, енги устидан нафис тўр кашта қопланган. Ўн саккизинчи асрнинг бу олифтаси ёшлигива лорд Феррарснинг дўсти бўлган.

Иккинчи лорд Бикингем-чи? У шаҳзода — регентнинг қалин ошнаси бўлган, унинг ҳамма шўхликларида иштирок этган ва миссис Фицгерберт билан хуфия никоҳларда гувоҳлардан бири бўлиб қатнашган. Бу буғдойранг соҳибжамолнинг чехрасида нечоғлик виқор бор, унинг сиёҳидан нақадар беписанд мутакаббирлик уфуриб турипти! У ўз аждодига қанақа эқтиросларни мерос қолдирган бўлсайкин? Замондошлари уни номуссиз одам деб ҳисоблашар эди. У Карлтон-хауздаги машҳур маишат кечаларида ҳамма вақт биринчи сафларда бўларди. Кўкрагида ордени ярақлаб турипти...

Унинг ёнида — хотинининг суврати илиб қўйилган. Лаблари ингичка, рангпар, бошдан-оёқ қора кийинган. “Менинг томирларимда унинг ҳам қони бор, — деб ўйлади Дориан. — Буларнинг бари жуда ҳам ажойиб-а!”

Мана буниси эса онаси. Юзи леги Гамильтоннинг юзига ўхшайди. Лаблари эса гўё шаробга тўйингандай намхуш... Дориан онасидан нималарни мерос қилиб олганини яхши билади — онаси унга хуснини ва бошқаларнинг хуснига эҳтиросли ошиқликни мерос қолдирган. Онаси сувратдан унга жилмайиб қараб турипти. Рассом уни маишат худоси Вакхнинг муҳиб тарзида тасвирлаган — унинг сочларида узум барглари кўриниб турипти. Қўлида ушлаб турган қадахдан қип-қизил шароб тўкилмоқда. Сувратда юзининг ранглари анча кетиб қолган, лекин кўзлари кишини лол қолдирадиган теранлигини ҳамда равшанлигини сақлаб қолган. Дорианнинг назарида, у қайси томонда турмасин, онасининг нигоҳи ундан узилмас эди.

Аммо-лекин одамзоднинг авлод-аждодлари нафақат унинг уруғида бўлади — унинг авлодлари адабиётда ҳам бўлади. Бу адабий аждодлардан кўпгинаси сиёҳига ва савҳи табиатига кўра Дорианга яқинроқ туради деса ҳам бўлади. Уларнинг Дорианга таъсирлари ҳам, албатта, кучлироқ сезилади. Баъзи дақиқаларда Дориан Грейга шундай туюладики, бутун инсоният тарихи бор-ўғи Дориан ҳаётининг йилномаси, холос. Фақат турли-туман вазиятлар туфайли барпо бўлган чин ҳаётининг эмас, балки у миясининг талабларига тобелик билан, эҳтиросларининг чорловига бўйсунган ҳолда ҳаёлида яшаб ўтган ҳаётининг солномасидир. Жаҳон айвонида жавлон урган, гуноҳни шунчалар ёқимли ва жозибали қилган, ёвузликни шунчалар нозик бир нарсага айлантирган ғаройиб ва мудҳиш тимсолларнинг ҳам-маси Дорианга яқин ва тушунарли. Унинг назарида, бу тимсолларнинг ҳаёти алланечук сирли бир тарзда унинг ҳаёти билан чамбарчас боғланиб кетади.

Дорианга бу қадар катта таъсир кўрсатган ғоятда мароқли китобнинг қахрамони ҳам худди шунақа ҳаёлот оғушида маст эди. Еттинчи бобда у Тиберий либосига бурканган ҳолда, бошига

уни яшинлардан асрагувчи гултож кийиб, Капридаги боғда ўтиргани ва Элефантиданинг беҳаё китобларини мутолаа қилганини, унинг теварагида эса товуслар виқор билан юрганини, паканалар гирдикапалак бўлганини, найчи эса исириқ тутатадиган одамни мазаҳ қилиб ғашига текканини ҳикоя қилади. У Калигуда ҳам бўлди, отхоналарда яшил яхтак кийган чавандозлар билан ошначилик қилиб, пешанабандига бриллиант тақилган оти билан бирга фил суягидан ясалган охурдан тамадди ҳам қилди. У Домициан ҳам бўлди. Жилвирланган мрамор ётқизилган йўлакда сайр қилар экан, сўниқ бир нигоҳ билан уларда ханжарнинг аксини изларди. Худди шу ханжарга унинг ҳаётига хотима қўймоқ насиб этмоғи даркор эди. У сайр қилиб юрар экан, ҳаётига бирор марта ҳам азият чекмаган одамлар чалинадиган мудҳиш дардга йўлиққандай аламли кайфиятда бўларди. У циркда ўтирар экан, цирк майдонида содир бўлаётган қонли қирғинни зумрад рангли ҳарир парда орқали мароқланиб томоша қиларди, кейин эса дуру жавоҳирлар билан безатилган тахтиравонда оёқларига кумуш тақа қоқилган хачирлар елкасида анорзор ўртасидаги хиёбон орқали ўзининг Олтин қасрига қайтади. Қайтар экан, уни, яъни цезар Нерон шаънига лаънатлар ёғдираётган оломоннинг қайқириқлари орқасида қолиб кетади. У Гелиогабал ҳам бўлиб кўрган эди; Гелиогабал бўлиб, башарасини ҳар хил рангга бўяб, ип йигирувчи аёллар билан бир даврада ўтирган ва Карфагендан Ой илоҳасини олдириб келиб, уни Қуёшга никоҳлаб бермоқчи бўлган эди.

Дориан бу фантастик бобни ва унинг кетидан келадиган яна иккита бобни қайта-қайта ўқиди. Бу бобларда аллақандай лол қолдирадиган гўзал гиламларда ёхуд зўр маҳорат билан ишланган эмал сувратлардаги каби одамларнинг қиёфалари тасвирлаб берилган эди. Бу қиёфалар ҳам гўзал, ҳам мудҳиш эди, чунки уларни Тўқликка шўхлик, Бузуқлик, Қонсираш мудҳиш махлуққа ёхуд телба кимсаларга айлантириб қўйган эди. Уларнинг бири миланлик герцог Филиппо эди. У хотинини ўлдириб, лабларига қизил оғу суриб қўйган экан. Ўйнаши келиб, уни суйиб, ўпиб видолашганида унинг ўлик лабларидан ўлим

шарбатини ичсин деб шундай қилган экан. Мана венециялик Пьетро Барби. У Павел Иккинчи деган ном билан машҳур бўлган. Шу даражада шуҳратпараст бўлганки, ўзини "Формозус", яъни "Гўзал" деб атамоқларини талаб қилган ва бунга эришган ҳам. Унинг бошидаги тожи икки юз минг флорин экан ва бу маблағни қандайдир даҳшатли бир жинойт билан қўлга киритган экан. Бу — Жиан Мария Висконти. Одамларни итларга талатиб, шундан завқланар экан. У ўлганида, унинг ҳасмидаги сатанг жасадини атиргулларга кўмиб ташлапти. Оқ от минган Чезаре Боржиа — унинг ёнида сояли биродаркушлик эргашиб юради. Боржианинг устидаги ёпинғичида Перроттанинг қони. Ёш кординал, Флоренциянинг архиепископи, папа Сикет Тўртинчининг ўғли ва маҳрами ўта бузуқ бир кимса эди. Унинг бузуқлиги ҳусни таважжуҳига яраша эди. У Леонора Арагонская билан лимфалар ҳамда кентаврларнинг сувратлари ишланган оқ ва қирмизи шоқилардан ясалган чодирда ишрат қилар экан; зиёфатда Ганимед ёхуд Гилас сиймосида намоён бўлиши керак бўлган мулозимни бошдан-оёқ зарҳал ранг билан бўяшни буюрган экан. Эзелин деганларининг чеҳраси фақат ўлим манзарасини кўргандагина жиндай очилар экан. Бошқалар қизил шароб дардига йўлиққан бўлсалар, бу одам қон дардига чалинган экан. Ривоятларга қарганда, у шайтоннинг ўғли бўлган экан ва отаси билан ўзининг жонини тикиб ошиқ ўйнаб ўтириб, уни алдаб кетган экан. Жианбаттиста Чибо масқараомуз тарзда ўзини Бегуноҳ деб атаган экан. Яхудий табиблар унинг толиққан томирларига учта йигитнинг қонини қуйишган экан. Мана буниси — Изоттанинг ўйнаши ва Риминининг Олий ҳокими бўлган. У рўмолча билан Поликсенни бўғиб ўлдирган, Жиневред Эстега эса зумрад қадаҳда захар берган, шармандали эҳтирос муҳиблари учун маъжусий эҳром қуриб берган, у ерда насроний роҳиблари ибодатлар ўтказиб турган. Худонинг ва одамларнинг душмани бўлмиш бу кимсанинг тасвирини Римда гулханда ёндиришган эди. Бу сувратдаги Карл Олтинчи. У укасининг хотинини шу даражада эҳтирос билан яхши кўриб қолганки, бир мохов унга севги туфайли жинни бўлиб қолишини башорат қилиб айтган. Карлнинг ақли шикастлангандан кейин эса унга Муҳаббат, Ўлим ва Телбалик тасвирлари туширилган сарацин

қарталаригина тасалли берган. Ниҳоят, мана буниси — жуда башанг кийинган, қўнғироқ сочлари устига қўндирилган қалпоғи олмослар билан безатилган Грифонетто Бальони. У Асторре ва унинг қайлиқининг қотили, шунингдек, Симонетто ва унинг мулозимини ҳам ўлдирган. Бу кимса шу қадар соҳибжамол бўлганки, Перуджиядаги сариқ қасрда жон таслим қилаётганида хатто уни кўришга кўзи бўлмаган одамлар ҳам кўз ёшларини ҳам тиёлмай қолганлар, уни дуоибад қилган Аталанта эса унинг ҳақиға дуолар қила бошлаган.

Буларнинг ҳар бирида ўзига тортадиган аллақандай мудҳиш кудрат яширин эди. Улар кечалари Дорианнинг тушига кириб чиқар, кундузлари хаёлидан кетмай безовта қиларди. Уйғониш даврида заҳарлашнинг кўпгина ғаройиб усуллари мавжуд эди: бош кийими ёхуд ёниб турган машъала ёрдамида, кашта тикилган қўлқоп ёхуд қимматбаҳо елпуғич воситасида, заҳарланган мушк, хабдорилари ё қаҳрабон маржонлар орқали заҳарлар эдилар. Дориан Грей эса китоб билан заҳарланган эди. Ва баъзи дақиқаларда Ёвузлик унинг учун ўзи ҳаёт гўзаллиги деб ҳисобланган нарсани рўёбга чиқариш учун бир восита бўларди, холос.

ЎН ИККИНЧИ БОБ

Дориан кейинчалик бот-бот эслаб туради — бу воқеа тўққизинчи январь куни рўй берди. Эртасига Дорианнинг туғилган куни эди — у ўттиз саккиз ёшга тўлади.

Дориан соат ўн бирларда лорд Генриникидан уйига қайтаётган эди. У лорд Генриникида тушлик қилиб қолиб кетди. У бошигача пўстинга ўралган ҳолда пиёда қайтпти. Тун совуқ ва туманли эди. Гровенор-сквер билан Саус-Одли-стрит кесишган жойда унинг олдидан кимдир лип этиб ўтиб кетди. Унинг қўлида саквояжи бўлиб, жуда тез кетиб борарди. Кулранг пальтосининг ёқаси кўтариб қўйилган бўлса-да, Дориан уни таниди. У Бэзил Холлуорд эди. Аллақандай номаълум сабабга кўра Дорианнинг бутун вужудини қўрқув қамраб олди. У Бэзилни таниб қолганини билдирмай, ўз йўлида қадамини тезлатиб давом этаверди.

Бироқ Холлуорд ҳам уни пайқаб улгурган эди. Дориан унинг тўхтаганини, кейин унга етиб олмоқчи бўлиб, орқасидан эргашганини сизди. Бир дақиқадан сўнг у елкасида Бэзилнинг қўлини ҳис қилди.

— Дориан ! Сизмисиз? Буни қаранг-а! Мен сизни кутубхонангизда тўққиздан бери кутиб ўтирган эдим. Мулозимингизни ҳам роса толиқтирдим, шекилли, ниҳоят, унга раҳмим келиб кетди-да, мени уйдан чиқариб юбориб, ётиб ухлашни буюрдим. Сизни кутганимнинг боиси шуки, бугун ўн иккидаги поезд билан Парижга жўнаб кетяпман. Кетишимдан аввал сиз билан гаплашиб оладиган бир-икки оғиз гапим бор эди. Сиз ёнимдан ўтиб кетганингизда мен сизни танидим. Тўғрироғи, пўстинингизни таниб қолдим, бироқ шундоқ бўлса-да, яна иккиландим... Сиз-чи? Сиз мени танимадингизми?

—Туманни қаранг, азизим Бэзил. Шундоқ туманда бировни

таниб бўларкан-ми? Уйимга яқинлашиб ҳолган бўлсам керак деб ўйлаяпман, лекин бунга тўла ишончим йўқ... Кетаётган бўлсангиз, кўп афсус. Сизни анчадан бери кўрганим йўқ эди. Дарров қайтарсиз, дейман? .

— Йўқ. Хорижда олти ойча бўламан. Парижда бирорта устахонани ижарага олиб, унга қамалиб олмоқчиман. Бир катта ишни ўйлаб қўйганман — шуни тугатмагунча, устахонадан чиқмайман. Ҳа-я, мен сиз билан ўз ишларимдан гаплашмоқчи эмас эдим. Мана, сизнинг эшигингизга ҳам келиб қолибмиз. Ижозат берсангиз, бир дақиқага кирсам...

— Марҳамат, бошим осмонга етади. Поездингизга кечикиб қолмасмикинсиз? — деб беписандгина луқма ташлади Дориан Грей, зинадан кўтарилиб, ўзининг калити билан эшикни очар экан.

Туман орасидан тушиб турган фонусниқр хира ёруғида Холлуорд соатига қаради.

— Ҳали вақтим бемалол экан, — деди у. — Поезд ўн иккидан чорак ўтганда жўнаб кетади. Ҳозир эса энди ўн бир бўлипти. Биз учрашганда мен барибир, клўбга кетаётган эдим. Сизни ўша ердан топиш ниятида эдим. Қўлимда юк бўладиган ҳеч вақо йўқ, оғир юкларнинг ҳаммасини аввалдан жўнатиб юборганман. Қўлимда фақат манави саквояж қолган. Виктория вокзалига эса йигирма минутда етиб оламан.

Дориан унга жилмайиб қаради.

— Машҳур рассом шу тарзда саёҳат қиларкан-да! Қўлида саквояж-у, устида юпун бир пальто! Қани, тезроқ кира қолинг, бўлмаса, туман уйнинг ичига ҳам кириб олади. Лекин, марҳамат қилиб, жиддий гаплардан гапирманг. Бизнинг давримизда ҳеч қанақа жиддий воқеа рўй бермайди. Ҳар ҳолда рўй бермаслиги керак.

Холлуорд фақат бош чайқаб қўя қолди ва Дорианнинг кетидан кутубхонага кирди. Каттакон каминда олов ловиллаб ёниб турипти, чироқлар ёқилган, нақшинкор столча устида эса кумуш патнисда ичимликлар, содали сув қўйилган идиш ва биллур

қадақлар турипти.

— Ана, кўряпсизми, мулозимингиз мени ўз уйимдагидек ҳис қилмоғим учун роса ҳафсала қилди. У меҳмонга нимаики зарур бўлса, ҳаммасини олиб келди, шу жумладан, сизнинг энг яхши папиросларингиздан ҳам келтирди. Мулозимингиз жуда ҳам меҳмондўст экан, аввалги мулозимингизга қараганда буниси менга анча маъқул келди. Айтганча, қаерга ғойиб бўлди у?

Дориан елкасини қисди.

— Леди Рэдли деган оқсоч аёлга уйланиб, уни Парижга олиб кетди, шекилли. Бу аёл Парижда кийим тикадиган инглиз чевари сифатида тирикчилик қилаётган бўлса керак. Парижда ҳозир инглизпарастлик авжида дейишади. Жуда бемаъни русум-а, шундай эмасми? Виктор эса, сирасини айтганда, чакки мулозим эмас эди. Менинг ундан нолийдиган жойим йўқ. Унинг менга чин юракдан самимий садоқати бор эди. Унинг жавобини берганимда роса хафа бўлди-да, шўрлик. Лекин мен нима сабабдандир уни ёқтирмай қолдим... Биласизми, баъзан каллага аллақандай бемаъни фикр ўрнашиб олади... Яна жиндай содали бренди ичасизми? Ёки сиз сельтер суви солинган Рейн виносини афзал кўрасизми? Мен ҳамиша Рейн виносини ичаман. Ҳар қалай, қўшни хонада бирор шиша топилса керак.

— Ташаккур, мен ортиқ ҳеч нарса ичмайман, — деб жавоб берди рассом. У пальтоси билан шляпасини ечиб, саквояжининг устига ташлади, саквояжини эса хонанинг бурчагига қўйиб улгурган эди. — Менга қаранг, азизим Дориан, гурунгимиз анча жиддий бўлади. Марҳамат қилиб, қовоғингизни солманг. Бўлмаса, менинг гапиришим анча қийин бўлиб қолади.

— Хўш, нима гап экан? — деб хитоб қилди Дориан бетоқатланиб. У ялпайиб диванга ўтирди. — Гап менинг тўғримда бўлмаса керак, ҳойнаҳой? Бугун мен ўзимдан жуда толиқдим. Бошқа бирор кимсага айланиб қолсам, бажону дил рози бўлардим.

— Йўқ, гап айна сиз тўғрингизда бўлади, — деди Холлуорд қаҳрли оҳангда. — Бу жуда зарур. Мен бор-йўғи ярим соат

вақтингизни оламан. Сизни ортиқча банд қилмайман.

— Ярим соат! — дея минғирлади Дориан хўрсиниб ва папирос тутатди.

— Бу унча кўп эмас, Дориан. Бунинг устига масала сизнинг манфаатингизга тааллуқли. Менинг фикримча, Сизнинг тўғрингизда Лондонда бири-биридан ёмон гаплар юрганини билиб қўймоғингиз керак.

— Мен бу тўғрида ҳеч нарса билишни истамайман. Мен ўзгалар тўғрисидаги ғийбатларни эшитишни яхши кўраман, лекин ўзим тўғримдаги ғийбатлар мени қизиқтирмайди. Улар янгилик оҳоридан маҳрумдирлар.

— Улар сизни қизиқтирмоғи керак, Дориан. Ҳар бир покиза одам ўзининг обрў-эътиборини қадрламоғи керак. Ахир, одамлар сизни бузуқ ва виждонсиз деб ҳисоблашларини истамайсиз-ку! Албатта, сиз жамиятда юксак мавқега эгасиз, давлатингиз катта ва ҳоказолар.. Бироқ бойлик билан юксак мартаба ҳали ҳамма нарсани ҳал қилмайди. Сиз билиб қўйингки, мен бу ғийбатларнинг биронтасига ишонмайман. Ҳар ҳолда, сизга қараб турар эканман, уларга ишона олмайман. Нега десангиз, бузуқлик ҳамиша одамнинг қиёфасида ўзининг муҳрини қолдиради. Уни яшириб бўлмайди. Бизнинг доираларимизда “яширин“ иллатлар ҳақида гапиришади. Лекин иллатларнинг яширини ёхуд махфийси бўлмайди. Уларнинг муҳри лабларнинг чизиқларида, оғирлашиб қолган қовоқларда ва ҳатто панжаларнинг шакли-шамойилида ҳам сезилади. Ўтган йили бир одам менинг ҳузуримга келиб ўзининг сувратини буюрмоқчи бўлди. Сиз уни танийсиз, номини айтиб ўтирмайман. У пайтларга қадар уни ҳеч учратмаган эдим, унинг тўғрисида менга ҳеч нарса маълум эмас эди. Унинг тўғрисидаги гап-сўзлар кейинчалик қулоғимга етиб келди. Суврат учун у менга жуда катта пул ваъда қилди, лекин мен унинг сувратини ишлашдан бош тортдим, чунки бармоқларининг шаклида алланимабало сира дидимга ўтиришмади. Мана, эндиликда менга аён бўлиб турипти — ўшанда сезгим алдамаган экан — бу жанобнинг ҳаёт йўли бениҳоя даҳшатли экан. Лекин сиз, Дориан, бутунлай

бошқа гапсиз... Сизнинг чеҳрангизда нур бор, у самимий ва номусли. Сизнинг навқирон ҳаётингизга ҳеч қандай доғ тушмаган, тоза, пок. Буларнинг бари сиз тўғрингизда юрган ёмон гап-сўзлар бўҳтондан бошқа нарса эмаслигига кафолат беради. Шунинг учун ҳам мен бу ифволарга ишонмайман. Лекин эндиликда мен сизни камдан-кам кўрадиган бўлиб қолдим, сиз менинг устахонамга бутунлай қадам ранжида қилмай қўйдингиз. Сиз мендан жуда узоқлашиб кетганингиз учун сизнинг тўғрингизда оғиздан-оғизга ўтиб юрган қабоҳатларни эшитсам, саросимага тушиб қоламан, уларга нима деб жавоб беришни билмай гаранг бўламан. Сиз менга бир нарсани тушунтириб беринг, Дориан. Нима учун герцог Бервикдай одам клубда сизга рўпара келиб қолганида, сиз хонага киришингиз биланоқ у ердан чиқиб кетади? Нима учун Лондондаги зодагонлар муҳитига мансуб муҳтарам одамлардан анча-мунчаси сизникига боришга бўйни ёр бермайди ва сизни ҳам ўзиникига таклиф қилмайди? Сиз лорд Стэйвли билан яқин дўст эдингиз. Ўтган ҳафтада мен у билан бир зиёфатда учрашиб қолдим... Даврадагилардан кимдир сизнинг номингизни тилга олиб қолди. Сиз миниатюраларингизни Дадлининг кўргазмаси учун бериб турган экансиз. Номингизни эшитиши биланоқ лорд Стэйвли энсаси қотиб, ижирғаниб жуда ёмон бир гапни айтди. Унинг айтишича, сиз, эҳтимол, санъатни жуда нозик биладиган одамдирсиз, лекин сизга ўхшаган одам билан биронта ҳам бокира қизни таништириб бўлмас эмиш, покдомон аёллар учун эса ҳатто сиз турган хонада туришнинг ўзи уят эмиш. Мен унга сиз билан дўст эканимни эслатдим-да, нега бундай деяётганининг боисини сўрадим. У бу гапларнинг боисини менга айтиб берди. Айтганда ҳам, ҳамманинг олдида баралла, рўйирост айтди. Буни эшитиб қанчалар даҳшатга тушганимни билсангиз эди! Нима учун сиз билан дўст бўлиш ёшларга ҳалокат келтиради? Анави шўрлик бола, яқинда ўз-ўзини ўлдирган гвардиячи сизнинг яқин дўстингиз бўлган эди-ку! Гарри Эштон билан ораларингдан қил ўтмас эди — унинг ҳам номига доғ тушди ва у Англияни тарк этишга мажбур бўлди... Нима учун Адриан Синглтон бу қадар тубанликка юз тутди? Лорд Кентнинг якка-ю ёлғиз ўғли- чи? Нима учун у йўлдан озди? Кеча мен унинг

отасини Сент-Жеймс-стритда учратиб қолдим! У шўрлик шармандалигу ғам-аламдан адои тамом бўлипти. Ёш герцог Пертский-чи? У қандай йўлга тушиб қолипти? Ўзини ҳурмат қиладиган қайси одам энди у билан ошначилик қилади?

— Бас қилинг, Бэзил! Билмаган нарсангизни гапирманг, — деб унинг гапини чўрт кесди Дориан Грей лабларини тишлаб. Гапининг оҳангида жуда теран бир нафрат сезилиб турарди. — Нима учун мен хонага кирсам, Бервик у ердан чиқиб кетишини сўрайсизми? Шунинг учунки, мен унинг тўғрисидаги ҳамма гапдан воқифман. Бинобарин, мен тўғримда унга нимадир номаълум бўлгани учун хонани тарк этмайди. Томирларида шунақа қон оқадиган одамнинг ҳаёти қандай қилиб тоза бўлиши мумкин? Сиз Генри Эштон билан ёш герцог Пертскийнинг юриш-туриши учун мени айбдор қилмоқчи бўляпсиз. Хўш, Эштоннинг иллатларини унга мен юқтирган эканманми ёки герцогни мен бузибманми? Агар Кентнинг бу тентак ўғли кўчадаги бир бузуқ аёлга уйланган экан, бунга менинг нима даҳлим бор? Адриан Синглтон векселга ошнасининг имзоси ўрнига қалбаки имзо қўйган бўлса, бу ҳам менинг айбим билан бўлганми? Нима, мен унинг орқасидан назорат қилиб юрмоғим керакми? Бизнинг Англиямизда ғийбатнинг бозори чаққон эканини яхши биламан. Ўртаҳол одамлар хурофотлари-ю ясама фазилатлари билан гердайишади, дастурхон атрофида ўтириб, ёрилиб кетгунча овқатланар эканлар, зодагонларнинг “бузуқликлари”ни элакдан ўтказишни яхши кўришади. Шу билан улар ўзларининг ҳам олий давралар билан борди-келдилари борлигини, ўзлари қоралаётган одамлар билан яқиндан ошна эканликларини кўз-кўз қилишга интилишади. Бизнинг мамлакатимизда бирор кимса ақл-заковати биланми ёки бошқа бирор фазилати биланми сал-пал оддинга ўтиб кетса бас, у дарров ғийбатчиларнинг ёвуз тилларида дoston бўлади. Ўзлари-чи? Ўша сохта фазилатларини кўз-кўз қилиб юрадиган олифталарнинг ўзлари қанақа? Уларнинг ҳаммасини оппоқ дейсизми? Азизим, биз мунофиқлар мамлакатада яшаётганимизни унутиб қўяпсиз.

— Эҳ, Дориан, гап бунда эмас! — деб қизишиб эътироз

билдирди Холлуорд. — Биламан, бизнинг Англиямизда ҳамма нарса кўнгилдагидек эмас. Бизнинг жамиятимиз ҳеч нарсага ярамайди. Шунинг учун ҳам сизнинг юксакда бўлмоғингизни хоҳламоқдаман. Сиз эса ҳозирча юксакда эмас экансиз. Биз одамлар тўғрисида уларнинг бошқаларга кўрсатадиган таъсирига қараб ҳукм юритишга ҳақлимиз. Сизнинг оғайнилариингиз эса, афтидан, номус, эзгулик ва покизалик ҳақидаги ҳар қандай тушунчаларини йўқотиб қўйишипти. Сиз уларга бетизгин лаззатга иштиёқ дардини юқтиргансиз. Шу туфайли улар жарлик тубига қулаганлар. Уларни жарлик қаърига туртиб юборган сизсиз! Ҳа, сиз уларни қулатгансиз. Бунинг устига яна гўё ҳеч нарса бўлмагандай жилмайганингизга ўлайми? Мен баъзи бир бундан бадтарроқ гапларни ҳам биламан. Сиз билан Гаррининг ораларингиздан қил ўтмайди. Лоакал шунинг учун унинг сингисининг номига доғ туширмаслик керак эди, унинг устидан ғийбат-у масхаралар қилишларига йўл қўймаслик зарур эди.

— Бас қилинг, Бэзил. Сиз жуда ҳам ҳаддингиздан ошиб кетдингиз.

— Мен ҳамма гапни айтмоғим даркор, сиз эса уларни тинглашга мажбурсиз. Ҳа, тинглашга мажбурсиз! Сиз леди Гвендолон билан танишгунингизга қадар ҳеч ким унинг тўғрисида бирон оғиз ёмон гап айтишга журъат қила олмасди. Унинг шаънига ҳеч қандай ғийбат соя ташлаган эмас. Энди-чи?.. Лондондаги лоакал биронта покдамон аёл у билан бирга Паркда сайр қилишга журъат қила оладими? Ҳатто унинг болаларига ҳам онаси билан бирга туришга рухсат беришмапти... Бу ҳали ҳолва. Сизнинг тўғрингизда гапириб юришган ёмон гапларнинг кети-охири йўқ. Масалан, одамлар сизни тонг чоғида писиб-биқиниб, энг расво ишратхоналарнинг биридан чиқиб келаётганингизни, кийимингизни ўзгартириб олиб, Лондоннинг энг пастқам жойларида санқиб юрганингизни кўришипти. Наҳотки, шулар рост бўлса? Наҳотки, шундай бўлиши мумкин бўлса? Мен бунақа миш-мишларни биринчи марта эшитганимда хохлаб кулиб юборган эдим. Лекин эндиликда мен бу гапларни кунда эшитяпман ва эшитган сари дақшатга тушяпман. Сизнинг

шаҳар ташқарисидаги уйингизда-чи? У ерда нималар бўляпти, ўзи? Дориан, сизнинг тўғрингизда қандай қабоқатларни гапиришаётганини билганингизда эди! Сиз эқтимол, менга насиҳатгўйлик қилиб, ақл ўргатмай кўяқол дерсиз. Майли, шундай десангиз ҳам розиман. Бир гал Гарри билан айтган гап ҳамон эсимда: бошқаларга насиҳат қилишни яхши кўрадиган ҳар бир одам биринчи ва охириги марта насиҳат қилаётганини айтиб, иккинчи бундай қилмасликка ваъда беришдан бошлайди, кейин эса узлуксиз равишда ваъдасини бузиб бораверади. Ҳа, мен сизга дашном бермоқчиман. Мен сизнинг покиза ҳаёт кечирмоғингизни истайман, токи одамлар бунинг учун сизни ҳурмат қилишсин. Сизнинг номусингизга сира-сира доғ тушишини истамайман. Обру-эътиборингиз ҳамиша юқори бўлсин дейман. Ҳар қанақа қаланғи-қасанғилар билан ошначилик қилишни йиғиштиринг. Елкангизни қисмай кўяқолинг. Ўзингизни лоқайдликка солманг. Сиз одамларга таъсир кўрсатиш қобилиятига эгасиз. Шундоқ экан, бу таъсиригиз уларни ёмон йўлларга бошламасин, ҳамиша хайрли, яхши таъсир кўрсатинг. Сизнинг тўғрингизда яна шундай дейишадик, кимга яқин юрсангиз, уни, албатта, бузуқлик йўлига бошлар эмишсиз, кимнинг уйига кирсангиз, шу уйга шармандалик ёғилар эмиш. Билмадим, бу гаплар ростми-ёлғонми? Буларнинг чинми-ёлғон эканини мен қаёқдан ҳам била оламан? Лекин сиз тўғрингизда шунақа гаплар юрипти. Эшитган гапларимнинг баъзи бирларига эса ишонмасдан иложим йўқ. Лорд Глостер менинг эски дўстим. Биз у билан бирга Оксфордда ўқиганимизда жуда қадрдон эдик. У менга битта мактуб кўрсатди. Уни Глостернинг хотини Ментондаги қасрида узилай-узилай деб ётганида, ўлими олдидан ёзиб юборган экан. Бу мактуб шунақа даҳшатли иқрорнома эдики, умрим бино бўлиб бунақасини ҳеч қачон эшитган эмас эдим. Шу аёл ҳам сизни айблапти. Мен Глостерга буларнинг бари бўлмағур гап, дедим. Сизни яхши билишимни айтдим ва бунақа қабих ишлар бу одамнинг кўлидан келмайди деб уқтирдим. Кейин ўйланиб қолдим — мен чиндан ҳам сизни биламанми? Мен бу саволни ўз-ўзимга қайта-қайта бера бошладим. Бироқ, унга жавоб бермоқ учун мен сизнинг қалбингизни кўрмоғим керак.

— Менинг қалбимни кўрмоғингиз керак, — деб такрорлади паст овозда Дориан Грей ва кўрқувдан ранги оқариб дивандан турди.

— Ҳа, — деди Холлуорд. Унинг овозида теран бир маъюслик бор эди. — Сизнинг қалбингизни кўрмоғим керак. Бироқ бу иш якка-ю ёлғиз Парвардигорнинг қўлидан келади, холос.

Дорианнинг ичидан кўққисдан аламли қаҳқаҳа ёпирилиб келди.

— Сиз ҳам кўра оласиз. Шу бугуноқ сиз уни ўз кўзингиз билан кўраоласиз! — деб қичқирди ва у стол устидаги чироқни даст кўтариб деди: — Қани, юринг. Ахир, бу ишнинг ижодкори ўзингиз-ку! Шундоқ бўлгач, нечук уни ўзингиз кўрмаслигингиз керак? Кўринг-да, кейин истасангиз бу гапни бутун дунёга тарқатинг. Лекин сизга қеч ким ишонмайди. Мабодо, ишонган тақдирдарида ҳам менга янада кўпроқ қойил бўлишади, холос. Сиз асримиз тўғрисида жуда кўп сафсата сўқсангиз-да, мен уни сиздан кўра яхшироқ биламан. Қани, юринг! Маънавий бузилиш ҳақида мулоҳаза юритиш етар! Ҳозир сиз бунинг нима эканини ўз кўзингиз билан кўрасиз.

Унинг ҳар бир сўзида аллақандай ваҳший бир ифтихор оҳанги эшитиларди. У худди болалар янглиғ инжиқлик билан депсинди. Эндиликда унинг мудҳиш сирининг юки яна бошқа бир одамнинг елкасига тушади деган фикр унинг вужудини аллақандай ваҳшиёна қувончга тўлдирмоқда эди. Рост-да! Шу сувратни ишлаган, унинг жамики иллатлари ва шармандалигига сабаб бўлган одам ҳам бу дардни бирга чексин-да! Бундан буён бу одамни ҳам бутун ҳаёти давомида қилиб қўйган кирдикори ҳақидаги ярамас хотиралар қийнасин-да!

— Ҳа, — деди у Холлуордга яқинроқ бориб унинг қаҳрли кўзларига тикилиб қарар экан, — мен сизга ўзимнинг қалбимни кўрсатаман. Сизнинг фикрингизча фақат Парвардигоргина кўриши мумкин бўлган нарсани сиз ҳам кўрасиз.

Холлуорд сесканиб кетди.

— Шаккоклик қилманг, Дориан. Қўйинг, бунақа гапларни гапирманг. Жуда бемаъни ва даҳшатли гаплар-а!

— Шундай деб ўйлайсизми? — деб Дориан яна кулиб юборди.

— Албатта-да! Бугун мен сизга нимаики деган бўлсам, буларнинг барини сизнинг манфаатингизни ўйлаб гапирдим. Яхши биласиз-ку, мен сизнинг содиқ дўстингизман!

— Менга тегманг! Гапингиз чала қолмасин, ҳаммасини айтиб қолинг.

Рассомнинг юзида ички бир дарднинг шарпаси зуҳур этди. Бир дақиқа у бутун вужуди билан ўткир ҳамдардлик туйғуси оғушида индамай тек туриб қолди. Аслини суриштирганда у Дориан Грейнинг ҳаётига бурнини тикишга ҳаққи бормиди? Агар Дориан миш-мишларда айтилган гуноҳлардан ўндан бирини қилган тақдирда ҳам у шўрлик роса изтироб чекаётган бўлмоғи керак.

Холлуорд каминнинг олдига бориб, гуриллаб ёнаётган тарашаларга тикилиб туриб қолди. Аланга тиллари қировдай оппоқ кул орасида чаппар урарди.

— Мен кутяпман, Бэзил, — деди Дориан сўзларни чертиб-чертиб.

Рассом унга ўгирилди.

— Менинг сизга айтадиган битта гапим қолди, холос. Сиз менинг саволимга жавоб бермоғингиз керак. Агар сиз мана шу даҳшатли айбловларнинг ҳаммаси бошдан-оёқ бўҳтон десангиз, мен гапингизга ишонаман. Айтинг шу гапни, Дориан. Наҳотки, менинг қийналиб кетганимни кўрмаётган бўлсангиз? Эй, худойим- эй! Мен сизни ярамас, бузуқ, тамом бўлган одам деб ҳисоблашни истамайман.

Дориан Грей нафратомуз жилмайди.

— Мен билан юқорига чиқинг, Бэзил, — деди у хотиржам оҳангда. — Мен кундалик тутаман. Унда ҳаётимнинг ҳар бир

куни акс этган. Бироқ мен бу кундаликни уни ёзадиган хонадан бошқа ҳеч қаёққа олиб чиққан эмасман. Агар сиз мен билан бирга юрсангиз, кундаликни сизга кўрсатаман.

— Майли, бўлмаса, Дориан, сиз шуни истасангиз, борақолай. Мен аллақачон поездга кечикиб бўлдим. Майли, ҳечқиси йўқ. Эртага жўнарман. Лекин мени кундалигингизни бугун ўқишга мажбур қилманг. Менга саволимга рўй-рост жавоб берсангиз кифоя.

— Жавобни юқорида оласиз. Бу ерда жавоб беришнинг имкони йўқ. Кундаликни ўқишга кўп вақтингиз кетмайди ҳам.

ЎН УЧИНЧИ БОБ

Дориан хонадан чиқиб зинадан кўтарила бошлади. Бэзил Холлуорд эса унинг орқасидан борарди. Одамлар ҳамиша кечаси ғайришуурий тарзда шарпаларини сездирмаслик учун оҳиста юрганлари каби, улар эҳтиёткорлик билан одимлашарди. Деворлар ва зиналар устида чироғ шуъласи ғаройиб тарзда жилваланади. Шамол эпкинида аллақайси дераза зириллаб кетди.

Юқоридаги майдончада Дориан чироқни ерга қўйди ва чўнтагидан калитни олиб, уни эшик қулфига солди.

— Шундай қилиб, сиз ҳақиқатнинг тагига етмоқчимисиз, Бэзил? — деб сўради у овозини пасайтириб.

— Ҳа.

— Жуда соз, — Дориан жилмайди ва бошқа дағалроқ оҳангда илова қилди: — Сиз менинг тўғримдаги бор ҳақиқатни тўла-тўқис билишга ҳақли ягона одамсиз. Сиз менинг ҳаётимда нечоғлик катта роль ўйнаганингизни хаёлингизга ҳам келтиролмайсиз, Бэзил.

Дориан чироқни кўтарди ва эшикни очиб, хонага кирди. Хона ичидан салқин ҳаво юзларига урилди, ҳаво оқимиға дуч келган чироғ шуъласи ҳам липиллаб, бир лаҳза қуюқ жигарранг тусга киргандай бўлди. Дориан дағ-дағ қалтирар эди.

— Эшикни ёпинг! — деб шивирлади у Холлуордга чироқни стол устига қўяр экан.

Холлуорд саросима ичида хонани кўздан кечирди. Кўп йиллардан бери бу ерда ҳеч ким истиқомат қилмагани шундоққина кўриниб турарди. Унғиб кетган фламанд гобелени, устига парда ташлаб қўйилган аллақандай расм, эски итальян сандиғи, ичида деярлик ҳеч вақоси йўқ китоб жавони, яна стол-у стул — хонанинг бор-йўқ жиҳози шулардан иборат эди. Дориан камин пештахтасидаги бир бўлак шамни ёқар экан, Холлуорд бу ердаги ҳамма нарса қалин чанг билан қопланганини, гилам эса илма-тешик эканини пайқаб улгурди. Девор тагидан бир сичқон югуриб ўтди. Хонанинг ичидан моғор ҳиди келарди.

— Демак, Бэзил, сизнинг ўйлашингизча, ёлғиз Парвардигоргина инсон қалбини кўра олади? Қани, манави пардани олинг. Сиз менинг қалбимни кўрасиз.

Унинг овозида совуқ алам бор эди.

— Ақлингиздан озиб қолибсиз, Дориан! Бу қандай масхарабозлик, — деб тўнғиллади Холлуорд қовоғини солиб.

— Истамайсизми? Ундай бўлса, пардани ўзим олақоламан. — Дориан сувратни яшириб турган пардани тортқилаб олди-да, ерга улоқтирди.

Даҳшатга тушган рассомнинг бўғзидан фарёд садоси янгради. Гира-шира зулмат ичида у даҳшатли бир башарани кўрди. Сувратдаги бу бадбашара чехра унга қараб истехзо билан кулиб турарди. Бу башаранинг ифодасида юракларни дарғазаб қилувчи, уларни жиркантирадиган алланарса бор эди. О, самовий қудрат! Бу, ахир, Дорианнинг башараси-ку! Ўзгаришлар ҳар қанча мудҳиш бўлмасин, улар Дорианнинг ажиб хуснини бутунлай йўқ қилиб улгуришмаган эди. Сийраклашган малла сочи ҳамон зарҳаллангандай жилоланади, шаҳватталаб лаблари

хамон қип-қизил. Сузук кўзлар ҳали ҳам ўзларининг мафтункор мовийлигини сақлаб қолган, бежирим бурни ва келишган бўйни хамон латофатини йўқотган эмас... Ҳа, бу — Дориан. Аммо унинг сувратини бу аҳволда ким ишладийкин?

Бэзил Холлуорд ўзининг ишини таниб тургандай эди — ҳа, рамкаси ҳам ўша, унинг буюртмаси билан ишланган. Лекин бунинг ҳеч қайсисига рассомнинг ақли бовар қилмайди, унинг бутун вужудини қўрқув қамраб олди. Ёниб турган шамни кўтариб, сувратга яқинлаштирди. Унинг чап бурчагида Холлуорднинг қизил ҳарфлар билан ёзилган узун имзоси турар эди.

Бироқ бу портрет — разил бир карикатура, қабиҳлик, виждонсизларча масхаралашдан ўзга нарса эмас. Холлуорд ҳеч қачон, ҳа, ҳеч қачон бунақа суврат ишлаган эмас...

Лекин ҳар нима деганида ҳам унинг қаршисида ўша ўзи ишлаган суврат турипти. У ишлаган сувратини таниди ва шу заҳотиёқ унинг томиридаги қонлари музлаб қолганини ҳис қилди. У ишлаган суврат! Бу қандоқ бўлди? Нега суврат бу даражада даҳшатли ўзгариб кетди?

Холлуорд Дорианга ўгирилиб, унга телбаларча қараб қолди. Унинг лаблари қалтирар, қуруқшаб қолган тили айланмас ва лом-мим деб гапиролмай қолган эди. У қўли билан пешонасини ушлаб кўрди — пешонаси ёпишқоқ тердан нам эди.

Дориан эса камин пештахтасига суянганича Холлуордни кузатиб турипти. Унинг нигоҳи синчков. Одатда, улуғ артистларнинг ўйинини берилиб томоша қилаётган одамларнинг нигоҳи шунақа бир нуқтага жамланган бўлади. Унинг башарасида на қайғу, на қувонч ифодаси зухур этарди — унда томошабиннинг синчков қизиқишигина муҳрланиб қолгандай эди. Агар бўлса, нигоҳида жиндайгина тантана учқуни кўриниб турарди. У ёқасига қадалган гулни олиб ҳидлади ёхуд ўзини ҳидлаётгандай бир кўйга солди.

— Ҳўш, нима бу ўзи? — деб хитоб қилди ниҳоят Холлуорд ва ўзининг овозини ўзи таниёлмай қолди — овози шу ҳадар кескин

ва ғалати эшитилди.

— Сиз билан биз кўп йиллар муқаддам учрашган эдик. Унда мен ҳали деярли бола эдим, — деди Дориан Грей қўлидаги гулни эзғилаб. — Ўшанда сиз роса кўнглимни олмоқчи бўлиб, теварагимда гирдикапалак бўлган эдингиз. Кейин сиз мени дўстингиз билан таништириб қўйдингиз ва у менга ёшликнинг нақадар буюк эканини, тенги йўқ тухфа эканини тушунтириб берди. Сиз менинг сувратимни ишладингиз, бу суврат менга гўзалликнинг буюк кучини очиб берди. Ўшанда бир дақиқага телба бўлгандек бўлдим-у, бир хоҳиш изҳор этдим... ёки, йўқ, истак эмас, бу — ибодат бўлган эди — ўшанда худодан бир тилак тилаган эдим. Мен ҳозирга қадар ҳам билмайман — бундан пушаймон бўлмоғим керакми — керак эмасми?

— Эсимда! О, мен бу воқеаларни жуда яхши эслайман! Бироқ... йўқ, йўқ, бунинг бўлиши мумкин эмас. Бу сизнинг хаёлотингиздан ўзга нарса эмас. Портрет зах хонада турипти. У моғорланиб кетганга ўхшайди. Ёки бўлмаса, мен ишлатган бўёқларда бирон-бир захарли минерал модда бўлган бўлиши мумкин. Ҳа, ҳа, шунаҳа! Сизнинг хаёлингизга ўрнашиб қолган нарсанинг бўлиши мумкин эмас.

— Наҳотки, дунёда бўлиши мумкин бўлмаган бирон нарса мавжуд бўлса? — деб минғирлади Дориан дераза олдига бориб, пешонасини муздек ойнага босар экан.

— Сиз менга портретни йўқ қилиб ташладим деган эдингиз-ку?

— Ёлғон айтгандим. Аксинча, у мени маҳв этди.

— Мен ишлаган суврат шундай эканига сира ишоналмайман.

— Наҳотки, сиз унда ўз аъмолингизни кўрмаётган бўлсангиз? — деб сўради Дориан алам билан.

— Сиз айтгандай менинг аъмолим...

— Йўқ, сиз мени шундай деб атаган эдингиз.

— Хўш, нима бўпти? Шундай деган бўлсам, бунинг нимаси

ёмон? Мен бу гапимга хижолат чекмайман. Мен сизда аъмолимни кўрган эдим. Буни ҳаётда бошқа ҳеч қачон учрата олмайман. Ҳозирги сувратдаги башара эса — дажжолнинг башараси...

— Бу менинг қалбимнинг башараси.

— Ё Парвардигор, мен нимага сиғинган эканман-а? Унинг кўзлари иблиснинг кўзлари-ку!..

— Бизнинг ҳар қайсимиз ўз жисмимизда ҳам дўзах, ҳам самони олиб юрамиз, Бэзил! —деб хитоб қилди Дориан ночорликдан жазавага тушиб.

Холлуорд яна сувратга ўгирилди ва унга узоқ тикилиб қолди.

— Сиз ўз ҳаётингизни расвои жаҳон қилиб бўлган экансиз-ку! Ё тангрим, агар булар ҳақиқат бўлса, сиз душманларингиз ўйлагандан кўра ҳам беш баттар бўлсангиз керак.

У шамни тутиб, портретни диққат билан кўздан кечира бошлади. Зоҳиран қараганда расмга ҳеч ким қўл теккизган эмас, рассомнинг қўлидан қандай чиққан бўлса, шундайлигича турипти. Афтидан, уни ичидан бир нарса бузганга ўхшайди. Портрет кўзлардан яширин, аллақандай нотабий бир тарзда ҳаёт кечирган бўлса керак. Шу ҳаёт таъсирида бузуқлик микроблари уни аста-секин кемириб расво қилган. Бу зах қабрда тананинг чиришидан даҳшатлироқ эди.

Холлуорднинг қўли қалтиради. Шам шамдондан тушиб кетиб, ерда ётган жойида чирсиллаб ёна бошлади. У пошнаси билан эзгилаб шамни ўчирди ва стол ёнида турган шалоғи чиққан стулга ўтириб, қўллари билан юзини тўсиб олди.

— Дориан, Дориан! Қандай сабоқ-а! Қандай даҳшатли сабоқ!

Жавоб бўлмади, дераза олдидан фақат хўнграб йиғлаган овоз келди, холос.

— Ибодат ҳилинг, Дориан, ибодат қилинг! Болалигимизда бизга ўргатишган бир ибодатлари бор эди-ку? “Васваса солма юрагимизга... Барча гуноҳларимизни ўзинг кечир... Ёмонлиғ

балосвдан бизни фориғ эт...“ Келинг, бирга ибодат қилайлик. Бир замонлар кибру ҳаво билан қилган ибодатингиз Яратганнинг қулоғига етиб борган экан. Тавба-тазарру ибодати ҳам етиб боради. Мен сизни ҳаддан ташқари илоҳийлаштириб юборган эканман — шунинг учун, мана, таъзимимни еяпман. Сиз ҳам ўзингизга ҳаддан зиёд бино қўйган эдингиз. Икковимиз ҳам жазомизни олдик.

Дориан аста Холлуордга ўгирилди ва ёш тўла кўзлари билан унга термулди.

— Ибодатнинг фурсати ўтди, Бэзил, — деди у қийналиб.

— Йўх, ибодатнинг кечи бўлмайди, Дориан. Қани, тиз чўкайлик-да, бирон ибодатнинг сўзларини эслашга ҳаракат қилиб кўрайлик. Муқаддас китобнинг бир жойида шунақа гаплар бор эди, шекилли: “Гарчи сизларнинг гуноҳларингиз қондай қизил бўлса-да, мен уларни қордай оқартираман“.

— Энди булар мен учун қуруқ сўзлардан ўзга нарса эмас.

— Жим бўлинг, бунақа гапларни гапирманг! Бу гапларсиз ҳам сиз ҳаётда етарли даражада гуноҳларни қилиб қўйибсиз. Ё Парвардигор, наҳотки сиз малъун сувратнинг бизга қараб кўз қисаётганини кўрмаётган бўлсангиз?

Дориан портретга қаради, қаради-ю, тўсатдан унда Бэзил Холлуордга қарши енгиб бўлмайдиган бир ғазаб уйғонди, гўё буни сувратдаги Дориан бу Дорианнинг кўнглига солган, гўё истехзоли лаблари билан унинг қулоғига шивирлаб айтгандай эди. Унда қутурган ваҳший ҳайвонникига ўхшаб бир ғазаб уйғонди. Шу дақиқада у стол ёнида ўтирган одамдан шундай нафратланиб кетдики, умрида ҳеч қачон ҳеч кимдан бунақа нафратланган эмас эди.

У аланг-жалаңг нигоҳ билан хонани кўздан кечирди. Шу ўртада турган сандиқнинг бўялган қопқоғи устида бир нарса ялтираб, унинг эътиборини ўзига тортди. У дарҳол бунинг пичоҳ эканини фаҳмлади — пичокни бир неча кун аввал бу ерга арқонни кесмоқ учун Дорианнинг ўзи олиб келган эди. Кейин эсидан чиқиб, шу ерда қолиб кетипти.

Столни айланиб ўтиб Дориан аста сандиқ томонга йўналди. Холлуорднинг орқа томонига ўтгач, у пичоқни чангаллаб, ўгирилди. Холлуорд гўё ўрнидан тураётгандай ҳаракат қилди. Худди шу дақиқада Дориан бир сакраб унинг ёнига келди-да, пичоқни унинг қулоғи ортидаги йўғон томирига санчди, кейин Безилнинг бошини стол устига босиб олиб, унга кетма-кет пичоқ санча бошлади.

Бўғиқ инграш товуши эшитилди. Қони бўғзига тиқилган одамнинг даҳшатли хириллаши бошланди. Олдинга узатилган қўллар акашак бўлиб уч марта юқорига кўтарилиб тушди, қисиб олинган бармоқлар ҳавода ғалати ҳаракатлар қилди. Дориан яна икки марта пичоқ урди... Холлуорд ортиқ қимирламай қолган эди. Нимадир полга томчиларди. Дориан мурданинг бошини стол устига босиб турган ҳолда яна бир дақиқа кутди. Кейин пичоқни ташлаб, атрофига қулоқ солди.

Ҳеч қаерда тиқир этган товуш эшитилмайди, фақатгина артилган гилам устига томаётган томчиларнинг чакиллаши эшитиларди. Дориан эшикни очиб, майдончага чиқди. Бутун уй оғир сукунатга чўмган эди. Афтидан, ҳамма ухлаб ётипти. Бир неча дақиқа у панжара устидан эгилганича, пастга қараб, зулмат ичида бирор нарсанинг қорасини ажратиб олишга интилди. Кейин қулфдан калитни олди-да, хонага кириб, эшикни ичидан беркитиб олди.

Мурда ҳамон букилганича ўтирипти, унинг боши ҳамон стол устида ётипти, ғайритабий чўзилган қўллари ҳаддан ташқари узун кўринади. Агар бўйнидаги қонга ботган яраси ва стол устига тўпланиб қолган қон бўлмаса, бу одамни ўтирган жойида ухлаб қолган деб ўйлаш мумкин эди.

Бунинг ҳаммаси нечоғлик тез содир бўлди-я! Дориан ғаройиб бир тарзда хотиржам эди. У деразани очиб балконга чиқди. Шамол туманни тарқатиб юборипти, осмон беҳисоб тилла кўзлар билан безатилган баҳайбат товус думига ўхшарди. Пастда, кўчада Дориан полисменни кўрди. У фонуснинг узун нуруни уйқуда ётган уйларнинг эшикларига йўналтириб, ўз тасарруфидаги жойларни айланиб чиқмоқда эди. Муюлишда

Ўтиб кетаётган извошнинг қизил чироғи лип этиб кўринди-ю, ғойиб бўлди. Аллақандай аёл енгил чайқалганича хиёбон панжаралари ёнидан оҳиста кетиб боряпти, шабада унинг елкасига ташлаб олган шол рўмолини ҳилпиратиб ўйнамоқда. Ўқтин-ўқтин аёл тўхтади, теварак-атрофига аланглайди, ҳатто бир марта хириллаган овозда қай бир қўшиқни ҳиргойи қила бошлади. Шунда полисмен унинг ёнига бориб бир нималар деди. Аёл кулиб юборди-да, оёқлари чалиша-чалиша йўлида давом этди.

Қаттиқ шамол турди. Майдондаги газ фонусларининг мовий тилли алангалари липиллади, яланғоч дарахтларнинг чўянга ўхшаш қоп-қора булоқлари чайқалди. Дориан совуқдан жунжикиб, балкондан хонага кирди ва деразани ёпди. У зинага олиб чиқадиган эшик олдига келиб уни очди. Мурдага қайрилиб қарамади ҳам. У ғайришуурий тарзда англадики, энди рўй берган воқеа тўғрисида ўйламаслиги керак. Машъум сувратни ишлаган, унинг бошига тушган ҳамма мусибатларнинг сабабкори бўлган дўсти унинг ҳаётини тарк этди. Тамом-вассалом.

Хонадан чиқар экан, Дориан чироқни эслади. Чироқ Мавританияда ясалган анча ноёб буюм эди. Моҳир заргар уни кумушдан ишлаган, зўр Исфахон пўлатидан арабий мавзуларда нақшлар чеккан, йирик-йирик феруза тошларидан зеб берган эди. Шундай буюм кутубхонадан ғойиб бўлиб қолса, буни хизматкор сезмай қолиши мумкин эмас эди. Албатта, ортиқча саволлар, ножоиз суриштиришлар бошланарди... Дориан нима қиларини билмай бир лаҳза тўхтаб қолди-да, кейин орқасига қайтиб, стол устидан чироғини олди. Чироқни олатуриб, беихтиёр мурдага қаради. Мурда турган жойида қимир этмай турипти. Унинг узундан-узун қонсиз қўллари нақадар кўрқинчли! Дориан паноптикумга қўйиладиган мудҳиш мум сиймоларни эслади.

Хонадан чиққач, Дориан эшикни қулфлади ва биқиниб пастга туша бошлади. Зиналар ўқтин-ўқтин унинг қадамлари остида оғриқдан инграгандай ғижирлаб кўярди. Бундай ҳолларда у турган жойида донг қотиб қоларди ва бир муддат кутарди. Йўқ, уйда хотиржамлик ҳукм сурмоқда, бу унинг қадамларининг овози, холос...

У кутубхонага кирганида бир бурчакда ётган саквояж билан унинг устидаги пальтога кўзи тушди. Уларни бирор жойга яшириб қўйиш керак эди. У деворга қурилган яширин жавонни очди. Унинг ичида Дориан тунги саргузаштлари вақтида кийиб оладиган либоси ётарди. Дориан Бэзилнинг буюмларини ҳам шу ерга яшириб қўйди. Яширар экан, кейинчалик уларни ёқиб юборса бўлади деган фикр хаёлидан ўтди. Кейин соатига қаради. Бирдан қирқ минут ўтган эди.

У ўтириб ўйлай бошлади. Дориан ҳозиргина содир этган жиноят учун Англияда ҳар йили, ҳар ойда лоақал битта жиноятчини дорга осишади. Ҳавога гўё қотиллик васвасаси сингиб кетгандай. Афтидан, бирон-бир қонсираган юлдуз ерга ҳаддан ташқари яқин келиб қолган кўринади...

Лекин сирасини айтганда, Дорианга қарши қанақа далиллар бор? Бэзил Холлуорд унинг уйдан соат ўн бирда чиқиб кетган. Дориан қачон уйга қайтганини ҳеч ким кўргани йўқ,

хизматкорларнинг деярлик ҳаммаси ҳозир Селбида, мулозими эса ухлаб ётипти...

Париж!.. Ҳа, ҳа, ҳамма Бэзилни соат ўн иккига поезд билан Парижга кетган деб ҳисоблайди. Унинг ўзининг нияти шунақа эди-да! У деярлик ҳеч кимга аралашмай ҳаёт кечирарди, ҳеч кимни яқинига йўлатмас эди, шунинг учун уни эсга олиб бошлагунларича ва бирон-бир шубҳа-гумонлар пайдо бўлганича ойлар ўтади. Ойлар-а! Изларини эса анча аввал йўқ қилиб ташлаш мумкин.

Қўққисдан унинг миясига янги фикр келди. У пўстини билан телпагини кийиб, даҳлизга чиқди. Бу ерда кўчадаги полисменнинг залворли қадам товушларига қулоқ солиб, унинг фонарининг деразага тушаётган шуълаларини томоша қилиб туриб қолди. У дамани ичига ютиб кутмоқда эди.

Бир неча минутдан кейин илгакни тушириб, астагина эшикни очди-да, ташқарига чиқди ва орқасидан товуш чиқармай эшикни ёпди. Кейин эшикни қоқа бошлади...

Беш дақиқадан кейин уйқусираган ва чала-чулпа кийинган хизматкор пайдо бўлди.

— Узр, Фрэнсис, сизни уйғотиб юбордим, — деди Дориан ичкарига кирар экан, — калитни уйда унутиб қолдирибман. Соат неча бўлди?

— Иккидан ўн дақиқа ўтди, сэр, — деб жавоб берди хизматкор кўзларини

қисиб соатга қарар экан.

— Иккидан ўтдимми? Роса кеч бўлиб қолипти-ку! Эртага мени тўққизда уй- ғотиб қўйинг, эрталаб ишим бор.

— Хўп бўлади, сэр,

— Кечқурун қеч ким келгани йўқми?

— Мистер Холлуорд келган эди, сэр. Сизни ўн биргача кутиб ўтирди, кейин кетди. У поездга ошиқиб турган экан.

— Шунақами? Келишимни кутмагани чакки бўлипти-да! У

менга бирон гапни айтиб қўйишни буюрмадими?

— Йўқ, сэр. Айтгани шу бўлдики, агар бугун кечқурун сизни клубда учрата олмаса, Париждан хат ёзиб юборар экан.

— Майли, Фрэнсис. Мени тўққизда уйғотиб қўйиш эсингиздан чиқмасин.

— Эсимдан чиқмайди, сэр.

Хизматкор тунда киядиган шиппагини шапиллатиб йўлакдан юриб кетди. Дориан пальтоси билан шляпасини курсининг устига ташлаб, кутубхонасига кириб кетди. Ўн беш минутлар чамаси у лабини тишлаб олган қўйи нималарнидир ўйлаб бурчакдан-бурчакка одимларди. Сўнг токчадан кўк китобни олиб варақлай бошлади. Ана, топди. «Алан Кэмпбел-Мэйфер, Хертфорд-стрит, 152». Ҳозир унга энг зарур одам шу эди.

ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

Эртаси куни эрталаб хизматкор соат тўққизда патнисда бир чашка шоколад кўтариб хобхонага кирди ва дарпардаларни кўтариб қўйди. Дориан осуда уйқуда эди. У ўнг қўлига бетини қўйиб, ёнбошлаб ётарди. Худди ўйнаб-ўйнаб чарчаган, машғулотлардан ҳориган боладай мириқиб ухламоқдайди.

Уни уйғотмоқ учун хизматкор икки марта елкасидан силкишга мажбур бўлди. Ниқоят, Дориан кўзларини очди ва аллақандай ёқимли бир туш оғушидан бутунлай фориғ бўлолмаётган одамдай енгил жилмайди. Лекин бугун кечаси у ҳеч қанақа туш кўргани йўқ эди. Ҳеч қанақа ёқимли ёки ғуссали хаёллар унинг уйқусини безовта қилгани йўқ. Жилмайганининг сабаби эса шунда эдики, ёшлик-беғамлик дегани. Ёшликнинг жамики латофати ҳам шунда.

Дориан ўгирилиб, тирсагига таяниб турди-да, хўплаб-хўплаб шоколадни ича бошлади. Деразадан майин ноябрь қуёши жилмайиб қараб турипти. Осмон тиниқ, ҳавода худди май ойида бўладиган ҳаётбахш илиқлик сезилади.

Аста-секин ўтган куннинг қонли воқеалари бутун даҳшати билан Дорианнинг миясида аниқ гавдалана бошлади. У бошидан кечганларнинг ҳаммасини дағ-дағ қалтираб эслай бошлади ва яна бир лаҳзага унинг кўнглида Бэзил Холлуордга нисбатан кечаги ақл бовар қилмайдиган, уни қўлига пичоқ олишга мажбур этган нафрат қайта уйғонди. У ҳатто дарғазаб бўлиб, вужуди муз қотди.

Ие, мурда ҳали ҳам юқорида-ку! Ҳозир-а, қуёш чарақлаб чиқиб турган бир пайтда-я! Бу даҳшат-ку! Бунақа мудҳиш манзарага тун зулматида бир амаллаб чидаш мумкиндир, лекин куппа-кундузи...

Дориан бу тўғрида ўйлайверса касал бўлиб қолишини ёхуд ақлдан озиши мумкинлигини ҳис қилди. Шундай гуноҳлар

борки, уларнинг ўзидан кўра уларни эслаш тотлироқ. Булар эҳтиросни қондириш билан бирга иззат-нафсингга, ғурурингга қанот бағишлайдиган ғалабалардир. Улар руҳингни бақувват қилади. Улар ҳеч қачон туйғуларингни бу қадар қондирган эмаслар ва бунга қодир ҳам эмаслар. Бироқ бу галги гуноҳ унақалардан эмас эди, уни имкон қадар тезроқ хотирадан ўчириб ташламоқ керак. Бу гуноҳ ҳақидаги хотира уни қилган одамни бўғиб ташлашга улгурмай, хотиранинг ўзини бўғиб ўлдирмоқ зарур. Соат тўққизга занг урди. Дориан кафти билан пешонасини сидириб, шоша-пиша тўшакдан турди. У ҳатто ҳар доимгидан кўра ҳафсала билан кийинди, жуда синчиклаб бўйинбоғ танлади, унга тўғнағич қадади, бир неча марта узукларини алмаштирди. Нонушта пайтида турли-туман таомлардан тотиниб, Селбида ҳамма мулозимлар учун буюртмоқни ният қилган либослари тўғрисида мулозими билан гаплашиб анча ўтирди. Почта эрталаб келтирилган қоғозларни кўздан кечирди. Бир неча мактубни ўқир экан, жилмайди. Учта мактуб уни ранжитди, биттасини эса энсаси қотиб, норози қиёфада бир неча марта қайтариб ўқиди ва кейин йиртиб ташлади. «Аёллар хотираси одамни гўрга тикадиган нарса-да!» деган лорд Генрининг сўзларини эслади у.

Кофе ичиб бўлгач, сочиқ билан шошмасдан оғзини артди, кейин хонадан чиқиб келаётган мулозимни имо билан тўхтатиб, ўзи ёзув столи ёнига ўтириб, иккита мактуб ёзди. Уларнинг бирини чўнтагига тиқиб, иккинчисини мулозимга берди.

— Буни Хертфорд-стритдаги юз эллик иккинчи уйга элтиб беринг, Фрэнсис. Агар мистер Кэмпбел Лондонда бўлмаса, унинг қаерда эканини билиб келинг.

Ўзи ёлғиз қолгандан кейин Дориан папирос тутатди ва ўтирган жойида бир неча муддат ўтириб қолди. У бир бўлак қоғозни олиб, ғайришуурий тарзда унга аввал гуллар ва турли-туман меъморий нақшларни чиза бошлади. Кейин одамларнинг башарасини чиза бошлади. Кейин тўсатдан пайқаб қолдики, чизаётган башараларининг ҳаммаси ҳайрон қоладиган даражада Бэзил Холлуорднинг башарасига ўхшаб кетаяпти. У қоғозини

солди. Суврат чизишни йиғиштирди, ўрнидан туриб, китоб жавонининг олдига борди-да, биринчи дуч келган китобни қўлига олди. У зарурат туғилмагунча, рўй берган воқеа тўғрисида ўйламасликка аҳд қилди.

Дориан катга ёнбошлаб, китобни очди. Бу китоб Готьенинг “Эмали ва Камея” деган китоби бўлиб, уни Шарпантье япон қоғозида Жакмарнинг расмлари билан жуда чиройли қилиб нашр қилинган эди. Сахтиён теридан ишланган муқовада зарҳал панжара билан билинар-билинемас қилиб чизилган анор тасвири. Китобни унга Адриан Синглтон совға қилган эди. Уни варақлар экан, Дориан Ласнернинг қўли ҳақидаги достонга нигоҳини қаратди. “Бу малла совуқ қўллардан ювилган йўқ жиноят изи, бармоқлари фавнникидай, қоплаб олган малла ранг туклар...” Дорианни беихтиёр қалтироқ тутиб, ўзининг оппоқ ингичка бармоқларига қаради ва ўқишда давом этди. Ниҳоят, у Венеция ҳақидаги жуда дилрабо шеърга рўпара келди:

Ажиб тотли ҳаяжон билан,
Кенгликларга қарайман хумор.
Тонг юлдузи жилмаяр бу дам,
Денгиз узра — бирам беғубор.
Черковларнинг қуббаси сувда,
Тун савтига чулғаниб алҳол.
Ҳалпинади худди тушида,
Энтиккан қиз сийнаси мисол.
Етиб келди кема соҳилга,
Ва ташлади дарҳол лангарин.
Шафақ нури инаркан дилга,
Мавжланди тонг еллари сарин.

Қандай гўзал мисралар! Уларни ўқир экансан, ўзингни

пуштиранг дурдона шаҳарнинг зумрад сувлари сатҳида пардалари шабодада ҳилпираб турган кумуш тумшукли қора гондолада сузиб кетаётгандай ҳис қиласан. Ҳатто бу китобдаги сатрларнинг ўзи ҳам Дорианга Лидо томон сузиб бораётганида қайиғи кетидан ястаниб қолган феруза йўлларни эслатди. Шоир шеърларидаги рангларнинг кутилмаганда ярқираб жилоланиши унинг хотирасига чипор бўйинли қушларни ту ширди. Улар асал каби тилларанг баланд Кампанилла атрофида учиб юришар ёхуд устини чанг босган ғира-шира арklar остида виқор билан соллона-соллона қадамлаб юришарди... Дориан бошини ёстиққа ташлаб кўзини қисган ҳолда ичида такрорлади:

Пуштиранг иморат рўпарасида

Зиналардан чиқиб бораман...

Бутун Венеция шу икки мисрада мужассам эди. У бу шаҳарда ўтказган куз фаслини, уни турли-туман телбаликларга ундаган севги можароларини эслади. Романтика ҳамма жойда ҳозир у нозир. Аммо Венеция худди Оксфорд каби унга муносиб макон бўла олади. Чинакам романтика учун макон деган нарса ҳар нарсадан улуғ.

Ўша пайтда Венецияда Бэзил ҳам бир неча муддат истиқомат қилган эди. У Тимтореттога маҳлиё эди. Шўрлик Бэзил! Қандай даҳшатли ўлим топди!

Дориан хўрсинди ва бу оғир ўйлардан чалғиш учун яна Готье шеърларини ўқишга тутинди. У Смирнадаги кичкина қаҳвахона ҳақидаги шеърни ўқиди. Унинг деразаларидан ҳадеганда қалдирғочлар учиб киради. Бу қаҳвахонада қаҳрабо тасбеҳини ўгириб ҳожи бува ўтиради. Саллалик савдогарлар узун чилимларини чекиб, сиполик билан муҳим мавзуларда гурунглашишади. Муроса майдонидаги Ёдгорлик ҳақидаги шеърни ўқийди. Бу Ёдгорлик ғурбатдаги ёлғизлигидан нола ҳилиб, гранит кўзларидан ёш тўкади. У ҳуёшни ва жазирагани, нилуфарлар билан қопланган Нилни соғинган. У сфинкслар ўлкасига кетмоқ истайди. Бу ўлкада пуштиранг иблислар ва тирноқлари зарҳалланган оқ бургутлар яшайди, ҳовури кўтарилиб ётган ям-яшил ботқоқларда қаҳрабо кўзли тимсоҳлар яшайди... Сўнгра Дориан Луврнинг ҳашаматли залларидан бирига ўрнатилган ҳайкал тўғрисидаги шеърни ўқиб ўйланиб қолди. Бу ғаройиб ҳайкал мадҳ этилган мисраларда ўпилавериб янада силлиқ қилиб юборилган мрамор бағрига яширинган мусиқа садолари чиқариб олинган. Готье уни контралято овозига таққослайди ва ажиб бир ғаройибот деб атайди.

Орадан кўп ўтмай, китоб Дорианнинг кўлидан ерга тушди. У бесаранжом бўлиб қолди, кейин бутун вужудини ваҳшиёна кўрхув босди. Алан Кэмпбел Англиядан бирор ёққа жўнаб кетган бўлса, нима бўлади? У қайтиб келгунича анча кун ўтиши мумкин. Ёки тўсатдан Алан унинг уйига келишдан бош тортиб

қолса- чи? Унда нима қилади? Ахир, ҳар бир фурсат ғанимат!

Беш йил аввал улар Алан билан жуда иноқ эдилар. Ораларидан қил ўтмас эди. Кейин қўққисдан уларнинг дўстлиги узилиб қолди. Кейинги пайтларда давраларда бир-бирларига рўпара келиб қолишса, фақат Дориан Грейгина унга қараб жилмаяр, бироқ Алан Кэмпбел сира пинагини бузмас эди.

Кэмпбел юксак қобилиятга эга йигит эди, лекин тасвирий санъатда ҳеч балога тушунмас эди. Агар у шеърият гўзалликларини сал-пал тушунадиган бўлиб қолган бўлса, бунга бошдан-оёқ Дорианнинг ёрдамида эришган эди. Алан фақат илмнигина жонидан ортиқ яхши кўрар эди. Кэмбрижда у умрининг кўп қисмини лабораторияларда ўтказди ва табиий фанлар курсини имтиёзлар билан битириб чиқди. У ҳозир химия билан астойдил шуғулланишда давом этарди. Унинг хусусий лабораторияси бор эди, бу лабораторияда у уззу-кун қимирламай ўтириб, тажрибалар ўтказарди. Унинг бу ишлари онасини ғоятда ранжитар эди, чунки она ўғлини парламент арбоби сифатида кўришни орзу ҳилар, химия тўғрисида эса жуда ғира-шира тасаввурга эга эди. Унинг назарида химия билан шуғулланиш доришуносликка ўхшаган бир гап эди.

Шуниси ҳам борки, химия Аланга жуда моҳир мусиқачи бўлишга халақит бергани йўқ. У скрипкани ҳам, роялни ҳам кўп ҳаваскорлардан яхшироқ чаларди. Уни Дориан Грейга яқинлаштирган нарса ҳам мусиқа бўлди. Мусиқа билан бирга Дориан ўзи истаган вақтда ишга соладиган, кўпинча эса ғайришуурий тарзда таратиб турадиган жозибат ҳам катта роль ўйнарди. Улар биринчи марта леди Беркширникида учрашишди. Ўша оқшом леди Беркширнинг меҳмонхонасига Рубинштейн келган эди. Кейинчалик улар доимий равишда операга бирга тушадиган ва қаердаки яхши мусиқани тинглаш имкони бўлса, ўша ерда бирга бўлишадиган бўлиб қолишди.

Бу дўстлик бир ярим йил давом этди. Кэмпбелни ҳамиша Селбида ҳам, Гровенор-сквердаги уйда ҳам учратиш мумкин эди. У ҳам кўпчилик катори Дориан Грей сиймосида ҳаётдаги жамики гўзал ва ажойиб нарсаларнинг тажассумини кўрар эди. Дориан

билан Алан ўртасида бирон-бир совуқчилик тушганини ҳеч ким эшитган эмас эди. Кейин кўққисдан одамлар улар учрашганида бир-бирлари билан деярлик гаплашмаётганларини пайқаб қолишди. Дориан Грей иштирок этадиган зиёфатлардан Кэмпбел ҳамиша вақтидан олдин кетиб қоладиган бўлди. Бунинг устига, Алан бутунлай ўзгариб қолди, у ўқтин-ўқтин ғалати бир тушкун кайфият оғушига тушиб қоларди. Унинг муסיқадан бутунлай ихлоси қайтганга ўхшарди: концертларга бормай қўйди, бирон нарса чалишга ҳам кўндириб бўлмай қолди, ҳар сафар илмий иш туфайли мусиқа билан шуғулланишга вақти қолмаётганини баҳона қиларди. Бунга ишонса бўларди: Алан кун сайин биологияга кўпроқ қизиқиб борарди. Унинг қизиқарли тажрибалар билан боғлиқ равишда илмий журналларда номини бир неча марта тилга олишди.

Дориан ҳар дақиқа сайин соатига қараб ана шу одамни кутмоқда эди. Вақт ўтиб борар, Дориан эса борган сари кучлироқ ҳаяжонланмоқда. Ниҳоят, у ўрнидан туриб, хона бўйлаб юра бошлади. Унинг ҳозирги аҳволи қафасига сиғмаётган йиртқичнинг ҳолатини эслатарди. У йирик-йирик қадам ташлаб, хонани айланарди. Қўллари эса муздек эди.

Борган сари кутиш қийинлаша бошлади. Вақт ўтмай қолгандай, гўё оёқларига кўрғошин қуйиб олгандай имиллаб ўтарди. Дориан эса ўзини бўрон исканжасига тушиб қолган одамдай ҳис қилмоқда. Қутурган қуюн уни чирпирак қилиб, қора жаҳаннам қаърига тортиб кетяпти. Бу жаҳаннам қаърида уни нима кутаётганини Дориан яхши билади, тақдири кўз ўнгида мана мен деб яққол гавдаланиб турипти. У дағ-дағ қалтироққа тушиб, совуқ ва нам бармоқлари билан қизиқ кетган қовоқларини эди, гўё у кўзларини миясининг ичига тиқиб юбормоқчидай ва шу билан ҳатто миясини ҳам ҳеч нарсени кўролмайдиган қилиб қўймоқчидай эди. Бироқ бу уриниш беҳуда эди. Миянинг ўз заҳиралари бор эди ва у зўр бериб ишлашда давом этарди. Қўрқув исканжасида чарх ураётган хаёлотини эса жонли маҳлуқ қаттиқ оғриққа рўпара келгандаги каби тиришиб, тиришиб, ўзини ҳар ёнга уриб саҳнада ўйин кўрсатаётган бадбашара қўғирчоқдай чаппар урар, ўзгариб турган ниқоби тагидан

тишларини иржайтирарди.

Кейин тўсатдан Вақт тўхтаб қолди. Ҳа, бу сўқир имиллаган маҳлуқ энди судралишдан ҳам тўхтаган эди. Вақт тўхтаб, тиниши биланоқ мудҳиш фикрлар елдай олдинга ёпирилди, улар тинчгина ётган даҳшатли келажакни қабридан чиқариб олиб, Дорианнинг кўзига кўрсатишди. Дориан эса кўзи қинидан чиқиб кетгудай бўлиб, бутун вужуди даҳшатдан тош қотиб, ундан нигоҳини узолмай қолган эди.

Ниҳоят, эшик очилиб, мулозим кириб келди. Дориан хира тортган кўзларини унга тикди.

— Мистер Кэмпбел, сэр, — деб хабар қилди мулозим.

Дориан қуруқшаб қолган лаблари орасидан енгил тортиб, хўрсингани эшитилди, унинг юзига яна қон югурди.

— Дарҳол таклиф қилинг, Фрэнсис.

Дориан анча ўзига келиб қолди. Кўрқоқлик эпкинни ўтиб кетган эди.

Мулозим таъзим бажо келтириб чиқди. Бир дақиқадан кейин Алан Кэмпбел кириб келди. Унинг юзи қаҳрли ва бўздай оқариб кетганди. Юзининг рангпарлиги туфайли қошининг ва сочининг қорамойдек қоралиги янада яққолроқ сезиларди.

— Алан, келганингиз учун миннатдорман. Сиз ғоятда меҳрибон одамсиз.

— Грей, мен ўзимга ҳеч қачон остонангиздан ҳатлаб ичкарига кирмасликка сўз берган эдим. Аммо сиз масала ўлиш ёхуд яшаш ҳақида кетяпти деб ёзибсиз...

Алан дона-дона қилиб, қуруқ ва қаҳрли оҳангда гапирарди. Унинг Дорианга йўналтирилган синчков ва синовчан нигоҳида ошкора нафрат сезилиб турарди. У қўлларини чўнтагига тикиб олипти. Дорианнинг узатган қўлини гўё пайқамагандай бўлди.

— Ҳа, Алан. Масала яшаш ё ўлиш устида кетяпти. Битта одамнинг эмас, бир нечта одамнинг ҳаёт-мамоти ўртага қўйилган. Ўтиринг.

Кэмпбел стол ёнига ўтирди, Дориан унинг рўпарасига чўкди. Уларнинг кўзлари тўқнашди. Дорианнинг нигоҳида жуда теран таассуф билиниб турарди: у ҳозир қилмоқчи бўлган иши нақадар мудҳиш эканини сезиб турарди.

Бир неча дақиқага чўзилган сукунатдан сўнг у стол устига эгилиб, Кэмпбелнинг юзидан айтадиган гаплари қандай таъсир кўрсатишини уқиб олишга интилиб, жуда паст овозда сўзга киришди:

— Алан, юқорида қулфлаб қўйилган хона бор. У ерга мендан бошқа ҳеч ким кира олмайди. Шу хонада стол ёнида мурда ўтирипти. У ўн соат муқаддам дунёдан кўз юмган... Тинч ўтиринг ва менга бунақа қараманг. Бу одамнинг ким экани, нимадан ва қандай ўлганининг сизга дахли йўқ. Сиз фақат бундай қилмоғингиз керак...

— Бас қилинг, Грей! Мен ортиқ биронта гапингизни ҳам эшитишни истамайман. Менга рост гапни айтдингизми ёхуд ёлғон гапирдингизми — менга барибир. Мен сиз билан алоқа қилишдан қатъиян бош тортаман. Бу ярамас ва разил сирларингизни ўзингиз асрайверинг. Улар мени мутлақо қизиқтирмайди.

— Алан, бу сирни сиз ҳам билишга мажбурсиз. Мен сизга ғоятда ачинаман, Алан, лекин ҳеч нарса қилиб ёрдам беролмайман. Фақат сизгина мени қутқариб қолишингиз мумкин. Мен сизни бу ишдан бохабар қилмоққа мажбурман — менинг бошқа иложим йўқ, Алан. Сиз олим одамсиз, химия ва бошқа илмлардан мутахассиссиз. Сиз юқорида яшириб қўйилган мурдани йўқ этмоғингиз керак. Шундай маҳв этмоғингиз керакки, ундан ному нишон қолмасин. Бу одамнинг меникига кириб келганини ҳеч ким кўргани йўқ. Унинг ҳозир Парижда эканига ҳамманинг ишончи комил. Бир неча ой мобайнида унинг ғойиб бўлгани ҳеч кимни ҳайрон қолдирмайди. Кейин қидира бошланганларида бу ердан унинг ҳеч қандай изини тополмасликлари керак. Сиз, Алан, ҳа, фақат сиз унинг ўзини ҳам, устидаги бор-будини ҳам бир сиқим кулга айлантириб бермоғингиз керак, токи бу кулни шамолга совуриб юбориш

мумкин бўлсин.

— Ақлдан озиб қолибсиз, Дориан!

— Бормисиз, ниҳоят, номимни тилга олиб, “Дориан“ дедингиз-а! Мен айна шуни кутган эдим.

— Такрор айтаман, сиз жинни бўлиб қолибсиз, акс қолда бу даҳшатли сирни менга тўкиб солмас эдингиз. Қандай хом хаёлларни ўйлаб юрибсиз? Бу ишингизга қўлимнинг учини қам теккизмасман! Бу ишга аралашмоқни мутлақо истамайман! Наҳотки, мени сизни деб ўз обрў эътиборимни йўққа чиқаришга рози бўлади деб ўйласангиз?... Сизнинг шайтоний кирдикорларингиз тўғрисида ҳеч нарса билишни истамайман!

— Алан, у ўзини-ўзи ўлдирган...

— Ундай бўлса, мен сиз учун хурсандман. Лекин уни ўз-ўзини ўлдиришга ким мажбур қилди? Албатта, сиз бўлсангиз керак?

— Нима, сиз менга ёрдам беришдан бош тортмоқчимисиз?

— Албатта, бош тортаман. Сиз билан ҳеч қанақа яқинлик қилишга тоқатим йўқ. Шармандаи шармсор бўлсангиз бўлавермайсизми — менга нима? Қилмишингизга яраша-да! Сиз шарманда бўлсангиз, мен ҳатто хурсанд бўламан. Нечук ҳаддингиз сиғди мени, айнақса, мени бундай даҳшатли ишга аралаштирмоққа? Сиз одамларни яхшироқ биласиз деб ўйлаган эдим. Дўстингиз лорд Генри Уоттон сизни кўп нарсага ўргатипти-ю, лекин афтидан, руҳиятга тузукроқ ўргатмаган кўринади. Мен сиз учун қўлимни совуқ сувга урмайман. Ҳеч нарса мени сизга ёрдам беришга мажбур қилолмайди. Сиз бекорга менга мурожаат қилибсиз, Грей! Сиз ёрдам сўраб дўстларингизга мурожаат қилинг, менга мурожаат қилманг.

— Алан, бу қотиллик. Уни мен ўлдирдим. У туфайли мен нақадар азоб чекканимни сиз билмайсиз. Ҳаётим бошқача эмас, айна ҳозиргидек бир тарзга кирганига бу одам шўрлик Гарридан ортиқроқ айбдор. Эҳтимол, у бундай бўлишини истамагандир, лекин шундай бўлиб чиқди.

— Қотиллик дейсизми? Ё Парвардигор, сиз қотиллик қилишга

ҳам етиб бордингизми ҳали, Дориан. Мен бориб сизни чақмайман — бу менинг ишим эмас.

Лекин, барибир, сизни қамоққа олишса керак. Ҳар қандай жиноятчи ҳам бехосдан бирор ҳаракат қилиб, ўзини-ўзи, албатта, фош қилиб қўяди. Мен эса, ҳар қалай, бунга аралашмайман.

— Сиз аралашмоғингиз керак. Шошманг, шошманг, менинг гапимни эшитинг, гапимни эшитинг, Алан. Мен сиздан фақатгина илмий тажриба ўтказишни илтимос қиламан. Сиз, ахир, шифохоналарга бориб турасиз, ўликхоналарда бўласиз. У жойда қиладиган ишларингиз сизни заррача ташвишлантирмайди-ку! Агар сиз бирон анатомия театрида ё қўланса лабораторияда тунука қопланган, четларида қон оқиб тушмоғи учун қизиқарли тажриба ўтказишга бир баҳона бўларди, холос. Сиз бурнингизни жийирмай у билан машғул бўлардингиз. Бирон ножўя иш қиляпман деган ўй миянгизга келмаган бўларди. Аксинча, инсоният манфаатлари йўлида хизмат қиляпман, илм-фанни бойитяпман, одамларнинг қизиқишини қондириш йўлида жон куйдирияпман деб ҳисобласангиз ҳам ажаб эмас. Мен сиздан илтимос қилаётган нарсани сиз неча марталар қилгансиз. Албатта, аён кўриниб туриптики, лаборатория залларида қилишга ўрганиб қолган ишларингизга қараганда мурдани маҳв этиш камроқ жиркантиради. Тушунсангиз-чи, бу мурда менга қарши ягона далилдир. Агар сиз мени қутқармасангиз, шак-шубҳа йўқки, мурдани топиб олишади.

— Сизга айтган гапларим дарров эсингиздан чиқдимми? Сизни қутқаришга менда заррача қам хоҳиш йўқ. Бу гапларнинг ҳеч қайсиси менга мутлақо дахлсиздир. .

— Алан, ўтинаман сиздан... — Менинг ночор аҳволимни бир ўйлаб кўринг. Яқиндагина сиз келмасингиздан бироз олдин даҳшатдан ўлар ҳолатда эдим. Эҳтимол, бир кун эмас бир кун

сиз ҳам шунга ўхшаш кўрқувни бошдан кечирарсиз... Йўқ, йўқ, мен бунақа демоқчи эмас эдим... Бу ишга соф илмий нуқтаи назардан бир қараб кўринг. Сиз, ахир, тажрибангизга хизмат қиладиган мурдаларнинг қаердан келганини суриштириб ўтирмайсиз-ку! Келинг, ҳозир ҳам буни суриштирмай кўя қолинг. Мен шундоқ ҳам сизга керагидан анча ортиқ гап айтдим. Мен сиздан шундоқ қилишингизни ўтиниб сўрайман. Биз дўст эдик-ку, Алан!

— Ўтмишни эсга олманг... Дориан. Ўтмиш ўлган.

— Баъзан биз ўлган деб ҳисоблайдиган нарсалар яна узоқ вақтгача ўлишни истамайди. Анави юқоридаги одам ғойиб бўлиб қолмайди. У стол ёнида бошини эгиб, қўлларини чўзиб ўтирипти, Алан. Алан! Агар сиз менга ёрдам бермасангиз, мен нобуд бўламан. Мени осишади, Алан! Тушуняпсизми? Қилган ишим учун мени осишади...

— Гапни чўзиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Мен сизга ёрдам беришдан қатъиян бош тортаман. Сиз кўрқувдан ақлдан озган кўринасиз, акс ҳолда менга бунақа илтимос билан мурожаат қилишга журъат этмаган бўлардингиз.

— Шундай қилиб рози эмасмисиз?

— Йўқ.

— Алан, ялиниб-ёлвораман!

— Бунинг фойдаси йўқ. ,

Яна Дорианнинг кўзларида таассуф ифодаси учкунлади. У қўлини узатиб, стол устидан бир варақ қоғоз олди-да, унга нималарнидир ёзди. Ёзганини икки марта ўқиб чиқди, кейин қоғозни тўрт буклаб, стол орқали Аланга ташлади. Сўнг ўрнидан туриб, деразанинг олдига кетди.

Кэмпбел унга ҳайрон бўлиб қараб, қоғозни очди. Уни ўқир экан, ранги мурданикидек оқариб кетди ва ўтирган жойида ғужанак бўлиб қолди. Унинг юраги ўйнаб, аъзойи бадани бўшашди. Юраги гўё бўшлиққа тушиб қолгандай, ҳозир ёрилиб кетадигандай туюлди.

Оғир сукунат ичида икки-уч дақиқа ўтди. Ниҳоят, Дориан ўгирилди ва Аланнинг ёнига келиб, унинг елкасига қўлларини қўйди.

— Сизга жуда ачинапман, Алан, — деди у шивирлаб, — бироқ менинг бошқа иложим йўқ. Сиз ўзингиз мени шунга мажбур қиляпсиз. Хат ёзиб бўлинди — мана у. Адресини кўриб турибсиз. Агар менга ёрдам бермасангиз, хатни жўнатиб юбораман. Ундан кейин нималар бўлишини ўзингиз яхши биласиз... Бироқ ишончим комилки, сиз ундай қилмайсиз. Энди бу ишдан бош тортолмайсиз. Мен анча вақтгача сизни аяб келдим — буни ўзингиз тан олмоғингиз керак. Лекин сиз мен билан жуда қаҳрли, дағал, ҳақоратомуз тарзда гаплашдингиз. Шу пайтга қадар биронта ҳам одам мен билан бунақа гаплашишга журъат қилмаган эди. Мабодо бирортаси журъат қилганида, у аллақачон бу дунё билан хайр-маъзур қилган бўларди. Мен ҳаммасига чидадим. Энди буйруқ бериш навбати менга келди.

Кэмбел қўллари билан юзини ёпди. Унинг дағ-дағ қалтираётгани кўриниб ту-рарди.

— Ҳа, Алан, энди шарт-шароитларни мен айтаман. Бу шартлар сизга маълум. Қўйинг, қўйинг, оҳ-воҳ қилиш сизга ярашмайди. Бу ишнинг сира қийин жойи йўқ, лекин уни бажариш керак. Қани, дадилроқ бўлинг-у, тезроқ ишга киришинг.

Кэмпбел инграб юборди. Бутун аъзойи бадани қақшамоқда. Камин устида турган соатнинг чиқиллаши гўё вақтни майда-майда бўлақларга ажратиб юбораётгандай туюлар ва бу уқубат атомларининг бири иккинчисидан изтироблироқ эди. Аланнинг бошини темир ҳалқа борган сари қаттиқроқ қисиб бормоқда — гўё “бошингга соламан“ деб таҳдид қилган шармандаликлари аллақачон унинг устига ёпирилиб бўлгандай эди. Унинг елкасидан босиб турган Дорианнинг қўллари кўрғошиндан оғирроқ эди. Назарида, бу қўллар ҳозир уни эзиб, мажақлаб ташлайди. Буларга чидаш мумкин эмас эди.

— Бўлақолинг, Алан. Бир тўхтамак келинг!

— Иложи йўқ,— деб эътироз билдирди Кэмпбел ғайриихтиёрий тарзда. Гўё бу сўзлар бирор нарсани ўзгартиришга қодирдай...

— Унақа деманг. Шу ишни қилмоқдан бошқа чорангиз йўқ. Чўчиб нима қиласиз?

Кэмпбел бир дақиқа яна иккиланиб турди. Кейин сўради:

— Юқоридаги хонада камин борми?

— Ҳа, газ билан ёқилади.

— Мен уйга бориб келишим керак. Лабораториядан у-бу олиб келмоғим зарур.

— Йўқ, Алан. Мен сизни бу ердан чиқариб юбормайман. Нима керак бўлса, ҳаммасини ёзиб беринг, менинг мулозимим бориб, олиб келади.

Кэмпбел қоғозга уч-тўрт қатор қилиб бир нарсаларни ёзди, сиёҳини қуришиб, конвертга солди-да, унинг устига ёрдамчисининг фамилиясини ёзди. Дориан унинг кўлидан мактубни олиб, синчиклаб ўқиб чиқди, кейин қўнғироқ чалди. Қўнғироқ овозига кириб келган мулозимга мактубни берди ва иложи борича тезроқ бориб, рўйхатдаги нарсаларнинг ҳаммасини олиб келишни тайинлади.

Мулозим эшикни “тақ” этказиб ёпиб чиқиб кетди. Эшикнинг тақиллаганини эшитган Кэмпбел асабий сесканиб тушди. У стол ортидан туриб, каминга яқинлашди. Кэмпбел худди безгак тутгандай қалтирар эди. Йигирма дақиқалар у қам, Дориан ҳам чурқ этмади. Хонада фақат пашшанинг ғинғиллагани-ю, соатнинг чиқиллаши эшитиларди. Соатнинг қар чиқиллаши Аланнинг миясига тўқмоқ билан ураётгандай туюларди.

Ниҳоят, соат занг урди. Кэмпбел ўгирилиб Дорианга қаради ва унинг кўзлари жиққа ёш эканини кўрди. Бу ғамгин чеқранинг софлиги ва нафислигида алланарса бор эдики, бу Аланнинг ғазабини жўштирди.

— Сиз аблахсиз, разил, пасткаш аблахсиз! — деди у.

— Қўйинг, Алан. Сиз менинг ҳаётимни сақлаб қолдингиз.

— Ҳаётимни дейсизми? Ё Парвардигор, шу ҳам ҳаёт бўлдими? Сиз бир бузуқликдан иккинчи бузуқлик сари бордингиз ва мангу, ниҳоят, жиноят қилишга етиб келдингиз. Сиз мендан талаб қилаётган нарсани қиладиган бўлсам, сизнинг шармандали ҳаётингизни сақлаб қолиш учун қилмайман.

— Эҳ, Алан, — дея хўрсинди Дориан. — Кошки эди менинг юрагимдаги сизга бўлган амдардликнинг мингдан бир бўлаги менга нисбатан сизда ҳам бўлса...

Дориан бу гапни Аланга тескари ўгирилиб, деразадан боққа қараб туриб айтди.

Кэмпбел ҳеч нарса деб жавоб бермади.

Ўн дақиқалардан кейин эшик тақиллади ва каттагина қутини кўтариб мулозим кириб келди. Қутининг ичида ҳар хил кимёвий дорилар, бир ўрам пўлат сим, яна бир ўрам платина сим бор эди. Булардан ташқари яна жуда ғалати шаклдаги иккита темир ҳалқа ҳам бор эди.

— Буларни шу ерда қолдирайми, сэр?— деб сўради мулозим Кэмпбелга мурожаат қилиб.—Ҳа,— деб жавоб берди Кэмпбелнинг ўрнига Дориан.— Афсуслар бўлсин- ки, Фрэнсис, мен сизга яна битта топшириқ бермоғим керак. Бизникига гул олиб келиб турадиган Ричмонддаги боғбоннинг исми нима?

— Харден, сэр.

— Ҳа, ҳа, Харден. Эсимга тушди. Ҳозирнинг ўзида зудлик билан Ричмондга бориб, Харденга айтиш керак. Мен унга гул буюрган эдим. Шу буюрганимдан икки баравар ортиқроқ юборсин. Оқ гуллар камроқ бўлсин... Йўқ, оқ гулларнинг бутунлай бўлмагани ҳам маъқул. Бугун об-ҳаво жуда яхши. Ричмонд — жаннатдай сўлим жой. Бўлмаса, мен сизни овора қилиб ўтирмасдим.

— Қўйинг, унақа деманг, овораси бор эканми? Қачон қайтиб келай, сэр?

Дориан Кэмпбелга қаради.

— Сизнинг тажрибангиз учун қанча вақт керак, Алан? — деб сўради у ғоят табиий ва хотиржам оҳангда. Афтидан, мулозимнинг шу ерда ҳозирлиги унга далда берган эди.

Кэмпбел қовоғини солиб, лабини тишлади.

— Беш соатлар зарур, — деб жавоб берди у.

— Демак, соат етти яримгача қайтмаслигингиз мумкин, Фрэнсис... Айтганча, бундай қилсак ҳам бўлади — кетишингиздан аввал мен киядиган кийимларимнинг ҳаммасини тахт қилиб қўйинг. Унда мен сизга бутун оқшомга жавоб берсам ҳам бўлади. Мен уйда тушлик қилмайман, шунинг учун сизнинг ҳожатингиз бўлмайди.

— Миннатдорман, сэр, — деди мулозим ва чиқиб кетди.

— Қани, Алан, энди ишга киришинг. Бир дақиқани ҳам бекор кетказиб бўлмайди. Ўҳ-хў, қути жуда оғир экан-ку! Уни мен кўтариб олақолай, қолганларини сиз кўтариб олинг.

Дориан бидирлаб, буйруқ оҳангида сўзлади.

Кэмпбел итоат қилди. Улар биргаликда даҳлизга чиқишди.

Зинадан юқори қаватга кўтарилишганда Дориан чўнтагидан калитини олиб эшикни очди. Лекин шу заҳотиёқ у турган жойига ёпишиб қолгандай, жойида қотиб қолди, унинг кўзлари хавотир ичида ола-кула бўлди, қўллари қалтиради.

— Алан, хонага киргани мадорим йўқ, — деб минғирлади.

— Кирмай қўяқолинг бўлмаса! Сизнинг менга мутлақо керагингиз йўқ, — деб қуруққина жавоб берди Кэмпбел.

Дориан эшикни қия очди ва қуёш нури ёритиб турган хонада сувратдаги ишшайиб турган башарага кўзи тушди. Йиртилган парда ерда ётарди. У ўтган куни кечаси шу йиллар мобайнида биринчи марта портретнинг устига парда ташлашни унутганини эслади. У суврат устига бирон нарса ташлаб қўймоқчи бўлиб унга талпинди-ю, бирдан даҳшат ичида тўхтаб қолди.

Қанақа бу ярамас шилимшиқ нарса? Сувратнинг бир қўлида қип-қизил, ши- лимшиқ нам ялтираб турипти. Гўё суврат қонли

намга чўмгандай. Қандай даҳшат! Бу унга шу ерда, шу хонанинг ўзида стол устида ялпайганича қимир этмай ўтирган мурдадан ҳам кўрқинчлироқ кўринди. У билади — мурда шу ерда — унинг гилам устида ҳалқоп бўлиб ётган қонда акс этаётган хунук сояси мурда кечаги ўрнидан жилмай қотиб ўтирганидан далолат берарди.

Дориан бир зум нафасини ростлаб, эшикни кенгроқ очди-да, тезгина хонага кирди. У бирон марта ҳам мурдага қарамасликка қатъий аҳд қилган эди. Шунинг учун кўзларини олиб қочиб, мурдага тескари ўгирилди-да, энгашиб, ерда ётган қирмизи пардани олиб сувратнинг устига ёпди. Орқасига ўгирилишга юраги бетламай, қимир этмай турганича, у парда юзидаги жимжимадор каштага нигоҳини қадаган эди. У Кэмпбелнинг оғир қутини олиб кирганини, кейин қолган буюмларни ҳам келтирганини сизди. Шунда Дориан қўққисдан ўзи Алан Бэзил Холлуорд билан танишмиди-йўқми, агар таниш бўлган бўлса бир-бирлари тўғрисида қандай фикрда бўлишган деб сўраб қолди.

— Энди чиқиб кетинг, — деди унинг орқасида турган Кэмпбел қаҳрли овозда.

У орқасига ўгирилиб, шоша-пиша чиқиб кетди. Фақат шуни сезиб улгурдики, энди мурда орқаси билан стулнинг суянчиғига суянтириб, тик ўтқазиб қўйилипти ва Кэмпбел унинг ялтираб турган, сарғайган юзига тикилиб турипти.

Дориан пастга тушганида, юқоридаги эшикнинг қулфи шиқирлаганини эшитди.

Кэмпбел кутубхонага қайтиб тушганида, соат еттидан анча ўтиб қолган эди. Унинг ранги докадек оқариб кетган, лекин ўзи хотиржам эди.

— Талаб қилган ишингизни бажариб бўлдим. Энди мангу алвидо! Мен ортиқ сиз билан кўришишни истамайман.

— Сиз менинг ҳаётимни асраб қолдингиз, Алан. Мен буни ҳеч қачон унутмай- ман, — деди Дориан жўнгина.

Кэмпбел чиқиб кетиши биланоқ Дориан юқорига югурди. Хонада азот кислотасининг ўткир қиди анқир эди. Стол ёнида ўтирган мурда ғойиб бўлган эди.

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

Шу оқшомнинг ўзида соат саккиз яримда башанг кийинган, ёқасига Парм гунафшасидан чиройли бир гулдаста қўндириб олган Дориан Грей леди Нарборонинг меҳмонхонасига кириб келди. Меҳмонхонага уни таъзим бажо келтириб мулозимлар олиб киришди. Унинг чакка томирлари гупиллаб уриб турар, асаблари ғоят таранг эди. Лекин шундоқ бўлса-да, у одатдаги тавозе билан уй бекасининг қўлидан ўпди. Ҳа, инсон ясама қиёфа касб этишга мажбур бўлганида хотиржамлик билан самимиятдан ортиқроқ уни табиий қилиб кўрсатадиган нарса йўқ бўлса керак. Ва, албаттаки, ўша оқшомда Дориан Грейни кўрганлардан биронтаси унинг бизнинг замонамизда бундан даҳшатлироғини тасаввур қилиш мумкин бўлмаган бир фожеани бошидан кечириб келганига сира-сира ишонмоғи мумкин эмас эди. Мана шу нозик, бежирим бармоқлар бўғизга санчилувчи пичоқни чангаллаб олмоғи мумкинми? Мана шу жилмайиб турган дудоқлар худони ва инсон учун муқаддас бўлган нарсаларнинг ҳаммасини ҳақорат қилмоғи мумкинми? Дорианнинг ўзи ҳам зоҳиран бу қадар хотиржамлигига ҳайрон эди. Кейин шундай дақиқалар ҳам бўла бошладики, у ўзининг риёкорона ҳаётини ўйлаб, бундан чинакамига лаззатлана бошлади.

Ўша оқшомда леди Нарборонинг меҳмонлари унча кўп эмас эди — уй эгаси шошининч тарзда айтиб улгурган меҳмонларгина йиғилган эди. Леди Нарборо, лорд Генрининг таъбири билан айтганда, ажойиб хунукликнинг қолдиқларини асраб қолган доно аёл эди. Кўп йиллар мобайнида элчиларимиздан бирининг

жуда ифбатли хотини бўлган. Элчи ўлгудай диққинафас, писмиқ одам бўлган. У вафот этгандан кейин хотини иззат-икром билан уни дафн этди, тарhini ўзи чизиб бериб, мрамрдан мақбара қурдирди, қизларини ёши ўтинқираб қолган бўлса ҳам бадавлат одамларга узатди, энди эса озодликка чиққанидан кейин француз романларини ўқиб, француз таомларини танаввул қилиб, бирон жойда учратиб қолса, имконни қўлдан чиқармай француз закийлигидан лаззатланиб, фароғат-у истироҳатда умр кечирмоқда эди.

Дориан энг суйган одамларидан бири эди ва у билан суҳбатларида леди Нарборо ҳамиша у билан ёшлик чоғларида учрашмаганидан мамнуниятини изҳор қилишдан толмасди.

“Мен аминманки, сизга ошиқу беқарор бўлиб ақлимни йўқотиб қўярдим, азизим, — дерди леди Нарборо ҳар гал, — сизни деб ҳамма нарсдан воз кечиб юборган бўлардим. Не бахтки, у пайтларда сиз ҳали дунёга қам келмаган эдингиз! Сирасини айтганда, менинг давримда аёлларнинг либоси жуда кўримсиз эди. Тегирмонлар ҳам ўзининг кундалик иши билан шу қадар банд эдики, биронта йигит билан кўнгилхушлик қилишнинг ҳам имкони бўлмаган. Албатта, бунинг асосий айбдори Нарборо бўлган эди. У бурнидан оша ҳеч нарсани кўролмас эди. Ҳеч нарсани кўролмайдиган бунақа шабкўр эрни алдаб, нима ҳам ҳузур топардинг?”

Ўша оқшом леди Нарборонинг меҳмонхонасидаги давра жуда зерикарли бўлди. Леди Нарборо аллақачон оҳори тўкилиб, анча ночор аҳволга келиб қолган елпуғичи билан юзини тўсиб туриб, шивирлаб Дорианга шикоят қилди: мутлақо кутилмаган ҳолда уникига узатилган қизларидан бири меҳмон бўлиб келипти. Яна бунинг устига ўзи билан эрини ҳам бошлаб келипти.

— Шунақа ҳам андишасизлик бўладими? — деб шивирлаб шикоят қилди леди Нарборо. — Тўғри, мен ҳам ҳар йили ёзда Гамбургдан қайтганимдан кейин уларникига меҳмонга бориб тураман. Бироқ менинг ёшимда вақти-вақти билан тоза ҳаводан нафас олиб турмаса бўлмайди-да! Бундан ташқари, мен борганимда уларга жон киргизишга ҳаракат қиламан. Бу улар

учун жуда зарур. Улар қай тарзда умргузаронлик қилишларидан хабарингиз йўқ-да! Ҳақиқий қишлоқилар-да! Тонг отмасдан туришади, чунки ишлари жуда кўп. Жуда эрта ётишади, чунки ўйлайдиган ҳеч нарсалари йўқ. Қиролича Елизавета замонларидан бери уларнинг вилоятларида бирон марта ҳам бирон ғалвали можаро бўлгани йўқ — шундоқ бўлгач, кечки овқатдан кейин ухламоқдан бошқа нима иш бўлади? Лекин сиз кўрқманг, дастурхон теграсида сиз улар билан ёнма-ён ўтирмайсиз. Мен сизни ёнимга ўтказаман — мени ўзингиз овунтириб ўтирасиз.

Дориан унга жавобан қандайдир хушомддомуз бир гап айтди ва меҳмонхонага кўз югуртириб чиқди. Даврадагиларнинг ичида эътиборни тортадиганлари йўқ даражада эди. Уларнинг иккитасини Дориан биринчи марта учратиб турипти. Икковидан бошқа яна Эрнест Хорроуден деган одам бор эди. Ўрта ёшлардаги бунақа туссиз шахслар Лондон клубларининг ҳозир-у нозирлари орасида кўп учрайди. Унинг душманлари йўқ, аммо ичида уни ёмон кўрадиган дўстлари ҳар қандай душман ўрнини боса оларди. Меҳмонлардан яна бири леди Рэкстон эди. Ҳаддан ташқари ясан-тусанни ўрнига қўйган қирқ етти ёшли бу қиррабурун хоним бирор эркак билан гап-сўз бўлишни жуда-жуда хоҳларди, бироқ унинг афти-башараси шунақа хунук эдики, бу аёлнинг суюқоёқлигига ишонадиган биронта одам топилмас ва бу ҳол уни чуқур қайғуга соларди. Меҳмонлардан яна бири — миссис Эрвин. Бу хонимнинг давраларда тайинли мавқеи йўқ, лекин у жуда зўр ғайрат билан бу ўринни қозонишга ҳаракат қилади. Ўзи венециялик аёлларга ўхшаш малла, тили чучукроқ, ўзига ярашади. Яна бири леди Нарборонинг қизи леди Элис Чэпмен. Дидсиз кийинган бу жувон шундоққина башарасидан бефаҳмлиги кўриниб туради. Унинг эри — чакка соқоллари оппоқ оқариб кетган қизил башарали жаноб. У ҳам шу тоифа одамларнинг кўпчилигига ўхшаб, ҳаддан зиёд қувноқлик билан фикрлаш қобилиятдан маҳрумликнинг ўрнини босиш мумкин деб ҳисоблайди.

Дориан бу ерга келганига афсуслана бошлади, лекин шу пайт тўсатдан леди Нарборо камин устида турган зарҳал бронзадан

ишланган катта соатга назар ташлади-да, хитоб қилди:

— Генри Уоттон кечикяпти! Шунақа ҳам бўладими? Ахир, мен унинг ҳузурига атайин шу бугун одам юборган эдим. У ҳам келишга қаттиқ ваъда берганди.

Лорд Генрининг келиши тўғрисидаги хабар Дорианга бироз таскин берди. Эшик очилиб, лорд Генрининг жарангдор овози эшитилганда Дорианнинг зеркиши-ю таассуфи ювилгандай йўқ бўлди-кетди. Лорд Генри эшик олдидаёқ ясама тарзда узр сўрар, овозининг жарангдорлиги эса бу ясамаликка жозиба бағишларди.

Бироқ овқат вақтида ҳеч нарса Дорианнинг томоғидан ўтмади. Унга олиб келинган овқатларни бирин-кетин шундоғича қайтариб олиб кетишди. Леди Нарборо тўхтовсиз унга таъналар ёғдирди: “Шўрлик Адольфни хафа қиляпсиз, у бу таомларни атайин сизнинг дидингизга мослаб танлаган эди”. Лорд Генри эса дўстининг сукутга чўмиб, паришонхотир ўтирганига ҳайрон бўлиб, унга олисдан қараб-қараб қўярди. Соқий вақти-вақти билан Дорианнинг қадаҳига шампан қуйиб турар ва Дориан уни бир кўтаришда бўшатар эди — уни борган сари ташналик қийнамоқда эди.

— Дориан, — деди ниҳоят Генри, дастурхонга парранда гўштидан тайёрланган таом тортилганда. — Нима бўлди сизга бугун? Сира ўзингизга ўхшамайсиз?

— Ошиқ бўлиб қолгандир-да! — деб хитоб қилди леди Нарборо. — Буни билиб қолиб, рашк қилишимдан қўрқяпти. Шундай ўйлаётган бўлса, у мутлақо ҳақ. Мен, албатта, рашк қиламан-да...

— Қимматли леди Нарборо, — деди Дориан жилмайиб. — Мана, бир ҳафтадирки, ҳеч кимга ишқим тушгани йўқ. Де Феррол хоним Лондондан кетганидан бери аҳволим шу...

— Эркакларга ҳам ҳайронман-да! Қандай қилиб шунақа аёлга ишқлари тушиб қоларкин! Рост, бу мен учун бир жумбоқ, — деди кекса хоним.

— Уни яхши кўришимизнинг боиси шуки, леди Нарборо, у сизни кичкина қизалоқлик пайтингиздан бери эслайди, — деб гапга аралашди лорд Генри. — У биз билан сизнинг калта кўйлакларингизни бир-бирига боғлаб турувчи ягона ҳалқа!

— Ўлиптими менинг калта кўйлакларим унинг эсида турган бўлса, лорд Генри.

Лекин ўттиз йил бурун Венада учрашганимизда бу аёлнинг қанақа бўлгани яхши эсимда. Ўшанда кўкрагини нақ қорнигача очиб юрарди.

— Бу аёл ҳозир ҳам кўпчилик ўртасида анча-мунча кўкраги очиқ кўйлақда юради, — деб жавоб берди лорд Генри узун бармоқлари билан зайтунни олар экан. — Ясан-тусанни ўрнига кўйган пайтларида бу аёл жуда чиройли нашр қилинган бемаза француз романига ўхшайди. Лекин у жуда ғалати аёл, ҳамиша бирор кутилмаган ҳунар кўрсатиб юради. Бағрикенглигини айтмайсизми! Қалби севгига тўла. Оилавий ҳаётга иштиёқи зўр. Учинчи эри қазо қилганда, куяверганидан сочлари тилларанг бўлиб қолди.

— Гарри, уялмайсизми-а?! — деб хитоб қилди Дориан.

— Олий даражадаги шоирона изоҳ! — деб хитоб қилди леди Нарборо кулги билан. — Нима дедингиз? Учинчи эри дедингизми? Наҳотки, Феррол тўртинчиси бўлса?

— Худди шундай, леди Нарборо.

— Ўлақолсам ишонмайман.

— Ана, мистер Грейдан сўранг бўлмаса. Мистер Грей у аёлнинг қалин дўсти.

— Мистер Грей, шу ростми?

— Ҳар нима деганда ҳам, аёлнинг ўзи шунақа дейди, леди Нарборо. Мен ундан “эрларингизнинг юрагини мўмиёлаб кўйиб, Маргарита Наварликка ўхшаб белингизга осиб юрмайсизми?” деб сўраган эдим. Нима деб жавоб берди денг? “Бунинг имкони йўқ, чунки уларнинг биронтасида ҳам юрак йўқ эди!”

- Тўртта эр-а! Чиндан ҳам trop dezele¹⁰ деса бўлади.
- Аниқроғи trop d`audace¹¹ деган маъқул. Мен унга худди шундай дедим.
- О, шубҳа қилмай қўя қолинг, азизим, унинг дадиллиги ҳамма нарсага етади! Феррол деганларинг қанақа одам? Мен уни танимас эканман.
- Ўта соҳибжамол аёлларнинг эрларини мен жиноятчилар тоифасига қўшаман,— деди лорд Генри қултум шароб хўплаб.
- Леди Нарборо уни елпуғичи билан уриб қўйди.
- Лорд Генри, зодагонлар дунёси сизни ноинсоф одам деб ҳисоблашига мен сира ҳайрон қолмайман.
- Наҳотки? — деб сўради лорд Генри қошини чимириб.— Афтидан, сиз бошқа дунёни назарда тутаётган бўлсангиз керак. Зодагонларнинг бу дунёси билан мен жуда яхши муносабатдаман.
- Йўқ, мен танийдиган одам борки, ҳаммаси сизни хавфли одам дейишади,— деб билганидан қолмади леди Нарборо бошини сарак-сарак қилиб.

Лорд Генри бир дақиқага жиддий тортди.

— Хафа бўлмай бўладими?— деди у. — Бизнинг замонамизда одамнинг орқасидан унинг тўғрисида шунақа... Тўғри гапларни гапириш расм бўлса...

— Худо ҳақи, у тузалмайди, — дея хитоб қилди Дориан стол устидан чўзилиб.

— Шунақа бўлса керак дейман,— деди леди Нарборо.— Менга қаранглар, модомики ҳамманглар бу қадар кулгили тарзда мадам де Ферролни бошларингга кўтараётган экансизлар, расмдан орқада қолмаслик учун мен ҳам иккинчи марта турмуш қурмасам бўлмайдиганга ўхшайди.

— Сиз бошқа ҳеч қачон эрга тега олмайсиз, леди Нарборо,— деб эътироз билдирди лорд Генри. — Негаки, сизнинг биринчи турмушингиз омадли бўлган эди. Аёл киши биринчи эридан рўшнолик кўрмаган тақдирдагина иккинчи марта эрга тегади. Эркак киши эса биринчи хотинини жуда яхши кўргани учунгина яна уйланади, холос. Аёллар турмушдан бахт излайди, эркакларнинг эса бу ўйинда ўзларининг тикадиганлари бор.

— Нарборо ҳам фаришта бўлган эмас эди,— деб луқма ташлади кекса хоним.

— Агар бу бекаму кўст бўлганида, сиз уни севмаган бўлардингиз, азизим. Аёллар бизни нуқсонларимиз учун яхши кўришади. Агар бу нуқсонлар анча-мунча бўлса, улар бизни ҳар жиҳатдан кечиришга тайёрлар... Ҳатто ақлий ноқислигимиздан ҳам кўз юмишади... Қўрқаманки, бунақа гапларим учун мени зиёфатларингизга айтмай қўясиз, леди Нарборо, лекин на чора чин ҳақиқат шундай.

— Албатта, гапингиз тўғри, лорд Генри. Агар аёллар сизларни нуқсонларингиз учун яхши кўришмаганда, аҳволингиз нима бўларди? Биронта ҳам эркак уйлана олмаган бўларди, бу дунёдан бўйдоқ ўтишарди шўрликлар. Тўғри, ҳатто бу ҳам сизларни ўзгаришга мажбур қила олмади. Эндиликда ҳамма уйланган эркаклар бўйдоқдек, ҳамма бўйдоқлар эса уйлангандек турмуш кечирмоқда.

- *Fin de siecle!*¹² — деди лорд Генри.
- *Fin du globe!*¹³ — дея уни маъқуллади леди Нарборо.
- Кошки эди тезроқ *fin du globe* бўлақолса, — деб хўрсинди Дориан. — Бу ҳаётда ҳафсаланг пир бўлишидан бошқа гап йўқ.
- Эҳ дўстгинам, бу ҳаётда ҳамма имкониятимни тамом қилдим деманг менга, — дея хитоб қилди леди Нарборо, қўлқопини киятуриб. — Бирор одам шунақа дейдиган бўлса, билингки, унинг яшайдиган илинжи қолмапти. Лорд Генри — инсофсиз одам, лекин мен баъзан яхши одам бўлганимга пушаймон қиламан. Сизнинг эса йўриғингиз бошқа. Сиз ёмон одам бўлишингиз мумкин эмас — бу шундоққина юзингиздан кўриниб турипти. Мен, албатта, сизга яхши хотин топиб бераман. Лорд Генри, нима дейсиз, мистер Грейнинг уйланадиган вақти келмадими?
- Мен унга буни доим гапириб келяпман, леди Нарборо, — деди лорд Генри енгил таъзим билан.
- Ундай бўладиган бўлса, унга муносиб бирор қиз топиш керак экан-да. Шу бугуноқ Дебреттани синчиклаб кўздан кечириб чиқаман ва мистер Грейга қайлиқ бўлишга арзийдиган қизларнинг рўйхатини тузаман.
- Уларнинг ёшини ам кўрсатиб қўясизми, леди Нарборо? — деб сўради Дориан.
- Албатта, кўрсатаман, албатта, баъзи бир тузатишлар билан. Лекин бунақа ишда шошмашошарлик кетмайди. Мен истардимки, “Морнинг пост” ибораси билан айтганда, бу муносиб оила бўлсин ва сиз билан хотинингиз биргаликда бахтли бўлинглар.
- Бахтли оилалар ақида жуда кўп бемаза гапларни гапирамиз-да! — деди энсаси қотиб лорд Генри. — Эркак киши истаган аёли билан бахтли бўлмоғи мумкин. Фақат бунинг учун у хотинини севмаслиги керак, холос.
- Жуда беандиша одамсиз-да! — деб хитоб қилди леди Нарборо, стулини столдан нарироқ суриб қўйиб, леди Рэкстонга

бош ирғади. — Бизникига тез-тез келиб туринг, лорд Генри. Сэр Эндрью ёзиб берадиган ҳамма дармон дорилардан кўра сиз менга яхшироқ таъсир кўрсатасиз. Меникида яна кимни кўрмоқчи эканингизни аввалдан айтиб қўйинг. Мен имкони борича қизиқарлироқ давра йиғишга уннаб кўраман.

— Мен келажаги порлоқ ва ўтмиши ажойиб аёлларни яхши кўраман, — деб жавоб берди лорд Генри. — Лекин бунга қарайдиган бўлсангиз, унда фақат аёллар даврасини тўплай оласиз, холос.

— Бу гапингиз тўғри-ёв! — деб унинг гапини маъқуллади леди Нарборо.

У стол ортидан туриб леди Рэкстонга мурожаат қилди.

— Худо ҳақи, мени маъзур тутинг, азизим, мен ҳали папиросингизни чекиб бўлмаганингизни кўрмай қолибман.

— Ҳечқиси йўқ, леди Нарборо: Мен ҳаддан ташқари кўп чекаман. Бу ҳали камроқ чекаётганим-ку!

— Худо ҳақи, ундай қила кўрманг, леди Рэкстон,— деди лорд Генри. — Ўзини тийиш — ҳар нарсадан ҳам ортиқ даражадаги ҳалокатли одатдир. Меъёрга риоя қилиш — одатдаги диққинафас тушликдай бир гап, меъёрига риоя қилмаслик эса — байрамона зиёфат!...

Леди Рэкстон унга қизиқиш билан қаради.

— Бирор куни, албатта, меникига боринг, лорд Генри. Бу гапингизни менга батафсилроқ тушунтириб берасиз. Назариянгиз жуда қизиқарли экан, — деди стол ортидан сузилиб чиқиб келаркан.

— Майли, бўлмаса, биз юқорига чиқиб кетяпмиз, сизлар ҳам бу ерда ўтириб олиб, ҳадеб сиёсат-у ғийбат билан шуғулланманглар, тезроқ бизнинг ёнимизга чиқинглар. Акс ҳолда, юқорида ҳаммамиз уришиб қоламиз,— деб қичқирди леди Нарборо остонада.

Ҳамма кулиб юборди. Аёллар чиқиб кетгандан кейин, столнинг

оёқ томонида ўтирган мистер Чэмпмен виқор билан жойидан туриб, фахрли ўринни эгаллади. Дориан Грей ҳам жойини ўзгартириб, лорд Генрининг ёнига ўтирди. Мистер Чэмпмен дарҳол рақибларини масхаралаб, оммавий палатадаги ишларнинг аҳволидан гапира кетди. Инглиз учун жуда кўрқинчли бўлган “докторинер“ деган сўз ўқтин-ўқтин кулги аралаш эшитилиб турарди. Мистер Чэмпмен Тафаккур минораларига британ байроғини кўтариб, британ миллатининг ота мерос фаросатсизлиги жамиятимизнинг ҳақиқий таянчи ҳам экани ҳақида гап сўқа бошлади. (Бу некбин, албатта, уни “соғлом инглиз фикри” деб тилга оларди.)

Лорд Генри унинг гапларини истехзо билан тинглади. Ниҳоят, у ўгирилиб, Дорианга қаради.

— Хўш, дўстим, энди ўзингизни тузукроқ ҳис қиляпсизми? Овқат вақтида анча мазангиз қочгандай кўринди?

— Йўқ, мен соппа-соғман, Генри. Бироз толиққанман. Бор гап шу, холос.

— Кеча лекин жуда авжида эдингиз. Кичкина герцогиняни бутунлай маҳлиё қилиб қўйдингиз. У менга Селбига бориш ниятида эканини айтди.

— Ҳа, у йигирманчида келишга ваъда берди.

— Монмаут ҳам у билан бирга борадимми?

— Ҳа, албатта-да, Гарри.

— У хўб менинг жонимга тегди-да! Герцогинянинг ҳам жонига тегиб бўлган. Герцогиня — жуда оқила аёл-да. Аёл киши бу даражада оқила бўлмаслиги керак. Аёл киши заифа бўлмоғи керак. Унга шу заифаликнинг беқиёс латофати етишмайди. Ахир, олтин маъбуднинг оёғи сопол бўлса, биз уни камроқ кадрлаган бўлар эдик. Герцогинянинг оёқлари жуда бежирим, лекин улар сополдан эмас. Улар оқ чиннидан ясалган деса бўлади. Унинг оёқлари оловда тобланган, олов

эса чиннини маҳв этмавди, балки чиниқтиради. Кичик жуссали бу аёл ҳаётда анча нарсани кўрган.

— Эрга текканига кўп бўлганми? — деб сўради Дориан.

— Унинг гапига қараганда, бир аср бўлган. Агар хотирам панд бермаса, пэрлар китобида ўн йил деб кўрсатилган. Лекин Монмаут билан бирга ўтказилган ўн йил бутун бир аср бўлиб туюлиши мумкин... Селбига яна кимлар келади?

— Виллоуби билан лорд Рэгби — иккови ҳам хотинлари билан. Кейин леди Нарборо, Жеффри, Глостон — хуллас, ўша одатдаги давра. Мен яна лорд Гротрианни ҳам таклиф қилдим.

— Уни таклиф қилиб яхши қилибсиз. У менга ёқади. Кўплар уни ёқтиришмайди, менимча, у жуда дилбар одам. Баъзан ҳаддан зиёд олифталик қилади-ю, бироқ бунини бағоят маърифатли экани ювиб кетади. У тўқис замонавий одам.

— Хурсанд бўлишга шошилманг, Гарри, ҳали маълум эмас — кела оладими-йўқми. Эҳтимол, у отасини Монте-Карлога олиб бориши керак бўлар.

— Эҳ, бу ота-она деганлари кўп серхархаша халқ бўларкан-да! Ҳар қалай, уни олиб келишга бир ҳаракат қилиб кўринг. Кўндилинг бир амаллаб... Айтганча, Дориан, кеча сиз меникидан жуда эрта қочиб қолдингиз-а! Соат ҳали ўн бир ҳам бўлгани йўқ эди. Кейин нима иш қилдингиз? Наҳотки, тўппа-тўғри уйга равона бўлган бўлсангиз?

Дориан унга ялт этиб қаради-да, қовоғини уйди.

— Йўқ, Гарри, — деб жавоб берди у биров ўтгач. Уйга соат учлардагина етиб бордим.

— Клубга бордингизми?

— Ҳа... Э-э, йўғ-е... — деб Дориан лабини тишлаб қолди. — Клубга борганим йўқ. Ўзим шундоқ, сайр қилиб юрдим... Қаерда бўлганим эсимда йўқ. Мунча суриштирмасангиз, Гарри. Бирам ўсмоқчилайсизки... Одам нима қилиб юрганини батафсил билмасангиз бўлмайди. Мен эсам кеча нима қилганимни бугун унутиб юборишга ҳаракат қиламан. Агар аниғини билмоқчи бўлсангиз, мен уйга роппа-роса икки яримда бордим. Калитни уйда қолдирган эканман, эшикни мулозимим

очишига тўғри келди. Агар сизга гапимнинг тасдиғи керак бўлса, мулозимимдан сўрашингиз мумкин.

Лорд Генри елкасини қисди.

— Қўйсангиз-чи, азизим, бунинг менга нима ҳожати бор? Юринг, меҳмонхонага, хонимларнинг ёнига борайлик... Йўқ, раҳмат, мистер Чэмпмен, мен херес ичмайман... Сизга бир нарса бўлипти ўзи, Дориан! Айтинг менга, нима бўлди? Бугун кайфиятингиз бежо?...

— Эқ, Гарри, бунга эътибор бермай қўя қолинг. Бугун жуда ҳам кайфиятим бузуқ, ҳамма нарса ғашимни келтирмоқда. Эртагами—индинга олдингизга бир кириб чиқаман. Ҳозир меҳмонхонага кирмайман, мен уйга кетмоғим керак. Леди Нарборога менинг узримни айтиб қўярсиз.

— Майли, Дориан. Эртага сизни чойга кутаман. Герцогиня ҳам бўлади.

— Ҳаракат қиламан, — деди Дориан чиқиб кетар экан.

У уйига қараб йўл олди. У юрагидаги кўрқув туйғусини ўтиб кетди деб ўйлаган эди. Йўқ, ўтмаган экан — у яна қайтиб келди. Лорд Генри тасодифан берган савол уни мувозанатдан чиқарди. Ҳолбуки, у қозир ҳар доимдагидан ҳам босиқроқ ва дадилроқ бўлмоғи керак. Ҳозир уйига бориб, хатарли далилларни йўқ этмоғи керак. Ҳолбуки, буни ўйлашнинг ўзидаёқ унинг аъзойи баданида титроқ турмоқда. Далилларни йўқотиш эмас, ҳатто уларга қўл тегизишнинг ўзиёқ уни саросимага соларди.

Бироқ буни қилмаса бўлмайди. Шунинг учун Дориан кутубхонага кириб, эшикни ичидан қулфлади-да, кейин девордаги хуфия жавонни очиб, у ердан Бэзилнинг пальтоси билан саквояжини олди. Каминда ўт гуриллаб ёниб турипти. Дориан яна тараша қалади. Ёнаётган мовут билан теридан чиқаётган бадбўй ҳидга тоқат қилиб бўлмасди. Ҳаммасини йўқ қилиш учун чорак кам бир соатча уринишга тўғри келди. Охирига бориб ҳатто Дорианнинг кўнгли беҳузур бўлиб, боши айлана бошлади. У мис тобоқда бир нечта жазоир шамларини ёқди, кейин қўли билан пешонасини хушбўй мушк-анбарда

хўллади...

Кейин тўсатдан унинг қорачиқлари кенгайиб кетди, кўзи ғалати бир тарзда ялтирай бошлади. У асабий равишда пастки лабини тишлади. Деразалар оралиғида Флоренцияда ноёб қора ёғочдан ясалган, устига фил суягидан нақшлар қадалган каттакон жавон турарди. Дориан сеҳрлангандай жавондан кўзини ололмай қолди — жавон бир вақтнинг ўзида ҳам ўзига тортар, ҳам юрагига қўрқув соларди. Гўё унинг ичида бир нима бор. Дориан бу “нима“га эга бўлмоқни жуда-жуда истади ва шу билан бирга ундан жирканади... Бу зиддиятли иштиёқ унинг бутун вужудини ловуллаптиб юборди. Унинг нафаслари бўғилди. Дориан папирос тутатиб чекди. Чекди-ю, шу заҳотиёқ уни улоқтирди. Унинг қовоқлари тушиб кетди. Шу қадар тушдики, узун-узун киприклари ёноғига тегай деб қолди. Лекин у ҳамон қимир этмас ва жавондан кўзини узмас эди.

Ниҳоят, у дивандан турди, аста босиб жавоннинг олдига келди ва эшикни очиб, яширин тугмачани босди. Жавондан учбурчак қутича аста сирғалиб чиқди. Дорианнинг бармоқлари ғайришуурий тарзда қутича томон чўзилди, унинг қопқоғини очиб, ичидан яна бир лакланган хитойи қора қутичани олди. Қутича жуда гўзал эди. Унга тимазан деб берилган, биллур маржон тақилган устига ва ёнларига нафис нақшлар ишланган, учи попуклик ипак тасмачалар билан безатилган. Дориан қутичани очди. Унинг ичида мумга ўхшаган яшил дори ётар, ундан жуда ғалати ўткир ҳид анқиб турарди.

Дориан бир-икки дақиқа лабларида қотиб қолган табассум билан тараддудланиб турди. Хонанинг ичи иссиқ эди. Дориан эса совуқдан қақшаб бормоқда. У керишди, соатига қаради... Йигирмата кам ўн икки эди. У қутичани жойига қўйди, жавоннинг эшигини ёпди-да, хобхонага йўналди.

Тун зулмати қўйнида бронза соат ярим кеча бўлганидан хабар бериб занг урганида Дориан Грей оддий авом кийимини кийиб, бўйнига шарф ўраб, уйцдан чиқди. Бонд-стритда у бақувват от қўшилган извошга дуч келди. У извошчини чақириб, паст овозда унга манзилни айтди.

Извошчи бош чайқади.

— Йўқ, жуда узоқлик қилади.

— Мана сизга бир тилла, — деди Дориан. — Агар тезроқ юрсангиз яна бир тилла оласиз.

— Майли, сэр,— деб жавоб берди извош эгаси. — Бир соатдан кейин етиб борасиз...

Дориан извошга ўтирди, извошчи пулни ҳамёнига солиб, отларини бурдида, Темза томонга йўрттириб кетди.

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

Муздек ёмғир севалай бошлади. Унинг туманли пардаси ортидан кўча фонусларининг хира ёғдуси ажабтовур совуқ кўринади. Ҳамма трактирлар ёпила бошлаган, уларнинг эшиклари олдида тўп-тўп турган эркак-аёллар қоронғуда ғирашира кўринади. Баъзи қовоқхоналардан кўчага портлагандай қаққақа товушлари учиб чиқади, баъзи бирларида маст-аласт одамлар бақириб-чақиришади. Бир-бирлари билан сўкишишади. Извошда ёнбошлаб, шляпасини бостириб кийиб олган Дориан Грей катта шаҳар ҳаётининг жирканч авра-астарини лоқайдлик билан кузатиб борар ва лорд Генри ташвишларининг биринчи куни унга айтган гапни ўқтин-ўқтин ичида такрорлаб кўярди: “Қалбингизни туйғуларингиз билан даволанг, туйғуларингизни эса қалбингиз даволасин”. Ҳа, ҳамма гап шунда! У, яъни Дориан кўп марталаб шундай қилишга қаракат қилган, бундан кейин ҳам шундай қилмоққа интилади. Наша чекадиган, қора дори ейдиганларнинг ишратхоналари бор. У ерга бориб, пул харжлаш, ҳамма нарсани унутмоқ мумкин. Шундай мудҳиш бузуқхоналар борки, у ерда эски гуноҳлар ҳақидаги хотиротларни янги гуноҳлар уммонида чўктириш мумкин.

Осмонда қўл етса бўладигандай жойда муаллақ турган ой сапсариқ бош чаноғига ўхшайди. Баъзан бесўнақай булут узун пардалари билан унинг юзини яширади. Кўчадаги фонуслар борган сари камайиб бормоқда, извош елиб бораётган кўчалар

қам борган сари торайиб, совуқ тус олиб бормоқда. Извошчи хатто бир марта йўлдан адашиб ҳам қолди, ярим мил жойдан қайтишга тўғри келди. Кўлмақларни шалоплата-шалоплата от қам ҳориди, унинг устидан буғ кўтариляпти. Извошнинг ён томонидаги деразаларни қалин туман пардаси қоплаб олган эди.

“Қалбларингизни туйғуларингиз билан даволанг, туйғуларингизни эса қалбларингиз даволасин”. Бу сўзлар Дорианнинг қулоғига қуйилиб қолгандай жаранглашда давом этмоқда. Ҳа, унинг қалби ўлар даражада хаста. Лекин чиндан қам туйғулар уни даволай олармикин? Ахир, у бегуноҳ одамнинг қонини тўқди. Бу гуноҳдан ниманинг эвазига фориғ бўлиш мумкин. Йўқ, бунақа гуноҳни кечириб бўлмайди.

Начора, ўзинг ўзингни кечиролмасанг, лоақал гуноҳни унутмоқ мумкин-ку!.

Дориан ҳамма нарсани унутишга, хотирасидан ўчириб ташлашга, одамни чаққан заҳарли илонни янчиб ташлагандек ўтмишини мажақлаб ташлашга қатъий аҳд қилди. Чиндан-да, Дориан билан бундай гаплашишга Бэзилнинг нима ҳақи бор эди? Ким уни бошқа одамларнинг устидан қози қилиб қўйган. Яна унинг оғзидан чиққан гапларга қаранг-а! Бунақа гапларга одам боласи чидаш беролмайди.

Извош ҳамон илгарилаб борар, лекин энди ҳар қадами сайин секинлаб бораётган кўринарди. Дориан извошнинг деразасини тушириб, извошчига тезроқ юришга буюрди. Уни қорадорининг хумори тутмоқда эди, томоғи қуриб қолган, панжалари, томири тортишгандай жиккак бўлиб қолган. У ғазабига чидолмай, кўлидаги ҳассаси билан отнинг яғринига бир туширди. Извошчи буни кўриб кулиб юборди-да, ўз навбатида отга қамчи урди. Дориан ҳам кулиб юборди, извошчи эса кулгини тўхтатиб, дамани ичига ютди.

Юришнинг охири бўлмайдигандек туюларди. Бир-бирини кесишиб ўтган тор кўчалар тарвақайлаб кетган ўргимчак уясининг тўрларига ўхшарди. Уларнинг якранглигида алланечук кишини эзадиган бир руҳ бор эди. Туман борган сари қуюқлашиб бормоқда. Дорианнинг аҳволи жуда ёмонлашди.

Ғишт заводпари жойлашган холи бир маскандан ўтишди. Бу ерда туман унча қалин эмас эди, ғиштни пиштадиган ўчоқлар яққол кўзга ташланди. Уларнинг мўрилари узун-узун шишаларга ўхшарди. Уларнинг оғзидан тўқ жигарранг аланга тиллари елпуғичсимон ёйилиб кўриниб турипти. Ўтиб кетаётган извошга қараб ит вовуллади, аллақандай зулмат қўйнида адашган чалқар қичқиради. От тойиб кетиб, бир томонга сапчиди ва тўрт оёқлаб югуриб кетди.

Бир неча минутдан кейин улар кенг ва текис йўлдан ўйдимчуқур тош йўлга бурилишди, извошнинг тақир-туқури кучайди. Уйларнинг деразаларида чироқ кўринмайди, фақат баъзи деразаларнинг дарпардаларидагина ғаройиб соялар кўриниб қолади. Дориан уларга қизиқиш билан қарайди. Соялар баҳайбат қўғирчоқлардек ҳаракат қилишади, кўлларини жонли

одамлардек силкитишади. Бироқ орадан кўп ўтмай улар Дорианнинг ғашига тега бошлади. Юрагида бўғиқ бир ғазаб бош кўтара бошлади. Муюлишда бурилганларидан сўнг бир аёл очиқ эшикдан уларга алланима деб қичқирди, бошқа жойда иккита эркак извошнинг кетидан қувлаб кетишди. Улар юз ярдча масофани югуриб ўтишди. Извошчи уларни қамчи билан ҳайдаб солди.

Бирор эҳтироснинг бандаси бўлган одамнинг фикри тор доирада айлана бошлайди, дейдилар. Дарҳақиқат, Дориан Грейнинг тишлайвериб моматалоқ бўлиб кетган лаблари орасидан ҳамон кишини толиқтирувчи бир қатъият билан ўша биргина маккорона ибора — қалб ва туйғулар ҳақидаги ибора такрор-такрор айтилаётгани эшитиларди. Бу аҳвол бу ибора тўлалигича кайфиятимга мос келади ва эҳтиросларимни оқлайди деб ўзини-ўзи ишонтирмагунча давом этди. Ҳолбуки, бу ибора оқланса-оқланмаса, барибир, ўша эҳтиросларнинг қулига айланиб бўлган эди. Битта фикр унинг бутун миясини, ундаги ҳар бир хужайрани забт этиб олганди, инсоний иштаҳалар ичида энг даҳшатлиси бўлмиш ҳеч нарса билан қондириб бўлмайдиган яшаш иштиёқи унинг ҳар бир асабини, жисмининг ҳар бир заррасини таранглаштирар, дир-дир титрашга мажбур қиларди. Бир замонлар уни воқеликка қайтариб тургани учун Дорианнинг нафратини қўзғатган ҳаёт бузуқликлари эндиликда худди ўша сабабга кўра унга қадрли бўлиб қолган эди. Ҳа, турмушнинг расволиклари унинг учун бирдан-бир чин нарса бўлиб қолди. Қўпол жанжаллар ва муштлашишлар, ифлос ишратхоналар, давомли маишатлар, ўғриларнинг тубанлиги, жамиятдаги қаланғи-қасанғиларнинг қабиҳлиги энди унинг хаёлотиға Санъатнинг гўзал асарларига ва қўшиқ ато этадиган ҳаловатга қараганда кучлироқ таъсир кўрсатарди. Бу разолатларнинг ҳаммасига у эҳтиёж сезар, чунки улар унга хотираларини унутишга ёрдам берарди. У ўзига-ўзи уч кундан кейин бу хотираларнинг ҳаммасидан халос бўламан дерди.

Кўққисдан извошчи жиловни бир силтаб, извошни қоронғи тор кўчанинг олдида тўхтатди. Пастак-пастак уйларнинг томлари ва қийшайиб ётган мўрилари ортидан кемаларнинг мачталари

қорайиб кўриниб турипти. Уларнинг атрофида нафис, юпқа елканларга ўхшаган паға-паға оқ туманлар сузиб юрипти.

— Айтган жойингиз шу атрофдами, сэр? — деб сўради извошчи бўғиқ овозда.

Дориан бесаранжом бўлиб, кўчани кўздан кечирди.

— Ҳа, шу ерда, — деди у ва шоша-пиша извошдан тушиб, извошчига ваъда қилган яна бир тиллани берди-да, соҳил томонга қараб тез-тез одимлаб кетди. Баъзи бир каттакон савдо кемаларида фонуслар ёқиб қўйилганди. Уларнинг шуъласи липиллаб турар ва кўлмакларда акс этарди. Анча олисда хорижга жўнашга тайёргарлик кўриб, кўмир ортаётган пороходнинг қизил чироқлари кўзга ташланди. Сирпанчиқ тош йўл худди хўл макинтошдай ялтирайди.

Дориан орқасидан ҳеч ким таъқиб этиб келмаётганига амин бўлмоқ учун, теварак-атрофига аланг-жаланг аланглаб, чап томонга юрди. Етти-саккиз дақиқадан сўнг у иккита харобгина фабриканинг орқасига суқилиб кириб олган кўҳна ва ифлос бир уйга етиб борди. Юқори қаватнинг деразасида чироқ ёнарди. Дориан шу ерда тўхтаб, эшикни тақиллатди. Унинг эшикни қоқиши аввалдан келишиб қўйилган тарзда эди.

Бир дақиқадан кейин у йўлакдаги қадам товушларини эшитди, эшикнинг занжири шиқирлаб туширилди. Кейин эшик оҳиста очилди ва у пастаккина семиз одамга бир оғиз ҳеч нима демай ичкарига кирди. Семиз одам бир қадам орқасига чекиниб, деворга қапишиб унга йўл берди. Йўлакнинг охирида кир бўлиб кетган зангори парда осиб қўйилган эди, у очиқ эшикдан ёпирилиб кирган шамол эпкинидан ҳилпираб турарди. Пардани бир ёнга суриб Дориан рақс ўргатадиган ночоргина хонага ўхшайдиган, шифти паст узун хонага кирди. Деворларда газ чироқлар ёниб турар, уларнинг хира шуъласи пашшалар ўтириб кетган кўзгуларда акс этарди. Чироқларнинг устига ўрнатилган тунука қалпоқлар қам титраб турган суст алангадай кўринарди. Пол устига сап-сарик қипиқ тўкилган. Унда кирботинкаларнинг излари, тўкилган виноларнинг қора доғлари сезилиб туради. Ўртада темир печкада гуриллаб олов ёниб турипти. Бир нечта

малайяликлар чордана қуриб ўтириб олишиб, ошиқ ўйнашяпти, нималардир деб гап сотишяпти ва оппоқ тишларини кўрсатишиб кулишяпти. Бир бурчакда столга кўкрагини бериб, бошини кўлларига қўйиб денгизчи ўтирипти, деворни бошдан-оёқ энлаган пештахта ортида эса кучдан қолиб сўлиган икки аёл пальтосининг енгини чўтка билан тозалаётган қарияга тегажоқлик қилишяпти.

— Унинг назарида, ҳозир ҳам баданидан қизил чумолилар ўрмалаб кетаётгандай туюлаётгандай бўлса керак, — деди аёллардан бири ўтиб кетаётган Дорианга. Қария даҳшат ичида аёлга қаради-да, аянчли тарзда минғирлай бошлади.

Хонанинг нариги бошида нарвондан кўтарилиб ним қоронғи бир қужрага кириларди. Дориан шалоғи чиққан учта зинани босиб ўтиб, эшикни очди. Унинг юзига гуп этиб қорадорининг қиди урилди. Дориан бу ҳидни симириб чуқур нафас олди ва бутун вужуди роҳатланаётганини ҳис қилди. У ичкарига кирганида оқ-сарикдан келган ёш йигит лампа устига энгашиб, дастаси ингичка ва узун трубкасини ўт олдираётган эди. У Дорианга қараб, истар-истамас бош ирғади.

— Шу ерда экансиз-да, Адриан?

— Бошқа яна қаерда бўлай? — деб лоқайд жавоб берди у. — Эндиликда мен

билан эски танишларимнинг биронтаси ҳам гаплашишни истамайди.

— Мен сизни Англиядан кетиб қолган деб ўйловдим.

— Дарлингтон кўлини совуқ сувга урмайди... Акам ниҳоят векселлар бўйича қарзимни тўлади... Лекин Жорж ҳам мен билан гаплашишни истамайди... Ҳа, энди, барибир, — деб илова қилди у хўрсиниб, — Ҳозирча манови сабил бор экан, менга дўстларнинг кераги йўқ. Ўйласам, ўзи, дўстларим ҳам итбалиқдан кўп бўлган экан-да...

Дориан сесканиб, юзини ўгирди. У ҳужрани кўздан кечирди. Яғири чиқиб кетган йиртиқ-ямоқ тўшакларда ҳар хил одамлар

бири-биридан бемаъни ва ғаройиб алпозда ётипти. Баъзилари қўл-оёқларини ғужанак қилиб олишган, баъзиларининг оғзи очиқ, яна бир хилларининг кўз қорачиғи бир нуқтага тикилиб қотиб қолган. Бу манзара Дорианни маҳлиё этиб олгандай эди. Бу одамлар чекаётган ширин уқубатлар унга таниш эди. Улар ҳозир ўзларини жаннатда деб қис қилишади. Айни чоқда бу ғалати дўзах улар учун янги қувончлар сирини очиб берадиган дўзах ҳам эди. Ҳозир бу одамлар ўзларини Дориандан кўра бахтлироқ ҳис қилишмоқда, чунки Дориан ҳали-ҳозир ўз фикрининг асоратидан қутула олгани йўқ. Хотиралар даҳшатли дарддай унинг қалбини кемириб ётипти. Ўқтин-ўқтин унинг қаршисидан Бэзил Холлуорднинг унга қадалган кўзлари сузиб ўтади. Хотираларидан тезроқ халос бўлишга ҳарчанд уринмасин, Дориан бу ерда қолишга қурби етмаслигини ҳис қилди. Уни ҳеч ким танимайдиган бирор ёққа кетгиси келди. У ўзидан-ўзи қочмоқчи эди.

— Бошқа жойга бораман, — деди у бироз сукутдан сўнг.

— Верфргами?

— Ҳа.

— Анови ёввойи мушук ўша ерда бўлса керак. Уни бу ерга бошқа келтиришмаяпти.

Дориан елкасини қисди.

— Начора? Маъшуқа аёллар роса ҳам жонимга тегиб кетган. Нафрат қиладиган аёллар билан гурунглашиш мароқлироқ. Бундан ташқари, у ердаги дори ўткирроқ.

— Йўғ-е, ҳаммаси бир гўр...— У ерники менинг таъбимга кўпроқ ўтиришади. Юринг, бирор нарса ичайлик. Бугун бир тўйиб ичгим келди.

— Менинг ҳеч нарсага кўнглим йўқ, — деб минғирлади Адриан.

— Барибир, қани, юринг.

Адриан Синглтон эринчоқлик билан ўрнидан туриб, Дорианнинг

кетидан буфетга қараб кетди. Йиртиқ салла ўраб, сийқаси чиққан пальто кийиб олган мулат хизматчи тишларини иржайтириб, улар билан саломлашди-да, уларнинг олдига “тақ” этказиб бир шиша бренди билан иккита стакан қўйди. Пештахта олдида турган аёллар шу заҳотиёқ яқинроқ сурилиб, уларга гап ташлай бошладилар. Дориан уларга орқасини ўгириб олиб, Синглтонга бир нарсалар деб пичилади. Аёллардан бири лабини буриб кулди.

— Бугун мунча димоғи кўтарилган-а! — деди у истехзо билан.

— Худо ҳақи, мени тинч қўй, — деб қичқирди депсиниб. — Сенга нима керакўзи? Пулми? Ма, ол. Бошқа оғзингни очиб мен билан гаплашма!

Аёлларнинг хира қорачиқларида бир лаҳза қизил учқунлар чақнагандек бўлди, бироқ улар шу ондаёқ сўнди ва кўзлари яна хира тортиб, сўниқ тус олди. Аёл бошини силкиди ва очкўзлик билан пештахта устидаги унга ташланган пулларни сидириб олди. Дугонаси унга ҳасад билан қараб турарди.

— Буларнинг бари беқуда, — деб хўрсиниб чала қолган гапни давом эттирди Адриан. — Мен у ерга қайтиб бормоқчи эмасман. Нима қиламан? Шу ерда ҳам аҳволим ёмон эмас.

— Бирор нарсага муҳтожлик сезадиган бўлсангиз, менга ёзиб юборинг. Хўпми? — деб сўради Дориан бироз сукут сақлагач.

— Майли, ёзсам ёзарман...

— Хўп, хайр, бўлмаса...

— Хайр, — деб жавоб берди йигит қуриган лабларини рўмолча билан арта туриб. Сўнгра у зинадан кўтарила бошлади. Дориан бир муддат унинг орқасидан алам билан қараб турдида, кейин эшикка йўл одли. У пардани бир ёнга сураётганда, пул берган аёлнинг беҳаё кулгиси эшитилди:

— Кетиб қоляпти-ку бу алвастининг ўлжаси! — деб хириллаб қичқирди аёл ҳиқичоғини босиб.

— Мени бунақа деб чақира кўрма, лаънати! — деб ўшқирди

унга Дориан.

Аёл бармоқларини қасирлатиб, янада баландроқ овозда қичқирди:

— Нима бало, бўлмаса, сени Гўзал Шаҳзода деб чақирайми? Лаббай?

Стол ортида ўтирган денгизчи бу қий-чувни эшитиб уйғониб кетди ва ўрнидан сапчиб туриб, телбалардек теварак-атрофига аланг-жаланг қарай бошлади. Даҳлизда эшикнинг тарақлаб ёпилганини эшитгач, орқасидан биров қуваётгандай жонҳолатда югуриб ташқарига чиқди.

Дориан Грей севалаб ёғаётган ёмғир остида соҳил бўйлаб кетиб борарди. Адриан Синглтон билан учрашув уни негадир жуда қаттиқ ҳаяжонга солди ва ўз-ўзига савол бериб, “бу йигитнинг ҳаётини расво қилган сенсан, Дориан“ деб очиқдан-очиқ таъна қилганида Бэзил Холлуорд ҳақмиди, йўқми дея сўради. Бир дақиқа унинг кўзларида маъюслик ифодаси пайдо бўлди. Лекин у шу заҳтиёқ ўзини ўнглаб олди.

Гапнинг индаллосини айтганда, унга нима?

Умр деган нарса жуда қисқа, бировларнинг хатолари юкини ўз зиммангга олишга арзимаydi. Ҳар ким ўзи истаганча ҳаёт кечиради ва бунинг учун ўзи ҳисоб-китоб қилади. Фақат шуниси алам қиладики, одамзод кўпинча ҳаётида қилганякка-ю ягона хатоси учун адоқсиз тарзда ҳисоб-китоб қилади. Тақдир инсон билан ҳисоб-китоб қилар экан, ҳеч қачон уни қарзларидан тугал қутулган деб ҳисобламаydi. Агар руҳшуносларга ишонса, шундай ҳолатлар бўладикки, гуноҳ қилиш (ёхуд одамлар гуноҳ деб атайдиган нарсани қилиш) иштиёқи одамни чулғаб оладикки, унинг жисмининг ҳар бир зарраси, миясининг ҳар бир хужайраси хатарли инстинктлар таъсирида ҳаракат қила бошлайди. Бундай вақтларда одамлар иродаларининг эркинлигини йўқотиб қўядилар. Ғайришуурий тарзда улар ўз ҳалокатлари сари борадилар. Уларнинг шундан бошқа иложлари йўқ, уларнинг онги ё сукут сақлайди, ёхуд ўзининг аралашуви билан исённи янада мароқли қилади. Ахир, илоҳшунослар қайта-

қайта қулоғимизга “гуноҳлар ичида энг даҳшатлиси шаккокликдир!” деб қуйишдан чарчашмайди. Ёвузлик салафи бўлмиш Улуғ Руҳ айни ана шу исёни учун самолардан қувилган.

Ҳамма нарсага лоқайд бўлиб қолган, фақат бузуқликлардан тасалли топиш иштиёқида ёнган, хаёлоти бутунлай кирланиб битган, қалби жунбушга келган Дориан Грей борган сари қадамини тезлатиб олға қараб кетиб борарди. У усти ёпиқ қоронғи йўлакка кирди. У расволик бобида донг чиқарган ишратхона сари бормоқда эди. Ҳозир йўлни қисқартиш учун шу йўлакка бурилган эди. Лекин йўлакка бурилиши биланоқ тўсатдан кимдир орқасидан келиб елкаларидан ушлади ва ўзини ўнглаб олишига йўл қўймай, деворга қапиштирди-да, бақувват қўллари билан Дорианнинг томоғидан ғиппа бўғиб олди.

Дориан жонҳолатда ўзини ҳимоя қила бошлади ва жуда қаттиқ зўр бериб, бўғиб турган қўлларни томоғидан ажратиб олди. Шу дақиқада тўппончанинг тепкиси шиқиллади ва Дорианнинг кўз ўнгида тўппонча ялтираб кўринди. Тўппонча тўппа-тўғри унинг пешонасига йўналтирилган эди. У қоронғуликда қаршисида турган паст бўйли, миқти гавдали эркакни ғира-шира кўрди.

— Сизга нима керак?— деб сўради Дориан энтикиб.

— Қимирламай тек тулинг!— деб буйруқ берди у. — Қимир этсангиз, отиб ташлайман.

— Жинни бўлиб қолибсиз! Мен сизга нима қилдим?

— Сиз Сибила Вэйннинг ҳаётини хароб қилгансиз. Сибила Вэйн эса менинг синглим бўлади. У ўз жонига қасд қилди. Биламан, унинг ўлимига сиз айбдорсиз. Мен сизни ўлдиришга қасам ичганман. Неча йилдан бери сизни қидираман, сира изингизни тополмайман... Фақат икки кишигина сизни тасвирлаб беришлари мумкин эди, лекин уларнинг иккови ҳам ўлиб кетди. Мен эса сизнинг тўғрингизда ҳеч нарса билмас эдим. Фақат синглим сизга эркалатиб берган номдангина хабардор эдим. Бугун тасодифан уни эшитиб қолдим. Худога ибодат қилинг, ҳозир

нариги дунёга жўнайсиз.

Дориан Грей кўрққанидан миқ этолмай қолди.

— Мен синглингизни ҳеч қачон билган эмасман,— деди у ҳиқиллай-ҳиқиллай шивирлаб.— Мен уни эшитган қам эмасман. Жинни бўлиб қолибсиз.

— Гуноҳларингизга тавба қилинг деяпман мен сизга. Негаки, менинг Жеймс Вэйн эканим нечоғлик аниқ бўлса, сизнинг ўлишингиз ҳам шунчалик ҳақ.

Даҳшатли дақиқа! Дориан нима қилишини билмай, тили калимага келмай довдираб қолди.

— Тиз чўкинг! — дея ҳайқирди Жеймс Вэйн.— бир дақиқа муҳлат бераман. Заррача ҳам ортиқ берилмайди. Ибодат қилиб олинг. Бугун мен сафарга жўнайман. Лекин аввал сизни гумдон қилмоғим керак. Бир дақиқа муҳлат бераман, тамом-вассалом!

Дориан кўллари шалвираб, кўрқувдан бўғинлари бўшашиб турарди. Кўққисдан унинг қалбида умид учқуни йилтиллади.

— Шошманг! — деб хитоб қилди у.— Синглингиз ўлганига неча йил бўлди? Тезроқ жавоб беринг!

— Ўн саккиз йил! — деб жавоб берди денгизчи. — Хўш, нима бўпти? Йилларнинг нима даҳли бор бунга?

— Ўн саккиз йил! —деб Дориан Грей тантанавор оҳангда кулиб юборди. Ўн саккиз йил! Сиз мени чироқнинг тагига олиб бориб, башарамга тузукроқ бир қаранг.

Жеймс Вэйн бир дақиқа Дориан нима демоқчи эканини тушуна олмай тараддудланиб қолди. Кейин уни қоронғу йўлақдан фонуснинг тагига судради.

Фонуснинг шабадада қалтираб турган тили қар қанча заиф бўлмасин, Жеймс Вэйннинг жуда мудҳиш хато қилиб қўйишига сал қолганига амин бўлиши учун кифоя қилди.

У ўлдирмоқчи бўлган одамнинг башарасидан навқирон ёшликнинг латофати барқ уриб турарди. Бу чеҳрада бокира мусаффоликнинг муҳри бор эди. Зоҳиран у ҳали йигирмадан ошмаган кўринар эди. У Сибиладан катта бўлса жиндай катта,

бўлмаса унинг ёшларида эди. Ҳа, Жеймс синглисидан ажраганда бор-йўғи ўн саккизга кирган эди. Аён кўриниб турипти — бу одам синглисини нобуд қилган одам эмас.

Жеймс Вэйн Дорианни қўйиб юборди, бир қадам орқага чекинди.

— Ё тавбангдан кетай, Пйрвардигор! Сизни отиб қўйишимга сал қолди-я!

Дориан хўрсиниб, нафасини ростлади.

— Ҳа, мудҳиш бир жиноятни содир қилишингизга сал қолди, — деди у Жеймсга қаҳр билан қараб. — Майли, бу иш сизга сабоқ бўлсин. Одам ўч олиш вазифасини зиммасига олмаслиги керак. Бу — худонинг иши.

— Мени маъзур тутасиз, сэр,— деди Жеймс минғирлаб.— Мени йўлдан оздирдилар. Бу лаънати исловатхонада тасодифан иккита сўзни эшитиб қолдим, улар мени сохта йўлга солиб юборишипти.

— Уйингизга борақолинг, майли, тўппончангизни яшириб қўйинг, бўлмаса, бошингизга кулфат тушиб қолиши ҳеч гап эмас.

Жеймс Вэйн даҳшатдан ўзига келолмай, ҳамон тош йўл устида қимир этмай турарди. Унинг бутун вужуди дағ-дағ қалтирамоқда. Орадан бир оз вақт ўтгач, нам девор ёқалаб пушиб келган қора соя фонуснинг ёруғи тушиб турган жойга чиқди-да, астагина денгизчининг ёнига келди. Денгизчи елкасига кимдир қўлини қўйганини ҳис қилиб, сесканиб тушди ва ўгирилиб қаради. Бу яқиндагина ишратхонада буфет ёнида турган икки аёлнинг бири эди.

— Нега уни ўлдирмадинг? — деб сўради у ичкиликдан шишиб кетган юзини денгизчига яқинлаштириб.

— Сен Дейлиникидан югуриб чиқишинг биланоқ, уни кетидан қувлаётганингни дарров билдим. Эй, аҳмоқ-а, уни гумдон қилиш керак эди. Ҳамёни тўла пул эди. Узи бўлса, ҳақиқий шайтон.

— У мен излаётган одам эмас экан, — деб жавоб берди Жеймс Вэйн. — Бировнинг пули менга керак эмас. Мен бир одамдан ўч олмоғим керак. Ҳозир у қирқ ёшларга борган бўлиши керак. Бу эса ҳали ғирт болага ўхшайди. Худога минг қатла шукур, уни ўлдирмадим, бўлмаса, қўлим бегуноҳ бир одамнинг қонига ботган бўларди.

Аёл истехзо билан кулиб юборди.

— Ғирт бола дегин! Буни қара-я! Ҳой нодон, билмасанг, билиб кўй, мана, ўн саккиз йилдирки, Гўзал Шаҳзода мени шу кўйга солиб кўйган.

— Алдаяпсан! — дея хитоб қилди Жеймс Вэйн.

Аёл кўлини кўтарди.

— Худо ҳақиға онт ичаман, гапим рост.

— Қасам ичаман дейсанми?

— Агар алдаётган бўлсам, тилим қирқилсин! Бу ерга ўралашиб юрадиганлар ичида ҳаммадан ярамаси — шу! Уни чиройли чеҳра эвазига жонини шайтонга сотган дейишади. Уни таниганимга яқинда ўн саккиз йил бўлади. Шунча йил мобайнида у деярлик ўзгаргани йўқ... Менга ўхшаган эмас у ... — деб илова қилди у алам билан кулиб.

— Демак, онт ичаман дегин?

— Онт ичаман!— деди аёл хириллаган овозда сўлиган лабларини чўччайтириб. — Лекин сен мени сотиб кўйма, — деди аёл ялингансимон. — Мен ундан кўрқаман. Менга жиндай пул бер — тунаш ҳақини тўлаб кўяй.

Денгизчи болахонадор қилиб сўкиниб, Дориан Грей кетган томонга югурди. Бироқ у изсиз ғойиб бўлган эди. Жеймс Вэйн

югуришдан тўхтаб, орқасига ўгирилганда кўчадаги аёл ҳам ғойиб бўлганди.

ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

Орадан бир ҳафта ўтгандан кейин Дориан Грей ўзининг Селби-Роялдаги ҳовлисида гулхонада хушрўйгина герцогиня Монмаут билан гурунглашиб ўтирарди. Герцогиня Монмаут олтмиш яшар қоқ суяк эри билан Дорианникига меҳмон бўлиб келганди. Оқшомги чой вақти эди. Тепасига қалпоқ кийгазилган чироқнинг майин нурлари стол устидаги чинни ва кумуш идишларни ёритиб турипти. Дастурхон устида герцогиня бекалик қиляпти. Унинг дўмбоққина оппоқ қўллари идишлар орасида парвоз қилар, лаъли ранг дудоқларида эса табассум ўйнаради. Афтидан, Дориан унга шивирлаб айтаётган гаплар уни беҳад завқлантираётган кўринади. Шоҳи ёстиклар қўйилган тўқима ўриндиқда ёнбошлаб ётган лорд Генри уларни кузатиб ўтирар, напармон рангли диванда савлат тўкиб ўтирган леди Нарборо ўзини герцогнинг ҳикоясини тинглаётгандай қилиб кўрсатишга тиришарди. Герцог яқинда ўзининг коллекцияси учун қўлга киритгани Бразилия қўнғизи тўғрисида оғзидан бол

томиб қикоя қиларди. Смокинг кийиб олган учта ёш олифта аёлларни пирожний билан меҳмон қилишяпти. Селбига ўн икки киши меҳмон бўлиб келган эди. Эртасига яна меҳмонлар келиши керак эди.

— Нималар тўғрисида гурунглашяпсизлар? — деб сўради лорд Генри стол олдига келиб, қўлидаги қаҳва идишини қўяр экан. — Ҳамманинг номини янгилаш тўғрисидаги менинг лойиҳамни Дориан сизга гапириб бергандир, Глэдис?

— Мен номимни мутлақо ўзгартирмоқчи эмасман, Гарри, — деб эътироз билдирди герцогиня сузук кўзлари билан унга қарар экан. — Мен ўзимнинг исмимдан мамнунман. Менимча, мистер Грей ҳам ўзининг исмидан мамнун бўлса керак.

— Азизим Глэдис, мен устимдан олтин қуйганда ҳам сизники билан Дорианникига ўхшаган исмларни зинҳор-базинҳор ўзгартирмаган бўлардим. Бу исмларнинг иккови ҳам жуда яхши. Мен, асосан, гулларнинг номини назарда тутяпман. Мен кеча ёқамга қадаб олмоқ учун битта орхидея гулини кесиб олдим. Жуда ҳам гўзал, бағри доғли, етти гуноҳи азим каби жозибалик. Гайришуурий тарзда бу орхидея нима деб аталади деб боғбондан сўрадим. У эса бу гўзал нав “робинзоннома“ деб аталади дея жавоб берди. Ёки шунга ўхшаш бошқа бир бесўнақайроқ сўзни айтди. Тўғрисини айтганда, биз буюмларни чиройли номлар билан аташ борасидаги уқувингизни йўқотиб қўйганмиз, — ҳа, ҳа, ҳар қанча қайғули бўлмасин, бу — ҳақиқат. Ҳолбуки, сўз — катта нарса. Мен қеч қачон одамларнинг қилмишларига тирхишлик қилмайман, мен фақат сўзларга талабчанман... Шунинг учун қам адабиётдаги вульгар реализмга сира тоқатим йўқ. Белкуракни белкурак деб атайдиган одамни белкурак билан ишлашга мажбур қилмоқ керак — у шундан бошқа нарсага ярамайди.

— Ундай бўлса, сизнинг ўзингизни янгичасига нима деб атаймиз, Гарри? — деб сўради герцогиня.

— “Мистер Парадокс” деймиз-да, — деди Дориан.

— Жуда ўринли топдингиз! — деди герцогиня.

— Бунақа исмни эшитишни ҳам истамайман, — деб кулиб эътироз билдирди лорд Генри ўриндиққа ўтирар экан. — Лақаб бир ёпишиб қолса, кейин уни қирғич билан ҳам қириб йўқотолмайсан. Йўқ, мен бу унвондан воз кечаман.

— Қироллар воз кечмаслиги керак, — деди огоҳлантириш оҳангида герцогиня дўндиқ лабларини чўччайтириб.

— Демак, сиз менинг тахтни қимоя қилишимни истайсиз?

— Ҳа.

— Лекин мен келажак ҳақиқатларини айтяпман.

— Мен эса ҳозирги адашишларни афзал кўраман, — деб унинг дамнини кесди герцогиня.

— Сиз мени қуролимдан маҳрум қилиб қўяяпсиз, Глэдис! — деб хитоб қилди лорд Генри унинг кайфиятидан завқланиб.

— Олган бўлсам, қалқонингизни олдим, найзангизни қолдирдим-ку, Гарри.

— Мен ҳеч қачон гўзалликка қарши курашмайман,— деди лорд Генри тавозеъ билан таъзим қилиб.

— Бу хато, Гарри, гапимга ишонаверинг. Сиз чиройни ҳаддан ташқари қадрлайсиз.

— Қўйинг, унақа деманг, Глэдис. Тўғри, мен олижаноб бўлгандан кўра чиройли бўлган яхшироқ деб ҳисоблайман. Лекин бошқа томондан қараганда, бадбашара бўлгандан кўра олижаноб бўлган яхшироқ деган фикрга биринчи бўлиб қўшилишга тайёрман.

— Ундай бўладиган бўлса, хунуклик еттита гуноҳи азимнинг бири экан-да? —деб хитоб қилди герцогиня. — Ахир, ҳозиргина ўзингиз уларни орхидея билан қиёслаб турган эдингиз-ку?

— Йўқ, Глэдис, хунуклик — етти азим эзгуликнинг бири. Сиз ймони бақувваттори сифатида уларнинг аҳамиятини камситмаслигингиз керак. Пиво, Инжил ва ана шу етти азим эзгулик бизнинг Англиямизни ҳозирги аҳволга олиб келган нарсалардир.

- Демак, сиз бизнинг мамлакатимизни севмайсиз?
- Мен шу мамлакатда яшайман.
- Яшайсиз-у, уни роса ҳафсала билан ёмонлайсиз?
- Сизга қолса, мен Европанинг Англия ҳақидаги фикрига қўшилсам тузукмиди?
- Европада бизнинг тўғримизда нима дейишаркан?
- Тартюф Англияга муҳожир бўлиб бориб, бу ерда дўкон очган дейишади.
- Бу ўзингиздан чиққан доноликми, Гарри?
- Уни сизга совға қила қоламан.
- Мен уни нима қилар эканман? У жуда ҳам қақиқатга ўхшаб кетаркан.
- Сиз қўрқманг. Бизнинг ватандошларимиз ҳеч қачон сувратларига қараб ўзларини таниб ололмайдилар.
- Улар оқил одамлар.
- Оқилдан кўра муғомбир деса тўғри бўлар. Якуний ҳисоб-китоб қилишганда, аҳмоқликни бойлик билан, бузуқликни мунофиқлик билан қоплашга ҳаракат қилишади.
- Шундоқ бўла ҳам, ўтмишда биз улуғ ишлар қилганмиз.
- Уларни қилишга бизни мажбур этишган, Глэдис.
- Лекин зиммамиздаги бу юкни шараф билан кўтариб юрганмиз.
- Кўтариб олиб, Фонд биржасидан нарига ўта олмагансизлар. Герцогиня бошини чайқади.
- Мен миллатнинг улуғлигига ишонаман.
- Бу фақат тадбиркорлик ва шиддаткорликнинг қолдиғи, холос.
- Тараққиётнинг гарови шунда.

— Тушкунлик менга маъқулроқ.

- Унда санъатни нима қиламиз?
- Санъат — хасталиқдир.
- Муҳаббат-чи?
- Хом хаёл.
- Дин-чи?
- Кенг тарқалган сохта имон.
- Сиз қеч нарсага ишонмас экансиз.
- Сира ундоқ эмас-да. Ҳар қандай гумон — ибтидои имондир.
- Ундай бўлса, сиз кимсиз?
- Таъриф бермоқ — чеклаб қўймоқдир.
- Лоақал, менга калаванинг учини беринг.
- Иплар ҳаммаси узуқ-юлуқ. Бунақа иплар билан адашиб қолишингиз ҳеч гап эмас.
- Менинг тилимни узил-кесил қисиб қўйдингиз. Келинг, бошқа гапдан гаплашайлик.
- Шу уйнинг эгасидан гаплашайлик, бўлмаса. Жуда яхши мавзу. Анчайиллар аввал унга Гўзал Шаҳзода деб ном қўйишган эди.
- Қўйинг, эсимга солманг буни, — деб хитоб қилди Дориан Грей.
- Бегимиз бугун жуда тегма нозик бўлиб қолган,— деди герцогиня қизариб. — Унинг назарида Монмаут менга соф илмий манфаатлар йўлида уйланган. Мени ҳозирги капалакларнинг энг яхши нусхаси деб ўйлаган шекилли-да.
- Лекин у сизни игнага санчиб, қутисига солиб қўймас дейман, герцогиня? — деди кулиб Дориан.
- Оқсоч аёл жаҳли чиққан кезларда менга санчиб турадиган игналари ҳам етар.
- Нима учун унинг сиздан жаҳли чиқар экан?

— Арзимаган нарсалар важдан, мистер Грей. Гапимга ишонаверинг. Одатда мен чоракам тўққизда келаман-да, унга мени соат тўққиз яримгача кийинтириб бўлишинг керак дейман.

— Ҳали шу важдан сизга қовоқ-тумшуқ қиладими? Бунақа оқсочнинг баҳридан ўтсангиз бўлар экан, герцогиня.

— Иложим йўқ, мистер Грей. У менинг бош кийимларимга ҳар хил шаклу шамоийлар топиб берди. Леди Хилстонникига кийиб борган шляпам эсингиздами? Кўриб турибман, эсингиздан чиқпти. Одоб юзасидан эсингизда бордай қилиб кўрсатяпсиз. Хуллас, ўша шляпани оқсочим йўқ ердан бино қилган эди. Ҳамма яхши шляпалар, аслида, йўқ ердан бино қилинади.

— Ҳамма яхши обрў-эътиборлар ҳам шунақа, Глэдис, — деб гап қўшди лорд Генри. — Агар одам чиндан ҳам бирон нарсаси билан кўзга кўриниб қолса, шу заҳотиёқ унинг душманлари пайдо бўлади. Бизнинг давраларимиз фақат ўртамиёна одамлардан ташкил топган. Ўртамиёналик эса кўпчиликка манзур бўлишнинг гарови.

— Фақат аёллар бунақа эмас, Гарри,— деб герцогиня бошини сарак-сарак қилди. — Аёллар эса дунёни бошқаради. Сизни ишонтириб айтаманки, аёлларнинг ўртамиёналикка тоқати йўқ. Кимдир биз аёллар тўғрисида “булар қулоқлари билан севишади” деган экан. Сиз, эркаклар эса кўзларингиз билан сеvasизлар... Агар сизлар, умуман, бирор замон севишга қодир бўлган бўлсаларинг...

— Назаримда, биз бутун умримиз мобайнида севиш билан бандмиз, — деди Дориан.

— Демак, ундоқ бўлса, ҳеч кимни чинакамига яхши кўрмас экансизлар, мистер Грей!— деб эътироз билдирди герцогиня ҳазилакам ачиниш билан.

— Азизим Глэдис, нега бунақа куфрона гапларни гапиряпсиз? — деб хитоб қилди Генри. — Севгига куч бериб турадиган нарса — такрор. Фақат такрорлаш билангина оддий иштиёқ санъатга айланади. Шуниси ҳам борки, ҳар гал янгидан севганингда худди биринчи марта севаётганга ўхшайсан. Севаётган одамнинг

Ўзгариб тураверади, эҳтирос эса ҳамиша ягона ва бетакрор нарса бўлиб қолаверади. Эврилишлар унинг кучига куч қўшади, холос. Ҳаёт одамга жуда ярлақаганда фақат бир марта бир Улуғ лаҳза ато этади. Бахт деганнинг сири шундаки, ана шу улуғ лаҳзани имкони борича тез-тез бошдан кечириб турмоқ керак.

— Агар бу лаҳза сизга оғир жароҳат етказса ҳам-а, Гарри? — деб сўради герцогиня бироз сукутдан сўнг.

— Ҳа, айниқса, у сизга жароҳат етказганда, — деб жавоб берди лорд Генри.

Герцогиня Дорианга ўгирилиб, унга алланечук ғалати нигоҳ билан тикилди.

— Сиз нима дейсиз бунга, мистер Грей? — деб сўради у.

Дориан дарҳол жавоб бергани йўқ. Ниҳоят, у кулиб юборди-да, бошини чайқади.

— Мен герцогиня, ҳамиша ҳамма масалада лорд Генрининг фикрига қўшиламан.

— Ҳатто у ноҳақ бўлганда ҳам-а?

— Гарри қамиша ҳақ бўлади, герцогиня.

— Ундай бўлса, унинг фалсафаси сизнинг бахтиёр бўлишингизга ёрдам бердими?

— Мен ҳеч қачон бахт излаган эмасман. Унинг кимга кераги бор? Мен лаззат излаганман, холос.

— Хўш, излаган лаззатингизни топганмисиз, мистер Грей.

— Ҳа. Тез-тез топиб турардим.

Герцогиня оғир сўлиш олиб деди:

— Мен эса фақат тинчлигу хотиржамликни қўмсайман. Агар ҳозир бориб, кийимларимни ўзгартирмасам, бугун шу либосда қолиб кетаман.

— Сиз учун бир неча дона орхидей танлашимга изн бергайсиз, герцогиня,— деб хитоб қилди Дориан жонланиб ва ўрнидан

сапчиб туриб, гулхонанинг ичкари томонига йўналди.

— Сиз унга ноинсофларча ишва қияпсиз, Глэдис,— деди лорд Генри ўзининг қариндошига. — Эҳтиёт бўлинг. Бошингизни айлантириб қўймасин.

— Агар шу бўлмаганда кураш ҳам бўлмас эди.

— Демак, юнон юнонга қарши бораркан-да?

— Мен трояликлар томонидаман. Улар аёл учун курашган.

— Курашган-у, мағлуб бўлишган.

— Асирликдан ҳам даҳшатлироқ нарсалар бор жаҳонда, — деб луқма ташлади герцогиня.

— Ўҳ-хў, сиз жиловни қўйиб юбориб кетаркансиз-ку!

— Фақат пойгадагина яшаётгандай бўласан, — деб жавоб берди герцогиня.

— Мен буни шу бугуноқ кундалигимга ёзиб қўяман.

— Нимани ёзиб қўясиз?

— Қўлини куйдирган бола оловга қўл чўзади.

— Олов менга теккани ҳам йўқ, Гарри. Менинг қанотларим бутун.

— Улар сизга қандай хизмат қилса қилаётгандир-у, фақат парвоз қилишингиз учун хизмат қилмаяпти. Сиз хавф-хатардан учиб нари кетишни хаёлингизга ҳам келтираётганингиз йўқ.

— Афтидан, довюраклик эркакларни тарк этиб, аёлларга ўтган бўлса керак.

Бу биз учун янгича туйғу.

— Бу борада рақибингиз борлигини биласизми?

— Ким экан у?

— Леди Нарборо, — деди кулиб паст овозда лорд Генри. — У киши Дорианга ошиқу-беқарор бўлиб қолган.

— Мени қўрқитманг. Қадимиётга маҳлиё бўлиш биз аёллар —

романтиклар учун ҳамиша бирор мусибат келтиради.

— Ҳали аёллар романтик бўлдими? Сиз, ахир, жамики илмий усуллар билан қуролланган ҳолда иш юритасизлар-ку!

— Бизга эркаклар ўргатишган.

— Ўргатишга ўргатишган-у, лекин шу пайтга қадар сизларнинг ўзингизни ўрганиб чиқиша олмапти.

— Қани, бизни бир таърифлаб кўринг-чи! — дея унинг жиғига тегди герцогиня.

— Сизлар жумбоғи йўқ сфинкссизлар.

Герцогиня унга жилмайиб қаради.

— Бу мистер Грей менга гул келтираман деб гум бўлиб кетдими? Юринг, бориб унга ёрдам берайлик. Ахир, у ҳали тушликка қай рангдаги кўйлагимни кийиб чиқишимдан беҳабар-ку!

— Сиз кўйлагингизни унинг гулларига қараб танлайсиз, Глэдис.

— Бу вақтидан олдин таслим бўлиш билан баробар-ку!

— Санъатдаги романтика воқеаларнинг авж нуқтасидан бошланади.

— Аммо мен ўзим учун чекиниш йўлини ҳам белгилаб қўймоғим керак.

— Парфиялиларга ўхшаб-а?

— Парфиялилар сахрога қочиб жон сақлаб қолишган. Мен бундай қилолмайман.

— Аёллар ҳамиша ҳам танлаш имконига эга бўла олмайдилар, — деди лорд Генри. У гапини тугатиб улгурмасдан, гулхонанинг нариги бурчагидан бировнинг инграгани, кейин аллақандай оғир нарсанинг йиқилганида чиқадиганга ўхшаш “гуп” этган овоз эшитилди. Ҳаммалари ҳанг-манг бўлиб қолишди. Герцогиня даҳшатга тушиб, турган жойида тахта бўлиб қолди. Лорд Генри ҳам кўрқиб кетди. У югуриб бориб, пальмаларнинг

чайқалиб турган барглари икки ёнга қайириб қаради. Ерда юзи пастга қараган ҳолда ҳушидан кетиб қолган Дориан Грей ётар эди.

Уни дарҳол мовий меҳмонхонага олиб киришиб, диванга ётқизишди. Орадан кўп ўтмай, у ўзига келди ва ҳайрон бўлиб, хонани кўздан кечирди.

— Нима бўлди ўзи? — деб сўради у. — Ҳа, эсимга тушди. Бу ерда менга хавф-хатар йўқми, Гарри? — Шундай деб у тўсатдан қақшаб-қалтирай бошлади.

— Ҳа, азизим, хотиржам бўлинг. Бирдан ҳушдан кетиб қолибсиз. Роса толиққан бўлсангиз керак. Яхшиси, тушликка чиқмай кўя қолинг. Мен йўқлигингизни билдирмасликка ҳаракат қиламан.

— Йўқ, мен сиз билан бирга ошхонага чиқаман, — деди Дориан қийналиб ётган жойдан турар экан. — Мен ўзим ёлғиз қолишни истамайман.

У кийимини ўзгартирмоқ учун ўз хонасига йўл олди.

Тушлик пайтида у қувнаб, очилиб-сочилиб ўтирди. Унинг бу қувноқлигида алланечук ночорлик сезилиб турарди. Фақат ўқтин-ўқтингина даҳшатдан сесканиб тушарди. Бундай пайтда унинг гулхона деразасидан кўргани — кетидан таъқиб этиб юрган Жеймс Вэйннинг докадек оқарган юзи тушиб қоларди.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

Эртасига Дориан кун бўйи уйдан чиқмай, вақтнинг кўп қисмини ўзининг хонасида ўтказди. Гарчи у аллақачон ҳаётига лоқайд қарайдиган бўлиб қолган бўлса-да, ажал ваҳимасидан кўрқиб, бетобланиб ётди. Уни тузоққа туширмоқчи бўлиб кетидан таъқиб қилиб юрганлари, унга чоҳ қазиётганлари қақидаги

фикр уни эзиб, тинчини олмоқда эди.

Шабадада дераза пардаси қимирлаб кетса, бас. Дориан бир сесканиб тушарди. Шабадада пирпираб учиб келиб, дераза ойнасига урилаётган хазон япроқлари Дорианга рўёбга чиқмай қолган ниятларини эслатар ва юрагида жўшқин таассуф туйғусини кўзғар эди. У кўзларини юмиши биланоқ терлаб кетган дераза ойнаси орқали уни таъқиб қилиб турган денгизчининг башараси рўпарасида пайдо бўлар ва яна даҳшат залворли панжаралари билан юрагини мижғилай бошларди. '

Балки буларнинг бари унинг хаёлидагина содир бўлаётгандир? У хаёлан қасоскорнинг соясини тун зулмати қўйнидан суғуриб олаётгандир ва хаёлан уни кутиб турган интиқомнинг қонли манзараларини гавдалантираётгандир? Воқеликда ҳамма нарса аралаш-қуралаш, лекин инсон хаёлотининг ишида мустақкам мантиқ бор. Ва фақат бизнинг хаёлотимизгина пушаймонни жиноят изидан бир қадам ҳам ортда қолмай боришга мажбур этади. Фақат хаёлотимизгина ҳар бир гуноҳимизнинг жирканч манзараларини кўз ўнгимизда чизиб беради. Реал фактлар дунёсида гуноҳкорлар жазоланмайди, авлиёлар мукофотланмайди. Кучлиларга омад ёр бўлади, кучсизлар муваффақиятсизликка учрайди. Тамом-вассалом. Бор-йўғи — шу!

Яна шуниси ҳам борки, унинг теварагида бегона одам санқиб юрган бўлса, уни, албатта, хизматқорлар ёхуд қоровуллар кўрган бўларди. Гулхона деразаси тагидаги пушталарда унинг излари қолган бўларди ва уларни, албатта, қоровуллар кўриб, келиб унга айтган бўлишарди. Йўқ, йўқ, буларнинг бари унинг хаёлида! Сибиланинг акаси уни ўлдиргани қайтиб келгани йўқ. У кемасига ўтириб жўнаб кетган ва бирор олис денгизда бўронда қолиб ҳалок бўлади. Ҳа, Жеймс Вэйн ҳар ҳолда унга ортиқ хавф солмайди. ахир, у сингисини нобуд қилган одамнинг исмини билмайди-ку! Билолмайди ҳам! Гўзал Шаҳзодани навқиронлик ниқоби қутқариб қолди.

Шу тарзда охир-оқибат Дориан кўрганларининг ҳаммаси бор-йўғи бир сароб бўлганига ўзини ишонтирди. Бироқ у виждон

деган нарса юракка шунақа ғулулар солиб, бу ғулуларга шаклу-шамойил бериб, уларни инсон нигоҳи олдидан бирин-бирин ўтишга мажбур қила олади деб ўйлашнинг ўзидаёқ яна вужудини кўрқув қамраб оларди. Агар кечаю кундуз Дориан қилган жиноятларнинг шарпаси унга қоронғу бурчаклардан ўқрайиб қараб турса, уни таҳқирласа, зиёфат чоғларида унга алланарсалар деб шивирласа, ухлаб ётганида манқус бармоқларини тегизиб, уни безовта қилса, унинг туриш-турмуши кони дўзахга айланиб кетмайдими? Шу фикр хаёлига келганда Дориан ранги ўчиб, кўрқувдан муздек терга кўмиларди. Нега у телбалиги тутган мудҳиш дақиқада қадрдон дўстини ўлдирди? Бу манзарани эслашнинг ўзи нақадар мудҳиш! Бу манзара унинг кўз ўнгидан сира кетмайди. Қотилликнинг ҳар бир даҳшатли тафсилоти хаёлида гавдаланиб, янада даҳшатлироқ туюларди. Вақтнинг зулматли қаъридан унинг жиноятларининг мудҳиш шарпаси қонли либосларида гавдаланарди.

Лорд Генри соат олтида Дорианнинг ётоғига кириб келганда у аламли кўз ёшларига ғарқ бўлиб ўтирганди. Дориан қалби ғам-ғуссадан пора-пора бўлиб кетган одамдай хўнг-хўнг йиғларди.

Фақат учинчи кунигина у уйдан чиқишга журъат этди. Қарағай ҳидига тўйинган булутсиз қиш эртасининг муздек ҳавосида у ўзини бардамроқ ва хуррамроқ ҳис этди. Бироқ унда ўзгаришни вужудга келтирган нарса фақат тонг ҳавосигина эмасди. Дорианнинг бутун вужудида чекаётган дардларининг ҳаддан зиёдлиги, адоқсизлиги исён уйғотди. Бунақа бемеъёр дард уни абгор қилиб қўйишга, унинг хотиржамлигини мажақлаб ташлашга қодир эди. Табиати нозик одамларнинг аҳволи доим шунақа! Тизгинлаб олинмаган кучли эҳтирослар бунақа одамларни

емиради. Бу эҳтирослар ё ўлдиради, ё ўзлари ўлади. Майда андуҳлар ва саёз севги яшовчан бўлади. Улуғ муҳаббат билан улуғ ғам ўз қудратларининг зўрлигидан нобуд бўлади.

Бундан ташқари, Дориан ўзини ларзага тушган хаёлотининг қурбони бўлдим деб ишонтирди ва ўзининг кўрқувларини

шундай бир туйғу билан эслай бошладики, бу ўзига раҳми келиб кетганига, ўзига ачинишга ўхшарди. Бу ачинишнинг ҳам каттагина қисми беписандликдан иборат эди.

Нонуштадан кейин у бир соат мобайнида герцогиня билан боғда сайр қилди, кейин парк орқали ўтиб тўпланиш керак бўлган жойга жўнади. Оёқ остида ғижирлаётган оппоқ қиров гўё туздек кўкатлар устини қоплаб олган. Осмон мовий маъдандан ясалиб, тўнтариб қўйилган косага ўхшайди. Сокин кўлнинг соҳилига яқин ўсган қамишлар орасини юпқа муз қатлами қоплаган.

Қарағайзорларнинг даҳанасида Дориан герцогинянинг акаси сэр Жеффри Клаустонни кўрди — милтиғидан иккита отилган ўқни чиқариб ташламоқда эди. Дориан извошдан сакраб тушди-да, хизматкорга отни қайтариб уйга олиб кетишни буюрди, ўзи бутазорларни оралаб, меҳмонининг олдига йўналди.

— Овингиз бароридан келдимиз, Жеффри? — деб сўради у яқин келганида.

— Унчалик эмас. Қушларнинг ҳаммаси далага учиб кетганга ўхшайди. Нонуштадан кейин бошқа жойга кўчмасак бўлмайди. Эҳтимол, у ерда кўпроқ омадимиз келар.

Дориан у билан бирга кетди. Ўрмоннинг ҳаётбахш хушбўй ҳиди, унинг яшил шох-шаббалари орасида қуёшнинг товланиб ўйнаган зарҳал ва қизғиш шуълалари, ўқтин-ўқтин ўрмон бўйлаб таралаётган ҳайдовчиларнинг хириллаган қийқириқлари, милтиқларнинг пақиллашлари — буларнинг бари Дорианни қувонтириб, унинг қалбини гўзал бир эркинлик туйғуси билан тўлдирди. У бутун вужуди билан ўйлаб ўтирмасдан масрурлик туйғусига берилди. Шу дамда қеч нарса дахл қилиб, бу туйғуни бузолмас эди.

Тўсатдан улардан йигирма қадамча нарида устини ўтган йилги кўкатлар қоплаб ётган тепалик ортидан бир қуён югуриб чиқди. Қулоқларининг учи қоп-қора эди. Қуён қулоқларини диккайтириб, узун-узун орқа оёқларини чўзиб, ўқдай учиб, ўрмоннинг ичига кириб ғойиб бўлди. Сэр Жеффри шу зақотиёқ милтиғини кўтарди. Аммо жониворнинг бежирим хатти-

ҳаракати, чиройли сакрашларини кўриб Дориан ийиб кетди-да, қичқирди:

— Қўйинг, уни ўлдирманг, Жеффри! Беш кунлик дунёда яшаб олсин.

— Бу бемаъни гапларга не ҳожат, Дориан? — деб кулиб эътироз билдирди сэр Жеффри ва қуён ўрмон ичига шўнғишга чоғланганда тепкини босди. Қўшалок чинқириқ эшитилди — буларнинг бири ярадор қуённинг жон аччиғидаги қичқириғи, иккинчиси эса жони узилаётган одамнинг янада мудҳишроқ ҳайқириғи эди.

— Ё Парвардигор! Ҳайдовчини отиб қўйдим, шекилли! — дея оҳ урди Жеффри. — Қанақа аҳмоқ одам экан бу ўққа ўзини тутиб берадиган? Ҳой, отишни тўхтатинглар, — деб қичқирди у кучи борича. — Одам ярадор бўлди.

Қўлида таёқ ушлаган шикорбон югуриб келди.

— Қани, сэр? Қаерда у?

Шу заҳотиёқ теварак-атрофдаги милтиқларнинг чакаги ўчди.

— Ана, анави жойда, — деб зарда билан жавоб барди сэр Жеффри ва шошилиб бутазор томонга йўл олди. — Қай касофат урдик, одамларингизни нарироқ олиб кетмадингиз? Бугунги овнинг белига тепдингиз-да!

Дориан уларнинг иккови, шох-шаббаларни қайириб бутазорга кириб кетишганини кўрди. Бир дақиқадан сўнг икковлари қайтиб чиқишди. Улар қуёш нури тушиб турган сайхонликка ҳайдовчининг мурдасини судраб олиб боришди. Дориан даҳшат ичида ўгирилди, нима учун қонли воқеалар орқамдан қолмай эргашиб юрипти деб ўйлади. У Жеффрининг “ҳайдовчи ўлиптими?” деган саволини, шикорбоннинг “ҳа” деб берган жавобини эшитди. Ўрмонга бирдан жон киргандай бўлди, одамлар кўпайиб кетди, кўпгина оёқларнинг тапур-тупури, одамларнинг ғўнғир-ғўнғир овози эшитилди. Каттагина тустовуқ қизил мисранг кўкрагини кериб, қанотларини патирлатиб, буталар устидан учиб ўтди.

Бир неча дақиқа ўтди. Бу дақиқалар кайфияти расво бўлган Дорианга адоқсиз соатлардай туюлди. Шу пайт кимдир унинг елкасига қўлини қўйди. Дориансесканди ва ўгирилди.

— Дориан, — деди зўр-базўр лорд Генри. — Яхшиси, мен уларга айтай, бугунча овни тўхтата қолишсин. Уни давом эттириш биров ноқулай кўринади.

— Иложи бўлса, уни бутунлай ман этиш яхши бўларди,— деб жавоб берди Дориан алам билан. — Ов деганлари шунақа шафқатсиз ва жирканч эрмакки... Нима, анави одам...

У жумлани тугата олмади.

— Афсуски, ҳа. Сочманинг ҳамма ўқи кўкрагига тегипти. Тил тортмай ўлганга ўхшайди. Қани, юринг, Дориан, уйга кетайлик:

Улар асосий хиёбон томон ёнма-ён индамай йўл олишди. Ниҳоят, Дориан лорд Генрига кўзини кўтарди-да, чуқур сўлиш олиб деди:

— Жуда бехосият бир иш бўлди-да, Гарри. Жуда қам бехосият.

— Қайси воқеани айтаяпсиз? — деб сўради лорд Генри. — Ҳа-я, анави кўнгил-

сиз воқеани айтаяпсизми? Нима иложингиз бор, азизим? Қўлингиздан нима қам келарди. Ўлган одамнинг ўзи айбдор — қайси ақмоқ ўзини ўққа тутиб беради? Бундан ташқари, бу ишга

бизнинг нима дахлимиз бор? Гап йўқ, Жеффри учун анча ташвиш бўлди, албатта. Ҳайдовчиларни илма-тешиқ қилиш ярамайди. Одамлар уни милтиқ отишга моҳир эмас экан деб ўйлашлари мумкин. Ҳолбуки, бу тўғри эмас. Жеффри жуда мерганлик билан отади. Қўйинг, энди, бу тўғрида бошқа гапирмайлик.

Дориан бош чайқади.

— Йўқ, бу ёмон аломат, Гарри. Мен сезиб турибман, бирон ёмон фалокат юз беради... Эҳтимол, менинг бошимга мусибат тушар, — деб қўшиб қўйди у гўё кўзи оғриётгандай уларни қаттиқ ишқалаб.

Лорд Генри кулиб юборди.

— Дунёдаги энг ёмон нарса — диққинафаслик, Дориан. Кечириб бўлмайдиган бирдан-бир гуноҳ — ана шу. Лекин биз диққинафаслик хавфидан эминмиз, фақат ошналаримиз тушлик пайтида рўй берган воқеани чайнашга киришишмаса бас. Бу мавзуда гапириш ман қилинган деб уларни огоҳлантириб қўйиш керак. Белги-ю, аломат масаласига келсак, булар бемаъни гаплар, ҳеч қанақа аломат-у, ҳеч қанақа каромат йўқ нарса. Тақдир аввалдан бизга элчиларини юбориб ўтирмайди — бундай қилмаслик учун у етарли даражада доно ёхуд етарли даражада шафқатсиз. Бундан ташқари, Дориан, худо ҳаққи, айтинг-чи — нега энди сизнинг бошингизга мусибат тушар экан? Инсон тилаши мумкин бўлган нимаики бўлса, ҳаммаси сизда муҳайё. Ҳар қандай одам бажонудил сизнинг ўрнингизда бўлишга рози бўларди.

— Мен эса дунёдаги истаган одам билан ўрин алмашишга рози эдим. Кулманг, Гарри, мен рост гапиряпман. Шўрлик деҳқон — у мендан бахтлироқ эканки, ўлдирилди. Мен ўлимдан қўрқмайман, фақат унинг яқинлашиб келишигина қўрқинчли, холос. Менинг назаримда, гўё у тепамда мудҳиш қанотларини силкитиб учиб юрганга ўхшайди. О, тангрим! Наҳотки сиз кўрмаётган бўлсангиз — аллақандай одам дарахтлар орасига яшириниб олиб, мени пойлапти?

Лорд Генри Дорианнинг қўлқоп кийиб олган қўли ишора қилган томонга қаради.

— Ҳа, — деди у жилмайиб, — боғбонни кўряпман. У чиндан ҳам сизни пойлаб турипти. Афтидан, стол устига қўйиш учун қайси гулларни кесмоқ кераклигини сўрамоқчи, шекилли. Асабларингиз жудаям бўшашиб кетипти, азизим. Шаҳарга қайтганимиздан кейин, албатта, менинг врачим билан маслаҳатлашинг.

Яқинлашаётган одам боғбон эканини кўриб, Дориан енгил тортди. Боғбон шляпасини кўтариб саломлашган бўлди, кейин хижолат бўлиб лорд Генрига олазарак назар ташлаб, чўнтагидан мактуб чиқариб, хўжайинига узатди.

— Жаноби олийлари мактубнинг жавобини олиб кел деб тайинловдилар, — деди у паст овозда.

Дориан мактубни чўнтагига тикди.

— Жаноби олийларига айтгинки, ҳозир ўзим етиб бораман, — деди у қуруққина. Боғбон шоша-пиша уй томонга кетди.

— Аёллар қалтис ишлар қилишни жуда ёқтиришади-да, — деди лорд Генри жилмайиб. — Улардаги бу хислат менга жуда ёқади. Аёл киши истаган одам билан дон олишмоққа тайёр, фақат бунинг учун бошқалар эътибор бериб туришса бас.

— Сиз эса қалтис гапларни кўп гапиришни ёқтирасиз, Гарри. Мана, қозирги гапларингиз ҳам турган-битгани хато. Герцогиня менга жуда ёқади, лекин мен унга ошиқу беқарор бўлиб қолганим йўқ.

— Герцогиня бўлса сизга ошиқу беқарор, лекин сизни унчалик ёқтирмайди. Агар унга уйлансангиз, жуда ҳам бир-бирингизга муносиб бўлардингиз.

— Сиз ғийбат қиляпсиз, Гарри! Ҳеч қанақа асосингиз бўлмаса ҳам ғийбат қилаверасиз.

— Ҳар қандай ғийбатга асос берадиган нарса — бузуқликка имон келтиришдир, — деди лорд Генри ҳикмат айтаётгандай

салмоқлаб.

— Гарри, Гарри, сиз гап келиб қолганда отангизни ҳам аямайсиз-а!

— Одамлар ўзларини қурбон қилмоқ учун ўз оёқлари билан меҳробга боришади.

— Оҳ, кошки эди мен биронта аёлни яхши кўриб қола олсам!
— деб хитоб қилди Дориан. Унинг овозида бироз кўтаринкилик бор эди. — Бироқ мен севиш қобилиятини бутунлай йўқотиб қўйганга ўхшайман. Хоҳишу иштиёқларим ҳам ўлиб бўлган кўринади. Мен ҳамиша ўзим билан ўзим андармон бўлиб келган эдим. Мана энди ўзим ўзимга малол келиб ўтирибман. Бир ёқларга бош олиб кетгим келяпти. Ҳамма нарсани тарк этсам, ҳаммасини унутсам дейман! Бу ёққа келишнинг ўзи бемаънилик бўлган эди. Харвига телеграмма жўнатмасам бўлмайди, шекилли — яхтани тахт қилиб турсин. Яхтада ўзингни бехатарроқ ҳис қиласан, одам.

— Қанақа хатарни айтаяпсиз, Дориан? Бошингизга бирор кулфат тушганми? Нега мум тишлаб олдингиз? Биласиз-ку, мен ҳамиша ёрдам беришга тайёрман.

— Мен сизга ҳеч нарсани гапириб беролмайман, Гарри, — деб жавоб берди Дориан мунғайиб. — Аслида, ҳаммаси менинг хом хаёлим бўлса керак. Бугунги бахтсиз ҳодиса менга ёмон таъсир қилди. Сезиб турибман, менинг бошимга ҳам шунга ўхшаш бирор мусибат тушади.

— Қўйсангиз-чи... -

— Умид қиламанки, сиз ҳақсиз. Лекин ўзимни ўзим қеч нарса қилолмаяпман. Ия, ана, герцогиня ҳам келиб қолди. Инглиз либосини кийиб олган ҳақиқий Артемиданинг ўзи. Кўриб турганингиздек, биз қайтиб келдик, герцогиня.

— Ҳамма гапдан хабарим бор, мистер Грей, — деди герцогиня. — Шўрлик Жеффри жуда қаттиқ хафа. Сиз уни қуённи отишдан қайтарган эмишсиз. Бу воқеаларнинг бирига тўғри келиб қолганига қаранг-а!

— Ҳа, ҳайрон қоларли воқеа. Мени бу гапни айтишга нима ундаганини ҳам билмайман. Афтидан, шундоқ ўзи, бир айтгим келиб қолган бўлса керак. Қуён бирам чиройли эдики... Лекин улар сизга буларни гапириб бериб бекор қилишипти... Афсуслар бўлмай. Жуда ёмон воқеа бўлди-да...

— Жуда афсусланарли, — деди лорд Генри. — Руҳий жиқатдан ҳам ҳеч бир қизиқарли томони йўқ. Агар Жеффри қуённи била-кўра ўлдирганида эди — мана буниси ажойиб бўларди! Ҳақиқий қотил билан танишишни истайман!

— Гарри, сиз ғалати одам экансиз-ку! — қичқирди графиня. — Шундай эмасми, мистер Грей?... Оқ, Гарри, мистер Грей яна ўзини ёмон ҳис эътипти, шекилли?!

Ҳозир йиқилиб тушади! Дориан ўзини базўр ушлаб олди-да, илжайди.

— Ҳеч гап эмас булар, герцогиня, хавотирланманг. Асабларим қаттиқ чарчаган кўринади, шу холос. Афтидан, бугун кўп юрдим... Гарри яна нима деяпти? Вайсақи гап бўлса керак-да. Менга кейинроқ айтиб берарсиз. Энди эса, мени маъзур тутинг — бориб ётганим маъқулми дейман.

Улар айвонга олиб чиқадиган кенг зинапоёга юриб кетишди. Дориан ичкарига кириб, изидан ойнабанд эшик ёпилгач, лорд Генри герцогиняга тешиб юборгудай тикилди.

— Уни шунчалар севиб қолдингизми? — деб сўради у.

Герцогиня кўз олдидаги манзарани кузатар экан, бир неча дақиқа жим қолди.

— Мен ўзим ҳам шуни билгим келяпти, — деди у ниҳоят.

Лорд Генри бошини чайқади.

— Кўп билиш муҳаббатни хароб қилади. Фақат номаълум нарсалар бизни жозибага сола олади. Туман қоплаган ҳамма нарса ғаройиб кўринади.

— Ахир туманда одам юрар йўлни йўқотиб қўйиши мумкин.

— Эҳ, азизим, Глэдис, ҳамма йўллар бир жойга олиб боради.

— Нимага олиб борар экан?

— Бора-бора ҳамма нарсадан совийсиз, ҳафсалангиз пир бўлади.

— Менинг ҳаёт йўлим аслида шундан бошланган эди, — деб луқма ташлади герцогиня хўрсиниб.

— Бундай кайфият сизга герцогинянинг тожи билан бирга келган.

— Қулупнай барглари жонимга тегиб кетди¹⁴.

— Лекин сиз уларни мақтаниб тақиб юрасиз-ку.

— Фақат одамларнинг кўзига бўла тақаман.

— Билиб қўйинг, уларсиз сизга қийин бўлади.

— Уларнинг ҳаммаси ўзимда қолади.

— Бироқ Монмаутнинг қулоғи бор...

— Қари одамнинг қулоғи оғир бўлади.

— Наҳотки, у сизни ҳеч қачон рашк қилмаса?

— Йўқ. Лоақал бир марта рашк қилганида ҳам майли эди.

Лорд Генри бир нарсани излагандай теварагига қаради.

— Нима излаяпсиз? — деб сўради герцогиня.

— Қиличингизнинг қинини излаяпман, — деб жавоб берди у.

— Сиз уни тушириб қўйдингиз.

Герцогиня хохолаб кулиб юборди.

— Лекин ҳали ниқобимни ечганим йўқ.

— Ниқоб остидан кўзларингиз янада чиройли кўринар экан,
— деб жавоб берди лорд Генри.

Герцогиня яна кулиб юборди. Унинг тишлари лаблари орасидан меванинг қизил мағизи ичидаги оппоқ доналардек кўринди.

Юқорида эса Дориан ўзининг ётоғида диван устида ётар ва ҳар бир томири даҳшатдан бир-бир титрар эди. Ҳаёт бирданига унинг учун чидаб бўлмайдиган оғир юкка айланиб қолди!

Ўрмовда ёввойи тўнғиздай отиб ўлдирилган шўрпешона ҳайдовчининг қисмати гўё Дорианга унинг ҳам қисмати худди шундай бўлишидан дарак бериб тургандай туюларди. Лорд Генрининг сурбетларча ҳазиллашиб айтган гапларини эшитиб, Дорианнинг ҳушидан кетишга сал қолди.

Соат бешда у мулозимини чақириб, буюмларини жойлаб қўйишни, кечки поезд билан Лондонга жўнамоқчи эканини, шунинг учун извошни саккиз яримга тахт қилишни буюрди.

У Селбида ортиқ бирор кеча ҳам тунамасликка қатъий аҳд қилди. Бу ер машъум жой экан, ҳатто куппа-кувдуз куни қуёш ёруғида ҳам бу жойда ажал сайр қилиб юрар, ўрмондаги майсаларга эса қон сачраган эди.

У лорд Генрига мактуб ёзиб, Лондонга врачга кўриниш учун кетаётганини маълум қилди ва ўзи қайтиб келгунча, меҳмонларни овунтириб туришни илтимос қилди. У мактубни конвертга солаётганда эшик тақиллаб қолди ва мулозим кекса шикорбон келганини маълум қилди. Дориан қовоғини солиб, лабларини тишлади.

— Майли, кирсин, — деди у бир дақиқалик тараддуддан кейин.

Шикорбон кириб келиши биланоқ Дориан ғаладондан чек дафтарчасини олиб олдиға кўйди.

— Сиз ўрмондаги бахтсиз ҳодиса важдан келган бўлсангиз Қерак, Торнтон? — деб сўради у қаламни қўлга олар экан.

— Худди шундай, сэр,— деб жавоб берди шикорбон.

— У шўрлик уйланган эканми? Бола-чақаси бор эканми? — деб сўради Дориан бепарвогина. — Агар шундоқ бўлса, мен уларни мухтожликда қолдирмайман. Уларга пул юбораман. Қанча юборсам бўларкин, Торнтон?

— Биз бу одамнинг ким эканини билмаймиз, сэр. Шунинг учун ҳам сизни безовта қилишга журъат қилдим...

— Кимлигини билмаймиз дейсизми? — деб қайтариб сўради Дориан паришонхотирлик билан. — Нечук? У сизнинг одамларингиздан эмасми?

— Йўқ, сэр. Мен уни илгари бирон марта ҳам кўрган эмасман. Аллақандай матросга ўхшайди, сэр.

Қалам Дорианнинг қўлидан тушиб кетди. Бирдан унинг юраги тўхтаб қолгандай бўлди.

— Матрос? — деб қайтариб сўради у. — Матрос деяпсизми?

— Ҳа, сэр. Матрослиги аён кўриниб турипти. Иккала қўлига ҳам туш билан сувратлар ишланган... Яна шунга ўхшаш белгилари бор...

— Чўнтақларидан бирон нарса топдингларми? — деди Дориан олдинга эгилиб. У ҳанг-манг бўлганича шикорбондан кўзини ололмай қолганди. — Биронта ҳужжат-пужжати бор эканми? Исмини билиб олса бўларканми?

— Йўқ, сэр. Бир оз пул-у, олти ўқли тўппончаси бор экан, холос. Кўринишидан оддий одам бўлса қам тузуккинага ўхшайди. Биз матрос деб ўйлаяпмиз.

Дориан сапчиб ўрнидан турди. Хаёлида ярқ этиб умид учқунлади. Дориан жон ҳолатда шу фикрга ёпишиб олди.

— Жасад қаерда? Мен уни ҳозироқ кўрмоқчиман.

— Жасад фермада, сэр. Эски отхонада. Одамлар уйларида ўлик сақлашни ёқтиришмайди. Улик уйга бахтсизлик келтиради дейишади.

— Фермада дейсизми? Ҳозироқ ўша ёққа жўнанг-да, мени кутиб тулинг. Отбоқарлардан биронтасига айтинг, менга от берсин... Ёки... Йўқ, майли, кўяверинг. Мен ўзим отхонага ўтаман. Шундай қилсам, тезроқ бўлар.

Чорак соат ҳам ўтар-ўтмас, Дориан Грей узун хиёбон бўйлаб от кўйиб бормоқда эди. Дарахтлар икки ёнидан лип-лип этиб орқада қолмоқда, аллақандай хуркак шарпалар йўлини кесиб ўтади. Бир гал байтал кутилмаган бир томонга — таниш оқ тўсиқ сари бурилди ва чавандозни улоқтириб ташлашга сал қолди. Дориан кўлидаги хивич билан отнинг бўйнига савалади, от ҳавони ёриб, яна ўқдай олдинга елиб кетди. Унинг туёқлари остидан тошлар сачради.

Ниҳоят, Дориан фермага етиб борди. Ҳовлида иккита ишчи юрган экан. Дориан эгардан сакраб тушиб, жиловни улардан бирининг кўлига тутқазди. Энг охирги отхонада чироқ милтираб кўринарди. Аллақандай ички овоз Дорианга мурданинг ўша ердалигини айтди. У тезгина отхона эшигига бориб, зулфинга кўл чўзди.

Лекин у дабдурустдан ичкарига кирмай, бир дақиқача туриб қолди. У ичкарига кириб, бир кашфиёт қилишини, бу кашфиёт ёки унга хотиржамлигини қайтариб беришини ёхуд бутун умрини узил-кесил расво қилишини ҳис қилди. Ниҳоят, у бир юлқиб эшикни очди-да, ичкарига қадам кўйди.

Отхонанинг тўридаги бурчакда қоплар устида дағал матодан кўйлак кийган, кўк шимли одам ётарди. Унинг юзига гулдор чит рўмол ёпиб кўйилипти. Унинг ёнида шишага тиқиб кўйилган йўғон шам чирсиллаб ёниб турипти.

Дориан рўмолни ўз кўли билан очишга ожизлик қилишини ҳис қилиб қалтирай бошлади. У хизматкорлардан бирини чақирди.

— Манави латтани олинг-чи, мен унинг юзини кўрмоқчиман,
— деди у ва суянчиқ излаб, эшикнинг кесакисига суянди.

Хизматкор йигит рўмолни олганида Дориан яқинроқ борди. Унинг ичидан шодлик нидоси отилиб чиқди. Ўрмонда ўлдирилган одам Жеймс Вэйн эди. Бир неча дақиқа Дориан Грей тик турганича жасадга қараб турди. Кейин уйига қайтаётганда унинг кўзлари жикқа ёш эди. Халос бўлди!

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

— Яхшироқ бўлишга аҳд қилдим деб нега бошимни қотирыпсиз? — деди лорд

Генри оппоқ бармоқларини мис идишдаги атиргул сувига ботирар экан. — Сиз шундоқ ҳам яхшисиз. Марҳамат қилиб, ўзгармай қўяқолинг.

Дориан бош чайқади.

— Йўқ, Гарри. Виждоним жуда қийналиб кетди. Мен, ахир, ҳаддан ташқари кўп оғир гуноҳлар қилдим. Энди ортиқ гуноҳ қилишни бас қилмоқчиман. Мен кечаданоқ эзгу ишлар қилиш йўлига ўтдим.

— Бу эзгу ишингизни кеча қаерда қила қолдингиз?

— Қишлоқда, Гарри. Қишлоққа ёлғиз ўзим борган эдим. Кичик бир ошхонада тунадим.

— Азизим, қишлоқда қар қандай одам ҳам авлиё бўлиб қолиши мумкин, — деди Генри жилмайиб. — У ерда сизни йўлдан урадиган ҳеч қанақа вас-васалар йўқ. Шу сабабга кўра шаҳардан ташқарида истиқомат қиладиган одамларни цивилизация четлаб ўтган. Ҳа, ҳа, цивилизацияга дахлдор бўлиш анча қийин

иш. Бунинг учун иккита йўл бор: уларнинг бири — маданият, иккинчиси эса бузуқлик, фахш деб аталган нарса. Қишлоқ ақли эса унисидан қам, бунисидан қам узоқ туради. Шунинг учун ҳам улар эзгулик қилишга маҳкумдирлар.

— Маданият ва бузуқлик, — дея такрорлади Дориан.— Мен унисидан ҳам, бунисидан ҳам баҳраманд бўлдим. Эндиликда мен уларни бир-бирлари билан ҳамқадам юришади деб ўйлашим оғир. Энди менда янги аъмол пайдо бўлди, Гарри. Мен бошқа одам бўлишга аҳд қилдим. Сезиб турибман, ҳозирнинг ўзида анча ўзгариб қолдим.

— Ҳолбуки сиз ҳали менга қанақа олижаноб иш қилганингизни айтиб берганингиз йўқ. Ё бир эмас, бир нечта иш қилдим деганмидингиз? — деб сўради лорд Генри олдидаги ликопчага бир уюм қилиб қипқизил, думлари олинган қулупнайдан олиб, устига шакар сепар экан.

— Буни мен бошқа ҳеч кимга гапириб бермас эдим, лекин сизга айтаман. Мен аёл кишини аядим, унга шафқат қилдим, Гарри. Менинг бу гапим сизга шуҳратпараст одамнинг мақтанчоқлигидай кўринар, лекин сиз мени тушунасиз. У жуда ҳам дилбар аёл ва ҳайрон қоларли даражада Сибила Вэйни эслатади. Бу аёл дастлаб мени шуниси билан жалб қилди, шекилли. Сибила эсингиздами, Гарри? У замонлар нечоғлик олис кўринади-я!... Шундай қилиб, десангиз... Гетти, албатта, бизнинг тоифамизга мансуб эмас. Оддий қишлоқи қиз. Лекин мен уни чин юракдан севиб қолдим. Ҳа, имоним комилки, бу муҳаббат эди. Бу йилги май ойи жуда ҳам латофатли бўлди. Бутун май ичи мени боғда қарши олди. Олма гуллари унингсочларига тўкилар, у эса чах-чах уриб кулишдан тинмас эди... Биз бугун тонг чоғида бирга жўнаб кетмоғимиз керак эди. Лекин тўсатдан мен унга қўлимни теккизмай, бокиралигича — гўзал ва покиза ҳолатда қолдиришга аҳд қилдим...

— Бундан чиқадики, бу туйғунинг янгилиги сизга чинакам лаззат бахш этибди-да, Дориан? — деб унинг гапини бўдди лорд Генри. — Хаёлингизда яратган самовий қасрингизнинг қолганини сизнинг ўрнингизга мен айтиб беришим мумкин. Сиз

қизга эзгу маслаҳат бериб, унинг кўнглини вайрон қилгансиз. Сиз янгича батавфиқ ҳаётингизни шундай бошлабсиз.

— Гарри, бунақа гапларни гапиргани уялмайсизми? Геттининг кўнгли вайрон бўлгани йўқ. Албатта, у кўз ёши қилди. Яна бошқа хархашалари бўлди. Лекин номуси ўзида қолди-ку. У ўз боғида ялпизлар ва тилла гуллар бағрида Пердита каби умр кечирмоғи мумкин.

— Бефаро Флоризель¹⁵ тугайли юм-юм йиғлайди ҳам, — дея гапга яқун ясади лорд Генри хохолаб кулганича стулнинг суянчиғига суянар экан. — Азизим, ҳали ҳам болаларниқига ўхшаш анойилигингиз қолмаган-а! Нима деб ўйлайсиз, энди бу қиз ўз тоифасига мансуб бирор одамнинг муқаббатидан қаноат ҳосил қила олармикин? Уни биронта қўполдан-қўпол аравакашга ёхуд содда деҳқон йигитга узатиб юборишади. Аммо сиз билан қилган ошначилиги, сизга бўлган муқаббати аллақачон қилар ишини қилиб қўйган: у эридан жирканади ва ўзини бахтсиз ҳис этади. Сизнинг ўз-ўзингизни тизгинлаб олиб, қизга кўрсатган улуғ эҳсонингиз ахлоқ

бобида эришилган катта ғалаба эканига сира ишона олмайман. Ҳатто янги ҳаёт бошлаш учун ҳам бу камлик қилади. Бундан ташқари, сиз қаердан биласиз? Эҳтимол, сизнинг Геттингиз ҳам қозир Офелия каби юлдузлар жилоси акс этиб турган бирор ҳовузда кўнғироқ гуллар орасида сузиб юргандир.

— Бас қилинг, Гарри, одамни хуноб қилиб юбордингиз-ку. Бир туриб ҳамма нарсани ҳазил-мазаҳга айлантирасиз, бир туриб эса энг даҳшатли фожиаларни қалаштириб ташлайсиз. Сизга ҳамма гапни айтиб берганимга афсусланяпман. Сиз ҳар нима деганингизда ҳам мен тўғри иш қилганман деб ўйлайман. Шўрлик Гетти! Бугун эрталаб отда уларнинг фермаси ёнидан ўтиб кетаётиб деразадан унинг юзини кўриб қолдим. Настарин гулидай оппоқ... Қўйинг, бу тўғрида ортиқ гаплашмайлик. Бекорга овора бўлманг — шунча йиллар мобайнида биринчи бор қилганим эзгу ишни, фидокорлик билан содир этганим биринчи ҳаракатимни аслини олганда бу — салкам жиноят деб мени ишонтира олмайсиз. Мен яхшироқ бўлмоқни истайман. Яхшироқ

бўламан ҳам... Хўш, бас, етар бу тўғрида гапириш, менга ўзингиз тўғрингизда гапириб беринг. Лондонда нима гаплар бор? Мен кўпдан бери клубда бўлганим йўқ.

— Одамлар ўртасида ҳали ҳам Бэзилнинг ғойиб бўлиб қолгани ҳақида дув-дув гап...

— Бу гаплар аллақачон уларнинг жонига теккан деб ўйлаган эдим,— деб луқма ташлади Дориан сезилар-сезилмас қошини чимириб, ўзига вино қуяркан.

— Қаёқда дейсиз, азизим? Бу тўғрида гап бошланганига энди бир ярим ой бўлди, холос. Бизнинг жамоамиз эса оғизга тушган бир гапни уч ой чайнамаса, хумордан чиқмайди. Жамоамизнинг ақл-заковат даражаси ана шунақа. Рост, бу мавсумда ғийбатчиларга худо бериб қолди. Чайнайдиган воқеалар жуда сероб — менинг хотин қўйганим, Алан Кэмпбелнинг ўз-ўзини ўлдиргани, энди эса рассомнинг сирли ғойиб бўлиши! Скотленд-Ярддагилар ҳамон тўққизинчи ноябрь куни соат ўн иккидаги поезд билан Парижга жўнаб кетган кулранг пальтолик одам Бэзилнинг ўзи бўлган деб ўйлашда давом этишмоқда, француз полицияси эса Бэзил Парижда қорасини ҳам кўрсатгани йўқ деб ҳисобламоқда. Яна бир-икки ҳафтадан кейин унинг дараги Сан-Францискодан чиқиб қолса ҳам ажаб эмас. Ғалати гап-а, бирорта одам изсиз ғойиб бўлиб қолса, дарҳол уни Сан-Францискода кўришгани тўғрисида миш-миш тарқайди. Бу Сан-Франциско деганлари жуда ажойиб шаҳар бўлса керакки, нариги дунёнинг ҳамма афзалликларига эгага ўхшайди.

— Ўзингиз нима деб ўйлайсиз, Гарри, Бэзил қаёққа ғойиб бўлган бўлиши мумкин? — деб сўради Дориан бургунд виноси қуйилган стаканни қўлига олиб, винони ёруққа солиб кўраркан. Бу тўғрида у бамайлихотир, ўта хотиржам гапирди ва бунга ўзи ҳам ҳайрон қолди.

— Тасаввур ҳам қилолмайман. Агар Бэзил ҳамманинг кўзидан пана бўлмоқни хоҳлаб қолган бўлса, бу унинг иши. Агар у ўлган бўлса, унинг тўғрисида эслашни ҳам истамайман. Ўлим — ўлганимда мени даҳшатга соладиган ягона нарсадир. Мен ўлимни ёмон кўраман.

— Нега энди? — деб эринчоқлик билан сўради Дориан.

— Шунинг учунки,— деб жавоб берди лорд Генри сиркали зарҳалланган шишачани бурнига олиб борар экан, — одамзод ҳамма нарсани бошидан кечирмоғи мумкин-у, фақат ўлимга чап беролмайди. Бизнинг ўн тўққизинчи юз йиллигимизда фақат иккита нарсагина ҳануз изоҳланмай қолиб келяпти. Булар — ўлим билан бачканалиқдир. Уларнинг мавжудлиги ҳеч нарса билан оқланган ҳам эмас... Келинг, концерт залига кириб, қаҳва ичайлик, майлими, Дориан? Менга Шопендан бирон нарса чалиб беришингизни илтимос қиламан. Менинг хотинимни олиб қочиб кетган эркак Шопен мусиқаларини жуда яхши ижро этар эди. Шўрлик Виктория! Мен унга жуда ҳам ўрганиб қолган эдим. У йўқ — уй хувиллаб ётипти. Тўғри, оилавий турмуш фақат одат, холос. Одат бўлганда ҳам, жуда ярамас одатларини ҳам осонликча тарк эта олмайди-да! Ҳатто, ёмон одатларини тарк этиши, айниқса, қийин бўлади. Улар “менимиз”нинг муҳим қисмини ташкил қилади.

Дориан ҳеч нарса деб жавоб бермади. У индамай стол ортидан турди-да, қўшни хонага ўтиб, рояль ёнига ўтирди. Унинг бармоқлари роялнинг оқ ва қора пардалари устидан югура бошлади. Аммо қаҳва келтирилганда у чалишдан тўхтаб, лорд Генрига қараб туриб сўради:

— Гарри, Бэзилни ўлдирган бўлишлари ҳам мумкин деган ўй сира хаёлингизга келгани йўқми?

Лорд Генри эснади.

— Бэзил жуда ҳам таниқли одам. Арзон соат тақиб юради. Уни ўлдирган нима наф кўрарди? Унинг душманлари ҳам йўқ эди. Чунки у таниқли бўлгани билан, унчалик донгдор эмас эди. Албатта, у жуда ҳам истеъдодли рассом. Бироқ сувратни Веласкездай¹⁶ чизиб қўйиб ҳам, жуда писмиқ одам бўлиш мумкин. Тўғриси айтганда, Бэзил билан икки оғиз гаплашсанг ҳамма вақт хуноб бўлиб кетасан, киши. Фақат бир марта у мени қизиқтириб қолган эди. Бу кўп йиллар муқаддам содир бўлган эди. У сизни ўлгудек яхши кўришини, сиз унга илҳом бахш этишингизни, унинг ижоди учун туртки беришингизни айтган

эди.

— Мен Бэзилни жуда яхши кўрар эдим, — деди Дориан қайғули оҳангда. - — Демак, ҳеч ким уни ўлдирилган деб гумон қилмаяпти, шундайми?

— Баъзи газеталарда шунақа гумон ҳам айтиляпти. Лекин мен бунга ишонмайман. Рост, Парижда битта ўта шубҳали жой бор, лекин Бэзил унақа жойларга қатнайдиغان одам эмас. У ҳеч нарсага қизиқмас эди. Бу — унинг асосий нуқсониди.

— Агар Бэзилни мен ўлдирганман деб тан олсам, бунга нима дердингиз, Г арри?

Бу гапни гапираётиб Дориан лорд Генрининг юзидан кўзини узмай кузатиб турди.

— Нима дердим? Сиз, дўстим, ўзингизга хос бўлмаган ролни ижро этмоқчи бўляпсиз дердим. Ҳар қандай сийқалик жиноят бўлгани каби, ҳар қандай жиноят ҳам сийқаликдир. Шунинг учун, Дориан, сиз қотиллик содир этишга қодир эмассиз. Агар бу гапим сизнинг иззат-нафсингизга тегиб кетган бўлса, мени маъзур тутасиз. Лекин худо ҳақи, мен ҳақман. Жиноятчилар ҳамиша паст табақага мансуб одамлар бўлади. Шунинг учун мен уларни сира қораламайман. Менинг назаримда биз учун санъат қанчалик ардоқли бўлса, улар учун жиноят ҳам шу қадар эъзозлидир. Жиноят улар учун кучли туйғулар бахш этадиган оддий бир воситадир, холос.

— Кучли туйғулар бахш этадиган восита дейсизми? Демак, сизнингча, бир марта қотиллик қилган одам иккинчи марта ҳам қотиллик қилишга қодир бўладими? Қўйинг-е, Гарри!

— О, одат тарзига кирган ҳамма нарсадан одам ўзи учун лаззат берадиган бирор жиҳатни топиши мумкин, — деб жавоб берди лорд Генри кулиб. — Ҳаётнинг асосий сирларидан бири ҳам ана шунда. Айтганча, қотиллик ҳамиша хато кетадиган жиноят. Бирор иш қилсангиз-у, агар бу тўғрида тушлиқдан кейин одамлар билан бемалол гурунглашиб ўтириш имкони бўлмаса, унақа

ишни зинҳор-базинҳор қила кўрманг. Келинг, шўрлик Бэзилни ўз ҳолига қўяйлик. Унинг ҳаётдан кўз юмиши ҳам худди сиз айтаётгандек романтик бўёқларда содир бўлган деб ишонгим келади. Лекин негадир бунга ишона олмайман. Ҳойнаҳой, у Омнибусдан Сенага тушиб кетган бўлса керагу, кондуктор бошига тушиши мумкин бўлган кўнгилсизликлардан кўрқиб, буни айтмай қўяқолган. Ҳа, ҳа, мен воқеа худди шундоқ бўлган деб ўйлашга кўпроқ мойилман. У шўрлик ҳозир Сенанинг бўтана зангори сувлари остида ётган бўлса керак, узун-узун сув ўтлари сочларига аралашиб кетгандир. Унинг устидан эса оғир юк кемалари сузиб ўтмоқда... Биласизми, Дориан, у тасвирий санъатда қилганидан ортиқ яна тузукроқ бир иш қилмоғи амри маҳол эди. Унинг сўнгги ўн йил ичида яратган асарлари аввалгиларидан анча заиф.

Дориан бунга жавобан хўрсиниб қўя қолди, лорд Генри эса хона бўйлаб у ёқ-бу ёққа юрди-да, бамбукдан ясалган қўналғада ўтирган ноёб Ява тўтиқушини силай бошлади. Кулранг қанотли, пушти жиғали ва узун думли бу йирик қушнинг орқасига лорд Генрининг бармоқлари тегиши биланоқ эзғиланиб кетган қовоқларини оқ пардадек қора мунчоқ кўзлари устига тушириб, ўтирган жойида чайқала бошлади.

— Ҳа, — деб давом этди лорд Генри Дорианга ўгирилиб киссасидан рўмолчасини олар экан, — Бэзилнинг сувратлари анча заиф бўлиб қолувди. Уларда нимадир етишмайдиган бўлиб қолди. Афтидан, Бэзил, ўз аъмолини йўқотиб қўйган кўринади. Сиз у билан дўстона муносабатларда бўлган кезларда у улуғ санъаткор эди. Кейин бу хотима топди. Нима сабабдан ораларингга нифоқ тушди? Бэзил жонингизга тегиб кетганмиди дейман-да? Агар шундоқ бўлган бўлса, Бэзил бунинг учун сизни кечирмаган бўлиши керак — ҳамма писмиқларнинг табиати шунақа бўлади. Айтганча, сизнинг ажойиб портретингизнинг қисмати қандай бўлди? Бэзил уни чизиб тугатгандан кейин, мен бу расми бир марта ҳам кўрмадим, шекилли... Ҳа, эсимга тушди — бир неча йил аввал менга сувратни Селбига жўнатганингизни айтган эдингиз. Ўшанда портрет йўлда йўқолиб қолиптими, ёки ўғирлаб кетишган эканми-ей... Шу кетганча кетдими расм?

Кейин топилмадими?

Чатоқ бўлипти-да! У ҳақиқий дурдона эди! Эсимда бор, мен уни жуда ҳам харид қилгим келган эди. Нега ўшанда олиб қўя қолмаган эканман-а! Бу сувратни Бэзил истеъдоди гуллаб-яшнаб турган кезларда ишлаган эди. Ундан кейин чизилган расмларининг кўпчилигида яхши нияти сезилиб турарди-ю, лекин уни яхшилаб амалга оширолган эмас. Бизда инглиз санъатининг намоёндалари деб аталадиган рассомларнинг кўпчилиги шунақа... Сиз сувратнинг йўқолгани ҳақида газеталарга эълон берганмидингиз? Эълон бериш керак эди.

— Ҳозир эсимда йўқ, — деб жавоб берди Дориан. — Эълон берган бўлсам керак. Ҳай майли, қўйинг, худо ёрлақасин сувратни. Сирасини айтганда, у менга ҳеч қачон маъқул бўлган эмас ва мен вақтимни кетказиб, суврат учун ўтирган вақтга ачинаман. Мен уни эслашни ёқтирмайман. Нима сабабдан бу гапни бош-аган эдик? Биласизми, Гарри, ҳар гал сувратга қараганда, ҳамиша аллақайси пьесадан икки мисра ёдимга тушади. “Ҳамлет”дан эди, шекилли... Шошманг, нима эди-я?...

Мисли ғусса тимсоли каби

Руҳсиз эди бу сўниқ чехра...

Ҳа, суврат менда худди шунақа таассурот қолдирарди.

Лорд Генри кулиб юборди.

— Ким ҳаётга рассом сифатида қараса унинг учун мияси руҳ ўрнини босмоғи мумкин, — деди у ўриндиққа ўтирар экан.

Дориан унинг гапини маъқулламай бош чайқади-да роялда бир неча пардани оҳиста босди.

— Мисли ғусса тимсоли каби

Руҳ эди бу сўниқ чеҳра... —

деб такрорлади у.

Лорд Генри ўриндиққа суянганича, чала юмуқ кўзлари билан унга қараб ўтирарди.

— Ҳолбуки, Дориан, — деди у бироз сукутдан кейин, — дунёни бошига урсинми инсон, бой бериб қўйса у... Нимаиди? ҳа, эсладим — бой бериб қўйса у бутун қалбини?...

Муסיқа бирдан узилди. Дориан сесканиб, дўстига тикилиб қолди.

— Нима учун менга бунақа савол беряпсиз, Гарри?

— Азизим,— деб лорд Генри ҳайрон бўлиб қошини чимирди, — савол бераётган бўлсам, боиси шуки, унга муносиб жавоб олмоқчи эдим, тамом. Якшанба куни мен Парк орқали юриб қолган эдим. Мармар Аркнинг олдида бир тўп қаланғи-қасанғилар турган эди. Бир нотик уларга ваъзхонлик қилиб турган экан. Мен уларнинг ёнидан ўтиб кетаётганимда, бояги ибора унинг оғзидан чиқди. Мен иборани эшитиб, унинг замиридаги драматизмга лол қолдим... Лондонда бунақа ғаройиб манзаралар тез-тез учраб туради... Тасаввур қилинг-а — якшанба куни. Ёмғир севалаб турипти. Макинтош кийган роҳибнинг аянчли сиймоси. Унинг теварагини ичкиликдан шишиб кетган башаралар ўраб олган. Уларнинг бошлари узра

соябонлар. Нотекис томга ўхшаган соябонлардан сув оқиб тушиб турипти — шундай шароитда кишини ларзага солувчи бояги ибора айтилди. Ҳавога ташланган бу ҳайқириқ тўғри юракларга санчилган аламли фарёддек жаранглади. Чиндан-да, бу ўзига хос тарзда мароқли ва ғоятда таъсирли эди. Мен бу ваъзхонга қалб, рух, жон деган нарса фақат санъатда бўлади, у инсонда бўлмайди, демоқчи бўлдим.

Бироқ у менинг гапимни тушунмайди деб қўрқдим.

— Бунақа деманг, Гарри! Одамда жон бор. Бу кишини даҳшатга туширар даражада реал нарса. Уни сотиб олиш, сотиш, алмаштириш мумкин. Уни заҳарлаш мумкин ёки асраб қолса ҳам бўлади. Бизнинг ҳар биттамининг жонимиз бор. Мен буни аниқ биламан.

— Сиз бунга аминмисиз, Дориан?

— Мутлақо аминман.

— Ундай бўлса, айтганингиз хом хаёлдан ўзга нарса эмас. Бир нарсага қаттиқ ишонсанг, айти шу нарса воқеликда мавжуд бўлмайди. Инсоннинг қисмати аслида шунақа. Муҳаббат ҳам бизга шундоқ деб сабоқ беради. Ё тавба, мунча қиёфангиз жиддий бўлмаса, Дориан? Қўйинг, пешонангиз тиришавермасин. Асримиз хурофотларига бизнинг нима дахлимиз бор? Йўқ, биз жоннинг мавжудлигига ортиқ ишонмаймиз. Чалинг, Дориан! Бирон ҳазин куйни аста чалинг-у, чалаётган вақтингизда ёшлигингизни қандай асраб қолганингизни менга гапириб беринг. Сиз, албатта, бунинг бирорта сирини билсангиз керак. Мен сиздан бор-йўғи ўн ёш каттаман, холос, лекин мана кўринг — нақадар адои тамом бўлганман, ҳамма ёғим ажин, сарғайиб кетганман. Сиз чинакамига мафтункорсиз, Дориан. Бугун эса ҳар қачонгидан ҳам ортиқ даражада! Сизга қараб туриб, икковимиз биринчи марта учрашган кун эсимга тушади. Сиз жуда тортинчоқ, айти чоқда, анча жасоратли ва умуман, жуда барно йигит эдингиз. Йиллар мобайнида сиз, албатта, ўзгардингиз, лекин чехрангиз сира ҳам ўзгаргани йўқ. Сизнинг сирингизни билиб олмоқни истар эдим. Ёшлигимни қайтармоқ учун бу дунёда нима имкон бўлса, ҳаммасига тайёрман, фақат

эрталаблар бадантарбия қилмасам, умуман, эрталаб вақтли турмасам, эзгу тарзда ҳаёт кечирмасам бас. Ёшлик! У билан тенглаша оладиган нима бор дунёда! “Тажрибасиз” ва “нодон” ёшлик тўғрисида гапириш нақадар бемаънилик, а? Мен ўзимдан анча ёш одамларнинг мулоҳазаларинигина чинакам ҳурмат-эътибор билан тинглайман. Ёшлар биздан ўзиб кетишди, ҳаёт уларга ўзининг энг янги мўъжизаларини намоён этмоқда. Кекса одамларга эса мен ҳамиша қарши чиқавераман. Мен ақидамга таяниб шундай қиламан. Кексалардан куни кеча бўлиб ўтган бирор воқеа тўғрисида фикр сўранг — улар сиполик билан сизга шунақа фикрларни уқтиришадикки, бу фикрлар бир минг саккиз юз йигирманчи йилда — ҳали эркаклар узун пайпоқ кийиб юрган, ҳали одамлар қулоқларига чалинган ҳар қанақа гапларга чиппа-чин ишонаверган, лекин ҳали ҳеч балони билмаган кезларда ҳукмрон бўлган... Жуда ҳам сўлим куй чалаяпсиз-а? Ҳайрон қоладиган даражада романтик экан. Бу куйни Шопен Майорка оролида ёзганми деб ўйласа бўлади. У яшаган қасрнинг этагида денгиз тўлғаниб нолалар қилиб турган, шўр тўлқинлар қатралари эса деразадан уйга учиб кириб турган. Не бахтки, бизда битта тақлидчиликдан холи санъат бор! Чалинг, чалаверинг, Дориан, бугун мен мусиқа тинглагим келяпти... Мен хаёлотим тизгинларини қўйиб юбораман, сиз навқирон Аполлон бўласиз, мен эса тегрангизда гирдикапалак бўлаётган Марсий бўламан... Менинг ўз ташвишларим, ўз ғамларим бор, Дориан. Улар тўғрисида ҳатто сизга ҳам оғиз очган эмасман. Кексалик фожиаси одамнинг кексайишидан эмас, балки унинг қалбан ёш қолишидадир... Туриб-туриб баъзан ўзимнинг самимиятимга ўзим қойил қоламан. О, Дориан, нақадар бахтли одамсиз-а! Сизнинг ҳаётингиз нақадар гўзал! Сиз ҳамма нарсани тотиб кўрдингиз, ҳамма нарсадан баҳраманд бўддингиз, узум донасини оғзингизда эзиб, унинг шарбатини ҳузур қилиб симирдингиз. Ҳаёт сиздан ҳеч нарсасини дариғ тутмади. Ва сиз ҳаётнинг ҳамма неъматларини мусиқадай қабул қилдингиз, ҳаёт сизни бузмади. Сиз ҳамон ўша-ўшасиз!

— Йўқ, Гарри, мен энди ўша Дориан эмасман.

— Мен эса такрор айтаманки, ўшасиз. Қизиқ, сизнинг бундан

кейинги ҳаётингиз қандай кечаркин? Фақат, ўзингизни ҳамма нарсадан маҳрум этиб, ҳаётингизни расво қилиб юрманг. Ҳозир сиз — комил инсонсиз. Хушёр бўлинг, чала одамга айланиб қолманг. Ҳозир сиздан таъна қиладиган жойи йўқ. Бошингизни чайқаманг, шунақа эканини ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз. Бундан ташқари, ўзингизни ўзингиз аддаманг, Дориан — ҳаётни сизнинг иродангиз ва интилишларингиз бошқармайди. Бизнинг ҳаётимиз асаб толаларимизга, организмимизнинг ўзига хосликларига, аста-секин ўсиб боровчи хужайраларимизга боғлиқ. Шу хужайралар қаърида фикрларимиз ётади, уларнинг бағрида орзуларимиз ва эҳтиросларимиз туғилади. Фараз қилайликки, сиз ўзингизни қудратли одам деб ҳаёл қиласиз ва менга ҳеч нарса таҳдид солмайди деб ўйлайсиз. Ҳолбуки, ҳаётимиз оқими турган-битгани майда-чуйдаларга боғлиқ. Масалан, хонадаги буюмларнинг тасодифий ёритилиши, тонгги осмоннинг ранги, бир вақтлар яхши кўрган хушбўй ҳидингиз ва у туғдирган ғира-шира хотиралар, эсингиздан чиқиб кетган, ҳозир китобда сизга тасодифан яна учраб қолган шеърдаги бир мисра, кўпдан бери чалмаганингиз бир куйдаги оҳанг ва яна бошқа кўпгина майда-чуйдалар турмушимиз оқимини белгилайди, Дориан! Броунинг ҳам аллақерда бу тўғрида ёзган. Бизнинг туйғуларимиз ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Масалан, мен бирор жойда “оқ настарин” атрининг ҳидларини туяр эканман, ҳаётимдаги энг ғаройиб онлардан бирини яна қайтадан бошдан кечираётгандай бўламан. Кошки эди мен сиз билан ўрин алмаша олсам, Дориан! Одамлар икковимизни ҳам қоралашган, лекин сизни, ҳар

қалай, бошларига кўтаришган. Ҳамиша бошларига кўтаришади ҳам. Сиз — бизнинг асримиз излаб юрган одамсиз. Излайди-ю, лекин топиб олишдан кўрқади. Мен шундай мамнунманки, сиз ҳеч қандай ҳайкал яратмадингиз, бирон суврат чизмадингиз, умуман, ўзингиздан ташқарида ҳеч нарса барпо этмадингиз. Сизнинг санъатингиз — ҳаётингиз бўлди. Сиз ўзингизни мусиқага солдингиз. Сиз яшаб ўтган кунлар — сизнинг сонетларингиздир.

Дориан рояль ортидан туриб, кўли билан сочларини силади.

— Ҳа, менинг ҳаётим ажойиб кечди, лекин мен ортиқ бундай яшолмайман, — деди у паст овозда. — Мен бунақа бемаъни, пойинтар-сойинтар гапларни эшитишни ортиқ истамайман ҳам, Гарри! Сиз менинг тўғримдаги ҳамма нарсадан хабардор эмассиз. Агар хабардор бўлганингизда, ҳатто сиз ҳам мендан юз ўгирган бўлармидингиз? Куляпсиз-а! О-о, кулманг, Гарри!

— Нега чалишдан тўхтадингиз, Дориан? Ўтиринг. Менга бу куйни яна бир марта чалиб беринг. Буни қаранг, ғира-шира оқшом осмонида асалга ўхшаган сапсариқ, каттакон ой сузиб юрипти! Бу ой мусиқангиз билан уни мафтун қилишингизни кутмоқда. Кейин у мусиқа оҳанглари остида ерга яқинроқ келади... Чалгингиз келаяптими? Ундай бўлса, юринг, клубга борайлик. Бугун биз оқшомни жуда яхши ўтказдик. Энди уни яхшилаб тугатиб қўйиш ҳам керак. Клубга бир йигит келади — у сиз билан танишиш орзусида юрипти. У — Борнмаутнинг катта ўғли лорд Пул. У ҳозирданоқ сизнинг бўйинбоғларингизга ўхшаган бўйинбоғ тақяпти. Сиз билан таништириб қўйишимни кўп марта илтимос қиляпти. Жуда ҳам дилбар йигит. Худци сизнинг ўзингизни эслатади.

— Қўйинг, эслатмай қўя қолсин, — деди Дориан ва унинг кўзлари жуда ғамгин бўлиб қолди. — Мен чарчадим, Гарри. Клубга бормайман. Ҳадемай ўн бир бўлади, мен бугун вақтлироқ ётсам дегандим.

— Шошманг, кетмай тулинг, Дориан. Сиз бугун жуда ҳам зўр чалдингиз. Ҳеч қачон бунчалик маҳорат билан чалмаган эдингиз. Бугунги чалганингиз жуда ҳам бошқача чиқди-да!

— Бунинг сабаби шундаки, мен тузалиш йўлига киришга аҳд қилдим, — деди Дориан жилмайиб. — Аллақачон сал-пал бўлса-да тузалдим ҳам, шекилли.

— Фақат менга муносабатингизни ўзгартирманг, Дориан! Биз сиз билан ҳамиша дўст бўлиб қоламиз.

— Ҳолбуки, сиз бир марта мени китоб билан заҳарлаб қўйган эдингиз, Гарри. Мен буни ҳеч қачон кечирмайман. Бу китобни бошқа ҳеч кимга бермасликка ваъда беринг. Бу — зарарли

китоб.

— Азизим, сиз чиндан ҳам насиҳатгўй бўлиб боряпсиз-ку! Ҳадемай имонини ўзгартирган ҳар қандай одамга ўхшаб, кўчама-кўча юриб, одамларни ўзингиздан қолган гуноҳларни қилмасликка даъват қила бошламасангиз гўрга эди. Йўқ, сиз бу вазифага ярамайсиз. Сиздай одам маддоҳлик қилиб ўтирса ярашмайди. Бунақа даъваткорликнинг фойдаси ҳам йўқ. Биз қандай бўлган бўлсак, шундайлигимизча қоламиз. Лекин мен сизни китоб билан “заҳарлаган” бўлишим мумкин эмас. Бунақаси бўлмайди. Санъат инсон фаолиятига таъсир кўрсатмайди, аксинча, у ҳаракат иштиёқини йўққа чиқаради. Улар мутлақо бетарафдирлар. “Ахлоқсиз” деб аталмиш китоблар жаҳонга унинг иллатларини кўрсатиб беради, холос. Келинг, кўйинг, ҳозир адабиёт тўғрисида баҳс бошлаб ўтирмайлик. Яхшиси эртага меникига келинг, Дориан. Соат ўн бирда отда сайр қиламан. Истасангиз бирга сайр қилишимиз мумкин. Кейин сизни леди Бренксамникига нонуштага олиб бораман. Бу дилбар аёл гобелен сотиб олмоқчи. Шу масалада сиз билан маслаҳатлашмоқчи. Келишдикми? Бўпти, бўлмаса, эртага кутаман... Йўқ десангиз, май-

ли, нонуштани кичкина герцогиняникида қила қолайлик? Герцогиня сиздан нолияпти — уникига бутунлай бормай кўйипсиз. Ё Глэдис жонингизга тегиб кетдими? Мен шундай бўлишини аввалдан билган эдим. Унинг зукколиги асабга тегади. Ҳар ҳодда, нима бўлганда қам соат ўн бирга боринг.

— Сиз, албатта, боришимни хоҳлайсизми, Гарри?

— Албатта-да! Парк ҳозир шунақа яхши бўлганки, қўяверасиз. Настарин шунақа гуллаптики... Сизни биринчи марта учратган йилимда шунақа гуллаган эди.

— Яхши, бораман. Хайрли кеч, Гарри!

Эшикнинг олдида бориб Дориан яна бир нарса демоқчи бўлгандай тўхтаб қолди. Лекин кеч нима демади, чуқур хўрсинди-ю хонадан чиқди.

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

Жуда сўлим оқшом эди. Шундай илиқки, Дориан пальтосини киймай қўлига ташлаб олди. У ҳатто ипак шарфи билан бўйнини ўрамади ҳам. У папиросини саситиб кўчадан кетиб борар экан, фрак кийган иккита ёш йигит ундан ўзиб ўтиб кетишди. Дориан, улардан бири иккинчисига шивирлаб, “Қара, Дориан Грей-ку!” деганини эшитиб қолди. Шунда Дориан эслаб кетди — авваллари одамлар бир-бирларига уни кўрсатиб, имо-ишоралар қилишса, ундан кўзларини ололмай термулишса, унинг тўғрисида гапиришса, бундан у ғоятда роҳатланарди. Энди-чи? Доимо ўзининг исмини эшитавериш жонига тегиб кетди. Кейинги пайтларда у тез-тез қишлоққа бориб, анча-анча туриб қоладиган бўлиб қолганди. Қишлоқдаги ҳаётнинг энг гўзал жойи шундаки, уни қишлоқда ҳеч ким танимайди. Уни яхши

кўриб қолган қизга Дориан “мен камбағалман” деди ва қиз бунга чиппа-чин ишонди. Бир гал қизга, ўтмишда бузуқлик билан умр кечирганман деди. Қиз бўлса кулиб юборди-да, бузуқ одамлар ҳамиша қари ва бадбашара бўлишади деб, эътироз билдирди. У қизнинг кулгиси нақадар тиниқ ва жарангдор эди — нақ майнанинг сайрашига ўхшарди-я! Гулдор чит кўйлаги билан гардиши кенг қалпоқчаси нақадар ўзига ярашиб тушган эди. У — оддий, нодон қишлоқи қиз Дориан йўқотган нарсаларнинг ҳаммасига эга.

Уйга келиб Дориан унинг келишини ухламай кутиб ўтирган мулозимини ётгани киргизиб юборди. Кейин кутубхонага кириб, диванга чўзилди. Дориан бугун лорд Генри айтган гапларни ўйлай кетди. Нақотки, одам бутун борлиғи билан ўзгаришни истаси-ю, ўзгаролмаса? Шу ростми? Шу дақиқаларда Дориан ҳеч нарса билан булғанмаган покиза ёшлигини соғиниб ўртаниб кетди. Бир вақтлар унинг навқиронлигини лорд Генри “оқ-пушти ёшлик” деб атаган эди. У ёшлигини ўзи булғанини, қалбини ўзи расво қилганини, хаёлотининг разолат осмонига парвоз қилишга ўзи эрк бериб қўйганини, унинг таъсири бошқалар учун ҳалокатли бўлганини ва бундан бағритошлик

билан лаззатланганини англади. Унинг қаёти билан тўқнаш келган ҳамма ҳаётлар ичида Дорианнинг қаёти энг покизаси эди. Келгусида унга катта умидлар билан қараса бўларди. Бу ҳаётга унинг ўзи доғ туширди. Нақотки, буларнинг ҳеч қайсисини тузатиб бўлмаса? Нақотки, унинг нажот йўли буткул кесилган бўлса?

О, нима учун у мутакаббирлиги жўшиб, норозилиги гуриллаб турган ўша машъум дақиқада самоларга тавалло қилиб, умр йўлининг ҳамма юкини суврат кўтарсин-у, ўзи эса мангу ёшликнинг жамики нурли жозибасини оқизмай-томизмай сақлаб қолсин деб илтимос қилди? Бир лаҳза у ўзининг бутун умрини нобуд қидди. Аксинча, унинг ҳар бир кирдикори ўз вақтида жазога мустаҳиқ бўлганида қандай яхши бўларди. Жазода покланиш бор. “Гуноҳларимизни ўзинг кечир” эмас, балки “йўл қўйган ҳақсизликларимиз, жамики қонунга хилоф ишларимиз

учун бизни жазога мустаҳиқ қил!” — адолатпарвар Парвардигорга инсоннинг таваллоси ана шундай бўлмоғи керак.

Стол устида кўзгу турипти. Уни Дорианга кўп йиллар муқаддам лорд Генри совға қилган эди. Унинг рамкаси зўр маҳорат билан нақшинкор қилиб ишланган. Бу нақшлар аро қамон оқбилак муҳаббат фаришталари учиб юрипти. Дориан кўзгуни қўлига одди. Машъум сувратда ўзгаришлар содир бўлганини биринчи марта пайқаб қолганидаги мудҳиш тунда ҳам у кўзгуни ана шундай қўлга олганди. Кўзгуни олиб, унинг ярқироқ сатҳига кўз ёшларидан хира тортган аланг-жаланг нигоқини тикди. Бир вақтлар Дорианни жон-дилидан яхши кўриб қолган бир кимса унга мактуб йўллаган эди. Мактуб қуйидаги сўзлар билан тугалланар эди:

“Дунё ўзгача бўлиб қолди, негаки унга сиз, яъни фил суяги-ю олтиндан бино қилинган бир инсон келди. Дудоқларингизнинг шакли-шамойилида яна қайтадан жаҳон тарихи ўз ифодасини топган”. Ҳозир унга санамдай сиғиниб айтилган шу сўзлар Дорианнинг эсига тушди ва уларни ичида қайта-қайта такрорлай бошлади. Бироқ бир дақиқа ўтиб-ўтмай, унинг ҳусну-жамоли ўзига жуда хунук кўриниб кетди ва у кўзгуни ерга отиб урди-да, оёғи билан тепкилаб, парча-парча кумуш синиқларга ажратиб ташлади. Ана шу ҳусну жамоли уни нобуд қилди, ана шу ўзи тилаб олган чирой билан мангу навқиронлик уни ҳалок этди. Агар шулар бўлмаганида унинг қаёти покиза бўларди. Ҳусни бор-йўғи бир ниқоб бўлиб чиқди, мангу навқиронлик эса таҳқирдан ўзга нарса эмас эди. Жуда нари борганда, ёшликни нима деб таърифласа бўлади? Балоғатга етмаганлик, ғўрлик, анойилик даври, юзаки таассуротлар ва носоғлом ниятлар фурсати! Нега Дориан унинг либосини кийиб юрди? Ҳа, уни навқиронлик ҳалок қилди. Яхшиси, ўтмиш ҳақида ўйламаслик керак. Ахир, эндиликда ҳеч нарсани ўзгартира олмайсан! Келажак ҳақида ўйламоқ керак. Жеймс Вэйн Селбидаги қабристовда исмсиз бир гўр ичида ётипти. Алан Кемпбел кечаси лабораторияда ўзини-ўзи отиб қўйди. У, ихтиёрига хилоф ўлароқ, Дорианнинг сирини билиб қолган эди, лекин бу сирни ошкор қилмай кетди. Бэзил Холлуорднинг ғойиб бўлиши

хақидаги миш-мишлар босилади, бесаранжомликлар тўхтайди — улар ҳозирнинг ўзида анча пасайиб қолди. Демак, бундан буён унга қеч қанақа хавф таҳдид солмайди. Аммо Дорианни қийнаб, эзаётган нарса буткул Бэзил Холлурднинг ўлими эмас эди. Балки унинг ўз қалбининг нобуд бўлгани, тирик жисмидаги ўлик жони уни исканжага олмоқда эди. Бэзил унинг сувратини чизди, бу суврат Дорианнинг ҳаётини расво қилди. Дориан бунинг учун Бэзилнинг гуноҳидан ўта олмади. Ахир ҳамма воқеаларнинг асосий айбдори суврат-ку! Бундан ташқари, Бэзил унга чидаб бўлмайдиган оғир гаплар гапирди — Дориан эса чидади... Қотиллик-чи? Қотиллик қилганида унинг ақли жойида эмас эди, эс-хушини йўқотиб қўйганди. Алан Кэмпбелчи? Алан ўз-ўзини ўлдирган бўлса, нима бўлипти? Бу унинг шахсий иши, унинг ихтиёри шундай бўлган. Шундоқ бўлгач, бу ишга Дорианнинг нима дахли бор?

Янги ҳаёт! Дориан бутун ҳаётини бошидан бошлашни истайди, у шунга интилмоқда. Ва ўзини ишонтириб ҳам қўйди — унинг янги ҳаёти бошланди. Ҳар ҳолда, у бокира қизни аяб, унга раҳм қилди. У энди ҳалол, покиза ҳаёт кечиради.

Гетти Мертонни эслаганда кўнглига бир фикр келди: ҳойнаҳой, қулфлоғлиқ уйда турган сувратда ҳам бирор ўзгариш рўй бергандир. Ҳа, ҳа, албатта, энди у аввалгидай мудҳиш ва қўрқинчли эмас. Агар унинг, яъни Дорианнинг ҳаёти покиза йўлдан кетса, ажаб эмаски, сувратнинг юзидаги иллатлар ва эқтиросларнинг излари ўчиб кетар. Борди-ю бу излар ҳозирнинг ўзида ўчиб бўлса-чи?

Тепага чиқиб бир кўриб қўйиш керак.

У стол устидан лампани олди-да, аста юқорига йўл олди. Калитни бураб, эшикни очаётганида унинг кишини лол қолдирадиган даражадаги ёш чехрасида қувонч табассуми пайдо бўлди ва унинг лабларида ўрнашиб қолди. Ҳа, энди у бошқа одам бўлади ва ҳозир одамларга кўрсатишга ор қилиб юрган разил суврат уни ортиқ кўрқув чангалида тутмайди. У ниҳоят елкасидан тоғ ағдарилганини ҳис қилди.

У аста-аста қадам ташлаб ичкарига кирди, ҳар доимгидек

орқасидан эшикни ёпиб қулфлади ва портрет устидаги қизил пардани олди. Унинг ичидан ғазаб ва оғриқ фарёди отилиб чиқди. Ҳеч қандай ўзгариш йўқ. Фақат энди кўз қарашларида алланечук муғомбирлик бор эди, лабларини ҳам риёкорона истехзо буриштириб турарди. Сувратдаги одам ҳали ҳам жуда жирканч, аввалгидан ҳам жирканчлироқ, қўлидаги қизил нам эса янада ярқираб кўринар, яқинда тўкилган қонга ўхшарди. Дорианни титроқ тутди. Демак, умридаги битта-ю битта эзгу ишни қилишга уни қуруқ шуҳратпарастлик даъват этган экан-да?...

Ёки лорд Генри кесатиқли кулги билан писанда қилган янги туйғуларга иштиёқмандлик ундадимикин? Ёки одамларнинг кўзига яхшироқ кўриниш истагимикин? Бу баъзан одамни ўзимиздан кўра олижаноброқ ишларни қилишга ундайди. Ёки бу омилларнинг ҳаммаси биргаликда шундай қилишга ундайдимикин?

Нима учун қонли доғ каттароқ бўлиб қолипти? У ажиндор бармоқларининг устига ёйилипти, қандайдир даҳшатли яра янглиғ бутун қўлни қоплаб олипти... Сувратдаги одамнинг оёғи ҳам қон эди — панжаларидан томиб тушмаганмикин? Унинг иккинчи қўли — Бэзилни ўлдирган пичоқни тутмаган қўли ҳам қон эди. Нима қилмоқ керак? Бундан чиқадики, Дориан бориб қотиллигини тан олмоғи керак. Тан олмоғи керак? Ўзини полициянинг қўлига топшириб, ўлимни бўйнига олмоғи керакми?

Дориан кулиб юборди. Шунақа ҳам бемаъни гап бўладими? Мабодо, у бориб, қотиллигини тан олган тақдирда ҳам биронта одам унга ишонармиди? Ҳеч қаерда ҳеч қанақа из қолгани йўқ, мақтулнинг ҳамма буюми маҳв этилган. Унинг ўзи, яъни Дориан пастда кутубхонада қолган нарсаларнинг ҳаммасини ўз қўли билан ёқиб юборган. Одамлар уни жинни бўлиб қолипти деб ҳисоблашади. Агар у ўжарлик билан ўзини айблашда давом этаверса, уни олиб бориб жиннихонага тиқиб қўйишади... Бироқ бурчи шуни буюряпти — тан олиш керак, ҳамманинг олдида тавба-тазарру қилиш лозим, одамларнинг жазосига мустаҳиқ бўлмоқ зарур, кўпчилик олдида шармандаликни бўйинга олмоқ даркор. Худо барҳақ ва у одамдан само олдида ҳам, замин олдида ҳам қилган гуноҳларига тавба-тазарру қилишни талаб қилади. Уни — Дорианни ўзи жиноятнини эътироф этмагунча ҳеч нарса поклай олмайди. Жиноятини? У елкасини қисди. Бэзил Холлуорднинг ўлими унинг назарида ҳарқандай аҳамиятини йўқотиб бўлган эди. У Гетги Мертон ҳақида ўйламоқда. Йўқ, бу суврат, қалбининг бўй кўзгуси алдаяпти. Ўз-ўзига маҳлиёлик. Қизиқувчанлик. Мунофиқлик. Наҳотки, унинг ўзлигидан кечишида, фидокорлигида ана шу туйғулардан бошқа ҳеч нарса бўлмаган бўлса? Ёлғон, алланечук катта нарса бор эди. Жилла бўлмаса, унга шундай туюлган эди... Яна ким билади, дейсиз?

Йўқ, бошқа ҳеч вақо йўқ эди. У Геттини аяган бўлса, буни фақат шуҳратпарастлигвиан қилган. Мунофиқлиги шу даражага етганки, юзига олижаноблик ниқобини кийиб олган. Қизиқувчанлиги вазидан фидокорона бир иш қилмоқчи бўлган. Ҳозир у буни аниқ-равшан тушуниб турипти. Хўш, бу қотиллик-

чи? Нима бало, энди бу қотиллик уни бутун умри давомида таъқиб этиб юрадими? Наҳотки, ўтмиш умрининг охиригача унга тинчлик бермай, боши устида қора булутдек муаллақ турса? Балки, чиндан-да иқроор бўлмоғи керакдир... Йўқ, йўқ, зинҳор-базинҳор! Унга қарши фақат битта-ю битта, ягона далил бор. У ҳам бўлса суврат. Лекин бу жуда заиф далил. Заиф бўлса ҳамки,

уни йўхотиш керак. Ўзи, нима учун уни шу пайтгача асраб келаяпти? Авваллари портретнинг ўрнига қараб, бадбашара бўлиб бораётганини томоша қилиш унга ёқар эди. Сўнгги пайтларда эса Дориан бу лаззатдан ҳам маҳрум бўлди. Портрет тунлари унга хотиржам ухлашга йўл қўймапти. Лондондан жўнаб кетар экан, Дориан ҳамма вақт хавотир ичида — йўғимда бирор бегона кўз сирини фош қилиб қўймасин деб юраги такапука бўлиб юради. Портрет ҳақидаги ўй унинг шоду-хуррамлик чоғларидан қанчасини заҳарлади-ю! Ҳатто унинг эҳтирослари ҳам кўп ҳолларда хафаҳоллик билан алмашди. Бу портрет қай бир даражада унинг виждони. Ҳа, виждони. Шунинг учун ҳам маҳв этмоқ керак.

Дориан теварак-атрофга қараб, пичоқни кўрди. Бу ўша — Бэзил Холлуордга санчилган пичоқ эди. Дориан бу пичоқни неча марталаб тозалаган, унда ҳеч қанақа доғ-поғ қолмаган, ялт-ялт қилади. Бу пичоқ рассомни ўлдирган, қани энди ҳозир унинг асарини ҳам, шу асар билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани ҳам ўлдирса... У ўтмишни ўлдиради, ўтмиш ўлгандан кейин эса Дориан Грей озодпикка чиқади. У портретдаги қалбининг ғайритабиий ҳаётига хотима қўяди ва бу муҳим башоратлар-у, огоҳ қилишлар тўхтаганидан кейин у яна янгидан хотиржам бўлиб қолади.

Дориан пичоқни чангаллаб олиб, сувратга санчди.

Қаттиқ бақирган товуш ва бир оғир нарсанинг гумбирлаб йиқилгани эшитилди. Жонҳолатда чиққан бу фарёд шу қадар мудҳиш эдики, уйғониб кетган хизматчилар кўрққанларидан ўз хоналаридан югуриб чиқишди. Майдондан ўтиб кетаётган иккита жентельмен эса тўхтаб, овоз келган катта уйнинг юқори

қаватдаги деразаларига қарашди. Кейин полициячини излаб кетишди, уни топиб, уйга бошлаб келишди. Полициячи бир неча марта эшикнинг қўнғироғини чалди, лекин қўнғироқ овозига ҳеч ким чиқмади. Бутун уй зулматга чўмган эди, фақат юқоридаги битта деразадагина ёруғлик кўринар эди. Полициячи бироз кутди-да, кейин охирги эшик олдидаги зинапояда туриб, уйни кузата бошлади.

— Бу кимнинг уйи, констебль? — деб сўради иккита жентельменнинг ёши улуғроғи.

— Мистер Дориан Грейнинг уйи, сэр, — деб жавоб берди полициячи.

Жентельменлар бир-бирларига қараб ижирғаниб тиржайишди-да, йўлларига равона бўлишди. Улардан бири Генри Эштоннинг амакиси эди.

Уйда эса хизматкорлар яшайдиган томонда чала-чулпа кийинган одамлар хавотир ичида шивир-шивир қилишарди. Кекса миссис Лиф қўлларини бир-бирига қовуштириб йиғларди. Фрэнсис мурдадек ранги оқариб кетган.

Ўн беш дақиқача пойлаб тургандан кейин у кучер билан хизматкорлардан яна бирини чақирдида, уччовлари оёқ учида юқорига кўтарила бошладилар. Эшикни тақиллатишди, лекин ҳеч ким жавоб бермади. Улар Дорианни отини айтиб, қаттиқроқ чақира бошлашди. Бироқ юқорида жимжитлик қукм сураар эди. Ниҳоят, улар эшикни синдирмоқчи бўлиб роса уринганларидан сўнг, томга чиқишиб, у ердан балконга тушишди. Деразалар осон очилди — уларнинг зулфинлари ишдан чиқиб қолганди.

Хонага кириб, улар ўз хўжайинларининг ажойиб сувратларини кўришди.

Сувратда Дориан Грейнинг қиёфасида жамики яшнаган навқиронлиги барқ уриб турарди. Полда эса кўкрагига пичоқ санчилган ҳолда фрак кийган одам ётарди.

Унинг башараси ажин босган, сўниқ, бадбашара ва жирканч эди. Фақат қўлидаги узукларга қарабгина хизматкорлар унинг

кимлигини танишди.

Қайдлар

1. Упа-элик (Франц.).
2. Зукколик (Франц.).

3. Буюк эҳтирос (*Франц.*).
4. Боболар ҳамиша ноҳақ (*Франц.*).
5. Микеланжело Буонаротти — (1475-1564) — буюк итальян рассоми, ҳайкалтарош, муҳандис. Меъмор ва шоир.
6. Монтень (1533-1592) — француз ёзувчиси.
7. Иогани Винкельман (1717-1768) — машҳур санъатшунос, антик санъат тадқиқотчиси, "эстетика" атамасининг муаллифи.
8. "Руҳонийларга пандлар" (*лот.*)
9. Хоним, мен беад бахтиёрман. (*Франц.*)
10. Ҳаддан зиёд иштиёқ (*Франц.*)
11. Ҳаддан зиёд дадиллик (*Франц.*)
12. Аср тугаяпти (*франц.*).
13. Дунё тугаяпти (*франц.*).
14. Герцог тожида қулупнай барглари шаклидаги безак.
15. Пердита ва Флоризель — Шекспирнинг "Қиш эртаги" драмасининг қаҳрамонлари.
16. Веласкез — XVI асрда яшаган машҳур испан рассоми.